

М.Х.РУСТАМВОЕВ, У.А.ТУХТАШЕВА

**СУД ВА ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ
ОРГАНЛАР**

Биринчи жилд

М.Х. РУСТАМБОЕВ, У.А. ТУХТАШЕВА

СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

Дарслик

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан 5240100 — юриспруденция йўналиши
бўйича бакалавриат талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

Икки жилдли

1

Икки жилли ушбу дарслик «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фаһи бўйича ўқув дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва замонавий адабиёт таҳлили асосида тайёрланган. Дарсликнинг 1-жилдида «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фаһининг предмети, асосий тушунчалари ва тизими; Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятиниинг ташкил этилиши; одил судлов тушунчаси ва принциплари; Ўзбекистон Республикаси суд тизими; судьяларнинг мақоми масалалари очиб берилган.

Дарслик юридик олий ўқув юртлари ва факультетлари талабалари, аспирантлар, илмий ходимлар ва ўқитувчилар, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: **Б.Ҳ. ПЎЛАТОВ** — юридик фанлар доктори, профессор; **З.Ф. ИНОҒОМЖОНОВА** — юридик фанлар доктори, профессор.



КИРИШ

Юридик олий ўқув юртида ўқитиладиган «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фани судларда, ички ишлар ва прокуратура органларида, адвокатурада ва бошқаларда ишлаш учун юқори малакали мутахассиснинг касбий тайёргарлик пойдевори-ни барпо этувчи махсус фанлардан ҳисобланади. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақидаги билимларга эга бўлиш ҳуқуқий фанларни англаган ҳолда ва чуқур ўзлаштириш мақсади-да талаба учун ҳам, кейинчалик касбий фаолиятда фойдаланиш мақсадида бўлажак юрист учун ҳам зарурдир.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ўқув фанининг мақсади талабаларда суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақида аниқ тасаввур шакллантиришдан иборат. Асосий ўйтибор судларга қаратилади, чунки мазкур органларга уларни ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида номланишга имкон берадиган ваколатлар мажмуи тақдим этилган. Суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, унинг асосий йўналишлари, конституциявий назорат, одил судлов ва уни амалга оширувчи органлар, судларнинг ички ташкил этилиши ва ваколатлари, прокурор назорати ва прокуратура, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш, адвокатура ва юридик ёрдам кўрсатишнинг бошқа шакллари ҳақида энг асосий билимлар ўқув фанининг асосий мазму-нини ташкил этади.

Мантиқий фикрлаш малакаларни шакллантириш, ўқув кур-сининг асосий назарий қоидаларини мустаҳкамлаш, талабаларда қонунчиликни қўллаш бўйича амалий малакаларни шаклланти-риш мазкур фаннинг вазифалари ҳисобланади. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг ўрганиш предмети турли муаммоларни, жумладан, суд ҳокимиятининг ташкил этилиши, хусусан, умумий юрисдикция судларининг, яъни фуқаролик иш-лари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят иш-лари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ишини ташкил этиш ва ушбу судларнинг ваколатлари, прокуратура органларининг, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолияти, шунингдек, юридик ёрдам кўрсатиш-ни ташкил этиш муаммоларини ўрганишдир.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанини ўзлаштириш қўйидагиларга йўналтирилган:

- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилишига оид асосий тушунчалар; судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларининг ўзига хос хусусиятлари; одил судлов ва унинг демократик асослари; Адлия вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари; прокурор назоратининг тушунчаси ва мазмуни; суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятининг ташкил этилиши; адвокатлик фаолиятининг тушунчаси ва белгилари; хорижий мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида билимларни шакллантириш;

- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, уларнинг асосий йўналишларини ва фаолият принципларини ўзлаштириш.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанини ўрганиш борасида умумий таълим («Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Маъмурий ҳуқуқ», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» ва бошқ.) ва махсус («Жиноят-ижроия ҳуқуқи», «Инсон ҳуқуқлари», «Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи» ва бошқ.) фанлари бўйича билимларга эга бўлиш шарт.

Ўзининг мазмуни бўйича «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ўқув курси бошқа ўқув фанлар ўртасида ахборот жиҳатидан энг мазмундор ва тўлиқдир. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг мураккаб тузилиши ва турли хил вазифаларининг ҳуқуқий жиҳатларини ўзлаштириш курсининг асосий тушунчаларини, ҳуқуқни муҳофаза қилишда иштирок этадиган давлат ва нодавлат тузилмаларнинг мақомини тўлиқ аниқлаштиришни, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билишни тақозо қилади, шундай қилиб, талабалар кўп ҳужжатларни, турли ўқув адабиётларни ўрганишлари шарт. Шунинг учун ўқитувчилар ва ўқув адабиётининг муаллифлари олдида материални максимал оқилона ва талабалар ўзлаштириши учун услубий жиҳатдан содалаштирилган ҳолда етказиш вазифаси турибди.

Амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислоҳоти доирасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ташкил этилиши, ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган асосларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар узлуксиз қабул қилинаётганлиги ҳамда янгиланаётганлиги ўқув курсини ўрганишда муайян қийинчиликларни вужудга келтиради.

Дарслик муаллифлари қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиш вазифасига жавоб берадиган ва қонунчиликда охириги ўзгартиришларининг таҳтилига асос-

ланган ўқув материални тайёрлашга ҳаракат қилишди. Материалнинг тушунилишини осонлаштириш мақсадида, курснинг турли масалаларини муҳокама қилишда илмий музокаралар мақсадга мувофиқ бўлган минимумгача қисқартирилган. Ўқув материалнинг талабалар томонидан яхшироқ ўзлаштирилиши учун дарсликнинг ҳар бир бобида асосий ўқув мақсадлари, мавзу бўйича хулосалар акс эттирилган. Мустақил иш учун келтирилган назорат саволлари ва топшириқлар талабаларда танқидий фикрлашни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини таҳлил қилиш малакаларни шакллантиришга йўналтирилган.

Бундан ташқари, дарсликда ўқув материални ўзлаштиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беришга йўналтирилган ўз-ўзини назорат қилиш учун тест топшириқлари берилган.

Муаллифлар фойдаланган норматив-ҳуқуқий материаллар 2011 йил 1 сентябр ҳолатига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилган охириги ўзгартиришларни ҳисобга олади.



I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб. «СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР» ФАНИНИИГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

Ўқув мақсадлари

Материалнинг ўзлаштирилиши жараёнида талабалар «судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти», «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» каби тушунчаларнинг мазмуни нимадан иборатлигини, мазкур тушунчаларнинг ўзаро алоқаси ва фарқларини аниқ англаб етишлари шарт. Бунинг учун кўриб чиқиладиган тушунчаларнинг ҳар бирини қайси муҳим белгилар таърифлаётганлигини билиш лозим. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий вазифаларини юзага келтирувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мақсадларига эътибор қаратиш керак.

1.1. Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуйидаги асосий қоидаларни мустақкамлайди:

- Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади;

- давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

• Ўзбекистон Ресубликаси ўз худудида ҳам, унинг ташқари-сида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Умуман олганда таъкидлаб ўтиш керакки, давлатнинг тинч, ижодкор ҳаётни таъминлашга йўналтирилган Конституциянинг ушбу ва бошқа қоидалари давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг асосий вазифаларидан биридир. Албатта, фаолият турига қараб, давлат органлари бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Давлат органлари иқтисодиётнинг ишлаб туришини таъминлаш, ташқи сиёсатни амалга ошириш, фан, таълим, маданиятнинг ривожланишига шарт-шароитлар яратиш, муҳофаа салоҳиятини сақлаш ва ҳ.к.лар билан боғлиқ турли муаммоларни ҳал қилади. Барча давлат органлари, ўзининг асосий вазифаларини амалга ошириш борасида, бундан ташқари, ҳуқуқ-тартиботни ва қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат-нодавлат ташкилотларининг, меҳнат жамоаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноятлар ва бошқа қонунбузарликлар билан кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифалар ҳамда ваколатларининг катта ҳажмини бажаришади.

Бироқ, юқорида кўрсатилган вазифаларнинг амалга оширилиши демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг гарови бўлганлигини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳал қилиниши судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш орқали ҳам таъминланади. Мазкур ҳолатга Ўзбекистон Ресубликаси Президенти И.А. Каримов ҳам эътиборни қаратади, унинг сўзларига кўра, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш **суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг** фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак¹.

Бироқ, «судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти» тушунчаси нимани билдиради?

Ушбу тушунча билан жисмоний, юридик шахсларнинг ва умуман давлатнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириладиган давлат фаолиятини, шунингдек, махсус ваколатли органлар томонидан қонунга мувофиқ ва унда белгиланган тартибга сўзсиз риоя қилган ҳолда юридик таъсир чораларини кўриш орқали қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни аташади.

¹ И.А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. (Биричи чақириқ Ўзбекистон Ресубликаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 29 август). Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т., «O'zbekiston», 1998, 127-бет.

Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти — махсус ваколатли органларнинг жисмоний, юридик шахслар ва умуман давлатнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, қонунга мувофиқ ва унда белгиланган тартибга сўзсиз риоя қилган ҳолда юридик таъсир чораларини кўриш орқали қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга йўналтирилган фаолияти.

Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчасининг таҳлили мазкур фаолиятни таърифлайдиган қуйидаги асосий белгиларни ажратишга имкон беради:

1. *Ушбу фаолият махсус ваколатларга эга бўлган органлар* — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилади. Мазкур органлар доирасида суд алоҳида ўринга эга. Қайд этилган ҳолат суд ўз табиати бўйича давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлганлиги билан боғлиқ, мазкур қоида эса конституциявий даражада ўз аксини топган (Конституциянинг II-моддасига қаранг).

Бундан ташқари, суднинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доирасидан ажратилишининг яна битта сабаби суднинг фаолияти мазмунидир. «Судлар тўғрисида»ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланинадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Суд органларининг тизимини қуйидагилар ташкил этадилар: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари¹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар — қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, фуқаролар, меҳнат жамоалари, жа-

¹ Суд органларининг ташкил этилиши ва фаолиятига оид масалалар кейинги мавзуларда бевосита очиқ берилган.

мият ва давлатнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашдан иборат бўлган асосий вазифасини бажарадиган махсус ваколатли органлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзининг аниқ вазифаларига эга бўлган ва касбий фаолият белгиси бўйича муайян тарзда ажратилган давлат органларининг мустақил гуруҳини ташкил этиши ҳақида фикр мавжуд¹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлар қаторига қуйидагилар киритилади: прокуратура, ички ишлар органлари, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, адлия органлари². Мазкур органларни қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш каби вазифа бирлаштиради.

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кадрлар таркиби тегишли равишда тайёрланган хизматчилар билан тўлдирилади. Ушбу шахслар, қоида тариқасида, юридик маълумотга эга бўлиши шарт. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилиши ва фаолияти қонун ҳужжатлари билан, шу жумладан, энг масъул масалаларни ҳал қилиш учун алоҳида тартибтаомил (процессуал) қоидаларини ўрнатиш орқали батафсил ва ҳар томонлама тартибга солинади. Қайд этилганлар мажмуаси кўрсатиб ўтилган органлар томонидан ҳуқуқларни содир этилган ёки мўлжалланаётган бузилишлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган юридик таъсир чораларини қўллаш тўғрисида қабул қилинадиган қарорларнинг тезкорлиги, асослилиги, қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашга қаратилган.

2. *Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мақсади.* Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти ҳуқуқ, шахс, жамият ва давлатни жиндий ва бошқа тажовузлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

3. *Фаолиятнинг қонунга қатъий мувофиқлиги.* Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш муайян чораларни қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилишда ваколатли орган (мансабдор шахс) тегишли ҳолат учун қонунда назарда тутилган айрим қоидаларга, жиноят ёки фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларига, суриштирув ва дастлабки терговни юритиш қоидаларига ва ҳ.к.ларга риоя этиши

¹ Правоохранительные органы Российской Федерации. Под редакцией В.П. Божьева. М., «Спарк», 2001, стр. 17.

² Санаб ўтилган органларнинг ҳар бири алоҳида мавзуларда кўриб чиқилган.

шарт. Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўзбошимчалик билан тегишли хатти-ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилмайди. Мазкур фаолиятни амалга оширишда қонун талабларини бузиш интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши мумкин. Процессуал шакли деганда, процессуал қонун томонидан ўрнатилган, умуман, ишни юриштиш тартиби, шунингдек, айрим ҳаракатларнинг амалга ошириш шартлари, уларнинг олдин-кейинлиги, тартиби тушунилади.

4. *Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат мажбурлов чораларини ёки юридик таъсир чораларини қўллаш.* Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти давлат мажбурлов чораларини ёхуд жазо ҳамда бошқа юридик таъсир чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Масалан, агарда жиноят содир этилса, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазо ёки қонунда белгиланган бошқа таъсир чораси тайинланиши мумкин; агарда жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайдиган мулкий зиён етказилса, мазкур зиённи ундириш мажбурияти юклатилиши мумкин; агарда тузилган шартнома бўйича айрим буюмни тайёрлаш ёки айрим хизматларни кўрсатиш тўғрисида мажбурият бажарилмаган бўлса, мулкий санкция қўлланилиши мумкин; агарда шахс автомашинани маст ҳолда бошқарган бўлса, уни ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш мумкин ва ҳ.к. Юридик таъсир чоралари орасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш чораларига, белгиланган доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган ушбу хатти-ҳаракатларнинг профилактикасига муҳим ўрин ажратилади.

5. *Юридик таъсир чоралари қонунга қатъий риоя қилган ҳолда қўлланилади,* қонун ушбу чоралар қўлланилишининг асосларини ҳам, муайян ҳолатда қўлланилиши мумкин бўлган аниқ чораларни ҳам белгилайди. Ушбу таъсир чораларини қўллаётган орган ёки мансабдор шахс тегишли кўрсатмаларни аниқ бажариши шарт. Масалан, агар қонун бўйича биринчи марта содир этилган безорилик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ белгиланган бўлса, мазкур жазо фақат ушбу доирада қўлланилиши мумкин.

6. *Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қарорларининг мажбурийлиги.* Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қонуний ва асосланган қарорлар фуқаролар, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва бошқалар томонидан ижро этилиши шарт. Ушбу қарорларни ижро этмаслик қўшимча жавобгарликка тортишга сабаб бўлган мустақил ҳуқуқбузарликни ташкил этади.

Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг белгилари

- 1) ушбу фаолият махсус ваколатларга эга бўлган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилади;
- 2) суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти ҳуқуқ, шахс, жамият ва давлатни жиноий ва бошқа тажовузлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган;
- 3) фаолиятнинг қонунга қатъий мувофиқлиги;
- 4) судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат мажбуrows чораларини ёки юридик таъсир чораларини қўллаш;
- 5) юридик таъсир чоралари қонунга қатъий риоя қилган ҳолда қўлланилади, қонун ушбу чоралар қўлланилишининг асосларини ҳам, муайян ҳолатда қўлланилиши мумкин бўлган аниқ чораларни ҳам белгилайди;
- 6) суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қарорларининг мажбурийлиги.

Таъкидлаш лозимки, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг доираси ёки тизими юзасидан юридик адабиётда фикрларнинг бирлиги мавжуд эмас. Агар суд, прокуратура, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, адлия органларининг кўрсатилган органлар қаторига киришига шубҳалар йўқ бўлса, адвокатура, нотариат, ҳақамлик суди каби органларнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тоифасига киритилиши мунозаралидир.

Биринчидан, умумий қоида бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига фақат давлат органлари киради. Маълумки, адвокатура ва ҳақамлик суди давлат органи эмас.

Иккинчидан, судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг вазифалари адвокатура ва ҳақамлик судининг бевосита вазифалари ҳисобланмайди.

Учинчидан, адвокатура ва ҳақамлик судининг фаолияти давлат мажбуrows ёки юридик таъсир чораларининг қўлланилиши билан боғлиқ эмас.

Бироқ, қайд этилган органларнинг вазифалари ва фаолиятини ўрганиш натижалари уларнинг фаолияти суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган вазифаларга нисбатан ёрдамчи фаолият эканлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Хусусан, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар,

ташкilotларга юридик ёрдам кўрсатади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар бир шахс томонидан малакали юридик ёрдам олиш вазифасининг адвокатура томонидан бажарилиши шу даражагача муҳимки, адвокатнинг йўқлиги суд, тергов орган, прокурорнинг фаолиятини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Бунинг устига, адвокатнинг йўқлиги айрим ҳолларда қонун бузилиши сифатида баҳоланиши ва суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин (ЖПКнинг 487-моддаси). Шу муносабати билан, адвокатуранинг ташкил этилиши ва фаолияти масалалари ҳам мазкур фан доирасида ўрганилмоқда.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзгарганида, мавжуд бўлган ҳуқуқларни тиклаш ва тасдиқлаш зарурати вужудга келганда, йўқолган ёки ўлган шахслар хоҳиш-иродасининг амалга оширилишида нотариатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти бошлаилади. Яъни мазкур фаолият фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш ёки тиклаш учун нотариал идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлганларида бошланади. Ушбу ҳолларда нотариатнинг рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тусга эга бўлиб қолади, шунингдек, ушбу фаолият умумдавлат аҳамиятга эга. Шу сабабли, нотариат ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими-га киритилган ва мазкур фан доирасида ўрганилмоқда.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосан, ҳакамлик судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этади¹. Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддаси 1-қисмига биноан, ҳакамлик суди хўжалик суди билан бир қаторда бузилган ёки низолашилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган орган сифатида белгиланган. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ, ҳакамлик судининг ихтиёрий ижро этилмаган ҳал қилув қарори ваколатли суд (хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари буйича суд) бер-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 17 октябр; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 42, 416-модда.

ган ижро варақаси асосида мажбурий ижро этилиши керак. Ниҳоят, кўрсатилган Қонуи 32-моддасининг қоидалари бўйича ҳакамлик суди низо предметига нисбатан таъминловчи чораларни кўришга ҳақли, ваколатли суд эса ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлашнинг мажбурий чораларини кўриши мумкин.

Бу шуни англатадики, ҳакамлик суди Қонун ҳамда ўзлари учун давлат одил судловидан воз кечишни ва ҳакамлик битимида мулкӣ низо ҳал қилиш учун тегишли ҳакамлик судига мурожаат қилишни ихтиёрӣ равишда назарда тутган тарафларнинг хоҳиш-иродаси томонидан белгиланадиган доирада одил судловни амалга оширади. Ҳакамлик битимининг тарафлари учун ҳакамлик муҳокамасининг мажбурийлиги ушбу шахслар томонидан одил судловга мурожаат қилишни рад қилиш ёки уларнинг ўз мулкӣ манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш конституциявий ҳуқуқидан воз кечиши эмас.

Шу билан бирга, ҳакамлик муҳокамаси шаклдаги суд ҳимояси ўзига хос муҳим хусусиятларига эга бўлиши шубҳасиз. Ҳакамлик судлари, нафақат, давлат органлари ва давлат одил судлов тизимига кирмайди, балки, умуман том маънодаги ташкилотлар сифатида эътироф этилмайди ва муайян, айниқса, иерархия тизимни ташкил этмайди. Шунинг учун ҳакамлик судлари давлат рўйхатидан ва умуман, бевосита давлат назоратидан ўтказилмайди, уларнинг қарорлари юзасидан низолашиш ҳоллари бундан мустасно (адабиётда кўрсатиб ўтилганидек, шу сабабли, қонун чиқарувчи мазкур жараённи белгилаш учун кассация ёки апелляция инстанцияларида ишни қайта кўришни назарда тутган «шикоят қилиш» тушунчасидан эмас, балки айнан «низолашиш» тушунчасидан фойдаланади).

Шундай қилиб, ҳакамлик судлари (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳам, муваққат ҳакамлик судлари ҳам) юридик ва жисмоний шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳамда ваколатлари уларни ташкил этган тарафларнинг хоҳиш-иродасига асосланган махсус юрисдикцион органларидир. Шу билан бирга, мазкур ваколатлар қонун билан чекланган: «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига биноан, ҳакамлик судлари маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқӣ муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайди.

Ҳакамлик судларининг қарорлари фақат тегишли низонинг тарафлари учун мажбурийдир ва фақат уларнинг ўзаро ҳуқуқ-мажбуриятларига тааллуққидир (чунки ҳакамлик судининг ваколатлари аслида уларнинг хоҳиш-иродасига асосланган), бироқ, улар

учинчи шахслар, айниқса, давлат органлари учун айрим мажбурий юридик оқибатларни вужудга келтириши мумкин эмас.

Хулосада таъкидлаш жоизки, судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи органларни улар ҳар битта-сининг фаолияти фуқаролар, юридик шахслар ва умуман давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги бирлаштиради. Аниқ вазифалар ва услублар билан эса улар бир-биридан фарқ қилади.

1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари (функциялари) ва уни амалга оширувчи органларнинг умумий таърифи

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилишини, тузилишини ва ваколатларини, биринчи навбатда, уларга юклатилган функциялар белгилайди. Умумий кўринишда функциялар — бу айрим бир орган ёки ташкилот фаолиятининг асосий, бош йўналишлари.

Функциялар давлат органи фаолиятининг энг муҳим хусусиятларини белгилайди ва унинг асосий мақсадларини амалга оширишга кўмаклашади. Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг функцияларига оид масалалар мунозарали тусга эгадир (олимлар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи органларнинг турли доиралари ва тегишинча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг турли функциялари ажратилади)¹.

• Ёдда сақланг! •

Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий функциялари

- конституциявий назорат;
- одил судлов;
- суд қарорларини ижро этиш;
- судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш;
- прокурор назорати;
- жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш;
- жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш.

¹ А.П. Рыжаков. Правоохранительные органы. М., «Контракт», 2001, стр. 1—2; Б.Н. Габричадзе, Б.П. Елисеев, А.Г. Чернявский и др. Правоохранительные органы Российской Федерации. Учебно-справочное пособие. М., «Дело и Сервис», 2002, стр. 19—21.

Конституциявий назорат — бу давлат органлари ёки маисабдор шахсларнинг конституциявий кўрсатмаларга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларини ва хатти-ҳаракатларини аниқлаш, шунингдек, аниқланган четга чиқишларни бартараф этиш бўйича чораларни кўриш орқали Конституциянинг устунлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг функцияси. Конституциявий назоратни амалга ошириш функцияси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди зиммасига юклатилган.

Одил судлов деганда, қонунга ва у билан белгиланган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда жиноят, маъмурий, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш орқали турли низоларни ҳал қилиш тушунилади. Одил судлов жамият субъектлари муносабатларининг ҳуқуқий меъёрларга мослигини таъминлаб, мазкур муносабатларни тартибга солиб турувчи ижтимоий куч сифатида ҳам баҳоланади. Одил судлов суднинг мутлақ ваколатида бўлиши қонунда назарда тутилган. Суд органларининг тизими Конституция ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда мустақамланган. Одил судловни амалга ошириш функцияси зиммасига юклатилган судлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Суд қарорларини ижро этиш одил судловнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ бўлган функциядир. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Акс ҳолда суд ҳужжатларини бажармаслик, нафақат, суд ҳокимияти обрўсининг тушишига, балки исон ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш институтининг «йўққа» чиқишига олиб келиши мумкин. Қонуний ва асослантирилган суд қарорларини эълон қилиш етарли эмас. Фуқаро ва юридик шахс учун уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаган суд қарорининг фактик ижро этилиши энг муҳим масаладир. Мазкур функцияни амалга оши-

риш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига юклатилган. Мазкур орган фаолиятининг ҳуқуқий асосини «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида»ги Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этадилар.

Судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш — бу судлов фаолияти, унинг кадр, ташкилий ва ресурс таъминоти учун зарур бўлган шарт-шароитларини яратиш бўйича тегишли чораларни кўришга йўналтирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг функциясидир. Ушбу функцияни амалга ошириш бир қатор органлар зиммасига юклатилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти, Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси), уларнинг биргаликдаги ҳаракати натижасида мазкур функциянинг амалга оширилиши таъминланади. Кўрсатилган функция амалга оширилишининг ва уни амалга оширувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 147-сонли қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хизмат қиладилар.

Прокурор назорати деганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларидан (функцияларидан) бири, яъни қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, айбдор шахсларни қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиш орқали қонунларни аниқ ижро этиш ва бир хилда қўллаш устидан назорат олиб бориш бўйича давлат номидан махсус ваколатли мансабдор шахслар — прокурорлар томонидан амалга ошириладиган фаолият тушунилади. Прокурор назоратининг вазифалари прокурор фаолиятининг умумий вазифаларига боғлиқ. Хусусан, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мус-

тахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамини ва давлатнинг қонуни билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Прокуратура органларининг тизими конституциявий даражада ҳам, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда ҳам мустақамланган. Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси; вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари; туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари; вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси; туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш — бу махсус ваколатли мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор) томонидан процессуал қонунига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган ҳамда жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва фош этишга, шунингдек, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлашга йўналтирилган фаолиятдир. Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш икки шаклда амалга оширилади: суриштирув ва дастлабки тергов. Тергов қилиш шаклига қараб, мазкур фаолиятни амалга оширувчи органлар доираси ҳам фарқланади. Суриштирув органларининг доираси дастлабки тергов органлар доирасидан анча кенгроқ. Қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади: 1) милиция (ички ишлар органлари); 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича; 3) Миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра, уларнинг юришмига берилган ишлар бўйича; 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колония-

лари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича; 6) чегарани кўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича; 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; 8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича; 9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича; 10) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича (ЖПКнинг 38-моддаси).

Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш функцияси суриштирув органларининг барчаси учун ҳам асосий функция эмаслиги мазкур органларнинг ўзига хос хусусиятидир. Уларнинг кўпи учун (масалан, олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; ҳарбий қисмлар, кўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртлирининг бошлиқлари ва ҳ.к.лар учун) кўриб чиқиладиган функция улар асосий фаолиятларининг унча муҳим бўлмаган қисмини ташкил этади. Шунинг учун том маънода ушбу органларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сафига киритиш мумкин эмас. Мазкур дарсликда бу органлар фақат улар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти (аниқроқ айтганда, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш функцияси) нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Суриштирув органлар орасида ҳақиқий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сифатида милицияни (ички ишлар органлари), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларини кўрсатиш лозим, улар учун жиноятларга қарши кураш, уларни аниқлаш, суриштирув ўтказиш ва тергов қилиш асосий вазифадир.

Қуйидагилар дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг доирасига киради: *ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ва прокуратура терговчилари*, шунингдек, *прокурорлар*.

Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш функцияси амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари турли қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган: Жиноят-процессуал кодекси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун, Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги низом ва ҳ.к.

Жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига оладиган адвокатура институтининг асосий вазифасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, адвокатура Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Адвокатуранинг фаолияти «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, мазкур функцияни амалга оширувчи органлар қаторига вазифалари олдинги параграфда айтиб ўтилган нотариатни ҳам киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, барча кўрсатиб ўтилган функциялар ўзаро боғлиқ бўлганликлари ва бир-бирини тўлдираётганликлари суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг функцияларини таърифлайди. Бу, *биринчидан*, кўрсатилган функцияларнинг бажарилиши суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг умумий вазифасини бажаришга йўналтирилганлигида; *иккинчидан*, айрим органлар бир вақтда икки ва бундан ортиқ функцияларни бажаришларида ўз аксини топади (масалан, Суд департаменти суд қарорларини ижро этиш; судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш функцияларини; 2009 йил 15 январдан бошлаб эса айрим тоифали ишлар бўйича суриштирувни амалга ошириш функциясини бажаради). Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг функциялари кетма-кет ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳам амалга оширишлари мумкин. Масалан, функцияларнинг кетма-кетлиги тергов қилиш ва одил судлов учун, бир вақтда амалга оширилиши эса айблаш, ҳимоя қилиш ва одил судлов учун хос бўлади. Бундан ташқари, функциялар асосий ва ёрдамчи турлари га бўлинади. Масалан, одил судлов функцияси энг асосий бўлиб,

марказий ўринни эгаллайди, судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш функцияси эса одил судлов функциясига нисбатан ёрдамчи тусга эга бўлади.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар моҳияти, функцияларининг ҳуқуқий асослари, шунингдек, тегишли функцияларни бевосита амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқий мақоми дарсликнинг кейинги бобларида батафсил кўриб чиқилади.

1.3. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг тушунчаси ва мазмуни

Фан ёки ўқув курсининг предметини аниқлаш деганда, ўрганиши лозим бўлган, ўқув жараёнининг доирасини белгилайдиган, илмий билимнинг мазкур соҳаси мазмунини ташкил этадиган факт ва воқеаларнинг тор доирасини белгилаш тушунилади.

Мазкур ўқув фани комплекс ва аралаш тусга эга. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг мазмуни, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи суд ва бошқа давлат органлари, шунингдек, ушбу фаолиятнинг амалга оширилишига ёрдам берадиган айрим нодавлат тузилмалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар орасида, нафақат, умуман суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ташкил этилиши ҳақида, балки унинг муайян йўналишлари (вазифалари), шунингдек, тегишли органлар ёки ташкилотларнинг ташкил этилиши, уларнинг тузилиши, ўзаро алоқаси ва бир-бирига бўйсиниши, асосий ваколатлари ва вазифалари, бир-бири ҳамда бутун давлат механизми билан ҳаракат қилишлари ҳақида маълумотлар марказий ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» — бу суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимини (шунингдек, айрим нодавлат тузилмаларни), уларнинг ташкил этилишини, фаолиятларининг асосий йўналишларини ва ўзаро ҳамкорлигини ўрганадиган юридик фандир.

Ушбу тизимга фаолият мақсадининг ягоналиги билан бирлашган давлат муассасалари ва жамоат бирлашмалари киради. Мазкур мақсад қуйидагилардан иборат: одил судловни амалга ошириш, қонуннинг устунлиги ва ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга, жумладан, жиноятларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ва ҳуқуқий онгни тарбиялаш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ташкил этадиган муассасалар ва ташкилотлар давлатнинг умумий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, шу билан бирга, вужудга келиш, ри-

вожланиш ва такомиллаштиришнинг ички қонунларига бўйсунди дилар, мақсаднинг ягоналигига қарамасдан, ўзига хос, аниқ вазифаларни бажарадилар, ўз принципларига, тизимларига, тузилмаларига, ваколатларига эга бўлишади, ўзаро ҳар хил муносабатда бўлишади ва, шундай қилиб, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ўз ўринларини эгаллайди.

Мазкур фаннинг мақсади — ҳуқуқий кўрсатмаларнинг амалга оширилишини таъминловчи муассасалар ҳамда умуман, ҳуқуқни қўллаш механизми ҳақида бошланғич билимларни ёш талаба-юристарга тақдим этишдир. Ушбу фаолият билан боғлиқ ташкилий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» курсида ўрганилади.

Хорижий мамлакатларда суд ва прокуратуранинг вазифалари, принциплари ва тузилишини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларни ўрганиш, уларга хос бўлган умумий қонуниятларни, шунингдек, кўрсатилган органларнинг ҳар бир алоҳида мамлакатнинг тарихий шарт-шароитлар ва бошқа сабабларга кўра, вужудга келган ўзига хос хусусиятларини аниқлаш «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг предметиға киради.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг мазмуни қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

I бўлим. Умумий қоидалар («Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг моҳияти, асосий тушунчалари ва предмети; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги қонунчилик; суд ҳокимиятининг ташкил этилиши; одил судлов принциплари).

II бўлим. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими (умумий юрисдикция судлари; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди; хўжалик судлари; судьяларнинг ҳуқуқий мақоми).

III бўлим. Адлия вазирлиги ва судлар фаолиятини ташкилий ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.

IV бўлим. Прокурор назорати ва дастлабки тергов органлари.

V бўлим. Ҳуқуқий ёрдамни таъминлаш органлари.

VI бўлим. Хорижий мамлакатларда суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг ташкил этилиши.

1.4. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг юридик фанлар тизимидаги ўрни

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ўқув курси моҳиятиға кўра ҳамда бошқа юридик фанларни ўрганиш учун кириш ва улар ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилувчи фан ҳисобланади. Унда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фао-

лияти ва уларнинг ваколатлари тўғрисида энг умумий тушунчалар берилади. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тўғрисида норматив-ҳуқуқий маълумот ушбу фанни юридик олий ўқув юртида умуммажбурий тусдаги фанга айлантиради.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» курсини ўрганиш мазкур курсни ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан ўзаро алоқада ўзлаштирилишини назарда тутати.

Мазкур фан конституциявий назорат, одил судлов, прокурор назорати учун асосий раҳбар қоидаларини белгилайдиган «*Конституциявий ҳуқуқ*» билан чамбарчас боғлиқ. «*Конституциявий ҳуқуқ*» нормаларга асосланган ҳолда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат ва жамоат институтлари тизимидаги ўрни ва роли ҳақидаги материалнинг тизимли баён қилиниши амалга оширилади, таҳлил қилинаётган органлар ташкилий тузилиши ва фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган вазифалари ва принциплари деталлаштирилади.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» курсининг услубий асоси сифатида «*Давлат ва ҳуқуқ назарияси*» хизмат қилади. Ушбу фан давлат ва ҳуқуқ вазифаларини англашга асосий услубий ёндашувларни ўриатиб, ҳуқуқ, қонунийлик, ҳуқуқий онг, юридик жавобгарлик каби кўплаб асосий тушунчаларни белгилайди.

«*Маъмурий ҳуқуқ*» ўқув курси ҳам мазкур фан билан боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқ ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини ўрганати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аксарияти эса ижро этувчи ҳокимият органларнинг қаторига киради (масалан, ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини бошқарув (ижро этувчи) вазифалар билан бир вақтнинг ўзида амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва уларга бўйсунадиган муассасалар). Ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятларида, масалан, тартибни, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ва ҳ.к. маъмурий ҳуқуқ меъёрларини кенг қўллайдилар.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ўқув курси ҳуқуқнинг процессуал тармоқлари – *фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, хўжалик процессуал ҳуқуқи* билан боғлиқ. Улар фуқаролик, жиноят, хўжалик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш тартибини белгилайдилар. «Жиноят процесси» фани доирасида жиноятларни очишнинг, жиноят содир этган шахсларни фош этишнинг ҳамда мазкур шахсларга нисбатан қўлланаётган ҳуқуқий таъсир чораларини аниқлашнинг процессуал тартиби ўрганилади.

Суд, прокуратура, дастлабки тергов органлари ўз фаолиятларида *жиноят* ва *фуқаролик* ҳуқуқ нормаларини кенг қўллаётган-

ликлари туфайли курс қайд этилган ҳуқуқ тармоқлари билан боғлиқдир.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фани «*Давлат ва ҳуқуқ тарихи*» каби юридик фан билан ҳам боғлиқ. Суд, прокуратура, адлия, ички ишлар органлари ҳамда адвокатура ташкил этилиши ва фаолиятига оид масалаларни ўрганиш тарихий ёндашувни, муайян ҳуқуқий аспектларнинг бошқалардан ажралган ҳолда ва статик ҳолатда эмас, балки ривожланиш ва тарихий воқеалар билан боғланган ҳолда мамлакатимиз ва чет элларда замондошларимиз ҳамда ўтмишдошларимиз томонидан орттирилган юридик тажриба билан солиштирилган ҳолда таҳлил қилинишини талаб қилади. Ушбу ёндашувлар учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар айнан ватанимизнинг ва хорижий тарихини ўрганиш жараёнида олинади.

«Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фани доирасида прокурор назоратининг асослари, Ўзбекистон Республикаси прокуратура фаолиятининг ташкил этилишига оид масалалар ўрганилади. Кўрсатилган масалаларнинг батафсилроқ ўрганилиши юқори курсларда ўтиладиган «*Прокурор назорати*» фани доирасида амалга оширилади. Ушбу маълумотлар прокуратура ташкил этилишининг асослари ҳақидаги, прокурор назорати ва прокуратура фаолияти бошқа йўналишларининг мазмуни, уларни амалга оширишнинг шакллари ва усуллари ҳақидаги билимларни анча кенгайтиради.

Таъкидлаб ўтиш керакки, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юридик асослари давлат фаолиятининг мазкур соҳасини тарбибга солувчи турли ҳуқуқ тармоқларининг ўзаро кенг алоқаси натижаси сифатида юзага келади. Мазкур алоқалар турли ва ҳар тарафлама бўлади, бироқ, айтиш лозимки, «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» курсининг юқорида қайд этилган фанларнинг аксариятидан асосий фарқини қўйидаги ҳолат ташкил этади: мазкур фаннинг ўрганиш жараёнида талабалар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан фақатгина танишадилар, қайд этилган фанлар эса ушбу фаолиятни батафсил ўрганишади. Келгусида талабалар амалий фаолият тартибини, унинг мазмунини, мансабдор шахслар томонидан қонун қоидаларига мувофиқ, процессуал ҳаракатларини бажаришнинг кетма-кетлигини батафсилроқ ўрганишлари лозим бўлади.

1.5. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги қонунчилик

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги қонунчилик «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» курси манбалари базасини ташкил этади ва кўпгина норматив ҳужжатлардан иборат. Ушбу норматив ҳужжатлар уларнинг предмети (маз-

муни), шакли (манбалар турлари) ва уларнинг юридик аҳамияти бўйича таснифланиши мумкин.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети бўйича қуйидаги норматив ҳужжатлар ажратилади:

1) универсал норматив ҳужжатлар (умумий тусдаги) – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳужжатлар: 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (қўшилиш санаси: 30.09.1991 й.); 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (қўшилиш санаси: 31.08.1995 й.); 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома (қўшилиш санаси: 31.08.1995 й., кучга кирган санаси: 28.12.1995 й.); 1958 йил 10 июнда имзоланган Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 184-І сонли Қарори билан ратификация қилинган); Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1995 йил 26 майда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси; 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (1997 йил 28 мартдаги ўзгартиришлар билан); Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536-ІІ сонли Қарори билан ратификация қилинган); Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ва Яқунловчи Баённома (қўшилиш санаси: 12.12.2003 й.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 576-ІІ сонли Қарори); Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябр) (Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳужжатга 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли Қонун билан қўшилган) ва бошқалар;

2) махсус қонун ҳужжатлари, улар қуйидагиларга бўлинади:

- а) суд ҳоқимияти, одил судлов ва судлар тўғрисидаги ҳужжатлар;
- б) судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва ушбу таъминотни амалга оширувчи органлар тўғрисидаги ҳужжатлар;
- в) прокурор назорати ва прокуратура органлари тўғрисидаги ҳужжатлар;
- г) жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш ишларини ташкил этиш ҳамда ушбу ишларни амалга оширувчи органлар тўғрисидаги ҳужжатлар;
- д) юридик ёрдамни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар.

Махсус қонун ҳужжатларининг келтирилган таснифланиши аслида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг йўналишларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилган. Хусусан, *суд ҳоқимияти, одил судлов ва судлар тўғрисидаги ҳужжатлар* конституциявий назорат ва одил судлов каби суд фаолиятининг йўналишини батафсил ўрганишга имкон беради. Мазкур ҳужжатлар суд ҳоқимиятининг ташкил этилиши; суд тизими; судлар ваколатлари; одил судловнинг асосий принциплари; судьяларнинг ҳуқуқий мақоми ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар. Бу гуруҳда «Судлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунлар асосий ўринни эгаллайди.

Судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва ушбу таъминотни амалга оширувчи органлар тўғрисидаги ҳужжатлар судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳамда Суд департаменти, Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси каби органлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Кўрсатилган гуруҳнинг ҳужжатлари қаторига Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-П сонли Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом ва бошқалар киради.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун ҳамда прокуратура органларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тизими, прокурор фаолиятининг принциплари ва йўналишлари, прокурор назоратининг соҳаларига оид масалаларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари *прокурор назорати ва прокуратура органлари тўғрисидаги ҳужжатлар* орасида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳужжатларнинг мазкур гуруҳини ўрганишда прокуратура фаолиятини ташкил этишда мувофиқлаштирувчи ролга эга бўлган Бош прокурорнинг буйруқларига тегишли эътибор қаратиш лозим.

Жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишнинг ташкил этилиши ҳамда мазкур ишларни амалга оширувчи органлар тўғрисидаги *ҳужжатлар* тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган олдида турган мақсад ва вазифаларни, унинг тузиллиши ва ваколатларини белгилайдиган манбаларнинг катта гуруҳидир. Ушбу ҳужжатлар қаторига жиноятларни тергов қилиш вазифасини амалга оширишга ваколатли бўлган органларни, уларнинг вазифалари ва ваколат доирасини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-

процессуал кодекси, шунингдек, «Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги Низом, «Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Низом ва ҳ.к. киради.

Юридик ёрдамнинг ташкил этилиши тўғрисидаги ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мазкур вазифасини амалга оширувчи органлар ҳақидаги тегишли кўрсатмаларни акс эттирадидилар, уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартибини, адвокатнинг ҳуқуқий мақомини, унинг ваколатларини ўрнатади. Мазкур ҳужжатлар сифатида «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларни кўрсатиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, махсус қонун ҳужжатлари таркибига қонунлар ҳам, бошқа ҳужжатлар ҳам кириши мумкин: кодекслар; низомлар; йўриқномалар; фармонлар; буйруқлар, қарорлар ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларга тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар¹.

Маълумот тариқасида айтиб ўтамиз, «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» курси манбаларининг норматив базасини таснифлашда «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизимида ишлаб чиқилган қуйидаги классификатор қўлланилиши мумкин:

- судлар тўғрисидаги ҳужжатлар;
- прокуратура тўғрисидаги ҳужжатлар;
- миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги ҳужжатлар;
- ички ишлар органлари тўғрисидаги ҳужжатлар;
- адлия органлари тўғрисидаги ҳужжатлар;
- адвокатура тўғрисидаги ҳужжатлар;
- нотариат тўғрисидаги ҳужжатлар ва бошқалар.

Шакли (манбаларнинг тури) бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги турларга бўлинади: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва норматив-ҳуқуқий мазмунга эга бўлган Фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари уларнинг юридик кучи бўйича таснифланишига асос сифатида хизмат қиладилар.

¹ Намунавий рўйхат бобнинг охирида (ахборот-услубий таъминот блокида) акс эттирилган. Бироқ, мазкур рўйхат тугал эмас.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг **юридик кучи бўйича** таснифланиши амалдаги қонун кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилади. Барча бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар каби хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги хуқуқий ҳужжатлар аниқ иерархия тузилишни ташкил этади.

● **Ёдда сақланг!** ●

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича қуйидаги иерархияси ўрнатилган

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қарорлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари;
- 6) Ўзбекистон республикаси Президентининг норматив-хуқуқий хусусиятга эга бўлган Фармойишлари;
- 7) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- 8) Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари;
- 7) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хуқуқий қарорлари.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

Кўришиб турибдики, мазкур тузилишда муайян ҳужжатнинг ўрни ушбу ҳужжат қайси орган томонидан ҳамда қайси тартибда қабул қилинганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади, унда давлат ва жамият ҳаётининг энг принципиал масалалари ҳал қилинган: давлат ва жамият қурилиши ҳамда сиёсатнинг асослари, давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бошланғич қоидалари, шахснинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари, миллий-давлат тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тузилиши ва ташкил этилиши тартиби, уларнинг асосий вазифалари, шунингдек, бир қатор бошқа масалалар мустаҳкамланган. Конституциянинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», XXII боби «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» ва XXIV боби «Прокуратура» — «Суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фани учун энг аҳамиятлидир.

Конституциянинг иккинчи бўлимида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, турар-жой дахлсизлик ҳуқуқига, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирининг сақланиши ҳуқуқига эга бўлиши ҳақида, айбсизлик презумпцияси ҳақида ва бошқа муҳим қоидалар акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида (иккинчи бўлим) эълон қилинган: «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас». Мазкур бўлимнинг ўзида қуйидаги қоида ҳам мустақкамланган: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси).

Мазкур конституциявий кўрсатмалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ташкил этилишининг асосларини ва уларнинг мазмунини белгилайди.

Халқаро ҳуқуқ умумэтироф этилган принцип ва нормаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ушбу иерархияда ўрни ҳам алоҳида эътиборга эга. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қуйидаги асосларга мувофиқ энг юқори даражали ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни фақат миллий қонун ҳужжатлар ўртасидаги нисбатини тартибга солади, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам мазкур соҳада муайян қоидаларни ўрнатмайди, «Ўзбекистон халқи ... халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ...» каби қويدани белгилайдиган Конституциянинг муқаддимаси бундан мустасно. Бундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномаларнинг устунлиги сўзсиз тан олиними, шунингдек, ушбу шартномалар билан миллий қонун ҳужжатлар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси) ўртасида тафовут бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари қўлланилишининг лозимлиги тўғрисида ҳулоса қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг таҳлили мазкур ҳулосанинг асослигини исботлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»¹ги Қонуни-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1995, № 12, 262-модда.

га кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қатъий ва мажбурий равишда риоя этмоғи лозим.

Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг, шу жумладан, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига оид масалаларга бағишланган шартномаларнинг сони кўпайганлиги туфайли янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб қолади. Мазкур ҳужжатлар орасида, биринчи навбатда, қуйидаги шартномаларни ажратиш лозим: 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт¹, 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома². Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилиши халқаро органлар юрисдикциясининг ўрнатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан қўлланилишини назарда тутати. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўрсатилган ҳуқуқларнинг бузилиши ҳақида, ҳуқуқий ҳимоянинг барча мавжуд бўлган ички воситалар тамом бўлган ҳолда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига ёзма маълумот юбориши мумкин. МДХ доирасида ҳам тегишли келишув мавжуд: Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги Қарори билан ратификация қилинган).

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархия тузилишида кейинги ўринни қонунлар эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади. Қоида тариқасида, қонунларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига оид масалалар тартибга солинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кейинги иерархия гуруҳини ташкил этадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорларини таърифлашда ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги «1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги «1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённомага қўшилиш ҳақида»ги Қарори.

қонунлари асосида ҳамда уларнинг ижро этиш учун қабул қилинишини инобатга олиш лозим. Масалан, Олий Мажлисининг қарорлари билан суд ва прокуратуранинг ташкил этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлган қуйидаги низомлар тасдиқланган: Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида; Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида; Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида; Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ва бошқ.).

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархиясида кейинги ўринни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эгаллайди. Ушбу ҳужжатларнинг мазмуни умумий тарзда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларида белгиланган. Фармон билан муайян орган ёки унинг тузилиши тўғрисидаги низом тасдиқланиши мумкин, мазкур органга қўшимча ваколатлар юклатилиши ёки уларнинг айримлари бекор қилиниши мумкин. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги Фармонларини кўрсатиш лозим: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-2421-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-1815-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3023-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3725-сонли Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Ресиубликаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархия «пирамидасида» пастроқ ўринни эгаллайди. Ушбу ҳужжатлар Конституция, Қонунлар, Президент Фармонларига зид бўлмаслиги шарт. Вазирлар Маҳкамаси фақатгина унинг ваколатлар доирасига юқорироқ юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар билан киритилган масалаларни тартибга солишга ҳақли. Улар, одатда, Қонун ва Президент Фармонлари билан тартибга солинган масалаларни аниқлаштиради ва

тўлдирадilar. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари бўлган вазирлар томонидан раҳбарлик қилинадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши мумкин. Мазкур ҳужжатлар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг божхона органларида хизматни ўташ ҳақидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 146-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 374-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 14-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги 278-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида»ги 270-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқалар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда, юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди томонидан бериладиган тушунтиришлар ҳам катта роль ўйнайди. Ушбу тушунтиришлар тегишли органларнинг пленум қарорлари шаклида расмийлаштирилади ва одатда, қонунчиликни, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкил этилишини ва фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тегишли тарзда қўллаш масалалари бўйича кўрсатмаларни акс эттиради. Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар,

муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

Ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг қарорлари қаторига 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-60-қарорни ва бошқаларни киритиш мумкин.

Юқорида қайд этилганлар «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ўқув курси суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги қонунчиликни ўрганиш натижаларига асосланган кенг назарий ва норматив базасига эга бўлганлигидан далолат беради.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни туркумлашда талабалар ушбу органлар таснифининг асоси сифатида, биринчи навбатда, улар томонидан амалга ошириладиган вазифалар, уларнинг мақомини аниқлашда эса амалга ошириладиган ваколатлар комплекси хизмат қилишини инobat-га олишлари лозим. Талабалар «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фани бошқа юридик фанларни ўрганиш учун энг асосий курс бўлишини, шунингдек, мазкур фан ўрганилаётган ҳар бир мавзу материаллари билан жиддий, мулоҳаза билан мустақил ишлашни назарда тутишни билишлари керак.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг предмети ва тизимини аниқланг.
2. Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий белгиларини айтиб ўтинг ва уларга қисқача таъриф беринг.
3. Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари (вазифалари)ни айтиб ўтинг ва уларга қисқача таъриф беринг.
4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини амалга оширувчи суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни санаб ўтинг.
5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида одил судлов ва конституциявий назорат алоҳида ўринни эгаллашига нима сабаб бўлади?
6. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қандай таснифлаш мумкин?
7. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича иерархияси қандай?
8. Суд ва прокуратура тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қандай аҳамиятга эга?
9. Халқаро пакт, шартнома ва келишувларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун аҳамияти нимадан иборат?

1. *И.А. Каримов.* Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 29 август). Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т., «O‘zbekiston», 1998.

2. *И.А. Каримов.* Адолат — қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. Т., «O‘zbekiston», 2002.

3. *И.А. Каримов.* Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январ). Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. Т., «O‘zbekiston», 2005.

4. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O‘zbekiston», 2007.

5. *И.А. Каримов.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O‘zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 924-ХП сонли «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 103-И сонли «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги ЎРҚ-103-сонли «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малага ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007, № 29—30, 296-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 746-ХП сонли «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. Т., 2001, № 9—10, 168-модда; 2003, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. 2007, № 6, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004, № 51, 514-модда; 2008, № 39, 390-модда; 2008, № 52, 509-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II сонли «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 2001, № 9—10, 168-модда; 2003, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2007, № 6, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2004, № 51, 514-модда; 2008, № 39, 390-модда; 2008, № 52, 509-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 349-I сонли «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

8. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги 721-I сонли «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-198-сонли «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 52, 514-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-64-сонли «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 17 октябр; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 42, 416-модда.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда — халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

4. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.

5. Б.А. Саидов, Д. Миразов. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т., Академия МВД, 2004, 48 с.

2-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Ўқув мақсадлари

Мазкур мавзунинг ўрганилиши талабаларда «суд ҳоқимияти» тушунчаси, унинг белгилари ва суд ҳоқимиятининг ҳоқимиятлар бўлиниши тизимида ўрни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида суд ҳоқимияти ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари ҳақида аниқ билимларни шакллантиришга йўналтирилган. Суд ҳоқимиятининг тушунчаси ва мазмунини тушуниб етишга ушбу мавзу доирасида кўриб чиқилаётган Ўзбекистонда суд ҳоқимияти тарихий шаклланишининг таҳлили кўмаклашади.

Мазкур мавзу доирасида «суд тизими», «суд бўғини» ва «судлов инстанцияси» каби тушунчалар ҳам кўриб чиқилади. Кўрсатилган тушунчаларнинг ўрганилиши судлар ваколатларини, суд тизимининг ташкилий хусусиятларини, шунингдек, суд тизими доирасида муайян ишнинг ўташ босқичлар ини ўрганишга ёрдам беради.

2.1. Суд ҳоқимияти ҳоқимиятлар бўлиниши тизимида, Суд ҳоқимияти: тушунчаси ва асосий белгилари

Давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг Ўзбекистон «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат»¹ барпо этиш ва ижтимоий макон сифатида тушуниладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Юқорида кўрсатилган ижтимоий маконда «қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади»². Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсади, нафақат, мустақил ва анча ёш Ўзбекистонга хос. Фуқаролик жамияти — ерда юзидаги ҳар бир инсон, ҳар бир давлат, унинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий

¹ Қаранг: 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси.

² И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «O'zbekiston», 1998, 173-бет.

ривожланишидан қатъи назар, эришишга интиладиган мақсад-
дир, «фуқаролик жамияти – адолатнинг моҳияти, инсоният иж-
тимоий ривожланишининг фалсафасидир».

Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий, биринчи да-
ражали шартларидан бири – инсон ҳуқуқларини жамият ва дав-
латда олий неъмат сифатида эътироф қилиш, улар ҳамма учун
мажбурий бўлишини таъминлашдир. Шубҳасиз, бу ҳолат ҳуқуқий
давлатнинг энг асосий белгиси бўлган қонун устуворлигини таъ-
минланган ҳолдагина мавжуд бўлиши мумкин. Шу билан бирга,
инсон ҳуқуқлари ҳамма учун мажбурий бўлишини таъминлашда
ҳокимиятлар бўлиниши муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳуқуқий дав-
латчиликнинг асоси инсон ҳуқуқларининг институционал кафо-
латларини яратадиган ҳокимиятлар бўлинишидир.

Конституцияга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси миллий
давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади – қонунчилик,
ижрочилик ва суд ҳокимиятига»¹.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 11-моддасида ўз аксини топган, ушбу модда-
га биноан, «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг ти-
зими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоки-
миятига бўлиниши принципига асосланади». Ҳокимиятлар бўли-
ниши принципининг мавжуд бўлиши туфайли давлат ҳоки-
миятининг тизимида давлат ҳокимиятининг органлари бир-бири-
ни тийиб туришга ва назорат қилишга йўл очиб берадиган ва бир
шахс ёки органнинг қўлида ҳокимиятнинг тўпланишига имкон
бермайдиган давлат ҳокимиятининг органлари ўртасида ўзаро
муносабатлар тартиби ўрнатилади. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи
(қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) мустақил ва ўз ваколатла-
рини амалга оширишда эркин ҳисобланади, ҳокимиятнинг ҳеч
қайси тармоғи ҳокимиятнинг бошқа тармоғи вазифаларини ўз
зиммасига юклатишга ҳақли эмас. Барча давлат органлари ўз ва-
колат доирасида фаолиятини амалга оширади. Шу билан бирга,
ҳокимиятнинг барча тармоқлари бир-бирига боғлиқдир, улар бир-
галикда ҳаракат қилиб, яхлит давлат механизмини вужудга келти-
ради.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат ҳокимиятини таш-
кил этиш ва амалга оширишда давлат ҳокимиятининг органлари
бир-бирини тийиб туриши ва мувозанатни сақлаш механизми-

¹ И.А. Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. (XII чақириқ
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил
2 ва 3 июлда сўзланган нутқ). Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод,
сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., «O'zbekiston», 1996, 15-бет.

нинг ўрнатилишини назарда тутаяди, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг мустақил ҳаракат қилишини ва мустақкам алоқада ишлашини таъминлайди. Шу сабабли, давлатда авторитар ва тоталитар интилишларнинг ривожланишига қаршилик қиладиган, жамиятда эркинликни, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган кўшимча ҳуқуқий кафолатлар юзага келади.

«Суд ҳокимияти» тушунчасининг шаклланиши масаласи алоҳида диққат-эътиборни ўзига қаратади. Суд ҳокимиятини назарий жиҳатдан ўрганиш, жумладан, унинг мавжуд бўлиши ёки йўқлиги масаласини аниқлаш, ушбу ҳокимият тармоғини суд тизими билан тенглаштиришга йўл қўймаслик зарурати туфайли кийинлашади. Дарҳақиқат, «суд ҳокимияти» тушунчаси кўпинча суд тизими билан тенглаштирилади. Ҳолбуки, суд тизимининг мавжуд бўлиши суд ҳокимиятининг алоҳида ҳокимият тармоғи сифатида мавжудлигини кўрсатмайди. Чунки суд ҳокимиятига таъриф беришнинг зарурий қисмлар сифатида қонун томонидан тақдим этилган ваколатларни амалга оширишда мустақиллик ва эркинлик каби тушунчалар хизмат қилади.

Кўрсатиб ўтиш лозим, ҳокимиятлар бўлиниши иринципининг мустақкамланиши ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғининг мустақил фаолият соҳаси ҳақида гап юритишга имкон беради. Айрим тадқиқотчилар суд ҳокимиятини муайян вазифани амалга оширадиган ва мустақил фаолият соҳасига эга бўлган ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида таърифлайдиган қуйидаги **белгиларни** ажратишади:

1) суд ҳокимияти тўғрисида гап юритиш инсоннинг «эркинлик ҳудудини» қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар аралашидан ҳақиқий ҳимоя қилишга имконият берадиган ваколатлар судга тақдим этилган ҳолдагина мумкин;

2) суд тизимида янги сифат пайдо бўлиши, яъни унинг суд ҳокимиятига айланиши, ушбу тизимнинг мустақил ишлаб туриш шартларининг мавжуд бўлишини талаб қилади;

3) суд ҳокимиятининг «автономлиги» фақат нисбий бўлиши мумкин, чунки мазкур ҳокимият бошқа ҳокимиятлар билан ўзаро боғламасдан ўз фаолиятини самарали амалга ошира олмайди: суд томонидан ҳал этиладиган низолар доираси қонун (яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятининг қарорлари) билан аниқланади, суд қарорларининг ҳамма учун мажбурий кучини амалга ошириш аксарият ҳолларда ижро этувчи ҳокимият органларининг айрим ҳаракатларини талаб қилади.

Ушбу барча белгилар суд ҳокимиятининг мазмун-моҳияти ва суд тизимининг оддий ишлаб туриши ўртасида фарқ борлиги ҳақида

гап юритишга имкон беради. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили Ўзбекистонда мустақиллик йилларда шакллантирилган суд ҳокимиятининг юқорида кўрсатилган барча белгилар тўғрисида фикрлашга йўл очиб беради.

Биринчи белги. Конституциянинг 106-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигининг барча жиҳатлари алоҳида параграфда ёритилади.

Суд ҳокимиятининг *иккинчи белгиси* — ушбу ҳокимият мустақил ишлаб туриш шартларининг мавжуд бўлиши. Мазкур белги махсус ваколатли мустақил орган ҳисобланадиган ва судлар фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш вазифасини бажарадиган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилиши орқали амалиётга татбиқ этилди. Шу билан бирга, Департамент судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принцигига қатъий риоя қилган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг вазифаларини амалга оширишнинг нисбий автономлиги тўғрисида гап юритиш лозимлиги суд ҳокимиятини молиялаштириш миқдори қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тасдиқланадиган бюджетда белгиланишидан ҳам кўриниб турибди. Юқорида қайд этилганлар суд ҳокимияти учинчи белгисининг мавжуд бўлишига далolat беради: суд ҳокимиятининг «автономлиги» нисбий тусга эга бўлади.

Ҳозирги кунда мустақил ва эркин суд ҳокимиятининг мавжуд бўлиши тўғрисида гапиришга барча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Суд ҳокимиятини ҳозирги кунда қуйидаги ҳолат ҳам таърифлайди. Суд ҳокимиятига тақдим этилган қонун чиқарувчининг ўзбошимчилигини чеклаб қўйиш имконияти институционал-юримдик асосга эга, мазкур асос қуйидаги икки қисмдан иборат:

1) инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг минимумини мустаҳкамлайдиган халқаро ҳужжатларни давлат томонидан ратификация қилиш ва шу орқали ушбу ҳужжатларни ҳуқуқ манбалар иерархиясининг энг юқори даражасига қўйиш;

2) судларда конституциявий назорат қилиш вазифаси пайдо бўлиши ва мазкур вазифага асосан, суд ҳокимияти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар конституцияга зид бўлганлиги сабабли бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиши.

Таъкидлаш жоизки, «истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ то-

монидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди»¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқ ва суд ҳокимиятининг бирлигини кўзда тутади. Ҳуқуқ ва суд ҳокимиятининг ўзаро алоқаси мустақил судьяларнинг фақат қонунга бўйсунганини суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий шарт сифатида назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106 ва 112-моддаларида ўз аксини топган. Бу ҳолат, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича одил судловнинг холис-лигини таъминлашга хизмат қилади.

Суд ҳокимияти институционал-юридик асосининг иккинчи қисми — судларда конституциявий назорат қилиш вазифаси пайдо бўлиши — алоҳида эътиборга эга. Таъкидлаш жоизки, суднинг ҳуқуқни қўллайдиган субъект сифатида асосий вазифаси (ва суд ҳокимияти мавжудлиги белгиси) одил судловни амалга ошириш орқали Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлашдир. Жамият ҳам, давлат ҳам мустақил ва холис суд йўқлигида ҳуқуқий бўла олмайди. Конституциявий назорат қилиш вазифасининг амалга оширилиши натижасида давлат суд ҳокимиятининг бошқа тармоқларига таъсир этиш, улар томонидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиш имконига эга бўлади.

Конституциявий назорат қилиш вазифасини Конституциявий суд амалга оширади. Ушбу суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрганида ва хулосалар берганида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меъёрларига риоя қилганлиги учун умумий ва хўжалик юрисдикция судларидан фарқ қилади.

Конституциявий назорат қилиш вазифасининг белгиланиши аввалда фақат суд тизими шаклида мавжуд бўлган, лекин ҳозирги кунда тўлақонли тусга эга бўлган суд ҳокимиятининг шаклланиши ҳақида гап юритишга имкон беради, чунки мазкур вазифа суд ҳокимиятга ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига таъсир этиш бўйича айрим имкониятларни тақдим этади, давлат ҳокимиятининг тармоқларидан бирортасининг қўлида ҳокимиятнинг тўлиқ тўпланишига имкон бермайдиган ҳокимиятлар бир-бирини тийиб туриш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 2 май.

ва мувозанатни сақлаш механизмини амалга оширишда суд ҳокимиятининг иштирокига йўл очади¹.

Юқорида келтирилган суд ҳоқимиятининг умумий таърифи мазкур тушунчанинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Бугунги кунгача суд ҳоқимиятининг тушунчаси ва моҳияти, суд ҳоқимиятининг ҳоқимият тармоқларининг бўлиниши тизимида, хусусан, ҳоқимиятлар бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш механизмида ўрни, суд ҳоқимиятини амалга оширишнинг шакллари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳоқимиятининг роли каби масалалар кўплаб тадқиқотларнинг мазмуни сифатида хизмат қилади².

Суд ҳоқимияти тушунчасининг айрим таърифларини келтирамиз. Масалан, Ю.А. Дмитриев ва Г.Г. Черемних суд ҳоқимиятининг тушунчасига қуйидаги таъриф беришади: ҳақиқатни аниқлашга, адолатни тиклашга ва айбдорларни жазолашга йўналтирилган ва қонунда назарда тутилган ваколатларга эга бўлган давлат ва маҳаллий органлар тизими³. Бошқа олимлар суд ҳоқимиятини ҳуқуқни қўллаш жараёнида юзага келадиган ва судларнинг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бўйича давлатнинг махсус органлари бўлган судларга тақдим этилган ваколатлар сифатида ҳамда конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий, арбитраж суд ишларини, процессуал нормаларига риоя қилган ҳолда юритиш орқали кўрсатилган ваколатларни амалга оширувчи сифатида таърифлашади⁴. Назаримизда, суд ҳоқимиятига аниқ таъриф беришга бошқа олимларга қараганда В.А. Лазарева яқинлашди. Унинг фикрига биноан, суд ҳоқимияти алоҳида процессуал шаклида одил судловни амалга ошириш ва ижро учун мажбурий бўлган қарорлани қабул қилиш орқали жамиятда вужудга келган ҳуқуқий тусдаги низоларни ҳал қилиш бўйича судларга тақдим этилган махсус ваколат сифатида таърифланиши мумкин⁵.

¹ Судебная власть. Под ред. И.Л.Петрухина. М., ООО «ТК Велби», 2003, стр. 20.

² Қаранг: В.А. Лазарева. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. Самара, 1999; В.А. Ржевский, Н.М. Чепурнова. Судебная власть в Российской Федерации: конституционные основы организации и деятельности. М., 1998; А.Д. Бойков. Третья власть России. М., 1997; Е.Б. Абросимова. Судебная власть в Российской Федерации: системы и принципы. М., 2002.

³ Ю.А. Дмитриев, Г.Г. Черемных. Судебная власть в механизме разделения властей и защите прав и свобод человека. Журнал «Государство и право», 1997, № 8, стр. 48.

⁴ Правоохранительные органы Российской Федерации. Под ред. В.П. Божьева. М., 1996, стр. 33.

⁵ В.А. Лазарева. Судебная защита в уголовном процессе РФ: проблемы теории и практики. Дис. на соискание докт. юрид. наук. М., 1999, стр. 27.

Шундай қилиб, суд ҳокимиятининг тушунчаси қуйидаги икки қисмдан иборатлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин:

• *биринчидан*, ушбу ҳокимият махсус таъсис қилинган органлар — судлар томонидан амалга оширилади;

• *иккинчидан*, мазкур органлар фақат уларга хос бўлган ваколатлар ва таъсир чоралар қўллаш имкониятларга эга (белгиланган процессуал шаклларга қатъий риоя қилган ҳолда ҳамда процессуал ва моддий қонун меъёрларининг талабларига мувофиқ, улар ваколатига киритилган ишларни ҳал қилиш бўйича тегишли ваколатлар).

Ушбу белгилар ўзаро алоқали ва ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Фикримизга кўра, Ўзбекистон қонунчилигида **суд ҳокимияти амалга оширилишининг қуйидаги шакллар** мустаҳкамланган:

1. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриш;

2. Судга қадар иш юритиш устидан назорат қилиш (эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш; амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриш ва бошқ.);

3. Суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим, қарорлар)нинг ижро этилишини таъминлашга, шунингдек, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари бўйича ижро варақалари беришга доир ишларни кўриш;

4. Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш;

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш;

6. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатидан таъминлашда, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишда иштирок этиш;

7. Одил судловни амалга ошириш. Одил судлов фуқаролик, ҳўжалик, жиноят ишларни ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ва ҳал қилиш орқали амалга оширилади. Суд ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий шакли суд ишларини юритишдир, яъни тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва иш юритишнинг тортишув принципларига асосланган одил судловдир. Дарҳақиқат, одил судлов фақат шу вақтда одил судлов бўлади, қачонки, у адолат талабларига жавоб берса ва ҳуқуқларнинг тикланишини таъминлай олса.

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар (ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим, қарор) барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддаси).

Суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар, нафақат, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун, балки суднинг ўзи учун ҳам мажбурийдир, суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш фақат апелляция, кассация ва назорат тартибда тегишли суд инстанциялари томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

2.2. Мустақил Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиши

Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиши жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: 1) Россияга қўшиб олинишидан олдин Ўзбекистон (Туркистон)да суд ҳокимияти; 2) чор Россияси даврида Ўзбекистонда суд ҳокимияти; 3) Октябр революциясидан сўнг, аммо Ўзбекистон ССР ташкил этилишидан олдин Ўзбекистон (Туркистон)нинг суд ҳокимияти; 4) Ўзбекистон Республикаси СССР таркибига кирган давридаги суд ҳокимияти; 5) Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг суд ҳокимияти.

Суд ҳокимиятининг Ўзбекистон ҳудудида ривожланиши ва шаклланишининг кўрсатилган ҳар бир босқичини қисқача кўриб чиқамиз.

Биринчи босқич — Россияга қўшиб олинишидан олдин Ўзбекистон (Туркистон)да суд ҳокимияти. Россияга қўшиб олинишдан олдин Ўрта Осиё уч феодак давлат ўртасида бўлинган эди: Кўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги. Хон ва амир уларнинг ҳокимиятларига хавф туғдирадиган хатти-ҳаракатлар бўйича жиноят ишларини кўриб, суд ҳокимиятини амалга оширишган. Табиийки, шу ҳолатда ҳар қандай шаклда шикоят қилиш ҳақида сўз юриштишга имкон бўлмаган.

Қози-калон (қози-куззат), яъни олий судья «одил судловни» амалга оширишда хон ва амирнинг ўнг қўли бўлган. У бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам суд ҳокимиятини амалга оширган. Расмий ҳужжатларда у «одил судлов таянчи (устуни)» деб номланган. Шариат қонунларига риоя этган қози судлари ҳамда халқ урф-одат нормалари бўйича ўз қарорларини қабул қиладиган бий судлари Ўзбекистон ҳудудида деярли 13 аср давомида ўз фаолиятини амалга оширган.

Қози-калон хонлик, амирликнинг барча қозиларига раҳбарлик қилган. У янги тайинланаётган қозиларнинг номзодларини хон, амирга тасдиқлаш учун тақдим этиш, шунингдек, уларни синовдан ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган.

Қози-калон мураккаб жиноят ва фуқаролик ишларини, шунингдек, хонлик, амирликнинг пойтахти доирасида вужудга кел-

ган барча ишларни кўрган. Жойларда суд ҳокимиятини қозилар амалга оширган. Қозилар томонидан ишлар оғзаки ва ошкора кўри-либ, шариат ёзма нормаларига асосан ҳал қилинарди, қонуний апелляция ёки кассация инстанциялари йўқ бўлганлиги туфайли қозилар қабул қиладиган қарорлар тарафлар томонидан узил-кесил сифатида эътироф этиларди.

Шу билан бирга, шариат бўйича қозининг қарори устидан бек, хон ёки амирга шикоят қилиш мумкин эди, улар эса шикоятни оқибатсиз қолдирар ёхуд шикоятни ҳал қилиш учун қози-калонга берарди ёки ишни қайта кўриб чиқиш учун тегишли ҳудудда ўз фаолиятини амалга оширган барча қозиларни чақирарди (қозилар қурултойи). Бу ҳолат ўша пайтда ҳам шикоятни коллегиял тартибда кўриб чиқиш тушунчаси мавжудлигидан далолат беради.

Ҳеч қанақа тергов ва прокуратура органлари йўқ бўлганлиги сабабли, қози жиноят ишларини ўзи ҳеч қандай дастлабки терговсиз кўриб чиқарди.

Таъкидлаб ўтиш лозим, қози судларидан ташқари, суд вази-фаларини **қози-аскари** (ҳарбий судья) ҳам бажарган. Шундай қилиб, судларнинг ихтисослашуви ўз ифодасини топган. Қози-аскари ҳар-бий хизматчилар ва бек ҳузуридаги мансабдор шахслар томони-дан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўрган. Ман-сабдор шахслар — давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар қози-аскари томонидан кўриб чиқи-лишида биз апелляция элементларини кўришимиз мумкин.

Иккинчи босқич — чор Россияси давридаги Ўзбекистонда суд ҳоки-мияти. 1865 йил 6 августдаги Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги вақтинча низом маҳаллий суднинг тузилишига дахл-дор бўлган чор ҳукуматининг биринчи ҳужжатидир. Мазкур ни-зомга мувофиқ, қози судлари ҳарбий ҳокимиятга, яъни судлар ҳукмларини тасдиқлашни бошлаган ҳарбий губернаторларга бўйсундирилган. Тез орада қози-калон, қози-аскари мансаблари йўқ қилинган. Уларнинг ўрнига аҳоли томонидан уч йилга сайла-надиган ягона қозилар суди жорий этилиб, ҳар бир қози участка-сининг чегаралари белгиланган.

Даъвонинг баҳоси 100 рублгача бўлган фуқаролик ишлари **участка қози судига** тегишли бўлган, қолган жиноят ва фуқаролик ишлари эса вақти-вақти билан йиғиладиган қозилар қурултойида кўрилган. Қозилар қурултойининг ҳукмлари коллегиял тартибда чиқарилганлиги туфайли узил-кесил бўлиб, уларнинг устидан шикоят қилиш мумкин бўлмаган.

Шу билан бирга, фуқаролик ишлари бўйича ҳар икки тараф қарордан норози бўлган ҳолда чор судига мурожаат қилиш имко-нияти мавжуд бўлган. Оила-никоҳ ишлари бўйича қози судининг қарорлари устидан шикоятлар уезд бошлиғига бериларди, у эса

ишни ўзи ҳал қиларди ёки уни ҳарбий губернатор ихтиёрига тақдим этарди.

1886 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом билан «қози судлари» «халқ судлари» деган номга ўзгартирилган. Бироқ, ушбу судлар аввалгидай бий судлари ва қози судларига бўлинарди. Сўнг икки суд инстанциялари ўрнатилган: «халқ» судьяси ва уезд бошлиғи томонидан чақириладиган «халқ» судьялари қурултойи. Бундан ташқари, уезд бошлиғи ҳукм ёки қарор ижросини тўхтатишга ва вилоят судига шикоят қилиш учун ишни прокурорга юборишга ҳақли бўлган. Яъни иш юқори турувчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилиши учун апелляция шикоятининг мавжудлиги талаб этилмаган. Уезд бошлиғининг қарори ишни юбориш учун фактик асос бўлган.

Бундан ташқари, «халқ» судларининг ҳукмлари ва қарорлари устидан уезд бошлиғига шикоят қилиш мумкин эди, у эса ҳукм ёки қарор ижросини тўхтатишга ҳақли бўлиб, шикоятни, ўз навбатида, «халқ» судьялари қурултойига кўриб чиқиш учун тақдим этарди. Қурултой муайян тумандаги судьяларнинг учдан икки қисмидан иборат бўлган. Шундай қилиб, «халқ» судьялари қурултойи фактик апелляция инстанцияси бўлган. Қурултой ҳуқуқлари доирасидан чиқмаган ҳолда қабул қилинган қурултой қарорлари узил-кесил бўлган. (Таъкидлаб ўтиш лозим, шикоят қилиш ҳуқуқи камдан-кам ҳолларда амалга ошириларди, чунки аҳоли мазкур имконият мавжудлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эди).

Бухоро амирлигида шикоят қилиш тизими ҳақида сўз борса, таъкидлаб ўтиш жоизки, амирликда суд қарорлари узил-кесил бўлган, улар устидан шикоят қилишга имкон бўлмаган, чунки ҳеч ким маҳаллий ҳокимият рухсатисиз амир ва қушбеги маҳкамасига кириб келишга ҳақли эмас эди.

1867 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида биринчи чор судлари ташкил этилган. Уезд судлари биринчи инстанция судлари бўлган ва келиштирувчи судьяларининг ҳуқуқларидан фойдаланган. Ҳукмлар узил-кесил ва узил-кесил бўлмаган тоифаларга бўлинарди. Уезд судьяларининг узил-кесил бўлмаган ҳукм ва қарорлар устидан вилоят бошқармаларга шикоят қилинарди.

Вилоят бошқармалар вилоят судларнинг ташкил этилишига қадар суд вазифаларини бажарарди. Улар суд сифатида уезд судьяларининг ишларини апелляция тартибида кўрарди.

1867 йилдаги низом лойиҳаси бўйича вилоят маҳкамаларининг қарор ва ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари сенат томонидан кўриларди. Бироқ, Туркистон генерал-губернатори 1878 йилда ҳакамлик қурултойи ҳуқуқлари асосида қабул қилинган вилоят маҳкамаларининг қарорларини кассация тартибида кўриш ҳуқуқини ноқонуний равишда эгаллади. Генерал-губерна-

тор девонхонасининг хизматчилари ишларнинг кассация тартибида кўрилушининг мазмунини ўзлаштирмаган бўлиб, бутунлай тўғри бўлган қарорларни бекор қилиш тўғрисидаги билдиргиларни тайёрларди, нотўғри қарорлар устидан берилган кассация шикоятларини эса оқибатларсиз қолдирарди.

Генерал-губернатор вилоят маҳкаманинг қарорларини бекор қилганида ишни такрорий кўриш учун суд таркибини ўзи тайинларди.

Таъсис этилган **вақтинчалик ҳарбий-суд комиссиялари** ҳарбий ва умумий жиноят ишлари бўйича қарор қабул қиларди. Уларнинг ҳукмлари устидан шикоят қилиш мумкин эмас эди.

Келиштирувчи судлари ҳар бир уезд ва Тошкент шаҳрида таъсис этиларди. Асосан, улар диний, сиёсий, мансаб жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар, одам ўлдириш, босқинчилик ва ҳ.к. жиноятлар бўйича рус ва маҳаллий аҳолининг вакиллари айланиб юзасидан ишларни кўрарди. Келиштирувчи судларнинг ҳукм ва қарорлари устидан апелляция шикоятлари ва прокурор протести, шунингдек, хусусий шикоятлар вилоят судига бериларди.

Вилоят судлари суд палатаси ва келиштирувчи судлар курултойининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида бирлаштирарди. Вилоят судлари олдин вилоят маҳкамалари ва келиштирувчи судлар курултойлари судловига тегишли бўлган барча ишларни кўрарди. Бундан ташқари, уларга маҳаллий аҳолининг қози ва бий судлари ҳукм ҳамда қарорларини бекор қилиш ҳуқуқи тақдим этилган.

1898 йилда Туркистонда 1864 йилдаги Суд низомлари жорий этилган. Суд низомларини қўллаш тўғрисидаги вақтинчалик қоидаларига мувофиқ, *участка ва қўшимча келиштирувчи судлари; округ судлари; суд палатаси* таъсис этилган.

Участка ва қўшимча келиштирувчи судлари судловга тегишлилиги жиноят ва фуқаролик суд иш юритувининг низомлари билан белгиланадиган жиноят ва фуқаролик ишларини кўрарди. Аҳвол ҳуқуқидан маҳрум этишга ёки уни чеклашга олиб келмайдиган жиноят ва ножўя ҳаракатлар тўғрисидаги ишлар келиштирувчи судья томонидан кўриларди. Уларнинг қарорлари устидан протест ва шикоятлар округ судига бериларди.

Округ судлари ишларни биринчи инстанция суди сифатида кўрарди. Ишлар маслаҳатчилар иштирокида кўриларди, маслаҳатчилар сифатида эса фахрий участка ва қўшимча келиштирувчи судьялар таклиф этилиши мумкин эди. Округ суди томонидан биринчи инстанция сифатида кўрилган ишлар бўйича апелляция инстанцияси суд палатаси бўлган.

Суд палатаси 1899 йил 14 майда Тошкентда ташкил этилган. У биринчи инстанция суди сифатида қонунга мувофиқ, унинг суд-

ловига тегишли бўлган жиноят ва фуқаролик ишларининг энг муҳим тоифаларини кўрган. Участка судлари томонидан кўрилган ишлар бўйича суд палатаси кассация инстанцияси вазибаларини бажарарди. Келиштирувчи судьяларнинг қурултойи сифатида чиқарилган округ судларининг узил-кесил қарор ва ҳукмлари устидан берилган протест ва шикоятлар юзасидан ишларни кўриш бўйича сенатнинг вазибалари ҳам суд палатасига юклатилган эди. Суд палатаси катта раис, уч нафар подшолик судьялар ва уч нафар маҳаллий фахрий келиштирувчи судьялардан иборат бўлган.

Учинчи босқич — Октябрь революциясидан сўнг, Ўзбекистон ССР ташкил этилишидан олдин Ўзбекистон (Туркистон)нинг суд ҳокимияти. 1921 йилдан бошлаб РКП(б) МК кўрсатмаларига асосан, Туркистонда қози судлари институтининг қисман тикланиши бошланди.

1921 йил 6 октябрдаги Қози суди тўғрисидаги низомга мувофиқ, Фарғона вилоятида ягона халқ суди билан бирга қози судлари ҳам легаллаштирилган. Мазкур судларнинг биринчи инстанцияси ишларни яқка тартибда кўрган қози бўлган. Иккинчи — апелляция инстанцияси 2—5 кишидан иборат бўлган қозилар қурултойи, кассация инстанцияси эса (қози қурултойи қарорлари устидан кассация тартибда шикоят қилиш учун) вилоят ёки уезд адлия бўлимининг тақдимномаси бўйича ёки хулосаси билан ишларни кўрган ижроқум раёсати бўлган. Низомга биноан, қози тарафларнинг вужудга келган низони шариат бўйича ҳал қилинишига рози бўлганлиги ҳақидаги ёзма аризаси бўйича ишларни кўришга ҳақли эди. Тарафларнинг бири низо ушбу тартибда кўриб чиқилишига рози бўлмаган ҳолда судловга тегишлилик ҳақидаги масала қарори узил-кесил ҳисобланган алоҳида комиссияга ҳал қилиш учун тақдим этилиши мумкин эди. Кейинчалик халқ қозилари ва халқ бийларининг қарор ҳамда ҳукмлари устидан берилган шикоятларни кўрадиган апелляция инстанцияси халқ қозилари ва халқ бийларининг қурултойи, кассация инстанцияси эса халқ судлари кенгашининг мусулмон бўлими (маҳкамаишария) бўлган. Шикоят қилиш учун белгиланган муддат қарор ёки ҳукм чиқарилган кундан бошлаб, 15 кунлик муддатни ташкил этарди. Бироқ, ушбу тизим узоқ амал қилмаган эди. 1924 йилда апелляция тўлиқ бекор қилинган эди, 1928 йилда эса қози судлари ҳам бекор қилинган эди¹.

Туркистон АССРнинг 1923 йилдаги Суд тuzилиши тўғрисидаги низомига асосан, Туркистон ҳудудида қуйидаги суд тизими амал қилган эди: 1) ишларни яқка тартибда ёки икки халқ маслаҳатчиси иштирокида кўрган халқ суди; 2) вилоят суди;

¹ Қози судлари ЎзССР МИҚ ва ХНКнинг 1928 йил 18 февралдаги Қарори билан тўлиқ бекор қилинган.

3) РСФСР Олий судининг бўлинмаси.

Халқ суди суд тизимининг асосий бўғин бўлиб, жиноят ва фуқаролик ишларининг асосий қисмини кўрарди¹.

Вилоят суди халқ судларининг ишлари бўйича кассация инстанцияси вазифаларини бажарарди ҳамда вилоятдаги барча судтергов муассасаларига раҳбарлик қиларди. У биринчи инстанция суди сифатида олдин халқ судлари томонидан олти халқ маслаҳатчиси иштирокида кўрилган энг муҳим жиноят ва фуқаролик ишларини кўрарди.

РСФСР Олий судининг Туркистон бўлинмаси қуйидаги таркибда фаолият юритган эди: бўлинма раёсати; жиноят ишлари бўйича кассация коллегияси ва жиноят ишлари бўйича суд коллегияси. Унинг вазифаларига қуйидагилар кирарди: Олий суд бўлинмасининг аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш; суд коллегиясида кўрилатган айрим ишлар бўйича махсус суд таркибларини тайинлаш; коллегияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Олий суд бўлинмаси бўйича ҳисоботларни тайёрлаш; республика прокурори таклифлари бўйича вилоят судларида махсус тафтиш ўтказилишини тайинлаш ва ушбу тафтишлар натижаларини тинглаш; Олий суд бўлинмасининг аъзолари, вилоят судларининг раислари, уларнинг ўринбосарларига нисбатан тафтишлар натижалари ёки республика прокурорининг алоҳида хабарлари бўйича интизомий ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш.

Кассация коллегияси иккинчи инстанция суди сифатида фақатгина вилоят судлари томонидан кўрилган жиноят ишларини кўрарди. Жиноят ишлари бўйича суд коллегияси биринчи инстанция суди сифатида алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлган ишларни кўрарди. Фуқаролик ишлари вилоят судлари томонидан кўриларди. Уларнинг қарорлари устидан берилган шикоят ва протестлар бевосита РСФСР Олий судига юбориларди. Таъкидлаб ўтамиз, РСФСР Олий судининг Туркистон бўлинмаси тузилмасида пленум йўқ эди, унинг вазифаси РСФСР Олий суди ваколатига киритилган эди.

Муайян иш тоифаларини кўриб чиқиш учун махсус судлар, яъни ҳарбий трибуналлар; халқ судларининг алоҳида меҳнат сессиялари, ер комиссиялари ва арбитраж комиссияси ташкил этилиши ҳам низомда назарда тутилган эди.

Тўртинчи босқич — Ўзбекистон Республикаси СССР таркибига кирган давридаги суд ҳокимияти. ЎзССР ташкил этилишидан

¹ Таъкидлаб ўтиш лозим, халқ судьяси мансабларига номзод бўлган шахсларга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилган эди: суд бўйича қораланмаган, адлия органларида жамоат ёки амалий икки йиллик иш стажига эга бўлган фуқаро.

(1924 й.) сўнг барча давлат ҳокимияти органилари ва қонушларни унификация қилиш, собиқ ТАССР, БССР ва ХССР ҳудудида амал қилган турли қонун ҳужжатлари ўрнига ягона республика қонунчилигини ишлаб чиқиш зарурати вужудга келган. ЎзССР ҳукумати олдида республика барча ҳудудлари учун суд муассасаларининг ягона тизимини ўрнатиш вазифаси ҳам турган. Янги ташкил этилган вилоятларда (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм), шунингдек, олдиндан бўлган Самарқанд ва Фарғона вилоятларида вилоят судлари таъсис этилган.

1922 йилдаги *РСФСРнинг суд тuzилиши тўғрисидаги низомга* мувофиқ, янги ташкил этилган ЎзССР Олий суди ва вилоят судлари ўз фаолиятини бошлаган эди.

ЎзССР Олий суди қуйидаги таркибда ўз фаолиятини юритган эди: ялпи мажлиснинг раёсати, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича кассация коллегияси, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд коллегияси ва интизомий коллегия.

Халқ судлари ҳам мавжуд бўлган, улар миллий-давлат чегаралаш жараёнининг бошида бир-биридан кескин фарқланадиган икки гуруҳга бўлинган эди:

1) олдин Туркистон Республикасига кирган вилоятлар (Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари)нинг халқ судлари;

2) Ўзбекистонга янги қўшилган вилоятларнинг халқ судлари.

Биринчи гуруҳдаги судлар яхшироқ суд аппарати билан фарқ қиладиган бўлса, иккинчи гуруҳдаги судларнинг фаолияти мазкур вилоятларда аҳолига муҳим таъсир ўтказадиган қози судлари сони кўплиги туфайли бошида қийинчиликларга дуч келди.

1926 йилдаги *ЎзССРнинг суд тuzилиши тўғрисидаги низом*. ЎзССРда вилоятлар ўрнига округлар ташкил этилиши муносабати билан вилоят судлари тугатилган ва улар ўрнига округ судлари ташкил этилган.

СССР ва иттифоқдош республикаларда суд тuzилиши асосларининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, низом ЎзССР ҳудудида қуйидаги ягона суд тизимини ўрнатган эди:

1) халқ суди;

2) округ суди;

3) Олий суд.

Бундан ташқари, махсус суд таркибини ва кўриб чиқиш махсус тартибини талаб қиладиган алоҳида тоифали ишларни кўриб чиқиш учун махсус суд-маъмурий органлар, яъни халқ судининг меҳнат сессиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва суд-ер комиссиялар ташкил этилиши низомда назарда тутилган эди. Ҳарбий жиноятлар тўғрисидаги ишлар махсус низомга асосан, ўз фаолиятини юритган Ҳарбий трибуналлар томонидан

қўриб чиқиларди. Давлат муассасалари ва корхоналари ўртасидаги низолар арбитраж комиссиялари томонидан қўриб чиқиларди.

Халқ суди ягона суд тизимининг асосий бўғини бўлган.

Округ судлари: а) округнинг суд маркази ва у қарамоғидаги халқ судларига нисбатан суд бошқаруви органи сифатида; б) халқ судлари учун кассация ва тафтиш инстанцияси сифатида; в) қонун билан уларнинг ваколатига киритилган ишлар бўйича биринчи инстанция суди сифатида фаолият юритишган.

Округ судлари раёсат ва пленумга эга бўлганликлари уларнинг ўзига хос хусусиятидир.

1926 йилдаги низом туман (уездлар)да олдин бўлмаган округ судининг вакиллари институтини назарда тутган эди. Ушбу институт ташкил этилишининг мақсади округ суди ва унга бўйсунувчи маҳаллий органлар ўртасидаги алоқани таъминлаш ва маъмурий-молия бошқарувга оид зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўлган. Вакиллар туман (уезд) судьялари орасидан округ судининг пленуми томонидан тайинланарди ва округ суди аъзолари ҳуқуқларига эга бўларди.

ЎзССР Олий суди республиканинг олий суд органи бўлиб, раёсат, пленум, судлов ва кассация бўлинмаларига бўлинадиган жиноят ва фуқаролик бўлимлари ҳамда интизомий коллегиядан иборат бўлган.

Шундай қилиб, республика суд органларининг ташкил этилиши ва тизими СССР ва иттифоқдош республикаларнинг суд тузилиши умумиттифоқ асослари ҳамда ЎзССРнинг суд тузилиши тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинган. Таъкидлаш лозим, суд бошқарувига раҳбарлик қилиш бўйича барча ишлар Адлия халқ комиссариати томонидан мазкур комиссариатнинг суд йўналиши бўйича ўринбосари бевосита раҳбарлигида амалга ошириларди. Умумий тусдаги директив кўрсатмалар Адлия халқ комиссариати томонидан Олий суд орқали ёки Олий суд томонидан Адлия халқ комиссариати санкцияси билан бериларди. Суд фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш ва ягона суд амалиётини таъминлаш Олий суд зиммасига юклатилган эди, у эса мазкур вазифани айрим суд ҳукм ва қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ ишлар бўйича тушунтириш бериш орқали бажарган эди.

1931 йилдаги ЎзССРнинг суд тузилиши тўғрисидаги низом. ЎзССР МИҚнинг 1930 йил 17 августдаги қарори билан республиканинг округларга бўлиниши тизими бекор қилиниб, бошқарувнинг икки бўғинли тизими (туман ва марказ) ўрнатилган эди. Шу муносабат билан, округ судлари, округ судининг туман (уезд) вакиллари тугатилганди.

Барча суд участкалари туман марказида тўпланган бўлиб, судьяларнинг бири эса бошқа халқ судьяларининг ишига раҳбарлик қилиш учун тайинланарди.

Шундай қилиб, ЎзССРда икки бўғинли суд тизими барно этилганди. Халқ судлари учун кассация ва назорат инстанциялари вазибаларини ЎзССР Олий суди бажарарди. Ушбу ўзгартиришлар муносабати билан 1931 йил 20 июлда ЎзССРнинг суд тузилиши тўғрисидаги низом янги тахрирда қабул қилиниб, 1926 йилдаги низом чиқарилганидан сўнг қабул қилинган суд тузилиши тўғрисидаги барча қонунларни бирлаштирди.

1934 йил 10 июлда СССР МИҚ Қарори билан революцияга қарши жиноятлар тўғрисидаги айрим тоифали ишларни кўриб чиқишга ҳақли бўлган ОГПУ бекор қилиниб, ЎзССР Олий суди ҳузурида махсус ишлар бўйича коллегия ташкил этилганди. Ватанга хоинлик қилиш, жосуслик, террор, қўпоровчилик каби энг оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар Ҳарбий Трибуналлар томонидан кўриларди.

ЎзССР МИҚ ва ХНКнинг 1934 йил 10 ноябрдаги қарорига мувофиқ, ЎзССР ҳузурида сув транспорти бўйича суд коллегияси, шунингдек, Термиз ва Янги Урганчда сув-транспорт судлари ташкил этилади.

1938 йилда қабул қилинган «Суд тузилиши тўғрисида»ги Қонун. «СССР, иттифоқдош республикалар ва автоном республикаларнинг суд тузилиши тўғрисида»ги СССР Қонуни бўйича Ўзбекистонда қуйидаги суд тизими амал қилишни бошлаган:

1. ЎзССР Олий суди;
2. Қорақалпоқ АССР Олий суди;
3. Вилоят судлари;
4. Халқ судлари.

Олий суд ЎзССР ва Қорақалпоқ АССР барча суд органларининг суд фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи республика олий суд органи ҳисобланган эди. У республика Олий Кенгаши томонидан беш йил муддатга сайланадиган раис, унинг икки ўринбосари, суд аъзолари ва халқ маслаҳатчиларидан иборат эди. Олий суд қуйидаги таркибда ўз фаолиятини юритган эди: раёсат, жиноят ишлари бўйича суд коллегияси, фуқаролик ишлари бўйича суд коллегияси, интизомий ишлар бўйича суд коллегияси.

Кейинги бўғин – вилоят судлари – раис, унинг ўринбосарлари, суд аъзолари, халқ маслаҳатчилари, раёсат ва уч коллегиядан (жиноят, фуқаролик ва интизомий ишлар бўйича) иборат бўлган.

Халқ судлари суд тизимининг асосий бўғини бўлиб, ҳар бир маъмурий туманда ташкил этилган ҳамда жиноят ва фуқаролик ишларининг аксариятини кўришган.

Кўриб чиқиладиган босқичнинг сўнгги даврида, яъни Ўзбекистон бир неча ўн йиллик давомида СССР таркибига кирган пайтида давлатимиз ҳудудида КПСС тазйиқи устида бўлган ҳуқуқий тизим

зим амал қилган. Тарих шуни кўрсатмоқдаки, Октябрь тўнтарилишдан сўнг ўрнатилган шўро суд тизими жазоловчи тусга эга бўлиб, КПСС ва ижро этувчи ҳокимиятнинг қўлларида жиноят репрессияларини амалга ошириш воситаси бўлган, албатта, бу ҳолат судьяларнинг одил судловни амалга оширишда мустақиллигига ҳам тўсқинлик қилган. Табиийки, судьяларнинг мустақиллиги ва демократик одил судловнинг йўқлиги ўша пайтда ҳукм сурган оммавий қонун бузилишларига олиб келди. Судлар ва уларнинг фаолиятига партия раҳбарлик қилган, у ёниқ суд мажлисларида айбдорларни жазолаб, «ўз адолатини» ўрнатган. Айниқса, вилоят НКВД бошқармаси, вилоят партия кўмитаси биринчи кетиби ва вилоят прокуроридан иборат бўлган ҳамда суд ва терговсиз минглаб одамларни отиб ўлдиришига ҳукм қилиши мумкин бўлган «учлик» ва «иккилик»лар ачинарли из қолдирган. Тарих саҳифалари ўша пайтда ҳукм сурган қонун бузилишлари ва ҳуқуқ нормаларига риоя қилмасликнинг беҳисоб мисолларини ошкор қилмоқда.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси бўлган пайтида суд мансаблари номенклатура тартибида эгалланганлиги, судьялар эса партия ва шўроларнинг тўлиқ қарамлигида бўлганлиги ўша даврда ҳақиқий суд ҳокимияти йўқлигидан далолат беради. «Телефон ҳуқуқи» (телефон орқали ҳукм ёки қарорлар бўйича келишиш) устунлик қилиб, суд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг таркибий қисми бўлиб, жиноятчиликнинг ҳолати учун улар билан масъулиятни бўлган ва дастлабки терговнинг сифатига юқори талаблар қўйилмас, айбланувчи ва жабрланувчи манфаатлари, ўз навбатида, лозим даражада ҳимоя қилинмаган. Табиийки, ушбу шароитда қонунийлик, ҳукмларнинг асослилиги ва адолатлилиги, айниқса, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишининг самарадорлиги тўғрисида гап юритиб бўлмасди.

Натижада, олдинги СССР тоталитар тизимидан Ўзбекистонга, нафақат, бир томонлама ривожланган, ночор ва заиф иқтисодиёт, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими, қарорларни қабул қилишда қарамлик, балки такомиллашмаган суд-ҳуқуқ тизими ҳам мерос бўлиб қолди. Демократия ва фуқаролик жамият асосининг энг муҳим қисмларидан бири бўлган соҳа дарҳол ва тубли ўзгартиришлар ва ислохотларни талаб қиларди. Ахир ҳаммага маълумки, «қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демокра-

тик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришини, нафақат, мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»¹.

Бешинчи босқич — *Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг суд ҳокимияти*. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, давлат ҳокимияти барча тармоқларининг тенглигини қонуний мустаҳкамлаш мустақил суд ҳокимияти ва суд тизимини шакллантириш йўлида биринчи қадам бўлди. Президент И.А. Каримов мазкур қоидага эътибор қаратиб, таъкидлаб ўтган: «қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир»². Шу муносабат билан, мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш вазифасини бажарадиган мустақил суд тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда суд-ҳуқуқ соҳасини муваффақиятли ислоҳ қилишда мустақил суд ҳокимиятининг ташкил топиши устувор вазифа бўлди. Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судлар фаолиятининг принциплари ва суд тизимининг ташкил этилиши каби масалаларни тартибга солган Асосий Қонун хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳоти энг муҳим ҳолатларининг биринчи босқичда амалга оширилишини таҳлил қиладиган бўлсак ҳам, таъкидлаш жоизки, ушбу даврда энг аввал давлат ҳокимиятининг эркин, мустақил ва кучли тармоғи бўлган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ-эркинликларини, конституциявий тузумни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ваколатларини амалга оширадиган суд ҳокимиятини шакллантириш бўйича кескин ва самарали чоралар кўрилди. Бунга суд ҳокимияти мустақиллиги, эркинлиги, самарадорлигининг тубдан янги ва асосий кафотларини қонун даражасида ифода этган «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниши орқали ҳам эришилди. Мазкур Қонунга мувофиқ, судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш (сайлаш)нинг самарали ва демократик механизми барпо этилди, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

¹ И.А. Каримов. Адолат — қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т., «O'zbekiston», 2002, 28-бет.

² И.А. Каримов. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ). Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., «O'zbekiston», 1996, 127-бет.

Шубҳасиз, ушбу қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши таъсирли эмас. Уларнинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга оширишга, умуман жамиятимизнинг модернизация қилишга изчил, босқичма-босқич ва пухта ўйланган муносабатининг натижасидир. Барчага маълумки, ҳуқуқий давлатда суд ҳокимияти давлатчиликнинг ҳақиқий асоси, ижтимоий тинчликни, ҳуқуқий тартибни ва жамият барқарорлигини таъминлайдиган институтдир. Ҳар бир инсон, юридик шахс ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, биринчи навбатда, судда ҳимоя қилиши мумкин. Шундай қилиб, суд ҳокимияти, нафақат, ислоҳотларнинг натижаси, балки мазкур ҳокимиятнинг мустақиллиги ва демократчилиги таъминланган бўлса, ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучга айланади¹. Шу боис бутун суд-ҳуқуқ соҳасининг ислоҳ қилиниши айтиш мумкин бу йўналишда амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси суд ҳокимиятининг фуқаролик жамиятида ўрни, мақсади ва вазифалари тўғрисида хулоса чиқаришга имкон яратади. Ушбу муносабатлар икки томонлама бўлади, чунки фуқароларнинг мустақил ва адолат судига ишончларига бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд ҳокимиятига мурожаат қилишга мажбур этади. Ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг манфаатлари мустақил, адолат ва очиқ судининг ишлаб туришига нойдевор яратади, шунингдек, суд ҳокимиятининг самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

Умуман олганда, суд ҳокимиятининг шаклланиши қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қарор ва хатти-ҳаракатларига уларни тенглаштириш мақсадида фаол таъсир кўрсатиш бўйича юридик имкониятини ўз ичига олган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, жамиятни емирувчи ижтимоий тўқнашувлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган тубдан янги вазифалар суд зиммасига юклатилишини назарда тутаяди. Зеро, суд-ҳуқуқ ислоҳоти айнан бу йўналишда амалга оширилмоқда. Юртбошимиз И.А. Каримов айтганидек, «Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим. Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланимоқда. Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш

¹ И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида жорий қилинаётган ислоҳотлар ... ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлади». Қаранг: И.А. Каримов. Адолат — қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т., «O'zbekiston», 2002, 32-бет.

аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда кўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда...»¹.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг турли босқичларида бир қатор қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг шаклланилишига йўналтирилган эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда), Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Уй-жой кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонлари. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти жараёнида бошқа муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом ва бошқалар. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, суд ва суд ходимларининг обрўсини оширишга, шунингдек, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва суд органларини кадрлар билан таъминлашга йўналтирилган.

Юқорида келтирилган таҳлил суд-ҳуқуқ ислоҳоти жараёнида давлат ҳокимиятининг эркин, мустақил ва кучли тармоқ сифатида ташкил топган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатида ўз ваколатларини амалга оширадиган суд ҳокимияти шаклланилишига қаратилган таъсирли чоралар кўрилди².

¹ И.А. Каримов. Адолат — қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т., «O'zbekiston», 2002, 28—29-бет.

² Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллик даврида шаклланилиши масалалари суд-ҳуқуқ ислоҳоти масаласи доирасида батафсилроқ ёритиб берилган.

2.3. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳаси ҳам ислоҳ қилинишининг олий манбаи сифатида хизмат қилади.

Олий Кенгашнинг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси эълон қилинди ва И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат бўлган ва янги Конституция лойиҳаси устида икки ярим йил давомида ишлаган Конституция комиссияси ташкил этилди. Комиссия аъзоларининг сўзларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция лойиҳаси устида ишлаганида инсон ҳуқуқлари ва суд ҳокимиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган бўлимларга алоҳида эътиборини қаратди. Хусусан, айнан Президентининг таклифи бўйича шахс дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хўжалик судлари ҳақидаги ва бошқа муҳим масалаларга оид нормалар лойиҳага киритилди. Конституция лойиҳасининг Олий суд ҳақидаги меъёри ҳам бевосита Президент томонидан кучайтирилган ва яхшиланган.

«Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилиниши лозим» каби нормани мустақамлашни назарда тутган Конституция дастлабки лойиҳасининг 19-моддасига ҳам жиддий ўзгартиришлар киритилди. Конституция комиссияси Раиси қўйидаги таҳрирни таклиф этди: «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Агарда биринчи вариантда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимоя қилиниши назарда тутилган бўлса, иккинчи вариант фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлигини, шунингдек, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги қонидани мустақамлаб, олдини олувчи тусга эга бўлди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этиш ёки уларни чеклаб қўйиш бўйича ҳар бир хатти-ҳаракат унинг хусусиятига қараб, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка олиб келади. Мазкур конституциявий норма Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ва бошқа қонунларда ўзининг мантиқий ҳуқуқий ривожини топган. Давлатимизнинг раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши кўрсатилган конституциявий меъёр ривожининг ёрқин мисолидир.

Бошқача қилиб айтганда, Конституция ҳуқуқий тизимни ташкил этувчи ҳуқуқ барча тармоқларини ривожлантириш учун юридик база сифатида хизмат қилади, бу эса турли ҳуқуқ тармоқларининг бирлигини ва мувофиқлигини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг бошланғич нуқтаси ва асосий ҳуқуқий манбаидир.

Юқоридагиларга асосан, таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ҳамда ижтимоий макон сифатида тушуниладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлаган. Кўрсатилган ижтимоий маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлат ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ҳамда ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришнинг, нафақат, мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Шубҳасиз, мафкуранинг қонунга нисбатан устунлигини эълон қилувчи тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан инсон ҳуқуқларининг устунлигини таъминлайдиган ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлат ва жамиятга ўтиш мақсадида бир қатор қонун блокларининг қабул қилиниши талаб қилинди. Шу муносабат билан, қисқа муддатда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Одил судловни амалга ошириш орқали жамиятда тотувликни, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга йўналтирилган мустақил суд ҳокимиятининг шакллантирилишига имкон берган мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши қайд этилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотининг мақсадлари ва босқичлари. Давлат ҳокимиятининг тизими, жамиятнинг иқтисодий асослари ва жамият муносабатлари барча ислоҳотларнинг, шу жумладан, суд-ҳуқуқ ислоҳотининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шу билан бирга, жамият ҳаёти ислоҳ қилинишининг бошқа йўналишлари каби суд-ҳуқуқ ислоҳоти ижтимоий муносабатларининг янада ривожланишига, демократик ўзгартиришларнинг чуқурлаштирили-

шига, умуминсоний неъматларни, биринчи навбатда, шахс, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кафолатларининг кучайтирилишига таъсир қилиб, улар учун зарур шароитларни яратади.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг биринчи навбатдаги мақсади инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятда тотувлик ва барқарорликни таъминлашдир. Суд тизимини такомиллаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини ва давлатда ижтимоий барқарорлик ҳамда қонунийликни таъминлаш мақсадини кўзда тутган суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш; жиноятга оид сиёсатни либераллаштириш; ишларни судда кўрилишининг процессуал тартибини такомиллаштириш; суд орқали ҳимояланишнинг кафолатларини кучайтириш ва судга мурожаат қилиш эркинлигини таъминлаш; инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятини такомиллаштириш; аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш соҳасидаги фаолиятни яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиш юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш воситаси сифатида хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳар бир маърузасида чуқур таҳлил қилиб борилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида Президент И.А. Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди ...

... ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган **дастлабки босқич – 1991—2000 йиллар ...**

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври»¹.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. Т., «O'zbekiston», 2008, 5-бет.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотининг биринчи босқичида (1991—2000 йиллар) суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгиланди ва унинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилди. Судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди¹. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди².

Мазкур босқичда, биринчи навбатда, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ваколатларини амалга оширадиган суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти эркин, мустақил ва кучли тармоғи сифатида тасдиқланиши бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да тақидлаганидек, «аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатида орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди»³.

Ушбу мақсадда «Прокуратура тўғрисида»⁴ги (1992 й.) ва «Судлар тўғрисида»⁵ги Қонунлар, Хўжалик процессуал кодекс⁶ (1993 й.),

¹ Ўша жойда. 13-бет.

² Ўша жойда.

³ *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 13 ноябр.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1993, № 1, 29-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1993, № 10, 367-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиининг Ахборотномаси. Т., 1993, № 10, 371-модда.

Жиноят¹ ва Жиноят-процессуал кодекслари², Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс³ (1994 й.), «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»⁴ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»⁵ги (1995 й.) Қонунлари, Фуқаролик кодекси⁶ (1995—1996 йиллар), Фуқаролик процессуал⁷ ва Жиноят-ижроия кодекслари⁸, Хўжалик процессуал кодекси (янги таҳрир)⁹, «Адвокатура тўғрисида»¹⁰ги (1997 й.) ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»¹¹ги Қонунлари (1998 й.), Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу давр ичида Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси ва Судьялар Ассоциацияси ташкил қилинди.

2000 йил июн ойида давлатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш» дастури тасдиқланди. Мазкур Дастурда бошқа чора-тадбирлар қаторида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар назарда тутилганлиги инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш бўйича қабул қилинган йўлнинг ҳаққоний натижасидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1995, № 1, 1-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1995, № 2, 4-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1995, № 3, 6-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1995, № 9, 183-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1995, № 9, 178-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1996, № 2-га илова, № 11—12.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1997, № 9-га илова.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1997, № 6, 175-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1997, № 9, 234-модда.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1997, № 2, 48-модда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 1999, № 1, 12-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда умумий юрисдикция судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида, 2001 йил 1 январдан бошлаб, фуқаролик ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судлар тўғрисида»¹ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиниши биринчи босқичининг баркамол ниҳояси бўлди. Мазкур қонун суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлиги, унинг самарадорлиги принципиал бошқача ва фундаментал кафолатларини акс эттирди. Ушбу қонунга мувофиқ, судья кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ҳамда демократик ҳуқуқий механизми яратилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ихтисослашуви қонуний мустақамланди ва амалга оширилди.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизнинг суд тизимини ислоҳ қилиш йўлида муҳим қадам бўлди. Қонун мустақиллик даврида суд-ҳуқуқ соҳасида йиғилган тажриба маҳсули бўлиб, суд фаолиятини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш учун шароит яратди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотининг иккинчи босқичи 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Мустақил суд тизимини мустақамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ушбу босқичнинг энг муҳим дастурий вазифаси бўлди².

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: «Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги бош стратегик вазифа — бу 2000 йил июн ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурини амалга оширишдан иборат ...»

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 2001, № 1—2, 10-модда; 2002, № 1, 20-модда; 2004, № 1—2, 18-модда.

² И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. Т., «O‘zbekiston», 2008, 40—42-бет.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим. Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланмоқда.

Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланыпти. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янги, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади. Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонуничилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаяпмиз.

Бугун жиноят учун жазо тайинлаш борасида юқорида келтирилган ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди»¹. Шу муносабат билан, «мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди»².

2001 йилда «Судлар тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ўз фаолиятини амалга ошириш бошланди, жинсий жазоларни либераллаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш, судда иш кўрилишининг муддатларини қисқартириш, ишлари апелляция институтини жорий этиш ва жиноят ва фуқаролик ишларини кассация тартибида кўрилиши ўзгартириш, суд қарорларини ижро этишни такомиллаштириш каби вазифалар амалга оширилди.

¹ *И.А. Каримов*. Адолат -- қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тиinchлик учун курашмоқ керак. Т. 10. Т., «O'zbekiston», 2002, 28—37-бет.

² *И.А. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. Т., «O'zbekiston», 2008, 40-бет.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотини чуқурлаштиришга, бутун одил судлун тизимини янада демократлаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилинди. Мазкур босқичда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

- суд ҳужжатлари, шунингдек, бошқа органлар (мансабдор шахслар) ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга соладиган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»¹ги Қонун (2001 й.). Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилади. Ижро иши юритиш суд ишларини юритишнинг таркибий қисми эмас, балки мустақил ҳуқуқий институти бўлганлиги сабабли кўрсатилган Департамент ташкил этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритилган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»²ги Қонун (2001 й.). Мазкур қонунда содир қилинган жиноятлар, айниқса, иқтисодий соҳага оид жиноятлар учун тайинланадиган жазоларнинг либераллаштирилиши назарда тутилган. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан суд амалиётига мутлақо янги тарафлар ярашувининг ҳуқуқий механизми жорий этилди. Амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилигини янги мазмун билан бойитишди;

- Олий Мажлисга давлатимиз раҳбари томонидан киритилган ва, биринчи навбатда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципини таъминлашга йўналтирилган «Прокуратура тўғрисида»³ги Қонун (янги таҳрирда, 2001 й.). Мазкур ҳужжатда Қонун олдинги таҳрирининг қабул қилиниши найтидан мамлакатимизда рўй берган ўзгаришлар акс эттирилди. Қонуннинг янги таҳририга прокурату-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. Т., 2001, № 9—10, 169-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. Т., 2001, № 9—10, 165-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. Т., 2001, № 9—10, 168-модда; 2003, № 5, 67-модда.

ра органларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, асосий йўналишлари ва принципларини белгилайдиган нормалар киритилди. Прокуратура органларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи норма ҳам илк бор киритилди;

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»¹ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида»²ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги янги Қонуни қабул қилишининг якуилари таҳлил қилинди: амалга оширилаётган ислохотлар натижасида суд-ҳуқуқ соҳасида бўлаётган ижобий ўзгаришлар таъкидлаб ўтилди; мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд ҳокимиятининг шаклланиши; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилиши орқали судлар ихтисослашувининг амалга оширилиши; суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг энг самарали ва демократик механизмини жорий этилишига йўл очиб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ташкил этилиши каби масалалар, шунингдек, судларда ишлар кўриб чиқилиши процессуал тартибини такомиллаштиришга оид жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилигига киритилган айрим ўзгаришлар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ушбу сессияда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш бўйича бажарилиши лозим бўлган қўйидаги вазифалар қўйилди. Президент И.А. Каримов айтиб ўтганидек, «Энг аввало, **жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига** қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур».

Айрим жиноятларни унча оғир бўлмаган жиноятлар ва оғир жиноятлар тоифасидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотиомаси. Т., 2000, № 7—8, 246-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотиомаси. Т., 2001, № 9—10, 204-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 12—13, 89-модда.

лар тоифасига ўтказиш; жарима каби иқтисодий таъсир чораларини жазо сифатида қўллаш бўйича имкониятларни кенгайтириш; Конституцияда назарда тутилган эркинлик ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ бўлмаган гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат каби бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш; ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қўлланилиши муаммолари; мол-мулкни мусодара қилиш жазосини жиноий жазо тизимидан чиқариб ташлаш; вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини қайта кўриб чиқиш лозимлиги; жиноят ишларни тергов қилиш ва ҳибсда сақлаш муддатларини қисқартириш каби масалалар кун тартибига қўйилди. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти доирасида барча кўрсатилган масалалар лозим равишда ҳал қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида аҳоли ва судьялик корпуси томонидан қайта тушуниб етишини расмийлаштирди. Эришган натижалардан ташқари, изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти ушбу жазо чорасидан воз кечишга имкон берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»¹ги (01.08.2005 й.) ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»²ги (08.08.2005 й.) Фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»³ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»⁴ги Қонунлари ишлаб чиқилди ва парламент томонидан қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотининг иккинчи bosқичида бошқа қонунлар ҳам қабул қилинди. Ушбу қонунлар билан «Судлар тўғрисида»ги ва

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 30—31, 223-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 32—33, 242-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2007, № 6, 248-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2007, № 6, 249-модда.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, инсон ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга, судларда ишлар кўрилишининг процессуал тартибини такомиллаштиришга қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар¹ киритилди.

Учинчи босқич 2008 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Мамлакат раҳбарияти томонидан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича тегишли чоратадбирлар (суд обрўсини ошириш, суд қарорлари ижро этилишини ва малакали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш) амалга оширилиши мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятидир.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган қонуннинг концептуал қоидаларини белгилади³.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўсини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятига аралаштиришга ҳамда ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида 2008 йил 23 июнда давлатимиз раҳбари томонидан «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2005, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 18, 144-модда.

³ Қонун қоидалари дарсликнинг 15-бобида очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга ошириш учун янги имкониятларни яратди. Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарорида қонуний даражада илк бор «суд қонунчилиги» тушунчаси ишлатилган. Бу эса суд ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилишини билдиради. Суд ҳуқуқи – бу суд ҳокимияти тўғрисидаги қонунчиликдир. У фуқаролик, жиноят, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, хўжалик процессуал, маъмурий ва маъмурий процессуал ҳамда одил судлов қонунчилик базасини таъминловчи бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан яқин алоқада бўлади. Шубҳасиз, суд ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилишининг ўзи ушбу ҳуқуқ тармоғининг ривожланиши учун муҳим омил сифатида хизмат қилади¹.

2008 йил 23 декабрда «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун амнистия актини қўллаш бўйича суд тартибини белгилайди, бу эса ишни судга қадар юритиш устидан суд назорати соҳасини кенгайтиришга имкон беради².

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ва кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди, янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Шу билан бирга, қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар сони кўпайиши билан янги қонунчиликни амалга ошириш муаммоси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди. Ижро этиш бутун ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг самарадорлигини ҳамда инсон ҳуқуқ-атвор мотивациясига таъсир этиш бўйича ҳуқуқнинг қобилиятини акс эттирувчи ҳуқуқий амалиётнинг энг муҳим участкаси бўлганлиги жамият томонидан тушунилди. Агарда ҳуқуқий нормаларнинг кўрсатмалари фуқаролик муомаласи ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларида амалга оширилмаётган бўлса, бундай ҳуқуқ аслида амалдаги бўлмайди. Ҳуқуқий нормалар, шу жумладан, суд ҳокимияти органлари ва бошқа юрисдикцион органлар ҳужжатларида ўз тасдиғини топган нормалар

¹ Тадқиқот марказининг ҳуқуқий мақоми дарсликнинг 7-бобида кўриб чиқилган.

² Мазкур масала «Жиноят процессуал ҳуқуқи» фанининг ўрганиш предмети ҳисобланади.

мажбурий ижро этилиши тартибининг такомиллашмаганлиги жамият учун жуда қимматга тушади ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга таъсир этади. Мажбурий ижро этиш имкониятларининг йўқлиги фуқаролик муомаласи муносабатларида кредиторга қараганда қарздор бўлиш фойдалироқ бўлиб қолишига, рақобат даражаси ва иқтисодий муомаласида шерикларни танлаш имконияти пасайишига олиб келади, кўплаб ҳолларда шахсларни ундирувнинг ва мажбуриятларни ижро этишга мажбурлашнинг ғайриқонуний усулларида фойдаланишга ундайди, фуқаролик муомаласи муносабатлари криминаллаштирилишининг сабаби бўлади. Бундан ташқари, мажбурий ижро этишнинг ёмон тизими суд ҳокимияти органлари самарадорлиги ва обрўсининг пасайиб кетишига тўғридан тўғри олиб келади, чунки амалга оширилмасдан қолиб кетаётган суд қарори ҳақиқий юридик аҳамиятга эга эмас.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов суд қарорларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ масалаларни бир неча марта кўйган ва тегишли вазифаларни белгилаган¹. Ижро иши юритиш-ни янада такомиллаштириш мақсадида 2009 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун қабул қилиниши мажбурий ижро этиш механизми такомиллаштирилиши билан боғлиқ бир қатор долзарб масалаларни ҳал қилишга имкон беради; ушбу Қонунда суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ижро ҳужжатларини ижро этиш жараёнида ҳамкорлиги механизмлари мустақамланган; ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлашда суд ижрочиларига кўмаклашиш бўйича ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурс-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-458-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 36, 360-модда; 2007, № 45, 451-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-722-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007, № 45, 541-модда; 2010, № 14—15, 102-модда.

лари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, давлат солиқ хизмати органлари, газначилик органлари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг мажбуриятлари белгиланган; Суд департамент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, суд ижрочиларининг мақомини оширишга қаратилган нормалар назарда тутилган.

Умуман олганда, мазкур қонун қабул қилиниши мамлакатда қонун устуворлигини ҳамда ижро ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлашга, фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳамоя қилинишининг кафолатларини мустаҳкамлашга йўналтирилган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини шакллантириш ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ-эркинликларини ҳамоя қилиш давлат вазифасини бажаради. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, нафақат, қонунларнинг маъноси, мазмуни ва қўлланилишини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларининг фаолиятини, балки суд ҳокимияти ўзининг маъноси ва мазмунини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими олдида жуда муҳим вазифа қўйилган — давлат органларини ва ҳар бир шахсни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур қилиш, мавҳум ҳуқуқий нормаларни ҳақиқий ҳуқуқ ва мажбуриятларга айлантириш, давлат томонидан унинг инсон олдидаги мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳоти бир неча йўналишларда амалга оширилган. Суд-ҳуқуқ тизимини муваффақиятли ва самарали ислоҳ қилиш учун *Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш* бўйича биринчи навбатдаги вазифа қўйилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳамоя қилиш, давлатда ижтимоий барқарорлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадларини кўзда тутувчи суд ҳокимиятини шакллантириш Ўзбекистон Республикасидаги суд ислоҳоти биринчи босқичининг асосий мазмунидир.

Биринчи босқич доирасида, биринчи навбатда, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳамоя қилиш мақсадида ўз ваколатларини амалга оширадиган суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг фақат қонунга бўйсунувчи, мустақил ва кучли тармоғи сифатида тасдиқланиши бўйича самарали чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларидан иборат ва ҳозирги кунда ўз фаолиятини самарали амалга оширувчи яхлит суд тизими ташкил этилди. Судларнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатларини ҳамда судлар зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш тартибини белгилайдиган, шунингдек, суд ҳокимияти ва судларнинг мустақиллигини кафолатлайдиган тегишли қонунлар қабул қилиниши орқали судларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолияти қонуний таъминланган.

2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши суд ҳокимияти мустақиллиги, эркинлиги ва самарадорлигининг принципиал бошқача ва фундаментал кафолатларини қонуний мустаҳкамлади. Мазкур Қонунга мувофиқ, судья кадрларини танлаш ва тайинлаш самарали ҳамда демократик ҳуқуқий механизми яратилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, судьяларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш учун судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари, хусусан, судья кадрлари масаласи билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил қилинган махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси шугулланмоқда.

Судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган ташкил этилди – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари.

2.4. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг умумий таърифи

Юқорида айтиб ўтилганидек, суд ҳокимиятини амалга ошириш вазифаси ташкил этилган махсус органларнинг, яъни судларнинг зиммасига юклатилган. Ўз навбатида, судлар ягона тизимни ташкил қиладилар. Ўзбекистон Республикасида суд тизимини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги Қонуни белгилайди. Ўзбекистонда суд ҳокимияти фақат судларга, яъни уларнинг вакиллари бўлган судьяларга ва одил судловни амалга ошириш жараёнига қонунда белгиланган тартибда

жалб қилинадиган халқ вакилларига, яъни халқ маслаҳатчиларига тақдим этилади. Суд ҳокимият ваколатлари бошқа органлар ёки шахслар томонидан ўзлаштирилиши қонун томонидан ман этилади. Мукамал суд тизими, нафақат, айрим судлар ваколатларининг белгиланишига имкон беради, балки суд орқали ҳимояланиш эркинлиги принципининг амалга оширилишини ва одил судлов самарадорлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш ва суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши пайтидан бошланган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг биринчи навбатдаги вазифаси сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суд тизимининг ҳуқуқий асосини белгилайди. Конституциянинг 107-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, шунингдек, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга оширадиган суд тизими қўйидаги уч кичик тизимни ўз ичига қамраб олади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, шунингдек, ҳарбий судлардан иборат умумий юрисдикция судлари. Ҳарбий судлар тизими, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат.

3) Ҳўжалик судлари. Мазкур судлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларидан иборат.

Конституциявий суд ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунида белгиланган. Умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида фавқулодда судлар тузиш Конституция ва «Судлар тўғрисида»ги Қонуни билан тақиқланади. Қонунга асосан, одил судловнинг самарадорлигини ва тезкорлигини, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тонфаларига қараб, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қондалари 2000 йил 14 августда янги таҳрирда қабул қилинган ҳамда фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларнинг ташкил этилишини назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши орқали амалга оширилди.

Умуман олганда, янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонун билан суд тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Хусусан:

- суд тизими такомиллаштирилди, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди: ишлар малакали кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди;

- ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш учун судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари, хусусан, судья кадрлари масаласи билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил қилинган махсус орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси шуғулланади;

- судьялик лавозимларига номзодларни тақдим этиш, судья ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича иш юритишни кўзғатиш, судлар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни вақт-вақти билан тинглаш бўйича ваколатлар ижро этувчи органи бўлган Адлия вазирлигининг ваколоти доирасидан чиқарилди. Бу эса судлар Адлия вазирлигининг таъсиридан тўлиқ озод этилишини кўрсатади;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти ташкил этилди;

- судьялар захирасини шакллантириш бўйича судьялар малака ҳайъатларининг ваколатлари кенгайтирилди, мазкур ҳайъатларнинг зиммасига судья кадрлари бирламчи захирасини шакллантириш мажбурияти юклатилди;

- судья кадрларини танлаш ва тайинлашнинг ҳуқуқий механизми яратилди, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича кўп босқичли тизим жорий этилди.

2.5. Суд тизими бўғини ва суд истанцияси тушунчаси

Фуқаролик, жиноят ва маъмурий суд ишлари умумий юрисдикция судларида кўриб чиқилади. Умумий юрисдикция судлари тизимининг ташкилий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида мустаҳамланган. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими унинг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишига мос бўлиб, таркибий жиҳатдан туман, вилоят ва республика бўғинларидан иборат.

Суд тизими бўғини, бу — Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ ташкил этилган ҳамда бир хил ваколатларга эга бўлган бир турдаги судлар мажмуидир.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция судлари тизими уч бўғиндан иборат:

1) *асосий бўғин* — фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;

2) *ўрта бўғин* — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;

3) *олий бўғин* — Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

Айнан шу тарзда умумий юрисдикция судлари тизимига кировчи ҳарбий судлар ҳам бўлинади:

1) *асосий бўғин* — округ ва ҳудудий ҳарбий судлари;

2) *ўрта бўғин* — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди;

3) *олий бўғин* — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати.

Умумий юрисдикция судларидан фарқли равишда ҳўжалик судлари уч бўғин ўрнига икки бўғиндан иборат тузилмага эга:

1) *асосий бўғин* — Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари;

2) *олий бўғин* — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди.

Агарда «бўғин» тушунчаси умумий юрисдикция судлари тизими ташкилий тузилиши нуқтаи назаридан таърифлаган бўлса, «инстанция» тушунчаси мазкур тизимни у томонидан бажарилаётган вазифалар нуқтаи назаридан таърифлайди.

Суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган айрим судлов вазифасини (ишнинг мазмуни бўйича қарор қабул қилиш, қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш) бажарувчи суд (ёки унинг таркибий бўлимаси) суд **инстанцияси** ҳисобланади.

Суд инстанциялари қуйидаги турларга бўлинади: биринчи, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг ҳар бири ишларни биринчи инстанция суди сифатида кўриши мумкин. Ваколати қонунда белгиланган биринчи инстанция суди сифатида муайян ишни кўриш жараёнида судлар мазкур ишнинг мазмуни бўйича қарор қабул қилишга ҳақли. Агарда жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди судланувчининг жиноят содир этишда айбли ёки айбсизлиги, шунингдек, жазо қўллаш зарурлиги ва жазонинг тури ҳамда меъёрини белгилаш ҳақидаги масалаларни ҳал қилиши лозим бўлса, фуқаролик ишларида мазмунан бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасига тақдим этилган давронинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги ҳамда рўй берадиган юридик оқибатлар ҳақидаги масалалар киради.

Ўрта ва олий звенога кирувчи судлар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳайъатлари апелляция ва кассация инстанция судининг ваколатларига эга. Апелляция ва кассация инстанция судлари сифатида қайд этилган судлар биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги юзасидан берилган шикоятларни ва билдирилган протестларни кўриб чиқишади. Апелляция инстанцияси судида қонуний кучга кирмаган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги текширилади, қонуний кучга кирган ва апелляция тартибда кўрилмаган суднинг қарорлари (ҳукмлари) устидан эса кассация инстанция судига шикоят қилиш мумкин.

Ҳукмлар ва бошқа суд қарорлари апелляция ёки кассация тартибда кўриб чиқилганидан сўнг протест бериш ҳуқуқига эга бўлган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан билдирилган протестларга асосан, мазкур қарорларнинг қонунийли-

ги, асослилиги ва адолатлилиги назорат инстанция суди томони дан текширилади. Қорақалиоғистон Республикаси фуқаролик на жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят иш лари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Рес публикаси Ҳарбий суди раёсати, шунингдек, Ўзбекистон Респуб ликаси Олий суди ҳайъатлари ва раёсати ишларни назорат тарти бида кўриш ваколатига эга.

Назорат тартибида иш юритиш учун апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ва қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим (қарор)нинг мавжуд бўлишидан ташқари, тегишли мансабдор шахс лар алоҳида қарорга келишлари шарт бўлганлиги сабабли, мазкур тартибда иш юритиш апелляция ёки кассация тартибида иш юри тишдаи фарқ қилади. Яъни махсус ваколатли мансабдор шахс (юқори турувчи судининг раиси ёки прокурор) назорат тартибида ишни кўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги алоҳида қарорга келган тақдир дагина, ишнинг назорат тартибида (шунингдек, янги очилган ҳолат лар муносабати билан) кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Ҳўжалик судларида асосий бўғинга кирувчи барча судлар ва Олий ҳўжалик суд ишни биринчи инстанция суди сифатида кўри ши мумкин. Асосий бўғинга кирувчи судлар апелляция инстанция суди бўлишлари мумкин; Олий ҳўжалик суди эса ишларни касса ция ва назорат инстанция суди сифатида кўришга ҳақли.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

«Суд ҳокимияти» тушунчаси талабалар томонидан давлат-ҳокимият фаолиятининг мустақил соҳаси сифатида ҳамда ҳокимиятлар бўлиниши нуқтаи назаридан кўрилиши зарур. Бунда асосий эътиборни «одил судлов» деб номланадиган юрисдикция соҳасини ўрганишга қаратиш лозим. Айнан шу соҳа конституциявий тартибга солишининг энг асосий объекти сифати да ажратилади ва одил судлов амалга оширилишининг конституциявий прин циплари орқали таъминланади.

Талабалар Ўзбекистон Республикаси ҳозирги суд тизимини ўрганганида унинг тузилмасини, у томонидан ҳал қилинадиган вазифаларни, ҳуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятларини тушуниб олишлари керак. Суд тизими ҳар бир алоҳида блокининг, яъни Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг ваколатлари масаласини ту шуниб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, талабалар суд тизими ташкил этилишининг элементи сифатида «суд бўғини» ва суд тизими дои расида муайян иш юритишининг бошқичларини таърифлайдиган «суд инстан цияси» каби тушунчаларни аниқлаб олишлари керак.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотининг бошқичлари талабалар томонидан ўрганилиши эришилган натижаларни тушуниш имконини беради.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳокимиятлар бўлиниши концепциясининг мазмунини қисқача баён этинг ва унинг асосий аҳамиятини белгиланг.
2. Суд ҳокимияти деганда нима тушунилади?
3. «Суд ҳокимияти» тушунчаси мазмунини очиб беринг.
4. Суд ҳокимиятининг белгиларини биласизми?
5. Суд ҳокимиятининг ваколатлари нималардан иборат?
6. Ўзбекистонда суд ҳокимияти шаклланилиши жараёнини очиб беринг.
7. Мустақил Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотининг босқичларини очиб беринг.
8. Суд тизими деганда нима тушунилади?
9. Умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг бўғинларини баён этинг.
10. Қанақа суд инстанциялари сизга маълум?

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Ҳокимиятлар бўлиниши тизимида суд ҳокимияти ўрнини таҳлил қилинг. Иш шакли – *реферат*.
2. «Судлар тўғрисида»ги Қонунинг янги ва эски таҳририни таҳлил қилинг. Иш шакли – *реферат*.
3. Хорижий давлатлар суд тизимларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.
4. Ўзбекистон ҳудудида суд ҳокимияти шаклланилиши жараёни ҳақида таҳлилий маъруза тайёрланг. Иш шакли – *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. (ХII чақириқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ). Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 Т., «O'zbekiston», 1996.

2. *И.А. Каримов*. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ). Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 Т., «O'zbekiston», 1996.

3. *И.А. Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «O'zbekiston», 1996.

4. *И.А. Каримов*. Адолат – қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т., «O'zbekiston», 2002.

5. *И.А. Каримов.* Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. Т., «O‘zbekiston», 2003.

6. *И.А. Каримов.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январ). Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т., «O‘zbekiston», 2005.

7. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O‘zbekiston», 2007.

8. *И.А. Каримов.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O‘zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: Сб. межд. документов. Сост. Ю.С. Пулатов. Т., «SHARQ», 1995.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

4. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 103-I сонли Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судни ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-2421-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3023-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2002, № 3—4, 26-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги ПФ-3644-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 32—33, 242-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2008, № 5, 253-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги ПФ-2599-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тadbқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-896-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.

12. «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тadbқиқот маркази тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди қўшма пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14/151-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. Т., 2007, № 2.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда – халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. Ф.Ф. Мухитдинова. Демократизм и социальная справедливость при подборе судебных кадров. Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. Т., 2002, № 3—4.

4. Б. Мустафаев. Укрепление независимости судов – веление времени. Газета «Народное слово», 24 февраля 2007 года.

5. Организация деятельности судов. Учебник. Под общ. ред. В.М. Лебедева. М., «Норма», 2007.

6. Правоохранительные органы. Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М., «Норма», 2007.

7. В.А. Ржевский, Н.М. Чепурнова. Судебная власть в Российской Федерации: конституционные основы организации и деятельности. М., 1998.

8. Правоохранительные органы России. Учебник. Под редакцией В.П. Божьева. 2-изд., перераб. и доп. М., «Высшее образование», 2009.

9. М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

10. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.

11. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси асосида). Ўқув-услубий мажмуа. Т., ТДЮИ, 2011, 72-бет.

3-боб. ОДИЛ СУДЛОВ ТУШУНЧАСИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Ўқув мақсадлари

Талабалар учун мазкур мавзу ўрганилиши одил судлов ва унинг демократик принциплари каби тушунчаларни аниқлаб олишга; одил судловнинг асосий белгиларини ва одил судлов принциплари тизимини кўриб чиқишга; одил судлов принципларини таснифлашга; одил судлов принциплари ривожланишини тушуниб олишга; одил судловни амалга оширишда принциплар ўрни ва ролини аниқлаб олишга имкон беради.

3.1. Одил судлов ва унинг демократик принциплари

Одил судлов тушунчаси. Суд ҳокимиятининг энг асосий вази-фаси — одил судловни амалга оширишдир. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Бу одил суд-лов суд ҳокимиятининг мутлақ ваколати эканлигини англатади.

● **Ёдда сақланг!** ●

Одил судлов — бу суд ва фақат суднинг фаолияти.

Одил судлов ўз шакли ва мазмуни бўйича ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган бир неча маънода кўрилиши мумкин:

- 1) давлат фаолиятининг тури сифатида;
- 2) суд ҳокимиятининг ваколати сифатида;
- 3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг йўналишлари (функциялари)дан бири сифатида.

Одил судловнинг янада махсус тушунчалари ҳам мавжуд: ишни мазмунан ҳал қилиш; иш бўйича иш юритиш жараёни (суд ишларини юритиш).

Одил судлов давлат фаолиятининг тури сифатида. Мазкур маънода одил судлов олдинги мавзу доирасида ҳокимиятлар бўлини-ши тизимида суд ҳокимиятининг ўрни масаласи нуқтаи назари-дан кўриб чиқилди.

Одил судлов суд ҳокимиятининг ваколати сифатида. Ўзбекис-тон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди қўшма плену-

мининг «Суд ҳоқимияти тўғрисида»ги қарориди суд ҳоқимияти-нинг қуйидаги таърифи берилган: «Суд ҳоқимияти – бу судлар-нинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ус-туворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фу-қаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир»¹.

Мазкур таърифда одил судлов, *биринчидан*, суд ҳоқимияти-нинг ваколати сифатида; *иккинчидан*, ишни мазмунан ҳал қилиш (низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш) сифатида; *учинчидан*, суд ишларини юритиш (жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъму-рий суд ишларини юритиш) сифатида белгиланмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, кўп ҳолларда суд ҳоқимияти ва одил судлов тушунчаси бир-бирига тенглаштирилади. Бу суд орган-лари пайдо бўлиши ва суд ҳоқимиятининг шаклланиши давридан буён мавжуд бўлган суд ҳоқимиятининг тор тушунилиши. Ҳозирги кунда суд ҳоқимиятига нисбатан илмий ёндашув одил судловни мазкур ҳоқимиятнинг вазифаларидан бири сифатида белгилайди, бу эса одил судловнинг низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш воситаси сифатида ўрганилишига сабаб бўлмоқда.

Одил судлов турли низоларни ҳал қилиш воситаси ва жами-ят субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий куч бўлиб, ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий норма-ларга мувофиқлигини таъминлайди.

Низо ва келишмовчиликларни ҳал қилишда суд мустақил, холис ва адолатли ҳақам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр анча олдин жамиятда қарор топган. Одил судлов орқали қонунда тўғри-дан-тўғри белгилаб қўйилган, юридик тусга эга бўлган ижтимоий келишмовчиликлар ҳал қилинади (судловга тегишлилик инсти-тутлари).

Келишмовчилик турига қараб, суд ишларини юритишнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик турлари ажратилади². Энг умумий тарзда суд ишларини юритишнинг қуйидаги турла-рини кўрсатиш мумкин:

- *Жиноятга оид суд ишларини юритиш*. Жиноят ҳуқуқи амал қилиши соҳасида келишмовчилик жиноятчи ва жамият манфаат-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1-жилд. Т., «O'qituvchi», 2007, 61-бет.

² Бузилиши ҳуқуқий келишмовчиликнинг вужудга келишига олиб кел-ган нормалар моддий ҳуқуқ предмети бўлса (Жиноят кодекси, Фуқаро-лик кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси), келишмовчилик ҳал қили-ниши тартибни белгиловчи нормалар процессуал ҳуқуқнинг предмети ҳисобланади.

ларига қарши хулқ-атворнинг энг хавфли турларини тақиқловчи қонун ўртасида вужудга келади. Бу тўқнашув жиноят суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

• *Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид суд ишларини юритиш.* Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этадиган шасхлар ва қонун ўртасидаги келишмовчиликлар, мазкур ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар судлар ваколатига кирган ҳолларда, маъмурий суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

• *Фуқаролик суд ишларини юритиш.* Фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа муносабатлардан вужудга келадиган низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

• *Ҳўжалик суд ишларини юритиш.* Мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган низолар ҳўжалик суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилинади.

Шундай қилиб, одил судлов — бу жиноят, маъмурий, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқишдир.

Ишлар кўриб чиқилиши жараёнида ва унинг натижаларига кўра, суд қарорлар чиқаради, кўп ҳолларда улар суд ҳужжатлари деб номланади. Суд ҳужжатлари ўз мақсадларига кўра ва суд ишларини юритишнинг турларига қараб, турли шаклларда қабул қилиниши мумкин: *ажрим, ҳукм, ҳал қилув қарор, қарор* ва ҳ.к.

Суд ҳужжатларининг ўзига хос хусусияти — уларнинг ҳамма учун мажбурий бўлишидир. Мазкур қоида Конституциянинг 114-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир». Бу модданинг маъносидан шу келиб чиқадикки, жиноят, фуқаролик ёки ҳўжалик ишини кўриб чиқишда суд томонидан чиқарилган ҳукм, ажрим ёки қарор барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Одил судлов ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг йўналиши сифатида. Одил судлов ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қўйидаги белгилар билан таърифланади:

1) одил судлов фақат махсус ваколатли давлат органлари бўлган судлар томонидан амалга оширилади. Ҳеч қандай бошқа орган ёки бошқа мансабдор шахс мазкур фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмас. Кўрсатиб ўтилганидек, суд ҳокимияти ваколатларининг ўзи-

га хос хусусиятлари мазкур ҳоқимиятни амалга оширувчи орган қонунийлик ва адолатлилик манфаатлари тақозо этадиган тартибда ташкил этилишини ва фаолият юритишини талаб қилади. Судлар ташкил этилиши тартибининг, шунингдек, судлар ва ҳоқимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларини амалга оширувчи давлат муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари бундан келиб чиқади. Суд фаолиятининг алоҳида тартибини белгилашга ва судлар обрўсини барча чоралар орқали оширишга интилиш, шунингдек, судлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар пирамидаси чўққисида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши тўғрисида ғамхўрлик ҳам бундан келиб чиқади;

2) одил судлов, шахс, жамият, давлат ҳуқуқларини жиноий ва бошқа тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадини кўзда тутди. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси суд вазифаларини қуйидагича белгилайди: «Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир»;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Ишни кўриб чиқиш ҳамда иш бўйича қарор қабул қилиш ёки ҳукм чиқариш процессуал қонунчиликга қатъий риоя қилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Мазкур кўрсатмалар суд мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган барча энг муҳим масалаларни (суд қонуний таркибини шакллантириш тартиби, мажлисда иштирок этиши мумкин ва зарур бўлган шахслар доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, муайян ҳаракатларни бажариш кетма-кетлиги, далилларни тўплаш, қайд этиш ва текшириш қоидалари ва ҳ.к.) тартибга солади. Барча процессуал кўрсатмалар, оқибат натижада, ҳақиқатни аниқлашга ва иш мазмуни бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишга йўналтирилган;

4) одил судлов давлат мажбурлов чоралари, жазо чоралари ҳамда юридик таъсир чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Суд ишларини юритиш вазифаларини бажариш мақсадида суд ўз фаолиятида процессуал мажбурлов чоралари ва эҳтиёт чоралари билан бир қаторда, жазо тайинлаш (жиноятга оид суд ишларини юритиш), мажбуриятларни бажариш бўйича кўрсатмалар (фуқаролик, хўжалик суд ишларини юритиш) ва ҳ.к. каби юридик таъсир чораларини қўллайди;

5) юридик таъсир чоралари мазкур чоралар қўлланилишининг асосларини ҳамда конкрет ҳолда қўлланилиши мумкин бўлган чораларни белгиловчи қонунга қатъий риоя қилган ҳолда қўлланилиши зарур. Ушбу чоралар суд томонидан қўлланилишининг асослари, шартлари ва тартиби процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган.

Одил судлов — бу қонун ва у билан белгиланган тартиб-тамойилга қатъий риоя қилган ҳолда судлар томонидан жиноят, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг гури.

Одил судлов турли маъноларда кўриб чиқилиши унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги ҳақидаги хулосаларга келишга имкон беради:

- 1) одил судлов фақат суд (судья) томонидан амалга оширилади;
- 2) одил судлов қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:
 - фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган низолар бўйича фуқаролик ва хўжалик ишларини суд мажлисларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
 - шахс айбини аниқлаш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва натижасига кўра, маъмурий жазо қўллаш ёки иш юритишни тугатиш;

- суд мажлисларида жиноят ишларини кўриб чиқиш ҳамда жиноят содир этишда айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораларини қўллаш ёхуд айбсиз шахсларни оқлаш;

3) одил судлов жиноят, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг қонунда белгиланган тартиб-тамойилига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Қонун одил судлов амалга оширилишининг барча энг муҳим масалаларини белгилайди: суднинг қонуний таркиби; суд мажлисида иштирок этаётган шахслар доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва ҳ.к. Таъкидлаш лозимки, одил судлов амалга оширилиши бир қатор умумэтироф этилган демократик принципларга асосланади;

4) инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига дахлдор бўлган энг муҳим масалалар (айбли ёки айбсиз деб топиш, даъво талабларини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш) бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш;

5) суд қарорларининг ҳамма учун мажбурий бўлиши. Суд қарорини ижро этмаслик муайян давлат мажбурият чоралари қўлланилишига олиб келади: суд қарорларининг мажбурий ижро этилиши, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш.

Одил судлов принциплари тушунчаси. Суд ҳокимияти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунда ва тармоқ қонунчилигида акс эттирилган бир қатор демократик принципларга асосланади.

Маъно жиҳатидан принциплар — бу раҳбарий ғоялар ва тегишли фаолиятнинг асосий қоидаларидир. «Принцип» сўзи латинча «*principium*» сўзидан келиб чиқиб, унинг маъноси «асос», «асосий омил» каби тушунчаларни англатади. Ҳуқуқ аслида ҳамма учун мажбурий бўлган адолат талабларини белгилаши сабабли, ҳуқуқий принциплар ҳуқуқда адолатнинг ўлчови сифатида хизмат қилади. Қонун ҳуқуқ принципларига жавоб берган ҳолдагина қонуний, яъни ҳуқуқий мазмунга эга бўлган деб эътироф этилади. Ўз навбатида, принциплар оддий юридик ғоялар бўлмаганлиги ҳамда адолат ва лозимликнинг ҳамма учун мажбурий ва объектив жиҳатдан зарур бўлган мезонларини ҳуқуқда белгилаши уларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг ривожланган сари ҳуқуқий материядан муайян юридик ғоялар сифатида принциплар ажратилади, юридик техникаси ривожланиши билан эса улар қонунда айрим қонуний кўрсатмалар сифатида мустақамланиши мумкин. Қонунда ўз ифодасини топиб, принциплар муайян мустақилликка эришади ва амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши жараёнида барометр сифатида, ҳуқуқнинг кейинги шаклланишида эса компас сифатида хизмат қилади.

Одил судлов принциплари — бу суд ишларини юритишнинг энг муҳим хусусиятларини, характерини, мазмун-моҳиятини, ташкил этилиши тартибини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар.

Барча принциплар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улар одил судлов мақсадларига эришиш учун тенг муҳим бўлган ҳуқуқий асоснинг яхлит мажмуини яратади. Уларнинг ҳар бири суд ишларини юритишнинг муайян томонини белгилайди, ушбу томон йўқлигида суд ишларини юритишнинг вазифаларини тўғри амалга оширишга имкон бўлмайди.

Принциплар яхлит тизим доирасида амал қилиб, бу тизимда ҳар бир принципнинг моҳияти, нафақат, унинг мазмунига боғлиқ, балки бутун тизимнинг ишлаб туриши билан алоқадор бўлиб туради. Тизимда айрим принцип бузилиши, қоида тариқасида, бошқа принциплар ва, шу билан бирга, иш бўйича одил судловни амалга оширишда қонунийлик бузилишига олиб келади.

Принциплар умумий тусдаги нормалар бўлиб, амалий фаолият жараёнида вужудга келадиган барча масалалар ҳал қилиниши-

ни таъминлайди. Процессуал ҳуқуқнинг айрим нормалари ўртасида муаммолар ёки қарама-қаршилиқлар вужудга келса, бу қийинчиликларни ҳал қилиш воситаси сифатида принциплар хизмат қилади.

Ўз мазмунига кўра, принциплар императив, ҳокимият-буйруқ тусга эга бўлиб, бажарилиши давлат томонидан таъминланадиган умумий мажбурий кўрсатмаларини ўз ичига қамраб оладилар.

Мафкуравий категория сифатида принциплар ижтимоий-сиёсий ғоялар таъсири остида шаклланади, бироқ процессуал фаолиятини ва унинг соҳасида вужудга келаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш вазифасини ғоялар эмас, балки уларга асосланган норма-принциплар бажаради. Ғоя ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилмагунча, одил судлов принципи бўла олмайди, у ҳуқуқий онг маҳсули ва илмий хулоса бўлиб қолаверади.

Принципларнинг нормативлиги давлат фаолиятининг алоҳида тури бўлган одил судлов табиатидан ажратиб бўлмайдиган уларнинг асосий хусусиятидир. Улар инсон ва фуқаро ҳамда тегишли давлат органларига қаратилган бўлади. Процессни олиб бораётган давлат органлари белгиланган принципларга риоя қилган ҳолда фаолиятини амалга ошириб, уларни бузиш учун жавобгар бўлади.

Одил судлов принциплари тизимини қўйидаги принциплар ташкил этади: қонунийлик; одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши; судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши; одил судловни барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш; барча судларда ишларнинг ошқора кўрилиши; суд ишлари юритиладиган тил; суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш; айбсизлик презумпцияси; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш; тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги; одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштироки.

Қайд этилган принциплар улар мустаҳкамлаб қўйилган манбага қараб (конституциявий ва тармоқ); улар тартибга соладиган суд ишларини юритишнинг турига қараб (бир неча тармоқларда ва фақатгина битта тармоқда амал қилган); улар кўзда тунадиган мақсадларга қараб (суд тузилишига ва суд ишларини юритишга оид) таснифланиши мумкин. Айрим принциплар бир вақтнинг ўзида бир неча асосларга кўра, таснифланиши мумкин.

Таъкидлаб ўтамиз, қонунийлик; судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши; одил судловни барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш; барча судларда ишларнинг ошқора кўрилиши; суд ишлари юритиладиган тил; суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш; айбсизлик презумпцияси; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судла-

нувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш каби принциплар конституциявий принциплар қаторига киради. Тармоқ қонунчилигида (жиноят, фуқаролик, хўжалик) ўз ифодасини топган принциплар тармоқ принциплар деб ҳисобланади.

Принциплар тартибга соладиган суд ишларини юритишнинг турлари бўйича амалга ошириладиган принциплар таснифи қуйидагиларни англатади: универсал тусдаги принциплар (масалан, қонунийлик, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши ва ҳ.к.) суд ишларини юритишнинг барча турларига хос бўлиб, бир неча тармоқларда амал қилган принциплар қаторига киради. Шу билан бирга, суд ишларини юритишнинг фақат муайян турига хос бўлган принциплар ҳам мавжуд (масалан, айбсизлик презумпцияси фақат жиноятга оид суд ишларини юритиш доирасида амалга оширилади).

Принципларнинг кейинги гуруҳи ҳақида гапирадиган бўлсак, таъкидлаб ўтамиз, суд фаолияти ташкил этилишига қаратилган ва суд мажлиси ўтказилиши жараёнида бевосита амалга ошириладиган принциплар (масалан, барча судларда ишларнинг ошкора кўрилиши) суд тузилишига оид принциплар қаторига киради; суд ишларини юритишнинг турли босқичларида амалга ошириладиган принциплар эса (масалан, айбсизлик презумпцияси) суд ишларини юритишга оид принциплар деб ҳисобланади. Принципларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

3.2. Қонунийлик принципи

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши шароитида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этиш вазифаси алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Суд давлат органи бўлиб, унинг фаолиятига ҳам қонунийликка риоя этиш тўғрисидаги Конституция кўрсатмалари татбиқ этилади.

Бу қоидага, айниқса, суд ҳокимиятининг одил судлов бўйича ваколатини амалга оширишда қатъий риоя этиш лозим. Масалан, жиноятни очиш, айбдорни фош этиш, унга адолатли жазо тайинлаш ва айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигини ва ҳукм қилинмаслигини таъминлаш орқали жиноятга оид суд ишларини юритишда инсон ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш вазифалари қонунга қатъий риоя қилинган ҳолдагина bajarиллиши мумкин.

Одил судлов суд ишларини юритиш доирасида амалга оширилади. Одил судлов мақсадларига эришиш учун ижтимоий муносабатлар процессуал қонунлар билан аниқ тартибга солиниши лозим, шу туфайли фуқаролик, маъмурий, жиноят ва ҳужалик суд ишларини юритиш ушбу процессуал қонунларига асосланади. Қонунийлик тўғрисидаги нормалар ЖПКнинг 11-моддасида; ФПКнинг 4- ва 7-моддаларида; ХПКнинг 4-, 5- ва 12-моддаларида; Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2- ва 3-моддаларида ўз ифодасини топган.

Мазкур принцип ишдаги барча ҳолатлар тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилишини, ҳар бир иш қонунга асосан, кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини, суд ишларини юритиш барча иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, фуқаролар қонунларга риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланишини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ўзининг 1997 йил 22 августдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида»ги 12-қарорида: «Судларнинг эътибори жиноят ишларини суд муҳокамаси жараёнида процессуал қонунчиликка қатъий амал қилишнинг зарурлигига қаратилсин, фақат унга аниқ ва оғишмай амал қилиш ишнинг ҳолатини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона текширишни, жиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи шароит ва сабабларни аниқлашни ва суд жараёнининг тарбиявий таъсирини таъминлашини эътиборга олинсин» деб қайд этилган. Судлар фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни баргараф этишга апелляция, кассация ва назорат инстанциялари эътиборини қаратиб, пленум ўз қарорида «ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўраётганда биринчи босқич судлари томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш, жиноят ишларининг суд муҳокамасида жиноят-процессуал қонунчилигини кўллашда йўл қўйилган хатоларни, бирорта қонун бузилиш ҳолатини эътибордан четда қолдирмасдан, мунтазам таҳлил қилиб бориш»ни тавсия этган.

Моддий ва процессуал қонунларнинг барча талабларига, шу жумладан, процессуал фаолиятининг принципларини белгиловчи нормаларга риоя этиш бўйича процессуал фаолиятининг ҳар бир иштирокчиси зиммасига юклатилган мажбурият қонунийлик принципи мазмунини ташкил қилади.

Қонунда йўл қўйиладиган барча процессуал ҳаракатлар ўтказилиши ва процессуал қарорлар қабул қилиниши процессуал кодекслари билан аниқ тартибга солинган. Одил судловни амалга ошириш жараёнида қонунийлик процессуал қонунчиликда белгиланган кафолатлар тизими орқали таъминланади.

Қонунийлик процессуал ҳуқуқнинг барча принцип ва нормаларида ўз ифодасини топган ҳамда суд ишларини юритишнинг барча томонларини таърифлайдиган универсал, ҳамма соҳани қамраб оладиган универсал принцип ҳисобланади.

3.3. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади** (3-модда).

Одил судлов — суд ҳокимиятини амалга оширишнинг етакчи шакли. Шунинг учун одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши принципнинг эълон қилиниши фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал ва жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 6-моддаси одил судлов ҳамда қонун ва суд олдида тенглик каби иккита принципни ўз ичига қамраб олади¹. Мазкур моддага мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан ҳамда барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек, бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 2-моддасига биноан, хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган, ушбу кодекс ва бошқа қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Жиноятга оид суд ишларини юритишда одил судлов — бу жиноят-процессуал қонунда белгиланган ва суд қарорларининг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини таъминлайдиган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда суд томонидан, унинг ваколати доирасида, жиноят ишларини кўриш ва ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган фаолиятдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 12-моддасида акс этирилган ушбу принцип одил судловнинг туб мазмунини очиб беради: шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топишга ҳамда ушбу шахсга жазо тайинлашга фақат суд ўз ҳукми билан ваколатли. Шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳам фақат суд ҳақлидир.

¹ Иккинчи принцип — қонун ва суд олдида тенглик — 3.5-параграфда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 28-моддасида кўрсатилганидек, «Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади».

Суд мажлисида жиноят ишини кўриш ва натижаларига кўра, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган жазони тайинлаш ёки ушбу шахсни оқлаш ёхуд жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш усули сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳужалик судлари одил судловни амалга оширадилар.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Умумий юрисдикция судлари ва ҳужалик судлари тизимида одил судловни биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари амалга оширади. Одил судловни амалга оширишда судьялар таркиби турли бўлиши мумкин.

Фуқаролик ишларини кўришда қонунда қўйидаги суд таркиби назарда тутилган (ФПКнинг 13-моддаси):

Биринчи инстанция бўйича барча судларда фуқаролик ишлари судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади. Ишни судьянинг якка ўзи кўрганида, у суд номидан иш юритади.

Апелляция ва кассация тартибида фуқаролик ишларини кўриш:

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида — уч нафар судьядан иборат таркибда;

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида — уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади.

Назорат тартибида фуқаролик ишлари:

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида — раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда;

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида — уч нафар судьядан иборат таркибда;

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раёсатида — раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда;

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленумида — пленум таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

Жиноят ишларини кўришда қонунда қўйидаги суд таркиби назарда тутилган (ЖПКнинг 13-моддаси):

Биринчи инстанция бўйича — ҳайъатда ва якка тартибда:

• Ўзбекистон Республикаси Олий судидан ташқари, барча судларда Жиноят кодексининг 15-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар (ижтимоий хавфи катта бўлмаган¹ ва унча оғир бўлмаган жиноятлар²) тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилади; қолган ишлар ҳайъатда (судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси) кўрилади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий судида ишлар уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Апелляция ва кассация тартибида:

• тегишли суд ҳайъатларида жиноят ишлари уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Назорат тартибида жиноят ишлари:

• тегишли суд ҳайъатларида — уч нафар судьядан иборат таркибда;

• суд раёсатида — раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда;

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумида — таркибидан камидан камидан учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

¹ Уларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

² Уларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Хўжалик ишлари. ХПКнинг 15-моддасига кўра, хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади. Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат бўлиши керак.

3.4. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсиниши

«Судьялар мустақилдилар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».

Конституциянинг 112-моддаси.

«Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эга».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддаси.

Судьяларнинг мустақиллиги конституциявий принцип бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этилишини таъминлаш учун зарур шарт сифатида хизмат қилувчи судьяларнинг эркинлиги ва мустақиллигининг кафолатларини мустақамлаб қўйган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунда, ФПКда (7-модда), ЖПКда (14-модда) ва ХПКда (5-модда) ўз ривожини топган.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикасида тўлақонли суд ҳокимияти ўз фаолиятини амалга оширишининг асосий шартларидан ва кафолатларидан бири бўлиб, кўриб чиқиладиган принципнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Шубҳасиз, суднинг эркинлиги ва мустақиллиги унинг ҳуқуқий мақоми учун энг катта аҳамиятга эга. Судлар эркин бўлиб, ўз фао-

лиятини фақат Конституция ва қонунга бўйсунган ҳолда мустақил равишда амалга оширади. Эркинлик ва мустақиллик – бу субъект эркинлигининг айрим даражасини ифодаловчи яқин тушунчалардир. Бироқ, улар ўртасида айрим фарқлар ҳам мавжуд. *Судларнинг эркинлиги* давлат ҳокимияти бошқа (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи) тармоқларидан суд ҳокимияти ажратилганлигининг ташқи ифодасидир, бу эса мазкур тармоқларнинг бир-бирини тийиб туриш ва назорат қилиш умумий давлат-демократик тизим доирасида ўзаро ҳаракат қилишини таъминлайди. Шундай қилиб, суд ҳокимияти эркинлиги ҳокимиятлар бўлиниши умумий ҳуқуқий принциpidан келиб чиқади.

Алоҳида ҳаракат қила олмайдиган давлат ҳокимияти уч тармоқнинг ўзаро ҳамкорлиги учун қулай шароитларни таъминлаш ҳокимиятлар бўлиниши принципининг мазмунини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимиятига боғланган, чунки суд ҳокимияти ундан қонунларни олади ва уларни ижро этиб, мазкур ҳокимиятга бўйсунди. Суд ҳокимияти муайян даражада ижро этувчи ҳокимиятига ҳам боғланган, чунки суд қарорларининг ҳақиқий ижроси ижро этувчи органлари хатти-ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Эркинлик фақатгина вазифалар бўлинишини ва субъектнинг жорий фаолиятига арашмасликни назарда тутди. Айнан шу сабабли, ҳокимиятларнинг бир-биридан мустақиллиги тўғрисида эмас, балки уларнинг бўлиниши, эркинлиги тўғрисида гап юритиш лозим.

Мустақиллик тушунчаси алоҳида судьялар ва суд таркибларига тааллуқли бўлиб, давлат ҳокимиятининг бутун суд тармоғига нисбатан қўлланилмайди, чунки маъно жиҳатидан мустақиллик тушунчаси субъект *автоном тарзда* ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинлигини кўзда тутди. Бу эса юридик ишни кўриб чиқаётган суд учун табиийдир, лекин ҳокимиятлар бўлиниши принципининг мазмунига ва умуман, суд ҳокимиятининг ҳолатига зид бўлади. Ҳар бир адолатли тортишув холис ҳақамга муҳтож бўлганлиги сабабли, судьялар мустақиллигининг бевосита манбаи сифатида ҳокимиятлар бўлиниши эмас, балки суд жараёнида тарафларнинг тортишуви хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 67-моддасига мувофиқ, судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

- уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;
- уларнинг дахлсизлиги;
- одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;
- қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

лича Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъати розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир.

Мустақиллик принципи судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига ҳам татбиқ этилади. Халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги одил судловни амалга оширишнинг қонунда назарда тутилган таомили, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга бирон-бир тарзда аралashiш учун айбдор шахс қонунга мувофиқ, жавобгарликка тортилиши, шунингдек, халқ маслаҳатчисининг дахлсизлиги орқали таъминланади. Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

Ўз фаолиятида суд дастлабки тергов органлари ва юқори турувчи суд инстанциялари хулосалари билан, улар суд ички ишонишига тажовуз қилган ҳолда боғланмаган. Суд тизимининг турли бўғин судлари ўзаро муносабатлари судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципига қатъий риоя қилган ҳолда шаклланади.

Суд одил судловнинг ифодаси, унинг беғараз ва ҳолис хизматчисидир. Суднинг фаолияти мустақиллик, фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва унга асосан, қабул қилинган қонунларга бўйсунishi, ошкоралик ва тарафларнинг тортишуви, айбсизлик презумпцияси ва суд ишларини юритишнинг бошқа демократик принципларига асосланади. Фақат бу шартларга риоя қилган ҳолда суд ҳокимияти ўзини адолатли, инсонпарвар, ҳақиқатан мустақил, қонун устуворлигини ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларни таъминлайдиган ҳокимият сифатида намоён қилади.

- судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;
- судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Бундан ташқари, судьялар мустақиллигининг кафолатлари ҳар бир тармоқ қонунчилигида назарда тутилган. Масалан, жиноят ишларини юритишда суднинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

1. *Унинг фаолиятида судлов билан бошқа бирорта процессуал вазифалар аралаштирилишининг тақиқланиши.* Судья кўраётган жиноят иши бўйича терговчи, суриштирувчи, прокурор бўлиши мумкин эмас, бу иш бўйича судья, одил судловни амалга ошириш вазифадан ташқари, бошқа бирорта процессуал вазифаларни амалга оширишга ҳақли эмас, акс ҳолда, у рад қилинади.

2. *Судьяларни рад қилиш ва судьялар ўзини ўзи рад этиш ҳуқуқи.* Ушбу институт орқали холислигига шубҳа бўлган судьялар процесдан четлатилади.

3. *Судга бирорта бегона шахслар фикрларини зўрлаб ўтказилишининг тақиқланиши.* Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар одил судловни амалга оширишда ҳеч қимга ҳисобдор эмас. Судья кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар мазмуни бўйича бирон бир тушунтиришлар беришга, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, бирон бир шахсларга танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишга мажбур эмас. Мазкур тақиқ ҳам айблов, ҳам ҳимоя тарафларига, ҳам процесс иштирокчиларига, ҳам процесда иштирок этмаган шахсларга татбиқ этилади.

4. *Жиноят процессида далилларга баҳо бериш жараёнида формал мезонлардан фойдаланишининг тақиқланиши.* Судья учун ҳеч қандай далил олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас ва ҳар бир далилга судья фақат ички ишончи билан баҳо беради. Шундай қилиб, судьянинг мустақиллигини таъминлаш учун судьянинг қонунга бўйсунishi ҳам ўз чегараларига эга, яъни қонун жиноят процессида далилларнинг формал тизимини ўрнатмаслиги керак.

5. *Судда иш кўрилишининг ошкоралиги.* Ошкоралик ўзидан-ўзи судни мустақил қилмайди, лекин судьялар ғаразлиги ва беҳолислиги ҳолатларига жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни чеклайди.

6. *Судьяларнинг хизмат дахлсизлиги.* Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга татбиқ этилади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин. Судья тегиш-

Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг замонавий тузилмаси бевосита суд тизимининг доирасида судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга имкон яратади. Юқори турувчи судлар қўйи судларнинг фаолиятини бошқаришга, улар томонидан суд ишларини кўриш жараёнига аралашишга ҳақли эмас, суд ишини кўриш пайтида ҳар бир судья тўлиқ даражада эркин ва мустақил бўлади. Юқори турувчи суд инстанциялари, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишларни кўриб чиқиб, қўйи судларининг фаолияти устидан назоратни фақат процессуал жиҳатдан амалга оширади.

Судьяларнинг мустақиллиги, нафақат, уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, уларнинг дахлсизлиги, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши (Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 67-моддаси, ЖПКнинг 456-моддаси) ва бошқа процессуал кафолатлар орқали, балки умуман, жамиятимизнинг ижтимоий ва давлат тузилиши орқали таъминланади.

3.5. Одил судловни барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш

«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир».

Конституциянинг 18-моддаси 1-қисми.

«Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар».

Конституциянинг 46-моддаси.

«Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 14-моддаси.

Конституциянинг 18, 46-моддалари, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси, ФПКнинг 6-моддаси, ХПКнинг 7-моддаси, ЖПКнинг 16-моддаси одил судловни барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш принципининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилади. Мазкур принцип Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасига ҳам асосланади. Халқаро ҳуқуқнинг ушбу нормасига биноан, барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенг бўлганлиги кўриб чиқиладиган принципнинг мазмунини ташкил этади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдирлар.

Қонун ва суд олдидаги тенглик принципи суд ишларини юритишнинг барча турларида ҳамда ижтимоий ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида кучга эга. Мазкур принципнинг мазмунини қуйидагича белгилаш мумкин: судга мурожаат қилган ва процессда иштирок этаётган шахсга айрим имтиёзлар тақдим этиш ёки уни камситиш учун унинг мулкӣ ва мансаб мавқеи, жинси, ирқи ва миллати, таълими, тили, динга нисбатан муносабати, турар жойи, эътиқоди, жамоат бирлашмаларда аъзо бўлиши ёки бирон бошқа ҳолатлар асос бўлмайди ва процесенинг юритилишига ҳамда яқунига ҳеч қандай таъсир этмайди. Ушбу талаблар одил судловни амалга оширишнинг барча шаклларига татбиқ этилади, чунки суд ишларини юритишнинг бирон соҳасида қонун қоидалари фуқаронинг ҳуқуқӣ мақомини юқорида кўрсатилган белгилар билан боғламайди.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги — бир-бири билан алоқадор бўлган тушунчалар, бироқ, уларнинг ҳар бири алоҳида мазмунга эга.

Фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги фуқаронинг ирқи ва миллати, ижтимоий, мулкӣ ва мансаб мавқеи ёхуд унинг дини асосида айрим имтиёзларни ёки чекловларни ўрнатмайдиган ягона моддий ва процессуал қонунлар мавжудлигини англатади.

Фуқароларнинг суд олдидаги тенглиги суд ишларининг, судланувчи ва жабрланувчи, даъвогар ва жавобгар, процесснинг бошқа иштирокчилари ирқи, миллати ва дини, ижтимоий, мансаб ва мулкӣ мавқеидан қатъи назар, барча фуқароларга нисбатан ва барча судлар томонидан бир хил процессуал тартибида кўриб чиқилишини англатади. Шунингдек, мазкур қоида юқорида кўрсатилган белгиларга қараб, ўз фаолиятини амалга оширадиган табақа, ирқӣ ёки бошқа махсус судлар давлатда ташкил этилишини тақиқлайди.

Амалдаги қонунларга риоя қилиш ҳамма учун мажбурий бўлиши, шунингдек, қонунларни бузиш учун барча шахслар учун тенг жаборгарлик белгиланиши фуқаролар қонун ва суд олдидаги тенглигининг ифодасидир. Масалан, жиноят содир этган шахслар, эгаллаб турган лавозими, шуғулланаётган фаолияти ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади ва уларга нисбатан бир хил жиноят қонуни амал қилади.

Судьяларни жиноий жавобгарликка тортишнинг ва тинтув ўтказишнинг (Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 70-моддаси), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг депутатларини ушлаб туриш ва қамоққа олишнинг (Конституциянинг 88-моддаси) алоҳида тартиби мавжудлиги, албатта, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи умумий қоидалари доирасидан мазкур шахсларни чиқаради, чунки ушбу дахлсизлик кафолатлари йўқлигида депутатлар ва судьялар ўз вазифаларини тегишли равишда бажара олмас эдилар.

ЖПКнинг 1-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят ишларини юритишнинг қонунда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари учун ягона ҳамда мажбурийдир. Шу билан бирга, ЖПК айбланувчининг жисмоний ва психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, суд ишларини юритишнинг дифференцияланган тартибини белгилайди ва бунга қараб, процессуал кафолатларининг ҳар хил ҳажмини назарда тутати (ЖПКнинг 60, 61-боблари).

Суд ишларини юритишнинг мазкур дифференцияланиши фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принциpidан ижобий истисно ҳисобланади, чунки ушбу дифференциялаш холис сабабларга асосан, юзага келган ва тўлиқ асослантирилган. Хатти-ҳаракатлари суд ишларини юритишнинг мазмуини ташкил этадиган шахс ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли бўлган процессуал ҳуқуқ ва кафолатлар билан таъминланиши лозим. Акс ҳолда фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенглик принциpidан истисно эмас, балки ушбу принципнинг бузилиши вужудга келади. Мазкур принципни изчил амалга оширишда суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги муҳим аҳамиятга эга. Бу талабларга жавоб бермайдиган суд қарорлари уларнинг адолатлилиги ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида ҳақиқий тенглигига айрим шубҳалар уйғонишига олиб келади.

3.6. Барча судларда ишларнинг ошкора кўрилиши

«Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади».

**Конституциянинг
113-моддаси 1-қисми.**

«Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиладиганда ёки бирон бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга».

**Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар
тўғрисидаги халқаро пактининг
14-моддаси.**

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси суд ишларини юритишнинг ошкоралиги принципини назарда тутати. Мазкур модда мазмунидан кўришиб турибдики, «ошкоралик» атамаси «судда ишларнинг очиқ кўрилиши» атамасининг синоними сифатида қўлланилади.

Судда ишнинг ошқора кўрилишига бўлган ҳуқуқ ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатларида мустаҳкамланган. Ўз навбатида, мазкур принцип ФПКнинг 10-моддасида ҳам ўз ифодасини топган, мазкур моддага мувофиқ, барча судларда ишлар ошқора кўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошқор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади.

Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилганида ишда иштирок этаётган шахслар, зарур ҳолларда эса, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам қатнашали. Иш суднинг ёпиқ мажлисида суд ишларини юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади. Суднинг қарори барча ҳолларда ошқора эълон қилинади.

Ўхшаш ҳолда ушбу принцип Хўжалик процессуал кодексида ҳам мустаҳкамланган. ХПКнинг 8-моддасига асосан, хўжалик судларида ишлар ошқора кўрилади. Давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ мажлисда кўришга йўл қўйилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Жиноятга оид суд ишларини юритишнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда Жиноят-процессуал кодексида ошқоралик принципига батафсилроқ тавсиф берилган. ЖПКда мазкур принцип «Судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши» деб номланган.

Судда ишларнинг ошқора кўрилиши қуйидагиларни назарда тутати: суд процессида иш қонунда белгиланган ёшга тўлган ва суд мажлисига келишни истаган фуқаролар иштирокида кўрилади, процесснинг юритилиши ва натижалари эса матбуотда нашр этилиши, радиода эълон қилиниши ёки аҳолининг кенг қатламларига бошқа усуллар орқали етказилиши мумкин.

Судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши жиноят процессининг ЖПКнинг 19-моддасида мустаҳкамланган принциpidир.

Жинойят процессининг мазкур принципи қонун томонидан қуйидаги тарзда тартибга солинади: «Барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошқора кўрилади» (ЖПКнинг 19-моддаси 1-қисми).

ЖПКнинг 19-моддаси 2-қисмига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошқор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёниқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади. Ушбу ишлар бўйича ишнинг тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида кўрилиши заруриятига сабаб бўладиган аниқ ҳолатлар мавжудлигини суд ҳар бир вазиятда алоҳида аниқлайди. Мазкур ҳолатлар мавжудлигида суд бутун процессни ёки унинг алоҳида бир қисмини «ёпиқ эшикларда» ўтказишга, нафақат, ҳақли, балки мажбур ҳам. Суднинг ушбу масала бўйича ажрими суд мажлисида йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига ҳам татбиқ этилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ошқор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Суд ҳукми барча ҳолларда ошқора эълон қилинади. Шу билан бирга, ошқор қилинмаслиги учун ёпиқ суд мажлиси ўтказилган маълумотлар суд ҳукмида ошқора қилинмайди. Судлов фаолиятида ошқораликни кенгайтириш учун оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоат бирлашмалари ва жамоалар бўладиган процесслар тўғрисида хабардор қилиниши мумкин. Бундан ташқари, суд процесслари бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, қонун томонидан талаб қилинадиган ёки йўл қўйиладиган ошқоралик принципидан истисно ҳолатлари доираси анча кенг. Инсон, жамият, давлат манфаатларига зарар етказиш мақсадида ошқоралиқдан фойдаланиш мумкин эмас.

Мазкур чекловларнинг асосий вазифаси шахснинг шаъни ва қадр-қимматини сақлашдир.

Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципининг сиёсий ва амалий аҳамияти жуда катта. Судларда ишларнинг ошкора кўрилиши фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш ва қонунбузарликларга тоқат қилмаслик руҳида тарбиялаш вазифасини таъсирчан ва кенгроқ бажаришга ҳамда суд органларининг фаолияти устидан халқнинг доимий назоратини ўрнатишга имкон яратади.

Ошкоралик принциpidан истисно қилинадиган ҳолатлар рўйхати қонунда аниқ кўрсатилганлиги ошкораликнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Тегишли қонуний асослар йўқлигида ишнинг ёпиқ суд мажлисида кўрилиши қонуннинг қўпол бузилиши ҳисобланади.

3.7. Суд ишлари юритиладиган тил

«Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб бориладиган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади».

Конституциянинг 115-моддаси.

«Ҳар бир киши унга қўйилган ҳар қандай жинойий айблов судда кўриб чиқилишида иш юритиладиган тилни тушунмайдиган ёки бу тилда гапира олмайдиган бўлса, таржимон ёрдамидан бепул фойдаланишга ҳақлидир».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 14-моддаси 3-қисми «f» банди.

Суд ишлари юритиладиган тил принципи одил судловнинг энг асосий принципларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 8-моддасида ҳам мустақкамланган. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари олиб бориладиган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Кўриб чиқилаётган принцип ҳаётнинг барча соҳаларида таъминланадиган фуқаролар миллатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли-

лиги ва миллий тиллардан фойдаланишнинг давлат кафолатларидан биридир. Унинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида акс эттирилган. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратеди.

Мазкур принцип ЖПКнинг 20-моддасида, ФПКнинг 9-моддасида ва ХПКнинг 10-моддасида ўз ривожини топган. Хусусан, ХПКнинг 10-моддасида белгилаб қўйилганидек, турли давлатларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низолари суднинг ажримига биноан, тарафлар учун мақбул тилда олиб борилади.

ФПКнинг 9-моддасига биноан, эса суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг она тилларига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади. Ушбу принципга асосан, жиноят ишларини юритиш ҳам ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади (Конституциянинг 115-моддаси, ЖПКнинг 20-моддаси).

Тарафлар суд ишлари олиб борилаётган тилни билмаслиги уларнинг процесда иштирок этишига тўсқинлик қилмайди: процесда ўз фаолиятини амалга оширишда тарафларнинг ҳар бири таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин. Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади (ЖПКнинг 20-моддаси).

Кўриб чиқиладиган принципнинг амалга оширилиши иш юритилаётган тилни билмайдиган процесда иштирок этувчи барча шахсларнинг ҳуқуқларини ва миллий манфаатларини кафолатлайди. Ушбу ҳуқуқлар мазмунини тушунтириб берилиши ва уларни амалга ошириш имконияти таъминланиши лозим. Хусусан, ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ, айбланувчига, судланувчига ёки процесда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим. Ушбу принцип талабларига биноан, муайян ҳудуд доирасида дастлабки тергов ва судда ишни юритиш битта тилда ўтказилиши лозим.

Агар шахс суд ишлари юритиладиган тилни билмаган бўлса, ушбу шахс иштирокида ўтказиладиган барча процессуал ҳаракатларга мажбурий тартибда таржимон жалб қилинади. Таржимоннинг процесда иштирок этиши, нафақат, суд ишлари юритила-

диган тилни билмайдиган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайди, балки далилларнинг қайд этилишига кўмаклашади ҳамда сўроқ қилинувчи тақдим этадиган ёки ёзма ҳужжатларда сақланадиган маълумотлар терговчи ва суд томонидан тўлиқ ҳажмда олинишига ёрдам беради. Иш юритаётган шахс қисқа муддат ичида ҳам таржимон вазифаларини бажаришга ҳақли эмас.

Иш юритилаётган тилни билмайдиган гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига таржимон ёрдамида ҳам ўзининг ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириш қийин бўлганлигини инобатга олиб, дастлабки терговда ва ишни судда кўришда ҳимоячи иштирок этишининг зарурати қонунда белгилаб қўйилган (ЖПКнинг 51-моддаси 3-банди).

Суд ишлари юритиладиган тилни билмаганлиги сабабли, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки ҳимоячи ҳуқуқларининг ҳар қандай чекланиши, шунингдек, мазкур шахсларга процесснинг ҳар бир босқичида она тилидан фойдаланиш имконияти таъминланмаганлиги жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб эътироф этилади ва ҳукм бекор қилинишига асос бўлади (ЖПКнинг 487-моддаси). Суд ишлари юритиладиган тил принципи жиноятга оид суд ишларини юритиш тартибини фуқаролар учун очиқ ва тушунарли қилади, процессда иштирок этувчи шахсларнинг, уларнинг миллатидан қатъи назар, қонун ва суд олдидаги тенглигини кафолатлайди, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис ўрганиш учун зарур шароитларни яратади, ошкоралик ва процесснинг бошқа принциплари амалга оширилишини таъминлайди, манфаатдор шахсларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонун билан тақдим этилган воситалардан фойдаланишда ёрдам беради. Шунинг учун суд ишлари юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилиши ҳукм ва иш бўйича қабул қилинадиган бошқа процессуал қарорлар бекор қилинишига асос бўлади.

3.8. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш

«Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Конституциянинг 44-моддаси.

«Ҳар бир инсон унга конституция ва қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларининг самарали тикланиши ҳуқуқига эга».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз нутқларида бир неча марта таъкидлаб ўтганидек: «Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор¹».

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш ҳуқуқи фуқароларга, нафақат, Конституция ва Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунида, балки бошқа қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилган.

Мазкур принцип Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасида мустақамланган бўлиб, унга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўриляётганда прокурор иштирок этади.

Кўриб чиқилаётган принцип тармоқ қонун ҳужжатларида ҳам ўз ривожини топган. Хусусан, ФПКнинг 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланидиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 феврал). Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т. 3. Т., «O'zbekiston», 1996, 18-бет.

Ўз навбатида, ХПКнинг 1-моддасида кўрсатилганидек, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига Хўжалик процессуал кодексида белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

Судга бевосита мурожаат этиш имконияти фуқаро томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини анча оширади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Президент И.А. Каримов 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида таъкидлаб ўтганидек, «фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор»¹.

Бу сўзлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш институтининг янада ривожланиши учун туртки сифатида хизмат қилди. Агар давлатда суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлансагина, ушбу давлатда суд тартибида ҳимояланиш ҳуқуқи ҳақиқатда амалга ошади. Шубҳасиз, суд турли низоларни ҳал қилиш учун энг бегараз ва холис орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни (30.08.1995 й.), Меҳнат кодекси (21.12.1995 й.), Фуқаролик процессуал кодекси (30.08.1997 й.), Хўжалик процессуал кодекси (30.08.1997 й.), Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 феврал). Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., «O'zbekiston», 1996, 17—18-бет.

Қонуни (14.12.2000 й.), 2002 йил 13 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда) қабул қилиниши суд ҳимояси соҳасининг анча кенгайтирилишига кўмаклашди. Мазкур қонунлар ва уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган кўплаб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини анча кенгайтирган.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши суд орқали ҳимояланишга бўлган фуқаролар қонституциявий ҳуқуқининг амалга оширилишини таъминлаш йўлида муҳим босқич бўлиб, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят бериш бўйича фуқароларнинг имкониятларини анча кенгайтирди. Қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят беришнинг икки турини белгилайди: суд тартиби ва маъмурий тартиб. Қонунга биноан, фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи ташкилотга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Судга шикоят қилиш учун асос бўладиган коллегиял ёки яқка тартибдаги хатти-ҳаракатлар (қарорлар) жумласига қонун томонидан:

- *биринчидан*, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
- *иккинчидан*, фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;
- *учинчидан*, фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киритилган.

Фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикояти суд томонидан фуқаролик судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни қоидалари 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида ўз

ривожини топган. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 3-кичик бўлими давлат органлари ва бошқа органларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартибини белгилайди, бу эса инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи амалга оширилишининг муҳим омили бўлди.

Одил судловга эркин мурожаат этиш имконияти қонунда назарда тутилган судга мурожаат этиш ҳуқуқини англатади. Бу эса қонунлар, қонуности ҳужжатлар, суд қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш имкониятини назарда тутди.

Судлар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ҳимоядан эркин фойдаланиш қондаси демократия асосларидан бири деб эътироф этилади. Мазкур ҳимоя давлат ҳокимияти тармоқлари бўлиниши принципининг, ушбу тармоқлар вазифалари аниқ ажратилганлигининг ҳамда давлат ҳокимияти органлари бир-бирини тийиб туриш ва назорат қилиш тизими ўрнатилганлигининг ифодасидир. Ҳозирги кунда ҳуқуқ ва эркинликлар суд орқали ҳимоя қилинишининг самарадорлиги ва муҳимлиги ҳамма жойда эътироф этилди, умуман, суд орқали ҳимояланишнинг аҳамияти анча ўсди.

Суд орқали ҳимояланиш фуқаролар ҳуқуқининг эътироф этилиши ва унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунда ва бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларда мустаҳкамланиши қуйидаги хулосалар қилишга имкон беради:

- *биринчидан*, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади. Яъни, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, нафақат, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, балки ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тақдим этилади. Ҳар бир жисмоний шахс ўз манфаатларини шахсан ёки адвокат ёхуд қоюний вакил орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга;

- *иккинчидан*, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи билан яқин алоқада бўлади. Чунки суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи фақатгина қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти бўйича тегишли билимлар ҳамда судда ишларини олиб бориш тажрибаси бўлган тақдирда самарали амалга оширилиши мумкин;

- *учинчидан*, қонун бузилишига, ваколат доирасидан четга чиқишга ёки айрим бир шахснинг ҳуқуқлари чекланишига олиб келган барча ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш мумкин. Таъ-

кидлаб ўтамитиз, инсоннинг барча конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари суднинг ҳимоясида бўлади. Нафақат, Конституция томонидан кафолатланган, балки қонун ёки шартномада белгиланган ҳуқуқни тиклаш мақсадида ҳам судга мурожаат этиш мумкин.

Бузилган ҳуқуқнинг хусусиятига қараб, у конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят ва ҳўжалик суд ишларини юритиш тартибида ҳимоя қилинади.

Бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этиш воситаси сифатида шикоят хизмат қилади. Шикоят — бу мансабдор шахслар ва хизматчиларининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари билан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари юзасидан фуқаронинг мурожаати. Шикоят фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситасидир. Шикоят билан мурожаат қилган фуқаро ёки бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги маълумотлар шикоятда акс эттирилади.

Шикоят ёки прокурорнинг протести қаноатлантирилган тақдирда шикоят қилинган (протест билдирилган) бошқарув органининг ҳужжати ўз юридик кучини йўқотади. Юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартиби ишни малакали ва қисқа муддатларда кўриб чиқиш ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича имкониятларини кенгайтириш мақсадини кўзлайди.

Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга бўлган фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи давлат бошқаруви органлари фаолияти соҳасида фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланишининг энг муҳим омили ҳисобланади. Ўз навбатида, бошқарув органлари томонидан чиқарилган ҳужжатларга оид низоларни кўриб чиқишда суд ҳокимиятининг аҳамияти фақат ошади, чунки низолар суд орқали ҳал қилиниши ушбу низолар маъмурий тартиб орқали ҳал қилинишига нисбатан бир қатор устунликларга эга:

1) суд — давлат бошқаруви органлари томонидан чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилувчи махсус давлат органидир;

2) суд ҳокимият барча тармоқларидан мустақил бўлиб, бу мустақилликнинг конституциявий кафолатларига эга;

3) низо ҳал қилинишининг аниқ процессуал шакли;

4) низо ҳал қилинишининг демократик принциплари;

5) тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган фуқаро ва бошқарув органининг тенг мақоми.

Шундай қилиб, Конституция инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш принципининг мустаҳкамланиши билан чекланмайди. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни мазкур принцип ҳамда суд мустақиллиги принципи ўртасида яқин алоқани ўрнатади.

Инсон ҳуқуқлари суд орқали ҳимояланиши принципи Конституцияда мустаҳкамланиши инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифасини амалга оширишнинг муҳим гарови сифатида хизмат қилади.

Суд орқали ҳимояланиш доираси кенгайтирилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган кейинги устувор вазифани белгилади. Мазкур вазифа, шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг қўйидаги сўзлари назарда тутилади: «Суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир»¹. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддасининг чекланган шарҳланишига йўл қўйилмайди. Жиноятга оид суд ишларини юритиш жараёнига жалб қилинган шахслар Конституция амал қилиши доирасидан чиқариб ташланилиши мумкин эмас.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан «...шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш»² таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»³ги Фармони инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашайдиган ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими

¹ И.А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январ). Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. Т., «O'zbekiston», 2005, 187-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 32–33, 242-модда.

ислоҳотининг энг муҳим вазифаси бўлганлигини таъкидлаб ўтиб, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказишни амалга ошириш бўйича асосий вазифаларни белгилаб қўйган.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш суд тартибининг устунлиги шахснинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор тергов ва прокурор назоратидан мустақил бўлган орган томонидан қабул қилинишида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»¹ги Қонуни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд томонидан қўллаш процессуал тартибини, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартибини белгилайди ва жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишининг процессуал кафолатларини кучайтиради.

Суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш ва мазкур ҳимоядан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш судлов амалиётида конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, ҳимоя остидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифаларини бажараётган адвокатура институтининг роли ва аҳамияти мустаҳкамланишига ҳам боғлиқ.

Адвокатура фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларига қонун томонидан берилган асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиб, фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига биноан, «фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади». Президент И.А. Каримов томонидан қуйидагилар алоҳида таъкидлаб ўтилди: «...адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозим. Улар биринчи навбатда судлов амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари керак»².

Адвокатура институтининг мустаҳкамланиши ва унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, ўз навбатида, қонун устунлигини ўрнатишга, фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотнома-си. Т., 2007, № 6, 249-модда.

² И.А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т., «O'zbekiston», 1996, 128-бет.

эркинлик ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган¹. Айнан шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда таъкидлаб ўтилганидек, адвокатура институтини ислоҳ қилиш вазифаси суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг обрў-эътибори ва аҳамиятини ошириш, аҳолининг юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш вазифалар ҳам адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган бўлиб, одил судловга эркин мурожаат этиш принципи амал қилиши доираси кенгайтирилишига йўл очиб берадилар ва мазкур принцип амалга оширилишининг кафолати сифатида хизмат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида баён этилган принципаал қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топди.

3.9. Айбсизлик презумпцияси

«Жиноят содир этилганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади».

Конституциянинг 29-моддаси 1-қисми.

«Жиноят содир этилганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда очиқ сул мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддаси 1-қисми.

Айбсизлик презумпцияси (лотин тилидаги «*presumption*» — «тахмин» сўздан келиб чиққан) шахс ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб берувчи, асоссиз айблаш ва жазолашнинг олдини олувчи жиноят процессининг муҳим демократик принципларидан бири

¹ Ўзбекистоннинг адвокатура институти алоҳида бобда батафсил ёритиб берилади.

ҳисобланади. Ушбу принцип фақат жиноятга оид суд ишларини юритишда амал қилади ҳамда ЖПКнинг 23-моддаси 1-қисмида ва «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 2-қисмида ба- тафсил белгилаб берилган.

Айбсизлик презумпцияси принципи инсон ҳуқуқлари соҳаси- да асосий халқаро ҳужжатларнинг қоидаларига асосланади: Ин- сон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (11-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (14-модда), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (6-модданинг 2-қисми). Айбсизлик презумп- циясининг асосида умумий, кенг эътироф этилган ахлоқ норма- си ётади, унга мувофиқ, ҳар бир инсон айбдорлиги исботланма- гунча айбсиз деб ҳисобланиши лозим.

ЖПКнинг 23-моддасига биноан, «Гумон қилинувчи, айбла- нувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айб- сизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлла- нилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак».

Барча фуқаролар қонунга итоаткор бўлишлари тахмин қили- ниши ва давлат томонидан жиноят содир этишда айбдор деб то- пилишлари фақат қонунда назарда тутилган шартлар мавжудли- гига ва қатъий таомил қўлланилиши натижасида мумкинлиги мазкур принципнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Айбсиз- лик презумпцияси принципига амал қилиш шахснинг асоссиз ҳукм қилинишига йўл қўймайдиган кафолат сифатида хизмат қилади.

Айбсизлик презумпцияси судья, терговчи ёки прокурорнинг шахсий фикрини билдирмайди, аксинча, холис ҳуқуқий ҳолатни англатади. Тергов органлари шахсга айб қўйиб, уни жиноят содир этишда айбли деб ҳисоблайдилар, лекин ҳали унинг айбдорлиги- ни исботлаш лозим. Қонун шахсни айбли деб топиш имконияти- ни айбланувчи ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг максимал ка- фолатларини мужассамлаштирувчи босқичнинг, яъни суд муҳо- камасининг мажбурий ўтказилиши билан боғлайди. Айнан шу сабабли шахсни жиноят содир этишда айбли деб топиш ва Ўзбе- кистон Республикасининг ЖПКда белгиланган тартибда чиқарил- ган ҳукм билан жиноий жазога тортиш ваколати давлат томони- дан суд ҳокимиятининг мустақил органи бўлган судга ва фақат судга ишоиб топширилган. Шахсни жиноят содир этишда айбли деб топишга одил судловни ошқора, оғзаки ва тортишув шароит-

ларида амалга ошириш натижасидагина йўл қўйилади. Суд ҳукми қонуний кучга киргангунча шахснинг айби ҳақидаги мулоҳазалар узил-кесил юридик аҳамиятга эга эмас.

Айбсизлик презумпцияси рад қилиниши мумкин: айбсизлик ҳақидаги тахмин шахснинг жиноят содир этишда айби етарли, ишончли ва холис далиллар асосида қонунда белгиланган тартибда аниқланмагунга қадар амал қилади. Айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган, ушбу институтнинг ҳуқуқий мақомини шакллантирадиган ҳамда суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларининг ҳуқуқни қўллаш бўйича фаолиятида ҳисобга олиниши ва рия қилиниши лозим бўлган бир қатор қоидалар амалдаги жиноят-процессуал қонунда мустаҳкамланган:

1. Гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи) ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас; айбловни исботлаш ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоясига келтирилган далилларни рад этиш вазифаси айбловчининг зиммасига юклатилади; жинойий таъқибни амалга оширишда прокурор, терговчи, суриштирув органи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда жиноят ишини қўзғатишлари, жинойий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни қўришлари шарт.

2. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим (ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисми); мазкур қоида жиноят иши бўйича олиб бориладиган дастлабки терговга ҳам татбиқ этилган бўлиб, жиноят ишини тугатиш, содир этилган жиноят тавсиф қилинишининг ўзгариши туфайли айблов ҳажми ёки унинг хусусияти ўзгариши каби процессуал оқибатларга олиб келади. ЖПКда назарда тутилган далилларни тўплашнинг барча восита ва усуллари тугаган бўлса ҳамда иш бўйича тўпланган далиллар орқали ҳал этилиши мумкин бўлмаган шубҳалар мавжуд бўлса, ушбу шубҳалар бартараф этиш бўлмайдиган шубҳалар деб эътироф этилиши лозим.

3. Жиноят ишини юритишни амалга оширувчи давлат органлари ва суд мажлисида суд органлари иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холис ўрганишлари шарт; суд исботлаш мажбуриятини судланувчи зиммасига юклатишга ҳақли эмас; суд томонидан далилларни бевосита текшириш судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар, экспертнинг кўрсатувларини эшитиш, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшитиш, далилларни ўрганиш бўйича бошқа суд-тергов ҳаракатларини амалга ошириш бўйича суднинг мажбуриятини қўзда тутати (ЖПКнинг 26-моддаси).

4. Айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, ишда мавжуд бўлган далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

5. Айблов ҳукмининг тахминларга асосан, чиқарилиши қонун билан тақиқланади; судланувчи айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида ўрганилган ишончли далилларнинг етарли мажмуи билан исбот қилинган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилади.

Кўрсатилган қоидалар бир вақтнинг ўзида айбсизлик презумпцияси принципи амал қилишини таъминлашда тегишли кафолатлар сифатида хизмат қилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳукми юқорида кўрсатилган қоидаларга риоя қилган тақдирдагина ҳақиқатни, шу жумладан, исботлашнинг асосий масаласи, яъни айбланувчининг айби бўйича хулосани акс эттирувчи ҳужжат деб эътироф этилади.

Айбсизлик презумпцияси, нафақат, асоссиз айблов ва ҳукм қилишга йўл қўймайдиган кафолатдир. Айбловнинг шубҳасиз исботланиши шартлиги ҳамда бартараф этиш бўлмайдиган шубҳаларни айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши зарурлиги тўғрисидаги мазкур презумпциянинг талаблари давлат органларини иш ҳолатларини холис, беғараз ва адолатли тарзда аниқлашга йўналтиради ҳамда шу орқали суд томонидан ишнинг адолатли ҳал қилинишини таъминлайди. Айбсизлик презумпциясидан салгина ҳам четга чиқиш одил судловда қонунийликнинг бузилишига ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари чекланилишига олиб келади.

3.10. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоялаиш ҳуқуқи билан таъминлаш

«Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади».

Конституциянинг 116-моддаси.

«Ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноий иши кўриб чиқиляётганда тўлиқ тенглик асосида қўйидаги кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд: ўзи қатнашиб, суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериш».

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 3-қисми «d» банди.

Ҳимояланиш ҳуқуқи жиноятга оид суд ишларини юритишда шахс ҳуқуқларининг кафолатлари тизимида марказий ўрин эгаллайди. Ушбу ҳуқуқ, нафақат, шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини, балки одил судлов манфаатларини амалга оширишнинг юридик шарти сифатида хизмат қилади. Ҳимояланиш ҳуқуқи мустақил ижтимоий-ҳуқуқий неъматдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жиноий жавобгарликка тортиладиган шахсларда ҳимояланиш ҳуқуқининг, нафақат, мавжудлигини эълон қилади, балки мазкур ҳуқуқ таъминланганлигига урғу беради. Жиноятга оид суд ишларини юритишда ҳимояланиш институти гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига тақдим этиладиган ва уларга ишда тараф сифатида иштирок этишга, жиноят содир этиш юзасидан уларга қўйилган айблов ёки гумонни рад қилишга, жиноят содир этишга алоқадор эмаслигини исботлашга, жавобгарликни енгиллаштириш учун ҳаракат қилишга имкон берувчи ҳуқуқлар комплекси сифатида хизмат қилади.

ЖПКнинг 24-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи қуйидаги қоидалардан иборат: гумон қилинувчи ва айбланувчи ўз ҳуқуқларини шахсан ҳамда ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланадиган ҳимоячи ёрдамида амалга оширишлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мансабдор шахслари ҳар бир айбланувчи ўзининг ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириши учун тегишли шароитлар яратиш бўйича мажбуриятларини бажаришлари.

Гумон қилинувчига (айбланувчига) тақдим этиладиган ҳамда ўзининг нимада айбланаётганлигини билишга, ўз тушунтиришларини беришга, унга қўйилган айбловга нисбатан эътироз билдиришга, ўз қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш бўйича барча ҳуқуқлардан фойдаланишга имкон берувчи процессуал восита ва ҳуқуқлар мажмуи жиноят процессида ҳимояланиш ҳуқуқи институтининг асосини ташкил этади.

Ҳимояланиш ҳуқуқи ва уни амалга оширишнинг кафолатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Қонун чиқарувчи қўйилган айбловдан қонунда назарда тутилган барча усул ва воситалар орқали ҳимояланиш имкониятини айбланувчига таъминлаш бўйича мажбуриятни жиноят процессини олиб борувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатади. Ушбу барча ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи гумон қилинувчи ва айбланувчида мавжудлиги тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ишини юритишда иштирок этувчи шахсларни маълум қилишга, юқорида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартибинини тушунтиришга ва ушбу ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш имкониятни таъминлашга мажбурдирлар (ЖПКнинг 24-моддаси 2-қисми). Мазкур таъминлаш чоралари давлат органлари томонидан амалга

оширилмаётган бўлса, ҳимояланиш ҳуқуқи бемаъни декларацияга айланади. Ушбу органлар айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлашга ҳам мажбурдирлар (ЖПКнинг 22-моддаси).

Гумон қилинувчи, айбланувчи унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслигини белгилайдиган айбсизлик презумпцияси конституциявий принципига қатъий риоя этилиши гумон қилинувчи, айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига кўрсатма бериш ҳамда ўз айбсизлигини ёки иш бўйича бирон-бир ҳолатни исботлаш мажбуриятини юклатиш тақиқланади. Қонунга асосан, бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари зиммасига юклатилган.

Шундай қилиб, айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тизими ҳамда суд, суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича ҳақиқий имкониятларни таъминлаш мажбурияти бирлигида айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципи ўзининг энг чуқур ва таъсирли мазмунини топади.

Бироқ, айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципининг мазмун-моҳияти ўз ҳажми бўйича муайян бир процессуал ҳуқуққа тенг эмас. Айбланувчининг (гумон қилинувчи ва судланувчининг) ҳимояланиш ҳуқуқи деганда, унга қўйилган айбловдан шахсан ёки ҳимоячининг ёрдамида ҳимояланиш имкониятини берувчи процессуал ҳуқуқларнинг бутун мажмуи тушунилиши лозим.

Айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи) ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини шахсан самарадорли ҳимоя қилишга имкон берувчи ҳуқуқлар комплексига эга. Ушбу мақсадда жинойий жавобгарликка тортиладиган шахсларга бир қатор ҳуқуқлар тақдим этилган: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш, кўрсатма ва тушунтириш бериш, далиллар билан танишиб чиқиш ва бошқалар (ЖПКнинг 46-моддаси). Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья)нинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқининг гумон қилинувчи ва айбланувчига қонун билан тақдим этилиши мазкур шахсларни ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан ҳам берилиши мумкин.

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан, қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт (ЖПКнинг 51-моддаси 3-қисми).

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади (ЖПКнинг 49-моддаси 4-қисми). Ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан, йўл қўйилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи айбланувчига иш юритилаётган даврда ис-талган вақтда ҳимоячидан воз кечиш ҳуқуқини тақдим этади. Лекин бундай воз кечишга фақат айбланувчининг ташаббуси билан йўл қўйилади ва у ишда бошқа тарафларнинг иштирок этишига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб, адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас (ЖПКнинг 53-моддаси 5-қисми).

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига, уларнинг илтимосига қатъи назар, ҳаттоки уларнинг хоҳишига қарамай, ҳимоячи тайинланиши шарт бўлган ҳолларнинг қонунда назарда тутилганлиги ҳимояланиш ҳуқуқининг қўшимча кафолати ҳисобланади. Ушбу ҳоллар вояга етмаганлар, соқовлар, карлар, кўрлар ва жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя

қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларга, шунингдек, судлов иши олиб бориладиган тилни билмайдиган шахсларга оид. Бундан ташқари, жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ишлари бўйича ҳам ҳимоячи иштирок этиши шарт (ЖПКнинг 51-моддаси). Ҳимоячининг мажбурий иштирок этиши унинг келишуви ёки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тайинланиши орқали таъминланиши мумкин.

ЖПКнинг 487-моддаси мазмунига асосан, ҳимояланиш ҳуқуқининг бузилиши суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига ҳалал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган тақдирда, жиддий ва суд ҳукмини бекор қилинишига олиб келадиган бузилиш сифатида эътироф этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 17-қарорида мустаҳкамлаб қўйилганидек: қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, **гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш** натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Қонунга мувофиқ (ЖПКнинг 20, 51, 487-моддалари) қуйидаги ҳоллар гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади. Агар:

- унинг ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;
- қонунга кўра, ҳимоячининг иштироки шарт бўлган иш ҳимоячининг иштирокисиз тергов қилинган ёки судда кўрилган бўлса;
- манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса;
- дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва бу қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;
- айбланувчига айблов хулосаси топширилмаган бўлса;
- ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи сўзлаш учун имконият, шунингдек, охириги сўз берилмаган бўлса;
- иш судланувчининг иштирокисиз кўрилган бўлса, ЖПКнинг 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

• ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар мавжуд бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса.

Иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

3.11. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципи

Тортишув принципи процессуал принципи бўлиб, тармоқ қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Хусусан, Хўжалик процессуал кодексининг «Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги» деб номланадиган 9-моддасида тортишув ғояси қўйидагича ифодаланган: «Хўжалик судида суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади». ФПКнинг «Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги» деб номланадиган 8-моддасида мазкур принципнинг қўйидаги таърифи берилган: «Фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади». Ушбу нормалар мазмунидан кўриниб турибдики, тарафлар далиллар тақдим этиш ва уларни текширишда иштирок этиш бўйича тенг ҳуқуқларга эга.

Жиноят-процессуал қонунчилигида тортишув принципи алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Жиноят-процессуал қонунчилиги тарафларнинг суд олдидаги процессуал тенглиги ҳамда жиноят суд ишларини юритишни изчил демократлаштириш ғоясини асосийлардан бири деб эътироф этиб, тарафларнинг ўзаро тортишувини жиноятга оид суд ишларини юритишнинг асосий принциплар тизимига киритади. Таъкидлаш жоизки, 1959 йилдаги ЖПКда мазкур принцип назарда тутилмаган. Амалдаги қонунчиликда эса ушбу принцип ЖПКнинг 25-моддасида ўз аксини топган: «Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади».

Тортишув принципининг амалга оширилиши айблаш ва ҳимоя қилиш вазифалари бир-биридан ва суд фаолиятидан ажратилганлигини ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тенг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланаётган тарафлар томонидан бажаралишини назарда тутди. Айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш процессуал вазифаларини битта орган ёки битта мансабдор шахс зиммасига юклатиш мантиқ ва психология қонунларига зид бўлади. Ушбу бузилишнинг тақиқланиши, биринчи навбатда, судга тааллуқли, чунки тортишув принципининг кўрсатилган асосий қондасини бузиш одил судлов амалга оширилиши бутун тизимига таҳдид солади.

Тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида суд ишларини юри-тиш ҳар бир демократик жамиятининг миллий ҳуқуқий тизими учун муҳим ютуқдир. Юртбошимиз И.А. Каримов фикрига кўра, суд процессида айбланиш ва ҳимоя қилиш тарафларининг ҳақиқий тенглигига эришиш суд тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсадларидан бири.

Тортишув принципининг амалга оширилиши иш тўлиқ, хо-лис ва бегараз кўриб чиқилишининг кафолати ҳисобланади, бу, ўз навбатида, ҳақиқатни аниқлашга ва иш бўйича адолатли қарор қабул қилишга имкон беради.

Жиноят процессида тарафлар деганда, процессуал манфаат-лари қарама-қарши бўлган ва бу манфаатларни ҳимоя қилиш учун қонун билан тақдим этилган ҳуқуқларга эга бўлган жиноятга оид суд ишларини юриштишнинг иштирокчилари тушунилади. Асосий процессуал вазифаларни бажарувчи шахслар қонунда белгилан-ган. Айбланиш вазифаси битта тараф томонидан (прокурор, жабрланувчи, хусусий айбловчи, фуқаровий даъвогар ушбу тараф дои-расида ўз фаолиятини амалга оширади), ҳимоя қилиш вазифаси эса айбланувчи, судланувчи, унинг ҳимоячиси, вакили, фуқаро-вий жавобгар каби процесс иштирокчилари вакиллари бўлган бошқа тараф томонидан бажарилишида процессуал вазифалар-нинг ажратилганлиги ўз ифодасини топади.

Ишни ҳал қилиш вазифаси фақат суд томонидан бажарилади. Бу вазифа айбланиш ва ҳимоя қилиш вазифаларидан ажратилган (ЖПКнинг 25-моддаси 5- ва 6-қисмлари).

Ўз навбатида, суд олдида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенг-лиги жиноят ишларини кўриш жараёнида тарафларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тенг имкониятларни таъминловчи жиноят суд ишларини юриштишнинг тартибини англатади. Тарафларнинг процессуал тенг ҳуқуқлилиги, нафақат, иш-нинг фактик ҳолатларини таҳлил қилишга, балки ишни судда кўриш жараёнида вужудга келадиган барча юридик масалаларни муҳокама қилишга ҳам татбиқ этилади.

Тортишув принципини изчил амалга ошириш мақсадида суд-ланувчининг фош этиш жараёнида суднинг иштирок этиши тақиқ-ланади, чунки суд жиноий таъқиб органлар қаторига кирмайди ва айблов ёки ҳимоя тарафида туришга ҳақли эмас. Суд тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беришга маж-бур. Суд процессда раҳбарий ўрин эгаллаб, холислик ва бегараз-ликни сақлаган ҳолда суд мажлиси устидан раҳбарлик қилади, ўрганилаётган иш ҳолатларига бевосита алоқадор бўлмаган барча маълумотларни бартараф этади, суд мажлисида тартибни бузиш бўйича уринишларга йўл қўймайди.

Замонавий процессуалистлар тортишув принципининг қўйи-даги уч элементини ажратишади: 1) айблаш (ва фуқаровий даъво-ни қувватлаш), ҳимоя қилиш (ва фуқаровий даъвога жавоб бе-риш) ҳамда одил судлов вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиши; 2) тарафлар ўз вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг процессуал ҳуқуқлар тақдим этилиши; 3) суднинг процес-сда раҳбарий роли ва иш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқининг фа-қат судга тақдим этилиши¹.

Айблаш ва ҳимоя қилиш мустақил вазифалар сифатида белги-ланиши, улар бир-биридан ва суд фаолиятидан ажратилиши тор-тишув принципи амал қилишининг асосини ташкил этади. Айб-лаш, ҳимоя қилиш ва одил судловни амалга ошириш вазифалари бир-биридан қандай тарзда ажратилганлиги бўйича суд процесси-нинг турларини таснифлаш мумкин. Қонун айблаш, ҳимоя қилиш ва одил судловни амалга ошириш вазифаларини (ЖПКнинг 408, 409, 412, 53, 12-моддалари) қатъий ажратган, уларнинг қўшили-шини ҳукмнинг, албатта, бекор қилиниши учун асос сифатида белгилаган ва шу орқали бундай қўшилишни истисно қилган (ЖПКнинг 76, 79, 80-моддалари).

Инобатга олиш лозимки, одил судловни амалга оширишда тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги қоида фақат процес-суал жиҳатдан кўрилиши лозим. Тарафлар умуман тенг ҳуқуқли эмас, улар ўз позицияларини суд олдида ҳимоя қилишда тенг процес-суал ҳуқуқларга эга. Тарафлар айблаш ва ҳимоя қилиш, фуқа-ровий даъвони қувватлаш ва даъвога қарши эътироз билдириш бўйича ўз позицияларини ҳимоя қилишлари учун йўл қўйилади-ган процессуал воситаларидан фойдаланиш бўйича тенг имкони-ятларга эга. Суд муҳокамасида тортишувни таъминлаш учун суд тарафлар ўз процессуал ҳуқуқларини амалга оширишлари учун шароит яратади ва тарафлар хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат қилади ҳамда шу орқали иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашади.

3.12. Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг ишгиروي

Фуқаролар вакиллари бўлган жамоатчилик одил судловни амал-га оширишда турли шаклларда иштирок этади. Бироқ одил суд-ловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштиروي ҳақида, одатда, фақат жиноятга оид суд ишларини юритиш нуқтаи наза-ридан гап юритилади. Жамоатчилик аслида на фуқаролик, на хўжа-лик суд ишларини юритишда иштирок этмайди.

¹ С.Д. Шестакова. Состязательность уголовного процесса. СПб., «Юри-дический центр Пресс», 2001, стр. 43.

Жинойат иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

Хусусан, жиноят иши шахс аризаси бўйича қўзғатилиши мумкин (бу шахс жабрланувчи, гувоҳ ва ҳ.к. бўлиши мумкин).

Тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида жамоатчилик ҳолислар, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, кафиллар, халқ маслаҳатчилари сифатида иштирок этиши мумкин.

Жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси. ЖПКнинг 40-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар: айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Ўз навбатида, суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради.

Жиноят процессида жамоатчиликнинг иштироки жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси институтида ўз ифодасини янада аниқроқ топади. ЖПКнинг 42-моддасига кўра, жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакиллари-ни юборишлари мумкин.

Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот, шу жумладан, тижорат тузилмаси жамоасининг йиғилиши кўрсатади. Йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозим. Бироқ, жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

Жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси — давлат ва жамоат айбловчилари тутадиган позициядан мустақил равишда ўз вази-

фаларини бажарадиган суд муҳокамасининг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчиларидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакиллари. Жиноят процесси доирасида вакиллик институти суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этаётган кўрсатилган шахсларнинг ўз ҳуқуқ, мажбурият ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўлиқроқ амалга оширишига кўмаклашади. Иш юритишда иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлган жисмоний ва юридик шахслар (муомалага лаёқатсизлик, касаллик, узоқ муддатли хизмат сафари ва ҳ.к.), шунингдек, ўз манфаатларини ҳимоя қилишда жиддий қийинчиликларга дуч келаётган (муомала лаёқати чекланганлиги) ёки ҳуқуқий билимсизлиги туфайли малакали юридик ёрдамдан фойдаланмоқчи бўлган шахслар (катта ёшдаги муомалага лаёқатли жабрланувчилар, фуқаровий жавобгарлар). Иш бўйича фуқаровий даъвогарлар ёки жавобгарлар деб эътироф этилган юридик шахслар ишда фақат ўз вакиллари орқали иштирок этадилар.

Шундай қилиб, жиноят процессида вакилликнинг икки тури мавжуд: шартнома бўйича вакиллик ҳамда қонуний вакиллик. Биринчиси юридик маслаҳатхона (бюро, фирма) билан тузилган шартномага (келишувга), иккинчиси эса қариндошлик муносабатларига асосланади.

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади (ЖПКнинг 60-моддаси). Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек, унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Ҳолислар. Ҳолислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёнини ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКнинг бир қатор моддаларида назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Ҳолислар уларнинг иштирокида юритилган тергов ҳаракатлари ўтказилганини, уларни ўтказиш жараёнини ва натижаларини тасдиқлаши шарт. Улар тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш ҳуқуқига эгадир. Ҳолис сифатида таклиф этилган шахс ишда иштирок этиши муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эга.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Ички ишлар органи, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходимлари холислар сифатида таклиф этилиши мумкин эмас (ЖПКнинг 78-моддаси).

Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Кафиллар. Шахсий кафиллик ва жамоат бирлашмасининг кафиллиги ажратилади. Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ўз қарорини айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айни вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти, хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

Халқ маслаҳатчилари. Қонунчиликда жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнига халқ вакиллари жалб қилиш шаклларида бири сифатида халқ маслаҳатчилари институти назарда тутилган. Ўзбекистонда суд ишларини юритишда халқ маслаҳатчилари институти олдиндан маълум (1917 йилдан кейин). Ҳозирги кунда халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини кўриш жараёнида фақат қонунда белгиланган ҳолларда иштирок этадилар. Фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда халқ маслаҳатчиларининг иштироки назарда тутилмаган (ФПКнинг 13-моддаси).

Суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Халқ маслаҳатчилари йигирма беш ёшга тўлган ва қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга жавоб берадиган фуқаролар сонидан танланилади. Фуқароларга халқ маслаҳатчиларининг ваколатларини бериш тартиби «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 62-моддасида белгиланган. Халқ маслаҳатчилари иштирокида суд ишларининг катта қисми кўрилади.

Кўриниб турибдики, жиноят ишларини тергов қилишда ва кўришда жамоатчилик иштирокининг шакллари турли бўлади, бироқ, умуман олганда, уларнинг фаолияти қўйидаги умумий мақсадларга эришиш учун амалга оширилади: жамоат назоратини ўрнатиш; аҳолига бўлган ишончни янада мустақкамлаш. Мазкур мақсадларга эришиш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг зарурий шартини ҳисобланади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Мазкур мавзунини ўрганишда талабалар одил судлов принципларининг халқаро ҳужжатларда ва тармоқ қонун ҳужжатларида мустақкамланишига одил масалаларни кўриб чиқишлари; қийосий-ҳуқуқий таҳлил ўтказиб, одил судловни амалга оширишда уларнинг ролини аниқлашлари лозим.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Одил судлов тушунчасига таъриф беринг ва унга хос бўлган белгиларни айтиб беринг.
2. Одил судлов ва суд ҳокимиятининг ўзаро нисбати қандай, улар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
3. Одил судлов демократик асослари (принциплари)нинг юридик мазмунини таърифлаб беринг.
4. Одил судлов соҳасида қонунийлик принципи амалга оширилиши нималарни англатади?
5. Биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида суд ишларини ҳайъатда кўриш қандай тартибда амалга оширилади?
6. Айбсизлик презумпцияси тушунчасини ва унинг асосий қоидаларини баён этинг.
7. Одил судловни амалга оширишга ваколатли бўлган органларни санаб беринг.
8. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши принципи нима сабабли эълон қилинган?
9. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш асосланадиган бошланғич қоидаларни белгилаб беринг.
10. Фуқаролик ва жиноят ишлари ёниқ суд мажлисида кўрилиши мумкин бўлган ҳолларни санаб беринг.
11. Суд залида овозларни ёзиб олишга ёки видеоёзувга олишга йўл қўйиладими? Фотосуратга олишга кимнинг рухсати билан йўл қўйилади?
12. Журналист ва мухбирлар суд мажлиси залида иштирок этиш ҳуқуқига эгами?
13. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжатларни айтиб беринг.
14. Одил судловни амалга оширишда тортишув принципини нималарни англатади?

1. Суд ҳокимияти ва одил судловнинг ўзаро нисбатини таҳлил қилинг. Иш шакли — *реферат*.
2. МДХ давлатларида ва бошқа хорижий давлатларда одил судлов асосий принципларини кўриб чиқинг. Иш шакли — *реферат*.
3. Хорижий давлатларда одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг шакллари кўриб чиқинг. Иш шакли — *реферат*.
4. Турли давлатларда судьялар мустақиллигининг кафолатларини кўриб чиқинг. Иш шакли — *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Адолат — қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза, 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т., «O'zbekiston», 2002.

2. *И.А. Каримов*. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2005 йил 28 январ). Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т., «O'zbekiston», 2005.

3. *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 14 декабрдаги 162-II сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 103-I сонли Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Прокуратура тўғрисида»ги 746-ХII сонли Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 2001, № 9—10, 168-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги 349-I сонли Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

6. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги 721-I сонли Қонуни. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

8. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т., 2001, № 1—2, 11-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3023-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2002, № 3—4, 26-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги ПФ-3644-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 32—33, 242-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3725-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 12—13, 101-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-896-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008 й., № 26—27, 248-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 323-II сонли Қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамгармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 147-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

18. «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.

19. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли Фармонига 3-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 12—13, 101-модда.

20. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-II сонли қарори билан тасдиқланган). NORMA ахборот-ҳуқуқий тизими.

21. «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1-жилд. Т., «O'qituvchi», 2007.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 28 декабрдаги «Фуқароларнинг суд ишларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида»ги 31-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1-жилд. Т., «O'qituvchi», 2007.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1-жилд. Т., «O'qituvchi», 2007.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 13-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1-жилд. Т., «O'qituvchi», 2007.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 17-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 2-жилд. Т., «O'qituvchi», 2007.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда — халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. А.А. Муҳаммадиев. Конституция ва суд ҳокимияти тамойиллари. ТДЮИ ахборотномаси. Т., 2010, № 6, 47—148-бет.

4. М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

5. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ

4-боб. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ

Ўқув мақсадлари

Мазкур мавзунини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг асосий бўғин судларида ишнинг ташкил этилишига оид масалалари талабалар томонидан ўзлаштирилишига, кўрсатилган судлар таркибини, ваколатларини кўриб чиқишига, шунингдек, судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганишга йўналтирилган.

4.1. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди — умумий юрисдикция судларининг асосий бўғин, уларнинг ваколатлари

Одил судловни амалга ошириш сифатини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилинди. Ушбу Фармон суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш учун қабул қилинган. 2001 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлари фаолият юритишини бошлади.

Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди умумий юрисдикция судларининг асосий бўғинини ташкил қиладилар. Бу, биринчи навбатда, мазкур судлар ниҳоятда кўп бўлганли-

ги, шунингдек, ушбу судларнинг судловига судларга тааллуқли бўлган фуқаролик ва жиноят ишларининг асосий қисми тўғри келганлиги билан боғлиқ. ФПК ва ЖПК фуқаролик ва жиноят ишларининг турдош (предметли) судловга тааллуқлилигини белгилаб, мазкур барча ишлар туман судининг судловига тааллуқли бўлганлигини қайд этади, қонунда бундай ишларни кўриш бошқа судлар ваколатига берилган ҳоллар бундан мустасно. Одатда, аҳоли ўз муаммолари билан айнан шу судларга мурожаат қилади ва аксарият ҳолларда шу ерда ўз саволларига керакли жавобларни олади.

Мазкур судлар ташкил қилиниши принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари ташкил қилинган. Зарур ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари ҳам ташкил қилиниши мумкин. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларининг ташкил қилиниши кўриб чиқиладиган ишлар ҳажми ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Жиноят ишлари бўйича судлар ҳар бир туманда ва туманларга бўлинмаган шаҳарда фаолият юритади. Туманда (шаҳарда) битта суд ташкил қилинади, бироқ, бутун туман ва шаҳар учун ёки туман ва шу туманда жойлашган шаҳарлар учун битта судни ташкил қилиш ҳам мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг суд фаолияти устидан назорат Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан амалга оширилади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг суд фаолияти устидан назорат Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят суди, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Умумий юрисдикция судларининг асосий бўғин таркиби. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ:

- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьялардан иборат бўлади;

- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлади.

Туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Жиноят ишлари бўйича судларнинг *халқ маслаҳатчиларига* нисбатан қуйидаги талаблар қўйилган: йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шунингдек уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Умумий юрисдикция судларининг асосий бўғини ваколатлари. Туманлараро, туман судининг асосий ваколоти фуқаролик, жиноят ва бошқа баъзи бир ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишдан, яъни конкрет ишлар бўйича қўйиладиган асосий масалалар (жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлиги, қонунда назарда тутилган жазони қўллаш ёки қўлламаслик, муайян мулкий даъволарнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги ва ҳ.к.) мазмуни бўйича қарорлар қабул қилишдан иборат.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан кўриладиган барча ишларни баъзи бир умумий хусусиятларга кўра, гуруҳларга ажратиш мумкин. Шартли равишда шундай уч гуруҳ гузиш мумкин:

- фуқаролик, оила, меҳнат ва ер ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича ишлар;
- алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;
- қонун билан уларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

ФПКнинг 31-моддасида фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги қуйидагича белгилаб қўйилган:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) ФПКнинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Энг кенг тарқалган фуқаролик ишлари биринчи гуруҳга тегишли бўлган ишлар ҳисобланади. Вужудга келган низонинг тарафларидан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган тақдирда, кўрсатилган ишлар, одатда, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига кўриб чиқиш учун келиб тушади, агарда ушбу ишлар қонунда кўрсатилган белгиларга, асосан, бошқа бирон бир судга, хусусан, хўжалик судига ёки маъмурий органларга кўриб чиқиш учун юборилиши шарт бўлмаса. Мазкур ишлар доирасига фуқаро ёки ташкилотга кимнингдир ғайриқонуний (баъзи ҳолатларда қонуний) хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган мулккий зарарни қоплаш тўғрисидаги, етказилган маънавий зарар учун пулли компенсация тўлаш тўғрисидаги, ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнатга тўланадиган ҳақни ундириш тўғрисидаги, кимнингдир обрўсига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш бўйича, уй-жойдан фойдаланиш ёки унга бўлган мулк ҳуқуқи бўйича, мероснинг олинishi бўйича, бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун алимент ундириш бўйича, бирон-бир бадий ёки бошқа асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва ҳ.к.лар бўйича низолар тўғрисидаги ишлар киради.

Фуқаролар ва ташкилотлар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида тузадиган фуқаролик-ҳуқуқий битимлар билан боғлиқ низолар бўйича ишлар кенг тарқалган. Ушбу битимлар жумласига олди-сотди, уй-жой ижараси, нашр этиш ва бошқа шартномалар киради. Шу билан бирга, битта шахснинг хоҳиши бўйича тузиладиган бир тарафлама тусдаги айрим шартномалар ҳам (ҳадя, вассиятнома, меросни қабул қилиб олиш ва ундан воз кечиш) битимлар деб эътироф этилади. Битимларнинг ҳар бир тури уларни тузиш шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Қонун битим тарафларининг ҳуқуқлари суд ҳимоясида бўлишини кафолатлайди.

Кўпинча, таҳлил қилинаётган судларда алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ҳам кўриб чиқилади. Буларга юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги, жумладан, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги, тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар киради.

Юқорида кўрсатилган ишларнинг бошқа фуқаролик ишларидан кескин фарқ қилувчи хусусияти шундан иборатки, мазкур ишлар доирасида суд тегишли ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳамда

бир тарафнинг иккинчи тарафга бўлган даъволарини кўриб чиқмасдан, фақат маълум ҳуқуқий оқибатларни қонунга асосан, келтириб чиқарадиган бирон-бир фактларни (ҳолатларни) белгилаш масаласини ҳал қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқишга ҳақли. Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят бевосита шикоят қилувчи шахснинг ўзи яшаб турган жойдаги судга ёки давлат органи ва бошқа орган ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги судга берилади ва суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг айбини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш, геноцид, терроризм, жазо чораси сифатида узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланадиган жиноятлар тўғрисидаги ҳамда қонунга мувофиқ юқори турувчи ёки ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари, ҳамма жиноят ишлари тегишлидир (ЖПКнинг 389-моддаси).

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг ваколатига 2008 йил 1 январдан бошлаб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ҳамда қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимосномаларни, 2008 йил 23 декабрдан бошлаб, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисида илтимосномаларни кўриб чиқиш киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ўрта бўғин судларининг судловига тегишли бўлган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек, округ ёки ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли.

Жиноят ишлари бўйича туман суди жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишдан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарликлар доир материалларни кўриб чиқади. Судьялар бундай материалларни якка тартибда кўрадилар.

Туман судлари томонидан ўз ҳукмлари ҳамда фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар доир материаллар бўйича чиқарилган қарорлари ижросини лозим даражада таъминлаш учун бажариладиган ишлар мазкур судлар фаолиятининг сезиларли қисмини ташкил этади. Масалан, судлар жиноят ишлари бўйича ҳукмни ижро эттириш ва ижро этиш жараёнида вужудга келадиган масалаларни кўриб чиқадилар (жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясини бошқа тартибли колониясига алмаштириш, касаллик ёки ногиронлик туфайли жазони ўташдан озод қилиш, судланганликни олиб ташлаш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва ҳ.к.).

Ишни кўриб чиқишда суднинг таркиби. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судида фуқаролик ишлари биринчи инстанция бўйича судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади (ФПКнинг 13-моддаси). Ишни судьянинг якка ўзи кўрганида ва ҳал қилганида, у суд номидан иш юритади.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раисининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг қарорларига мувофиқ, ҳар қандай иш биринчи инстанция бўйича ҳайъатда кўриб чиқилиши мумкин.

Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, яъни қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқиба-тида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар, яъни қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқиба-тида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилади (ЖПКнинг 13-моддаси).

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида, шунингдек, амнистия актини қўллаш тўғрисида илтимосномалар судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Иш жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан биринчи инстанция бўйича ҳайъатда кўрилганда суд таркибига икки нафар халқ маслаҳатчиси ҳам киради.

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари сулининг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Фуқаролик процессуал ва жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларида ва жиноят ишлари бўйича туман судларида ишларни якка тартибда кўриб чиқиш тартиби судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси томонидан ишларни кўриб чиқиш тартибидан фарқ қилмайди.

Амалдаги қонунчилик туман судлари томонидан кўриб чиқиладиган барча ишларни кўриш ва ҳал қилиш тартиби ва қоидаларини батафсил белгилаб беради. Булар тўғрисида батафсил маълумотлар юридик олий ўқув юртларининг ўқув режаларига киритиладиган фуқаролик процесси, жиноят процесси ва маъмурий ҳуқуқ каби бошқа фанлар ўрганилганида тақдим этилади. Умумий равишда, бу ерда ишлар ва материаллар қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқилишини таъминлаб берадиган процессуал қонунчиликнинг баъзи қоидаларинигина таъкидлаб ўтиш етарлидир.

Ушбу қоидалар орасида мисол тариқасида судлар томонидан кўриб чиқиладиган барча ишларда ҳамма масалалар, қоида тариқасида, судланувчилар, даъвогарлар ва жавобгарлар иштирокида ва уларнинг фаол қатнашувида ҳамда уларга зарур бўлган ҳуқуқларни берган ҳолда ҳал қилинишини келтириш мумкин. Улар ишга доир барча материалларни ўрганишда иштирок этадилар, тушунтиришлар берадилар, далиллар тақдим этадилар, илтимосномалар билан мурожаат қиладилар.

Жиноят иши бўйича ҳукм ҳам, фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори ҳам фақат суд муҳокамасининг предмети бўлган ва суд мажлисида муқаррар аниқланган факт ва ҳолатлар асосида чиқарилиши мумкин.

Судьяларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида судьялар маслаҳатлашувининг ҳамда иш бўйича ҳукм ёки қарор чиқаришнинг алоҳида тартиби қонунда назарда тутилган. Шунинг учун судьялар алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирадилар, мазкур хонада ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялардан ташқари бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди. Мазкур қоида (судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши) бузилган бўлса, ҳукм ёки қарор, албатта, бекор қилинади.

4.2. Туманлараро, туман (шаҳар) судида ишни ташкил этиш

Судда ишни тўғри ташкил этиш ва суд ходимлари ўргасида мажбуриятларни тўғри тақсимлаш муваффақиятли суд фаолиятининг ва самарали одил судловнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мазкур жараёнда асосий роль суд раиси зиммасига юклатилади.

Бу ишда суд раисидан ташқари барча судьялар ва суднинг бошқа ходимлари иштирок этади. Суд иши лозим даражада ташкил этилмаган бўлса, суд ишларини тез, тўлиқ ва тўғри кўриб чиқишга, суд ўз профилактика фаолиятини амалга оширишига ва унинг олдида турган бошқа вазифаларни бажаришига имкон бўлмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тузилмасига раис, судьялар (халқ маслаҳатчилари) ҳамда девонхона мудири, архив мудири, суд котиби ва бошқа хизмат қилувчи ходимлар кирадилар.

Ўқув адабиётларда муайян ходимларнинг вазифаларини судлар фаолиятининг асосий йўналишларига қараб, икки гуруҳга таснифлаш таклиф этилади: *мансаб вазифалари* ва *процессуал вазифалар*.

Процессуал вазифалар процессуал қонунлар (ЖПК, ФПК, ХПК ва бошқ.) билан тартибга солинадиган ишлар ва ҳаракатлар бажарилиши билан боғлиқдир. Хусусан, судьялар, суд мажлиси котиблари жиноят, фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессларида, шунингдек, суд қарорларини ижро этишга доир процессуал масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш орқали ўз процессуал вазифаларини бажарадилар.

Қоида тариқасида, идоравий норматив ҳужжатлар билан тартибга солинадиган кўплаб ташкилий мажбуриятларни бажариш *мансаб вазифаларига* киради. Айрим ҳолларда муайян процессуал вазифалар бирон бир ходим эгаллаб турган лавозимга мувофиқ бўлиб, бир вақтнинг ўзида мазкур ходимнинг мансаб вазифалари деб ҳисобланади. Хусусан, судья лавозими суд ишларини кўриб чиқиш жараёнида судьянинг процессуал вазифаларини белгилайди. Суд мажлисининг котиби суд мажлисининг баённомасини юритиб, бир вақтда ўз мансаб ва процессуал мажбуриятларини бажаради.

Мансаб вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини қуйидаги жиҳатлар белгилайди. Барча ходимлар қуйидагиларни билишлари шарт:

1) ҳар бир конкрет ҳолатда нима қилиш керак саволига айнан қайси норматив ҳужжатда жавоб топиш мумкин;

2) ўз меҳнатини ва ўзига бўйсунувчи ходимлар меҳнатини қандай ташкил этиш керак;

3) юрист фаолияти учун қонун, мансаб йўриқномаси, ушбу меҳнат фаолияти қандай тарзда амалга оширилиши кераклигини белгилайдиган кўрсатмаларни акс эттирувчи бошқа норматив ҳужжат қандай амалий аҳамиятга эга.

Суднинг ҳар бир ходими ўз функционал мажбуриятлари дои-расини аниқ билиши ва бажариши суд раиси томонидан таъмин-ланиши лозим.

«Судлар тўғрисида»ги Қонунда фуқаролик ишлари бўйича ту-манлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раисининг ваколатларигина белгилаб қўйилган. Қо-нуннинг 38-моддасига кўра, унинг ваколатлари доираси қуйида-гилардан иборат:

- суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида иш-ларни тақсимлайди;
- суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юри-тиш ишларига раҳбарлик қилади, қонун бузилиши, ҳуқуқбузар-ликлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароит-ларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари, жамоат бир-лашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритади;
- суд ходимлари ва халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади;
- фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;
- суд идораси ишига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди-нинг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси йўқлигида унинг ваколатлари судьяларнинг тегишли малака ҳайъ-атининг қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раисининг ваколатла-ри таҳлили асосий бўғин судлари фаолиятининг қуйидаги йўна-лишлари (ёки уларнинг фаолиятини ташкил этувчи элементлар) мавжудлиги тўғрисида ҳулосалар чиқаришга имкон беради.

Ишларни кўриб чиқиш ва судьялар ўртасида ишларни тақсим-лаш. Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш суд раиси томонидан амалга оширилади. Шу сабабли, судга келиб тушадиган барча ишлар девонхонада рўйхатдан ўтказилгандан кейин суд раисига ахборот берилади ва раис тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарор устхат (резолүция) шаклида расмийлаштирилади.

Ишларни тақсимлашда қуйидаги ҳолатлар инobatта олинishi зарур:

- иш характери, унинг ҳажми ва мураккаблиги;
- судьянинг малакаси, тажрибаси ва бандлиги.

Суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш, қонун бузилиши, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритиш. Суд амалиётини умумлаштириш ва суд ишлари статистик ҳисоботини юритиш судлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Суд амалиётини умумлаштириш судьяларни ва судлар аппаратынинг ходимларини суд амалиёти ҳақидаги ишончли маълумотлар билан тез ва тўлиқ таъминлаш мақсадини кўзда тутди. Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ҳар бир судда унинг фаолиятини такомиллаштириш, суд фаолияти давомида йўл қўйиладиган хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш, ижобий тажрибани аниқлаш ва тарқатиш, хатоларнинг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида олиб борилади.

Умумлаштириш бўйича ишлар қуйидаги босқичлардан иборат: умумлаштириш мавзусини танлаш; умумлаштириш дастурини тузиш; суд ишларини ўрганиш; хулосалар чиқариш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Умумлаштириш дастури амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш жараёнида жавоб берилиши лозим бўлган саволлардан иборат: суд ишларининг маълум бир тоифаси бўйича суд томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар, хатолар ва қоидабузилишлар; дастлабки тергов ва суриштирувнинг сифати; жиноятларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар ва ҳ.к.

Суд раиси умумлаштириш мақсади ва дастурига мувофиқ, маълум бир тоифадаги ишлар ўрганиб чиқилиши учун зарур бўлган муддатни белгилайди, масалан, чорак, ярим йиллик, йил ва ҳ.к. Судьялар умумлаштириш дастури ва даврини белгилаб олиб, танлаб олинган тоифадаги ҳар бир ишни ўрганиб чиқадилар ва материалларни таҳлил қилганларидан сўнг қўйилган саволларга тегишли жавобларни берадилар. Суд ишлари ўрганиб чиқилганидан ва белгиланган дастур бажарилганидан сўнг, умумлаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилади ва таклифлар киритилади.

Судлар томонидан кўрилган ишлар сони, маҳкумлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, судлар иши ҳақидаги бошқа зарур маълумотлар статистик ҳисоботини белгиланган шакл бўйича олиб бориш статистика юритилишининг мақсади ҳисобланади. Статистика ҳисоботларининг тўлиқлиги, ишончилиги, ўз вақтида тақдим этилиши ушбу ҳисоботларни тақдим этишда асосий талаблар сифатида эътироф этилади.

Ҳар бир судда статистик ҳисобот юритилади. Мазкур ҳисобот га тегишлича фуқаролик ишларини ҳал қилиш бўйича ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича суд томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар киритилади. Суд фаолиятининг мазкур участкаси учун масъулият суд раиси зиммасига юклатилади. Ҳар бир жиноят ва фуқаролик иши учун ҳисобот-статистик карточкани ҳамда судланувчи учун статистик карточкани юритишдан иборат бўлган дастлабки ҳисобга олиш ҳисоботининг асосини ташкил этади.

Суд қарорларини ҳисобга олиш бўйича фаолият ва суд статистикаси ўзаро боғланган бўлади, чунки уларнинг иккисидан ҳам суд амалиётининг кейинги ўрганилишида ва умумлаштирилишида фойдаланилади. Суд амалиётининг шарҳлари барча судьялар иштирок этадиган мажлисларда муҳокама қилиниб, бу мажлислар доирасида ишларни кўриб чиқиш жараёнида йўл қўйилган хатолар ўрганилади.

Суд қарорларининг, шунингдек, қонун бузилишини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга киритилган тақдимномаларнинг ва суд статистикасининг таҳлили ҳамда кейинчалик суд амалиётининг умумлаштирилиши бирон-бир туманда содир этиладиган жиноятлар анъаналарини аниқлашга қаратилган. Ушбу таҳлил натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар муҳокама қилинади ва амалга оширилади.

Фуқароларни қабул қилиш ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этиш. Ҳар бир судда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш суд раиси, барча судьялар томонидан қатъий белгиланган ва аҳоли учун қулай бўлган вақтда амалга оширилади. Судьялар ва суд раиси фуқароларни шахсан қабул қилиши фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш ҳуқуқи амалга оширилишининг шаклларида бири ҳисобланади.

Ташриф буюрувчиларни қабул қилишни ташкил этиш масаласини ҳал қилиш тўлиқ суд раисининг ваколатига киради. Раис томонидан тасдиқланадиган ички тартиб қоидалари ташриф буюрувчиларни турли масалалар бўйича қабул қилиш вақтини, шунингдек, қабулни ташкил этиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларни белгилайди.

Процесс иштирокчилари бўлган фуқаролар, шунингдек, турли ташкилотларнинг вакиллари ҳар хил масалалар билан мурожаат этишлари мумкин: суднинг юритувида бўлган ишларга доир масалалар бўйича; улар бўйича иш юритиш тугаган ишлар билан боғлиқ маълумотномалар, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатлар нус-

халарини бериш тўғрисидаги мурожаатлар билан; процессуал тусга эга бўлмаган мурожаатлар билан.

Мазкур йўналишда суднинг фаолиятини оқилона ташкил этиш мақсадида суднинг қабулхонасида турли суд ҳужжатларининг намуналари билан стендлар ўрнатилади. Тегишли суд юрисдикциясида бўлган ҳудудда жойлашган адвокатлик тузилмаларининг манзиллари тўғрисида маълумотларни ҳам жойлаштириш лозим.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш суд фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш бўйича судларнинг фаолияти ушбу ариза ва шикоятлар процессуал қонунчилигида назарда тутилган тартибда ёки процессуал тартибидан ташқари кўриб чиқилиши лозимлигига қараб ташкил этилади.

Судга келиб тушадиган барча шикоятлар кириш ҳужжатларини ҳисобга олиш журналида улар келиб тушган санани қайд этган ҳолда рўйхатдан ўтказилиб, суд раисига берилади, у эса уларни ўзи кўриб чиқиши ёки судьялар ўртасида тақсимлаши мумкин. Шикоятларни ҳал қилиш учун белгиланган умумий муддат бир ойни ташкил этади.

Почта алоқаси воситасида келиб тушган ёки ўзга идора ва мансабдор шахслар томонидан юборилган мурожаатлар, агарда уларни ҳал этиш масаласи судларга тааллуқли бўлмаган ҳолатларда, беш кун муддатдан кечиктирмай тегишли идора ёки мансабдор шахсларга жўнатилиши ва бу ҳақда фуқарога маълум қилиниши керак.

Суд ходимлари ва халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этиш. Суд ходимларининг малакасини ошириш шакллари турлича бўлади. Халқ маслаҳатчилари билан ишлаш кўпинча икки асосий йўналишда олиб борилади: уларни юридик тайёрлаш мақсадида ўқитиш ва суднинг тарбиявий-профилактика фаолиятига жалб қилиш. Суднинг иши устидан жамият назоратининг самарали воситаларидан бири судьяларнинг аҳоли билан мулоқоти ҳисобланади. Шу билан бирга, бу одил судлов ғояларини ва суд иши тўғрисида маълумотларни тарғиб қилиш конкрет воситаси саналади.

Суд аппарати ишини ташкил этиш. Суд органи фаолиятининг энг муҳим шартларидан бири иш юритилишининг тўғри ташкил этилиши ҳисобланади.

Суд аппарати одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, қонунчиликни туркумлаштириш ва тарғиб қилиш ҳамда бошқа ишларни амалга оширишда суд фаолиятини таъминлайди.

Судда иш юритиш бўйича ишлар судда кўриб чиқиладиган ишлар ва бошқа ҳужжатларнинг юришини рўйхатга оладиган белгиланган шаклдаги журналлар, китоблар, карточкалар ва нарядларни юритишдан иборатдир.

Иш юритиш бўйича умумий раҳбарлик суд раиси томонидан амалга оширилади. Иш юритиш бўйича бевосита масъулият **де-вонхона мудир**и зиммасига юклатилган. У суд ходимлари ўртасида ишларни тақсимлайди, уларнинг ижро этилишини назорат қилади; судга келиб тушадиган ҳужжатларни тақсимлайди; статистик ҳисоботлар учун маълумотларни тайёрлайди; суд бўйича буйруқ ва фармойишлар китобларини сақлайди; судга келиб тушган таклиф, ариза ва шикоятларни рўйхатга олади ва уларнинг муддатда ижро этилишини назорат қилади; жиноят ишлари бўйича ашёвий далиллар сақланишини таъминлайди; суднинг юқори турувчи суд органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари, корхоналарга ёзган хизмат хатларини расмийлаштиради.

Архив мудир

и зиммасига қуйидаги мажбуриятлар бажарилиши юклатилган: архив ишини ташкил этиш; архивга топшириладиган иш ва ҳужжатлар лозим даражада расмийлаштирилиши устидан назорат қилиш; архивда ҳужжатларни сақлаш, уларни белгиланган муддатлар ва тартибда йўқ қилиш ёки Давлат архивига топшириш.

Муайян аниқ бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган суд ишлари бўйича иш юритишни **суднинг котиблари** олиб борадилар. Улар ишларни сақлайдилар, керакли журнал ва карточкаларни юритадилар, тугалланган ишларни расмийлаштирадilar ва архивга топширадilar.

Суд мажлисининг котиби суд мажлисининг баёниомасини юритади, судда мажбуриятларини бажариш учун навбатдаги халқ маслаҳатчиларини таклиф қилади, суд мажлисининг иштирокчилари ва гувоҳларини чақиради, эшитилиши мўлжалланган ишлар бўйича зарур маълумотларни тайёрлайди.

Судларда **куррьерлар** ҳам ўз фаолиятини амалга оширишлари мумкин, уларнинг зиммасига мансаб йўриқномасининг умумий қоидаларига риоя этиш; юқори турувчи судлар, прокуратура органлари, жазони ижро этиш муассасаларига хат-хабарларни етказиш; девонхона ишига ёрдам кўрсатиш каби вазифалар киради.

Судларда қонунчилик ва суд амалиёти бўйича маълумот ишлари олиб борилади. Маълумот ишлари кодекслар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тушунтиришлари, Адлия вазирлигининг буйруқ ва йўриқномалари расмий нашрларининг назорат нусхаларини сақлашдан иборат.

Маълумот ишларининг ҳолатига масъул бўлган судья амалдаги қонунларга киритилган расмий ўзгартиришларни кузатиб боради, назорат нусхаларига тегишли ўзгартиришларни киритади ва улар билан қолган судьяларни ва бошқаларни таништиради.

4.3. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Судьялар қонунга мувофиқ, одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга. Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир. Одил судловни амалга ошириш ва бошқа вазифаларни бажариш учун судьялар ва халқ маслаҳатчилари қонун билан белгиланадиган ҳокимият ваколатларига эга бўлишади.

Асосий бўгин судларининг судьялари: мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш; мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш; уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга. Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ўз навбатида, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт.

Судья томонидан бериладиган фармойишлар мажбурий тусга эга бўлади. Бироқ, таъкидлаб ўтиш лозимки, фақат қонун ва судья ваколатлари доирасида берилган талаблар ва фармойишларгина мажбурий тусга эга. Судьяларнинг талаблари ва фармойишлари процессуал шаклда ифодаланиши лозим. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг мажбуриятлари «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт. Қонуннинг мазкур нормаси судьяни ўз фаолиятида, Ўзбекистон Республикасининг Конс-

титущиясига ва бошқа қонунларига риоя қилишидан ташқари, умумэътироф этилган ахлоқ нормалари ва хатти-ҳаракат қонинларига риоя қилишига, суднинг адолатлилиги, беғаразлиги ва мустақиллигига жамиятнинг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишига мажбурлайди.

Одил судловни амалга ошириш бўйича мажбурият судья учун унинг бошқа машғулоти қаторида катта аҳамият касб этади. Судья суд ҳокимиятининг обрўсини тушириши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаган ва улардан четда қолган ҳолда ўзини тийиши керак. У ўз шахсий манфаатлари ва бошқа шахсларнинг манфаатларидан воз кечиб, судьялик касбининг нуфузига зиён етказилишига йўл қўймаслиги лозим. Судья ҳар доим унинг обрўсига зиён етказиши, одил судловни амалга оширишида унинг ҳолислиги ва мустақиллигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган барча ҳолатлардан ўзини четга олиши шарт. Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Давлат ҳокимияти турли тармоқларининг, яъни суд ва вакиллик тармоқларининг ваколатлари бир шахс тимсолида амалга оширилиши ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципига мувофиқ қонун билан тақиқланади. Шунинг учун судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Ҳар қандай сиёсий фаолият, яъни судьянинг бирон бир сиёсий партияга аъзолиги, сиёсий манфаатларни ҳимоя қилиши, шубҳасиз, одил судловни амалга оширишда судьянинг беғаразлиги ва ҳолислигига салбий таъсир ўтказиши, чунки бу ҳолда судья, нафақат, Конституция ва қонунларга, балки у аъзо бўлган партия низомига ҳам риоя қилади. Шу сабабли илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиш ҳам қонун билан тақиқланади, чунки бунда амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар «ёмон хизмат қилиб», порахўрлик сифатида эътироф этилиши ва шу орқали судьянинг мустақиллигига тажовуз қилиши мумкин, бу мустақиллик эса адолатли ва самарали одил судловнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Судьялар кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти билан халқ маслаҳатчиларини олдиндан таништириб чиқишлари ва уларга ўз ваколатларини амалга оширишларида керак бўладиган бошқа ёрдам кўрсатишлари зарур. Халқ маслаҳатчилари ҳуқуқий билимларни олишлари, ҳар бир иш

судда кўриб чиқилишига тайёрланишлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишларда иштирок этишлари шарт.

Халқ маслаҳатчилари ўз вазифаларини бажариш учун судга ўз вақтида келишлари зарур. Халқ маслаҳатчисининг судга чақирилиши у ишлаётган ёки ўқиётган корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти учун мажбурий бўлади.

Агар халқ маслаҳатчилари ваколатларининг муддати улар суд ишини кўриб чиқишлари давомида тугайдиган бўлса, бу ваколатлар ушбу ишни кўриб чиқиш охирига етгунича сақланиб туради.

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Кўриб чиқилаётган мавзунинг таҳлили Ўзбекистон Республикаси суд тизимида умумий юрисдикция судларининг асосий бўғин судлари ўрни ва роли тўғрисида хулосалар чиқаришга, шунингдек, суд аппарати ва унинг фаолияти ташкил этилиши масалалари бўйича тасаввурларни шакллантиришга имкон беради.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қачон амалга оширилган?
2. Туманлараро, туман судининг суд тизимида тутган ўрни қандай?
3. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ваколатларини санаб ўтинг.
4. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қандай ваколатларга эга?
5. Туманлараро, туман (шаҳар) суди раисининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?
6. Туманлараро, туман (шаҳар) судида иш қандай ташкил этилади?
7. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг асосий ҳуқуқларини санаб ўтинг.
8. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари қандай мажбуриятларга эга?

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. МДХ мамлакатларида ва хорижий давлатларда судлар ва судьялар ихтисослашувининг турларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.
2. Хорижий мамлакатларда судьялар малакасини ошириш масалаларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.
3. Турли давлатларда судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қиёсланг. Иш шакли – *реферат*.

1. *И.А. Каримов.* Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. (XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ). Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., «O'zbekiston», 1996.

2. *И.А. Каримов.* Адолат – қонун устуворлигида. (Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза. 2001 йил 29 август). Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. Т., «O'zbekiston», 2002.

3. *И.А. Каримов.* Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т. 11. Т., «O'zbekiston», 2003.

4. *И.А. Каримов.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O'zbekiston», 2007.

5. *И.А. Каримов.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-103-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007, № 29—30, 296-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги ПФ-3644-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2005, № 32—33, 242-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2008, № 5, 253-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 147-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

11. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли Фармонига 3-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 12—13, 101-модда.

12. «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-II сонли қарори билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

13. «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида»ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги I-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14/151-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. Т., 2007, № 2.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидаи ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда — халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. О.М. Мадалиев. Суд статистикаси. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ, 2006, 429-бет.

4. *Ф.Ф. Мухитдинова*. Демократизм и социальная справедливость при подборе судебных кадров. Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. 2002, № 3—4.

5. *Б. Мустафаев*. Укрепление независимости судов — веление времени. Газета «Народное слово», 24 февраля 2007 года.

6. Организация деятельности судов. Учебник. Под общ. ред. В.М. Лебедева. М., «Норма», 2007.

7. Правоохранительные органы. Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М., «Норма», 2007.

8. *М.Х. Рустамбоев, У.А. Тухташева*. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

9. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.

10. *Б.А. Саидов, Д. Миразов*. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т., Академия МВД, 2004, стр. 148.

5-боб. УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИНИНГ ЎРТА БЎҒИНИ

Ўқув мақсадлари

Мазкур мавзу умумий юрисдикция судларининг ўрта бўғинини ташкил этувчи судлар билан талабаларни таништириш, кўрсатилган судларнинг таркиби, тузилиши ва уларнинг ваколатларини кўриб чиқиш, шунингдек, қайд этилган судларда ишни ташкил этиш асосларини ўрганиш.

5.1. Ўрта бўғин судлари ва уларнинг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари умумий юрисдикция судлари тизимида ўрта бўғинини ташкил этадилар. Ўрта бўғин судлари суд тизимида бир хил ваколат ва мавқега эгалар. Улар фуқаролик ишлари ва жиноят ишларини кўриб чиқишда кенг ҳуқуқларга эгалар, хусусан, мазкур судлар ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриб чиқадиладар.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

- ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибда ва назорат тартибда кўради;
- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг суд фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради;
- суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;
- судларнинг кадрлари малакаси оширилишини ташкил қилади;
- қонунга мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси).

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари биринчи инстанция суди сифатида ЖПКнинг 389-моддасида назарда тутилган жиноят ишларини кўрадиладар. Масалан, Қорақал-

поғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми, 118-моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-моддаларида назарда тутилган жиноятларга — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, жавобгарликни ўта оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга тегиш, тинчлик ва хавфсизликка қарши (урушни тарғиб қилиш, геноцид, терроризм, давлатга хоинлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, жосуслик, қўпурувчилик), бошқарув тартибига қарши, одил судловга қарши айрим жиноятлар ҳамда бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларга доир ишлар тегишлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонунда ўз ваколатларига берилган фуқаролик ишларини, шунингдек, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб ҳар қандай фуқаролик ишини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли (ФПКнинг 142-моддаси). Вилоят ёки унга тенглаштирилган суд барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш. Ўрта бўғин судлари туманлараро ва туман судларига нисбатан юқори турувчи судлар ҳисобланадилар ва ушбу судлар томонидан чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишда фаол иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни жиноят ва фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнига қонуний кучга кирмаган суд қарорларини текширишнинг апелляция тартибини жорий этди, шунингдек, суд ишларини кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишни муҳим даражада ислоҳ қилди.

Процесс иштирокчиларига улар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда, кассация инстанцияси судининг мажлисида шахсан ва бевосита ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

имконияти тақдим этилиши муҳим ютуқлардан бири ҳисобланади. Бунда ҳимоя ва айблов тарафлари тенг ҳуқуқли бўлади.

Ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш юқори турувчи суд инстанцияси учун далилларни бевосита текшириб чиқишга ва тегишли қарор чиқаришга имкон беради, бу эса фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини анча кучайтиради, суд ишларини юритишнинг самарадорлиги ва тезкорлигини таъминлайди, сезиларли даражада давлат маблағларининг тежалишига олиб келади.

Шикоят қилинган ёки протест билдирилган биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги масаласини ҳал қилиш мақсадида апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятлари ва протестлари бўйича ишларни кўриб чиқиш орқали биринчи инстанция суди фаолияти устидан назорат олиб бориш вазифасини амалга ошириш бўйича фаолият апелляция тартибида иш юритишнинг мазмунини ташкил этади. Шундай қилиб, апелляция инстанцияси суди, биринчи навбатда, назорат ваколатларини амалга оширади, чунки иш апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилишининг муҳим шарти апелляция шикояти ёки апелляция протестининг мавжудлиги ҳисобланади. Акс ҳолда апелляция инстанцияси суди ўз ташаббуси билан биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширишга ҳақли эмас. Апелляция тартибида иш юритишни қўзғатиш бутунлай процесс иштирокчиларининг истагига боғлиқ. Иккинчи инстанция суди ўз ташаббуси билан биринчи инстанция судидан ишни талаб қилиб олишга ва қабул қилинган қарорларни апелляция тартибида текширишга ҳақли эмас. Ҳукмлар ва ажримлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг ташаббуси апелляция тартибида иш юритишнинг ҳаракатлантирувчи омили деб ҳисобланади.

Ўрта бўғин суди туман судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари устидан келиб тушган шикоят ва протестларни кўриб чиқаётган пайтида ишларни ҳал қилишда судьяларнинг мустақиллиги принципини бузмаган ҳолда муайян ишлар бўйича тегишли кўрсатмалар бериш орқали одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасини ишлатади.

Муайян жиноят ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган апелляция ажрими, нафақат, ушбу иш учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ажрим ушбу ишда йўл қўйилган хатоларнинг бошқа ишларда такрорланмаслигига ёрдам бериб, туман судининг бутун кейинги амалиётига таъсир қилади. Бу, ўз навбатида, суд амалиётининг

шаклланишига хизмат қилади, мазкур суд ва бошқа қўйи турувчи судлар ишини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 321-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятларини (протестларини) кўради.

Ўрта бўғин судларида жиноят ва фуқаролик иши апелляция тартибида кўрилаётганда *суднинг таркиби* уч нафар профессионал судьялардан иборат бўлади.

Апелляция шикоятини (протестини) келтириш *муддатлари*: жиноят суд ишларини юритишда — ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан, шундай муддат ичида; фуқаролик суд ишларини юритишда — суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан, йигирма кун ичида.

Бундан ташқари, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг ажримлари, шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш ёки қўллашни рад этиш тўғрисидаги суднинг ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) ҳам апелляция тартибида кўрилади. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қўллашни рад этиш, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримлари устидан шикоят қилиш ёки протест билдиришнинг апелляция тартибининг белгилайди (ЖПКнинг 241-, 243, 247-моддалари). Юқорида кўрсатилган масалалар бўйича чиқарил-

ган судьянинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан, 72 соат ичида шикоят қилиниши мумкинлиги қонунда назарда тутилган.

Ҳозирги вақтда апелляция ва кассация тартибида иш юритиш жиноят, фуқаролик процессларида чиқариладиган суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг асосий шакллари, юқори турувчи судлар томонидан қуйи судлар фаолиятида мавжуд бўлган суд ҳатоларини тузатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Апелляция ва кассация тартибида иш юритиш мустақил суд-назорат босқичлари бўлиб, суд ҳатоларини аниқлаш ва бартараф этиш, адолатни тиклаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш, давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

Кассация тартибида иш юритиш босқичида фақат апелляция тартибида кўрилмаган ва қонуний кучга кирган ҳукмлар (ҳал қилув қарорлар, қарорлар, ажримлар) кўрилади. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмайди. Шу муносабат билан, шикоят (протест)ни қабул қилишда биринчи инстанция суди кассация шикояти (протести) берган шахснинг ваколатини ҳамда шикоятда (протестда) манфаатлари дахл қилинадиган шахсга нисбатан апелляция инстанцияси судининг қарори мавжуд эмаслигини текшириши шарт.

Ушбу инстанция адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлар ижросининг олдини олиш орқали жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилади. Айнан кассация инстанцияси ишда иштирок этувчи шахслар шикояти (протести) бўйича суд ҳатоларини бартараф этишга, қуйи судларнинг иш сифатини оширишга ҳамда суд амалиётини қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда бир йўналишга қаратишга имкон беради.

Юқорида кўрсатилган жиҳатлар (кассация инстанцияси фаолияти ва ушбу ҳуқуқий институт ўзининг мавжудлиги) кассация тартибида иш юритиш босқичини одил судловни амалга ошириш, суд ишларини юритиш вазифаларини бажариш, қонунийликни таъминлаш ва шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг муҳим кафолати сифатида кўришга асос бўлади.

Жиноятга оид суд ишларини юритишда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан

эса шу судларнинг судлов ҳайъатларига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

ФПКнинг 3482-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарорлари устидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини (протестларини) кўради.

Ўрта бўғин судларида жиноят ва фуқаролик иши кассация тартибида кўрилаётганда, *суднинг таркиби* уч нафар профессионал судьялардан иборат бўлади.

Кассация шикоятини бериш муддатлари: жиноятга оид суд ишларини юритишда – шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади (ЖПКнинг 500-моддаси); фуқаролик суд ишларини юритишда – қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан, бир йил ичида гарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 3481-моддаси).

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди *назорат инстанцияси* сифатида апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажримнинг (қарорнинг) қонунийлиги ва асослилигини текширишга ваколатлидир. Мазкур вазифа ҳам, нафақат, муайян ишлар бўйича йўл қўйилган хатоларни тўғирлашга, балки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва ҳ.к.лар ҳудуди доирасида суд амалиётини тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Бунда таъкидлаб ўтиш лозимки, назорат тартибида шикоят қилиш шикоят қилишнинг истисно усули ҳисобланади, чунки шикоятнинг ўзи назорат тартибида иш юритишни кўзғатиш учун асос бўлмайди. Назорат тартибида иш юритиш юқори турувчи суднинг раиси ва прокурор каби мансабдор шахслар шундай қарорга келган тақдирдагина кўзғатилиши мумкин.

Жиноят ишларини протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи судлар. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари ва фу-

қаролик ишлари бўйича Олий судларининг, жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг тегишлича жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари ва фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадилар.

Жиноят суд ишларини юритишда *муддатлар*: протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади (ЖПКнинг 513-моддаси); фуқаролик суд ишларини юритишда – суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди (ФПКнинг 350-моддаси).

5.2. Ўрта бўғин судларининг таркиби ва тузилиши

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати шу суднинг судьяларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати мажлислари ҳар ойда камида икки марта ўтказилади ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Муайян ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати қарорлари овоз беришда қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

Энди умумий юрисдикция судларининг ўрта бўгин судлари раёсатларининг ваколатларида тўхталамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсати:

- ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради;
- суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;
- ҳайъатлар фаолияти тўғрисидаги маърузаларни, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;
- қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ҳукм ва ажрим (қарор) билан ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бу ишлар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан сўнггина ва қонунга асосан, протест бериш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарларининг протестлари асосидагина йўл қўйилади. Протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги ҳақида, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар ҳақида, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) қайта кўриб чиқиш ҳақида масалалар қўйилиши мумкин. Мазкур протестни қайта кўриб чиқишга оқлов ҳукми ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим (қарор) қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, апелляция ёки кассация ажримини бекор қилади, шунингдек, агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказди.

Раёсат ташкилий тусдаги масалаларни ҳам ҳал қилади. У суд амалиётини умумлаштириш натижаларини, туман судларига қонунчиликни тўғри қўллашга ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни, жиноятчилик ва судланганликнинг аҳволини, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини ҳал қилиш бўйича ишларнинг аҳволини, суд фаолиятининг жорий ва истиқболли режалари бўйича маълумотларни тинглайди ва муҳокама қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари:

- ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда кўради;
- апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра, ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўради. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак;

- суд амалиётини умумлаштиради, қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Судлов ҳайъатига унинг раиси раҳбарлик қилади, судлов ҳайъатининг раиси, қоида тариқасида, суд раисининг ўринбосари бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари судлов ҳайъатларининг ишини ташкил этади; судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддаси).

Ишни биринчи инстанция бўйича кўриб чиқишда судлов ҳайъати, одатда, раислик қилувчи ва икки нафар халқ маслаҳатчиларидан иборат таркибда ҳаракат қилади. Тегишли судларнинг ҳайъатларида ишларни апелляция ва кассация тартибда кўриб чиқиш уч судьядан иборат таркибда амалга оширилади.

5.3. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ваколатлари ва мазкур судларда ишни ташкил этиш

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг ишини суд раиси ва унинг ўринбосари суд анирати ёрдамида ташкил этади.

Суд раиси ушбу суднинг барча ишларини ташкил этишга масъул бўлади. У суд фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

- суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест киритади;

- суд ишларини назорат тартибда текшириш учун талаб қилиб олади;

- суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

- суд раёсатининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш кўзгатади;

- судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

- суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юриштиш ишини ташкил этади;

- фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

- судьяларнинг малака ҳайъати қарорлари устидан Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;

- суд идораси ишларига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Суд раиси бир вақтнинг ўзида тегишли судьялар малака ҳайъатининг раиси бўлади.

Ўрта бўғин суди раисининг ўринбосари бўлади. Унинг ваколатлари «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасида белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари:

- судлов ҳайъатларининг ишини ташкил этади;
- судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин;
- суд раёсатига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этади;

- фуқароларни шахсан қабул қилади;
- суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар судлари раисининг ўринбосари йўқлигида унинг ваколатлари Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин.

Ўрта бўғин судларининг аппарати котибият мудири, суд мажлисининг котиблари, архив мудири, курьер ҳамда ҳайдовчи, фаррош каби бошқа техник ходимлардан иборат.

Ўрта бўғин судларининг аппаратига кирувчи ходимларнинг мансаб вазифалари турли хил бўлиб, мазкур судлар раёсатлари ва раислари томонидан тасдиқланадиган мансаб йўриқномалари билан белгиланади. Ҳар бир конкрет ҳолатда тегишли ўрта бўғин суди томонидан кўриб чиқиладиган ишлар миқдоридан келиб чиқиб, ҳар бир суднинг аппаратига кирувчи ходимларнинг мансаб мажбуриятлари турли бўлиши мумкин. Бироқ, қоида тариқасида улар қуйидагилардан иборат бўлади.

Котибият мудири суд котибиятининг ишини ташкил этади; келиб тушган хат-хабарларни, шу жумладан, суд ишларини ўз вақтида ва тўғри рўйхатга олишни таъминлайди; ташриф буюрувчиларни қабул қилишни ташкил этади; судга келиб тушган хат-хабарлар бўйича суд раиси ёки унинг ўринбосарларига ахборот беради; халқ маслаҳатчилари судга чақирилишини ташкил қилади; суд раиси ёки унинг ўринбосарларининг руҳсатига мувофиқ, фуқароларга турли суд ҳужжатларининг нусхаларини беради ва юборади; унинг зиммасига мансаб йўриқномаси билан ёки суд раиси томонидан юклатилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

Суд мажлисининг котиблари биринчи инстанция бўйича, апелляция ва кассация инстанциялари доирасида суд мажлисида қўриб чиқиладиган ишлар бўйича баённомаларни юритади, суд муҳокамасининг иштирокчиларига чақирув қоғозларини юборади, суд муҳокамасининг вақти тўғрисида прокурор ва адвокатларга хабар беради, қамоқда сақланаётган судланувчи маълум бир кун ва соатда судга олиб келинишини ташкил қилади ва ҳ.к.

Раёсат котиби раёсатда иш юритиш ишларини амалга оширади; мажлис санаси ва унда қўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларнинг характери тўғрисида раёсат аъзолари ва прокурорга хабар беради; раёсат ишининг натижаларини расмийлаштиради; раёсат қарорларини ижро учун юборади ва ҳ.к.

Суд олдида турган вазифалар бажарилишини таъминлаш ва ходимлар ўртасида иш ҳажмини оқилона тақсимлаш мақсадида судларда иш *режалаштирилади*. Иш режа асосий ташкилий ҳужжат ҳисобланади.

Қоида тариқасида, иш режа бир йилга тузилади ва унда туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судлов фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; суд амалиётини умумлаштириш; судьялар малакасини ошириш ва судьяликка номзодлар захирасида бўлган шахсларни, шунингдек, халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва ҳ.к.лар билан боғлиқ турли чора-тадбирлар назарда тутилган бўлади.

Ўрта бўғин судларининг иш режалари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иш режалари билан боғланган бўлиши зарур, чунки Олий суд пленуми мажлисида қўриб чиқиладиган масалаларнинг ҳисобга олиниши ўрта бўғин судлари томонидан суд амалиётида қонунчиликни қўллашга доир долзарб масалалар бўйича тушунтиришлар бериш масаласи юзасидан асосланган таклифлар киритиш жараёнига қўмаклашади.

Иш режаларнинг ижро этилиши устидан назоратни ва унинг текширилишини ташкил этиш ўрта бўғин суди раисининг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Назорат ишнинг барча участкаларига нисбатан ташкил этилиши ва амалга оширилиши керак. Бу суд аниқ ишлашининг ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилишининг мажбурий шarti ҳисобланади.

Суд раиси фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш ишини ташкил этади. Шахсий қабул вақтида иш юритилиши тамомланган ишлар бўйича турли маълумотномалар ва суд қарорларининг нусхаларини бериш тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушган бўлса, ушбу мурожаатлар ташриф буюрувчилар билан ишлаш мажбурияти зиммасига юклатилган суд аппаратининг ходимлари томонидан бутун иш кун мобайнида қўрилиши шарт. Мазкур мурожаатлар, қоида тариқасида, ўша куннинг ўзида қўриб чиқилиши керак.

Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ўрта бўғин судлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Суд амалиёти умумлаштирилишини режалаштиришда суднинг апелляция, кассация ва назорат амалиётининг таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Ушбу таҳлил кўриб чиқилишида ҳамда қўлланилишида энг кўп ҳа-тога йўл қўйиладиган ишларнинг муайян тоифаларини ҳамда мод-дий ва процессуал қонунлар доирасини аниқлашга имкон беради.

Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш муайян ишларни ўрганиш асосида амалга оширилади ва судлар фаолиятини яхши-лаш бўйича чора-тадбирларни аниқлашга ёрдам беради. Умумлаш-тириш натижалари қонунчиликнинг бирон бир нормаларини қўллаш тартиби бўйича тушунтиришлар бериш ёки қонунчилик-ни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлар киритиш мақсади-да Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат этиш учун асос сифатида хизмат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, суд амалиётини умумлаштириш материаллари раёсатда муҳокама қили-ниши натижалари бўйича муайян ташкилотлар фаолиятида қону-нийлик бузилишларини, турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин.

Қонунчиликни туркумлаш суд ишларини амалдаги қонунчилик-ка асосан, бекор қилинган ёки ўзгартирилган нормалар қўллани-лишини истисно этган ҳолда тўғри ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Қонунчиликни туркумлаш бўйича ишлар кодекслар ва бошқа қонун-лар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорлари ва шу каби бош-қа ҳужжатлар расмий нашрларининг назорат нусхаларини олиб бориш, уларни ҳисобга олиш ва сақлашдан иборат. Ўрта бўғин суд-ларида қонунчиликни туркумлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг 2003 йил 28 августдаги 17-фармойиши билан тас-диқланган Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судла-рида қонунчиликни ва суд амалиётини ҳисобга олиш қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторига мувофиқ амалга оширилади¹.

Ўрта бўғин судлари фаолиятининг кейинги йўналиши – *ста-тистик ҳисоботларни тайёрлаш*. Статистик ҳисоботлар ишончли-лиги ва ўз вақтида тақдим этилиши учун масъулият статистик ҳисоботларни имзолайдиган суд раислари зиммасига юклатилади.

¹ Қаранг: Жиноят ишлари бўйича иш юритиш. Т., «Ўзбекистон Респу-бликаси Олий суди», 2003, 207–251-бет; Фуқаролик ишлари бўйича суд-ларда иш юритиш. Т., «Ўзбекистон Республикаси Олий суди», 2003, 161–205-бет.

Дастлабки статистик ҳисоби юритилишини ташкил этиш учун суд аппаратига кирувчи муайян шахслар масъул бўлади. Тулиқлик, ишонччилик ва ўз вақтида тақдим этиш статистик ҳисоботларни тақдим этишда асосий талаблар ҳисобланади.

Иш юритиш судларнинг ишини лозим даражада таъминлашнинг; процессуал нормаларга риоя этилишининг; суд ишларини ўз вақтида кўриб чиқишининг; суд томонидан чиқарилган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, қарорлар, ажримлар ижросининг; суд мажлиси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ўрта бўғин судларида иш юритиш процессуал қонунчилик нормаларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларида иш юритиш тўғрисидаги йўриқномага ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судида, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларида иш юритиш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ амалга оширилади¹.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Мазкур мавзунинг ўрганиш талабаларда умумий юрисдикция судларининг ўрта бўғин судлари ўрни ва роли тўғрисида тасаввур шакллантиришга; кўрсатилган судларнинг таркиби ва тузилишига оид масалаларни, шунингдек, мазкур судларнинг ваколатларини англашга имкон беради.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўрта бўғин судларининг таркибини айтиб беринг.
2. Ўрта бўғин судлари қандай ваколатларга эга?
3. Ўрта бўғин судларининг тузилиши қандай?
4. Суд таркибий бўлинмаларининг ташкил этилиши тартиби ва ваколатларини баён этинг.
5. Ўрта бўғин судларида иш қандай ташкил этилган?
6. Суд аппаратига қандай лавозимлар бор?
7. Ўрта бўғин судлари раёсатининг ваколатларини санаб ўтинг.
8. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатларининг ваколатларини биласизми?
9. Ўрта бўғин судида суд раисининг ўринбосари қандай ваколатларга эга?
10. Судьяларнинг малакасини ошириш бўйича ишлар қандай ташкил этилади?

¹ Қаранг: Жиноят ишлари бўйича иш юритиш. Т., «Ўзбекистон Республикаси Олий суди», 2003, 95—153-бет; Фуқаролик ишлари бўйича судларда иш юритиш. Т., «Ўзбекистон Республикаси Олий суди», 2003, 70—117-бет.

1. Умумий юрисдикция судлари асосий бўғин ва ўрта бўғин судларининг таркиби ва тузилишини қиёсланг. Иш шакли — *реферат*.
2. Умумий юрисдикция судлари асосий бўғин ва ўрта бўғин судларининг ваколатларини қиёсланг. Иш шакли — *реферат*.
3. Ўрта бўғин суди раисининг ҳуқуқий мақомини очиб беринг. Иш шакли — *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O'zbekiston», 2007.

2. *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХП сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 14 декабрдаги 162-П сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-103-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007, № 29—30, 296-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. NORMA ахборот-ҳуқуқий тизими.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги ПФ-2599-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3725-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2001, № 18, 133-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 147-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли Фармонига 3-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 12—13, 101-модда.

13. «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-11 сонли қарори билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

14. «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳужалик суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик судининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14/151-қарори.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда — халқ-аро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. О.М. Мадалиев. Суд статистикаси. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ, 2006, 429-бет.

4. *Ф.Ф. Муҳитдинова*. Демократизм и социальная справедливость при подборе судейских кадров. Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. Т., 2002, № 3—4.

5. *Б. Мустафаев*. Укрепление независимости судов – веление времени. Газета «Народное слово», 24 февраля 2007 года.

6. Организация деятельности судов. Учебник. Под общ. ред. В.М. Лебедева. М., «Иорма», 2007.

7. Правоохранительные органы. Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М., «NORMA», 2007.

8. *М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева*. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

9. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.

10. *Б.А. Саидов, Д. Миразов*. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т., Академия МВД, 2004, стр. 148.

6-боб. ҲАРБИЙ СУДЛАР

Ўқув мақсадлари

Ушбу мавзунинг кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси суд тизимида ҳарбий судлар ўрни-ни ўрганишга қаратилган; ушбу судлар томонидан ҳал қилинадиган масалалар; ҳарбий судларни ташкил этиш асосларини таҳлил қилиш ва судловга тааллуқлилиқни аниқлаш. Бундан ташқари, ҳарбий судларнинг ривожланиш босқичларига ҳам диққат қаратилади, бу эса ушбу судларнинг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари ҳақида талабаларнинг фикрларини шакллантиришга кўмаклашади.

6.1. Ҳарбий судларнинг вазифалари ва Ўзбекистон Республикаси суд tizimida уларнинг ўрни

Давлатнинг Қуролли Кучлари, уларда қонунларга асосланган қатъий ҳарбий тартиб таъминланганда, ҳарбий хизматчиларнинг шахси, ҳуқуқи ва манфаатлари ҳуқуқий нормалар билан ҳимояланган тақдирдагина, муваффақиятли фаолият кўрсатади ва улар олдида турган вазифаларни бажаради. Ҳарбий судлар фаолияти ушбу вазифаларни бажаришга қаратилган. Ҳарбий судларнинг вазифалари муайян даражада умумий юрисдикция судлари вазифалари билан ўхшаш. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисидаги» Қонунига биноан, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишга даъват этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-2421-сонли Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг (шунингдек, бошқа ҳарбий судларнинг ҳам) асосий вазифаларини қуйидагилар ташкил қилади:

• давлат манфаатлари ва Куролли Кучлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси¹, Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари Бош бошқармалари, МХХ, ФВВ ва вазирлик ва идораларнинг ҳарбий қисмлари ҳарбий ҳизматчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида қўшинларда, қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш мақсадида судловни амалга ошириш;

• ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий тарбияси борасида комплекс чоралар ўтказиш.

Ушбу вазибалар ҳарбий судлар ваколатини ҳам белгилайди, кўриб турганимиздек, улар суд ҳокимиятининг бошқа органлари ваколатлари билан ўхшаш.

Ҳарбий судларни умумий юрисдикция судлари билан яқинлаштирувчи *умумий хусусиятлари* қуйидагилар:

• *одил судлов принциплари*. Масалан, ҳарбий ва бошқа судлар ўз фаолиятида қонунийлик принципига амал қилишлари керак; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига риоя этишлари лозим. Муайян фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқишда улар ҳеч қандай чекланишларсиз Ўзбекистон Республикасининг ФПК ва ЖПК билан белгиланган нормаларга амал қилишлари лозим. Чунинчи, ҳарбий судда судланувчи унга эълон қилинган айбловдан ҳимояланиш имкониятини берадиган процессуал ҳуқуқлардан тўла ҳажмда фойдаланади. Ҳарбий судлар ўз фаолиятида одил судловнинг бошқа принципларига ҳам амал қилишади.

• *ташкилий тузилиши*. Бошқа судлар сингари ҳарбий судлар уч бўғинга бўлинган: асосий, ўрта ва юқори.

• *ишнинг инстанциялар бўйича ўтиши*. Ҳарбий судлар томонидан ишни кўриб чиқиш биринчи, апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида амалга оширилади.

Лекин ҳарбий ва бошқа судлар ваколатларидаги ўхшашликлар билан бир қаторда улар ўртасида тафовутлар ҳам мавжуд. Бу тафовутлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1). Ҳарбий судларнинг судловига тааллуқлиликдаги чеклашлар. Умумий қоида бўйича, ишнинг ҳарбий судда кўриб чиқиш шартли сифатида махсус субъектнинг -- ҳарбий хизматчининг мавжуд-

¹ Ҳозирги пайтда мазкур кўмига бекор қилинган, унинг ваколатлари МХХга берилган.

лиги ҳисобланади, лекин истиснолар ҳам мавжуд (судловга тааллуқлилиқ масалалари алоҳида параграфда кенгроқ кўриб чиқилган).

2). Ваколатларнинг ўзига хослиги. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни (буйруқни бажармаслик, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалиқ билан ташлаб кетиш, дезертирлик, жанговар навбатчилиқни ўташ қоидаларини бузиш, ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ва бошқ.) кўриб чиқиш ва ҳал этиш фақат ҳарбий судлар томонидан амалга оширилади.

3). Ҳарбий суд судьялари номзодларига қўйиладиган қўшимча талаблар. Умумий юрисдикция судлари судьяларига қўйиладиган умумий талабларга мос келиш билан бир қаторда ҳарбий суд судьяси ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиши ва офицерлик таркиби ҳарбий унвонига эга бўлиши лозим. Ҳарбий судлар судьяларига Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги Қонунда («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 61-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлари) назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади.

Шу билан бирга, ҳарбий судлар ва умумий юрисдикция судлари олдида турган вазифаларнинг умумийлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (107-моддаси) ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунга (1-моддаси) биноан, ҳарбий судлар умумий юрисдикция судларига тутатиб кетади. Маълумот учун ҳарбий судлар дунёнинг кўпчилиқ ривожланган мамлакатларида (80 давлатга яқин) фаолият кўрсатади, шу жумладан, Англия, Франция, Швейцария, Нидерландия ва бошқ. Одатда, ҳарбий судларнинг мавжудлиги қўшинларда одил судловни амалга ошириш қўшин ҳаёти ва фаолиятини, ҳарбий қонунчилиқни, ҳарбий уставларни яхши билиш билан шартланган.

Шу билан бирга, судьяларга ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиш ва офицерлик таркиби ҳарбий унвонига эга бўлиш талаби фавқулодда ҳолатларда, шу жумладан, жанговар ҳолатда тегишли тарзда ҳаракат қилишга тайёр бўлишга, бунинг учун билимга эга бўлишга ва тегишли ҳарбий тайёргарликка эга бўлишга имкон беради.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқ. сабаблар умумий юрисдикция судлари билан бир қаторда ҳарбий соҳада суд ҳокимиятини амалга оширишга даъват этилган ҳарбий судлар тизимининг мавжуд бўлиши заруратини белгилаб беради.

6.2. Ҳарбий судларнинг ривожланиш босқичлари

Республикада ҳарбий судлар Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг ташкил этилган ва фаолият кўрсатади ҳамда республика умумий суд тизимини таркибий қисми ҳисобланади¹.

Илгари бўлган ҳарбий трибуналлар Ўзбекистоннинг умумий суд тизимига киритилмаган эди. Собиқ Иттифоқ раҳбариятининг гегемонистик сиёсати туфайли, собиқ Туркистон ҳарбий округи кўшинлари ва улар билан бирга ҳарбий трибуналлар марказга — Москвага бўйсунар эди.

Умумфуқаровий органлар армияда онгли ҳарбий интизом учун самарали кураш олиб боролмас эди, чунки улар ишларни тезкор ҳал этмасдилар. Судьялар армиядан узилган эди, ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятларини билишмас эди. Армия тузилмалари билан ташкилий боғланган судлар керак эди. Шу сабабли қўмондонлик ва сиёсий органлар ташаббуси билан революцион ҳарбий судлар ташкил этила бошланди.

1918 йил июн ойида 1-армия таркибида биринчи армия трибунали ташкил этилди, ўша йилнинг охирида эса бундай трибуналлар барча фронтларда ва ҳаракатдаги армияларда ташкил этилган эди. Ҳарбий трибуналлар фаолиятини бошқариш учун 1918 йил 8 декабрдан ишлашни бошлаган Реввоентрибунал ташкил этилди.

1919 йилнинг бошида ишлаб чиқилган биринчи актларда Реввоентрибунал томонидан ишларни кўриб чиқиш тартиби белгиланмаган эди. Фронт ва армияларнинг реввоентрибуналларининг 1919 йил 8 январдаги йўриқномасида судлов ишларини юритиш «соддалаштирилган тартибда ва иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши, ўзининг олдига жазо вақтинчи жиноят содир этиш вақтига яқинлаштириш вазифасини қўйганлиги» айтиб ўтилган, холос. Шу орқали судда ишларни кўриб чиқиш кўринишида репрессия асослари бошлаб берилган эди.

1919 йил 20 ноябрда трибуналлар фаолиятини тартибга соладиган биринчи қонун ҳужжати бўлган революцион трибуналлар ҳақидаги низом тасдиқланган эди.

Реввоентрибуналларнинг ҳукмлари устидан шикоят қилиш назарда тутилмаган эди ва улар эълон қилиниши билан дарҳол қонуний кучга кирар эди. Олий жазо чорасини қўллаш билан боғлиқ бўлган ҳукмларни ижро этишнинг махсус тартиби ўрнатилган эди. Улим жазосини қўллаш тўғрисидаги ҳар қандай ҳукмни чиқарган суд бу ҳақида Реввоенсоветга ва республика Реввоентри-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги Фармони ва 1993 йил 20 сентябрдаги «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом.

буналига хабар берар эди. Ушбу органлар ҳукм ижросини тўхтатмаган ҳоллардагина ҳукм ижро этилар эди. Агар ҳукм ижроси Реввоенсовет томонидан тўхтатилган бўлса, иш юқори Реввоен трибунал томонидан кўриб чиқилар эди, у ҳукмни бекор қилиш ва ишни қайтадан кўриб чиқиш ёки ҳукмни ўз кучида қолдириш ваколатига эга эди.

Республика РВТ раҳбарий тушунтиришларида қарор қабул қилишда судьялар қўмондонлик ва Реввоенсоветнинг фикри билан боғлиқ эмаслиги, ҳамма нарсани ўзининг нуфузи кучи билан, у ёки бу жазо чорасини қўллаш зарурати ҳақидаги ички ишонч билан амалга оширишлари лозимлиги бир неча мартаба айтиб ўтилган. Шу муносабатда армия шароитларидаги махсус судлар сифатидаги реввоен трибуналлар фаолиятини ўзига хос хусусиятлари армияни ташкил этиш шароитида процессуал ҳуқуқнинг айрим нормаларини алоҳида қўллашда намоён бўлади.

Фуқаролик урушининг тугаши ва армия қисқариши муносабати билан ҳарбий-суд тизими ҳам бир қатор ўзгаришларга дучор бўлди. Бутунроссия МИҚнинг 1921 йил 23 июндаги қарори билан республика Реввоен трибунали тугатилди¹.

Ҳарбий хизматчилар иштирокидаги кўпчилик ишлар яна ҳудудий судлар томонидан кўрила бошланди.

Судлов ишларини юритиш шаклининг яхлитилиги принципи барча судлар ваколатини белгилаб берган 1922 йил 31 октябрдаги судлов ишларини юритиш ҳақидаги Низом билан мустаҳкамланган эди.

1936 йилда Адлия халқ нозирлиги (АХН) ташкил этилиши билан унинг зиммасига барча судлар устидан ташкилий раҳбарликни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

1939 йил 15 июнда ХНК (халқ нозирлари кенгаши) томонидан қабул қилинган Адлия халқ нозирлиги (АХН) ҳақидаги Низомга асосан, Махсус судлар бошқармаси ташкил этилган эди, унинг таркибида ҳарбий трибуналлар бўлими ҳам мавжуд эди. Бироқ, 1940 йил 13 июнда Махсус судлар бошқармаси ўрнига Ҳарбий трибуналлар бошқармаси ташкил этилган эди, 1942 йил май ойида у Ҳарбий трибуналлар бош бошқармаси (ГУВТ) сифатида қайта ташкил этилганди.

Уруш йилларида ҳарбий трибуналлар фаолиятини бошқаришда асосий ролни АХН ва унинг ГУВТ тутган². Уруш тугагач, ҳар-

¹ Положение о Высшем судебном контроле Туркестанской Республики от 13.07.1921 г. ЦГА РУз, Фонд № 25, ОП № 2/51, Д. 413, л.д. 21.

² Деятельность органов военной юстиции в годы Великой Отечественной войны (Круглый стол журнала «Государство и право»). Журнал «Государство и право», 1995, № 8, стр. 85.

бий трибуналларни ташкилий бошқаришни ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилган эди. 1946 йил 27 июлда вазирлар кенгаши Ҳарбий трибуналларнинг бош бошқармаси (ГУВТ) тўғрисида Низомни тасдиқлайди. Низом бош бошқарманинг фаолияти йўналишлари рўйхати ва тузилиши ҳамда ҳарбий трибуналларни бошқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни белгилайди.

Уруш тугаши билан уруш вақти шароитлари билан киритилган барча процессуал чекланишлар бартараф этилган. Ҳарбий-суд органлари фаолиятини ташкил этишдаги ўзгаришлар қонунийликни мустаҳкамлаш тadbирлари асосида амалга оширилган эди. Айрим ҳуқуқбузарликлар учун суддан ташқари кўриб чиқиш тартиби ва жиноий жавобгарлик бекор қилинган, бир қатор амнистия актлари чиқарилган.

1956 йил май ойида Иттифоқ миқёсидаги Адлия вазирлиги ва унинг таркибидаги Ҳарбий трибуналлар бошқармаларининг тугатилиши муносабати билан ҳарбий трибуналлар устидан бошқарув Олий суднинг Ҳарбий ҳайъатида мужассам этилди. Кейинги йиллар юқори суд инстанцияларида суд фаолияти устидан назорат ва ташкилий бошқарув функцияларининг бирлаштирилиши судлар томонидан ҳар бирини етарли даражада амалга оширилишига йўл қўймаслигини, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга имкон бермаслигини кўрсатди. Ҳарбий трибуналларга келадиган бўлсак, айтилган қайта ташкил этишнинг натижаси кўп йиллар давомида кадрлар тайёрлаш, уларни комплекташтириш ва бир қатор бошқа муаммолар ечилмаганлигидан бўлди.

Собиқ Иттифоқнинг Адлия вазирлиги қайта ташкил этилиши билан унинг таркибида Ҳарбий трибуналлар бошқармаси яна ташкил этилган эди. Ҳарбий трибуналларнинг ташкилий бошқаруви Ҳарбий трибуналлар тўғрисидаги Низомнинг 25-моддасида белгиланган эди¹.

Республика мустақиллигига эришгач, мустақил Ўзбекистоннинг Куролли Кучларида қонун устуворлигини таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Улар биринчи марта республикамиз судларининг умумий тизимига киритилди, бу тарихий воқеа ҳарбий органлари олдида одил судловни амалга оширишдан ташқари янги вазифаларни қўйди, яъни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан ҳимояси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Респуб-

¹ Т.К. Мирзаев. Деятельность военных судов: проблемы и решения. Автореферат на соискание ученой степени канд. юр. наук. Т., 2001, стр. 11—16.

ликасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Баёнотида ҳарбий трибуналлар сўзлари бўлмаса-да, унда «Давлат суверенитети, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини ҳимоялаш мақсадида Мудофаа ишлари бўйича вазирлик ва Миллий гвардия ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси доирасига Совет Иттифоқи ИИВ, Совет Иттифоқи ДХК (КГБ), шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлари олинади.

Ўзбекистон Республикаси Совет Иттифоқи Мудофаа вазирлигининг республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлари, қўшилмаларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилишга бўлган ҳуқуқини эълон қилади» деб айтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга» эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарорида «Стратегик кучлар таркибига кирадиган ва Қуролли Кучларнинг бирлашган қўмондонлигига бўйсунадиган ҳарбий қўшилмалардан ташқари республика ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоқ Қуролли Кучларининг қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий ўқув муассасалари, ташкилот ва муассасалари, бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси остига олинсин» деб айтилган.

Ушбу уч муҳим ҳужжатда Конституция қабул қилинишидан олдин ҳарбий адлия органларининг келгуси ривожланиш тақдири ҳал этилган. Ушбу органлар давлатимиз юрисдикцияси остига ўтгани равшан бўлди. Давлатимиз суверенитети уларнинг янги шароитда шаклланишини белгилайди.

Ҳарбий трибуналлар армияда қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий рол тутган бўлишига қарамасдан, аммо аҳолининг кўпчилик қисмида улар ҳарбий дала судлари ва махсус учликлар, репрессиялар сифатида тасвирланали. Шунинг учун уларни номини ўзгартириш лозим эди, лекин механик тарзда эмас, амалда қайта ташкил этиш керак эди. Бунда улар Ўзбекистоннинг яхлит суд тизмига қўйилиб кетишлари лозим эди. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари

тўғрисида»ги Фармонида асосан, республика Қуролли Кучларида қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш мақсадида давлатимиз ҳудудида жойлашган ҳарбий трибуналлар унинг суд тизимига киради ва Ўзбекистон Республикаси номидан республика ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, стратегик ҳамда умумий кўшин бирлашмалари, ҳарбий ўқув муассасалари ва бошқа ҳарбий қўшилмаларида одил судловни амалга оширади. Бир вақтнинг ўзида ушбу Фармон билан собиқ Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий трибунали негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий суди ташкил этилган.

Ҳарбий судларга янги қонунчилик актлари қабул қилинунига қадар ўз фаолиятида давлатимиз қонунчилиги ва Ўзбекистон қонунчилигига зид келмайдиган қисмида собиқ Иттифоқнинг қонун ҳужжатларига амал қилиш талаб этилар эди.

Олий судга республика Олий Кенгашига Олий суднинг Ҳарбий ҳайъатини ташкил этиш таклифини киритиш, Мудофаа ишлари бўйича вазирликка эса шахсий таркиб учун ҳарбий хизматчи ҳуқуқий мақомини, барча пул ва бошқа таъминот турларини сақлаган ҳолда ҳарбий судларни, шунингдек, ҳарбий прокуратура органларини етарли даражада молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш топширилган эди.

Олий Кенгашнинг 1992 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, бундай ҳайъат зиммасига ўта муҳим ишлар бўйича ишларни биринчи инстанция судида кўриш, шунингдек, кассация ва назорат тартибида кўриш (ҳозирги кунда апелляция тартибида ҳам) ваколатини юклаган ҳолда ташкил этилган эди. Шу билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган илгари белгиланган тартибда сайланган ҳарбий судлар судьяларининг ваколатлари тасдиқланган эди.

Конституция қабул қилиниши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ҳайъати ва ҳарбий судлари тўғрисида»ги қарори билан Олий судга ҳарбий ҳайъатнинг штатлар сони ажратилган. Шунингдек, штатлар Қуролли Кучларнинг Ҳарбий суди ва Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Фарғона гарнизонининг ҳарбий судларига ажратилган эди.

1993 йил 2 сентябр ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этишнинг муҳим нуқтаси бўлиб саналади. Ўша кун Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган, унда мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатадиган судлар қаторида ҳарбий судлар ҳам айтиб ўтилган. Табиийки, ушбу қонунда кўрсатилган судларнинг барча вазифалари ва уларнинг ишини ташкил этиш принциплари ҳарбий судларга ҳам тааллуқлидир. Кечроқ, суд-ҳуқуқ

ислоҳоти ўтказилиши муносабати билан ушбу Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг 4-боби («Ҳарбий судлар») ҳарбий судлар тизимини (39-модда), уларнинг судловига тааллуқли ишларни, шу жумладан, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини, алоҳида ҳолатларга кўра, умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини, шунингдек, бошқа давлат сирларига тааллуқли ишлари белгилаб берди.

Шунингдек, ҳарбий судлар таркиби ва уларнинг ваколатлари ҳам белгиланган. Ҳарбий ҳайъат Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига кириши сабабли, Қуролли Кучлар Ҳарбий судининг ҳуқуқий мақоми вилоят суди мақоми даражасида белгиланган, судьялар билан бир қаторда унинг таркибига халқ маслаҳатчилари ҳам киритилган. Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман судларига тенглаштирилди ва улар ҳам халқ маслаҳатчилари билан фаолият кўрсатади. «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом 2000 йил 14 декабрда тасдиқланган эди, унда «ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси суд тизимига киради ва одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қилади» деб аниқ айтилган. Низомда барча босқичдаги ҳарбий судлар судловига тааллуқлилиқ масаласи батафсил тартибга солинган.

Ҳарбий судлар ишини ташкил этишни текширини Ўзбекистон Республикаси Олий суди зиммасига юклатилган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ҳарбий судлар ишини ташкил этиш масалалари бўйича буйруқ ва фармойишлар чиқаради.

Ҳарбий судларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, молиялаштириш, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлаш Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилган ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳарбий судларнинг хизмат биноларини қўриқлаш ҳарбий судлар жойлашган жойлардаги гарнизонлар ҳарбий қисмлари томонидан амалга оширилади. Қамоққа олинганларни, гауптвахтада ушлаб турилганларни қўриқлаб бориш ва уларни суд мажлисида қўриқлаб туриш гарнизонларнинг ҳарбий қисмлари ва ҳарбий комендатуралари томонидан, бошқа жойларда ушлаб турилган, жазони ижро этиш муассасаларида бўлган қамоққа олинганларни ишни кўриш жойига қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш эса ИИБ қисмлари ва органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

«Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом ушбу судлар ишининг барча жабҳаларини ўз ичига олгандек туюлади. Бироқ, ҳаёт уларнинг судловига тааллуқлилигини яна ўзгартирди.

Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ИИВ Ички ва қоровул қўшинларининг бош бошқармалари ҳамда Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округлари ташкил этилиши муносабати билан одил судловни амалга ошириш давомида ҳарбий судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларда, давлатимиз қонунчилиги асосида ташкил этилган ҳарбий идоралар ва бошқа ҳарбий тузилмаларда қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида 1999 йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан Қуролли Кучлар Ҳарбий суди Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди негизида ташкил этилди.

Ушбу суд органларининг бош вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди: давлат манфаатлари ва Қуролли Кучлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички Ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари Бош бошқармалари, МХХ, ФВВ, вазирлик ва идораларнинг ҳарбий қисмлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; қўшинларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида одил судловни амалга ошириш; ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий тарбияси борасида комплекс чоралар амалга ошириш.

Ҳозирги вақтда Фармонга асосан, ҳарбий судлар қуйидаги тuzилишга эга: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий судлар.

6.3. Ҳарбий судларни ташкил этиш ва судловга тааллуқлилик асослари

Ҳарбий судлар судловига тааллуқлилик. Ҳарбий судлар иш юритувига фуқаролик ва жиноят ишларни кўриш берилган. Бунда уларнинг умумий юрисдикция судлари билан ўхшашлик жиҳати намоён бўлади. «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий

хизматчилари, шунингдек, ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

б) ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

в) алоҳида ҳолатларга кўра, умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

г) давлат сирларига тааллуқли ишларни;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ишларни кўради.

Юқорида баён этилганлардан ишларнинг ҳарбий судларга тааллуқлилиги аксарият ҳолларда жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳарбий хизматчи саналадиган фуқароларга тегишли эканлиги билан аниқланади. Шунинг учун, ким ҳарбий хизматчи сифатида тан олинishi мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш жуда муҳим. Бу саволга жавобни 2000 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунидан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунидан, шунингдек, 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан тасдиқланган «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомдан, 1995 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Доктринасида қидириш мумкин.

Ушбу қоидаларга кўра, ҳарбий хизматчи деб давлат ҳизмати-нинг махсус турини Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида (Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Доктринасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари ҳамда Миллий гвардиядан иборат) ўтайдиган шахслар, шунингдек, «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомнинг «а» бандида кўрсатилган шахслар топилди. Ушбу шахслар томонидан чақирувдан олдин ёки ҳарбий ёхуд унга тенглаштирилган хизматга киришишидан олдин содир этган жиноятлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилади. Лекин жиноят ҳарбий ва унга тенглаштирилган хизматни ўташ даври мобайнида содир этилган ҳамда улар иш судда кўрилиш пайтига келиб хизматдан бўшаб кетган бўлишса ҳам, уларнинг ишлари ҳарбий суд томонидан кўрилади.

Ҳарбий хизматчи бўлмаганларнинг ишлари қуйидаги ҳолларда ҳарбий судда кўрилади: ҳарбий йиғинларни ўташ даври мобайнида жиноят содир этса, умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда жиноят содир этса, бир гуруҳ шахсларни айблашга оид иш бўйича, гарчи, айбланувчилардан лоақал бири хусусидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса ва уни қонунга кўра, алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, гарчи жиноятлардан лоақал бири тўғрисидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса, ҳамма жиноятлар тўғрисидаги ва барча шахсларга оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш асослари. *Ҳарбий судлар тизими ва таркиби.* Олдинги параграфда айтиб ўтилганидек, қонунчиликда ҳарбий судларнинг уч бўғинли ташкилий тузилиши назарда тутилган. Ўрта бўғин суди функциясини бажарадиган фақат битта суд — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — ушбу судларнинг ўзига хос хусусиятидир.

• Ёдда сақланг! •

Ҳарбий судлар қуйидаги тузилишга эга:

- асосий бўғин — округ ва ҳудудий ҳарбий судлар;
- ўрта бўғин — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди;
- юқори бўғин — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса суд раисининг ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати лавозим бўйича Ҳарбий ҳайъат раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади.

Ҳарбий судларнинг асосий бўғинига — округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судловига — барча даражадаги судларга тааллуқли бўлган жиноят ишлар мажмуидан подполковник, 2-даражали капитандан юқори бўлмаган унвондаги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар тегишлидир (тинчлик вақтида узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар ҳақидаги ишлардан ташқари). Ҳарбий

судларда кўрилиши мумкин бўлган барча тоифадаги фуқаролик ишларни ушбу бўғин судлари кўради.

Ҳарбий судларнинг ўрта бўғини — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — ишларни биринчи, апелляция, кассация инстанцияларида, шунингдек, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг судловига:

- содир этилганлиги учун узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

- полковник, 1-даражадаги капитан унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёхуд бригада командири лавозимидаги шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга тенг шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек, ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Умумий юрисдикция судлари тизимининг ўрта бўғин судлари сифатида уларга қўйи суднинг судловига тааллуқли бўлган ҳар қандай ишни биринчи инстанция суди сифатида ўз иш юритувига қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Юқори бўғин — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатлари ҳақида айтиб ўтиш лозим, у:

- ҳарбий судлар ишининг ташкил этилишини текшириб туради;
- ҳарбий судлар суд амалиётини, шунингдек, суд статистикасини юритиш иши қандай ташкил этилганлигини ўрганadi ва умумлаштиради;

- ҳарбий судлар судьяларининг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

- судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

- ҳарбий судларни ташкил этиш ва уларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати биринчи, иккинчи ва назорат инстанцияси функцияларини бажариш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати судловига: олий офицерлар таркибидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек, ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати у томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган қарорлар устидан қилинган шикоятлар ва билдирилган протестлар бўйича апелляция ва кассация тартибида ишларни кўриб чиқади. Назорат тар-

тибида Ҳарбий ҳайъат Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарори устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанцияда кўриб чиққан ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўриб чиқади.

Ҳарбий судьяларнинг мақоми «Судлар тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва умумий юрисдикция судлари судьяларига қўйилган талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин. Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, ҳарбий уставларида назарда тутилган ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Судьялар 5 йиллик муддатга тайинланади.

Ҳарбий судларнинг барча бўғинларида одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шунингдек, суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайдиган девонлар ташкил этилади.

Ҳарбий судлар таркиби, штатлар сони, штатдаги лавозимлар ва шу лавозимларга мос бўлган ҳарбий унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири билан келишган ҳолда берган тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

МАВЗУ БҲЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Кўриб чиқилган мавзунинг таҳлили ҳарбий судларнинг бурчлари ва улар бажарадиган вазифаларни кўриб чиқиш имконини беради; шунингдек, бошқа умумий юрисдикция судларига нисбатан ҳарбий судларни ташкил этиш ва улар фаолиятининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш имконини беради.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳарбий судларнинг вазифалари нималардан иборат?
2. Ҳарбий судлар судловига қандай жиноятлар тааллуқлилигини айтинг?
3. Ҳарбий судларда иш қандай ташкил этилади?
4. Ҳарбий судлар судьяларига қандай талаблар қўйилади?
5. Ҳарбий судларнинг суд тизимини очиб беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўзбекистонда ҳарбий судлар пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини таҳлил қилинг. Иш шакли – *реферат*.
2. Чет давлатларда ҳарбий судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти масалаларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.
3. Турли давлатларда ҳарбий судьяларга қўйиладиган талабларни таққосланг. Иш шакли – *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёг йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O'zbekiston», 2007.

2. *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХП сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-П сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-2421-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

4. «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164-П сонли қарори билан тасдиқланган).

Махсус адабиётлар

1. *И.Н. Глебов*. Военное право Содружества: состояние и перспективы международно-правового регулирования военно-политических отношений государств СНГ. Журнал «Государство и право», 1993, № 10.

2. *Т.К. Мирзаев*. Деятельность военных судов: проблемы и решения. Автореферат на соискание ученой степени канд. юр. наук. Т., 2001.

7-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

Ўқув мақсадлари

Ушбу мавзу суд тизимининг юқори бўғини сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ўрни ва ролини ўрганишга қаратилган. Талабалар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилишини, унинг функциялари ва ваколатларини аниқ англаб олишлари лозим.

7.1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд тизимидаги ўрин. Олий суд ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд фақат умумий юрисдикция судлари тизимида олий суд органи эканлигини назарда тутиш лозим. У томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Олий судни ташкил этиш ва унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи сифатидаги ўрни унинг кенг ва турли ҳил ваколатлари билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, ушбу суд амалга оширилиши унинг Ўзбекистон Республикаси суд тизими ва бошқа давлат ҳокимияти органлари тизимида ролини белгилайдиган куйидаги асосий функцияларни бажаришга даъват этилган:

1) умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли бўлган фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи сифатида унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш;

2) Қорақалноғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш;

3) суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статисти-касини таҳлил қилиш ва ишларни судда кўриб чиқиш вақтида қонун ҳужжатларини қўллаш борасидаги масалалар бўйича суд-ларга тушунтиришлар бериш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши ус-тидан назоратни амалга ошириш;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик па-латасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш.

Айтиб ўтилган функцияларнинг биринчиси умумий юрисдикция судлари иш юритувига тааллуқли бўлган ўта мураккаб бўлган фуқа-ролик ва жиноят ишларини (биринчи инстанция бўйича) мазму-нан кўриб чиқиш ваколатига эгаллигида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 144-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунда ўз вакола-тига берилган фуқаролик ишларини кўриб чиқади, шунингдек, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси эса Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий судининг судловига ўта мураккаб ва аҳамиятли иш-лар тегишлилигини белгилайди. Бундан ташқари, ушбу суд қўйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстан-ция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Олий суд ўзи томонидан биринчи инстанцияда қабул қилин-ган қарорлар бўйича апелляция, кассация тартибида иккинчи ин-станция суди сифатида ишларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг *иккинчи функцияси* биринчиси билан чамбарчас боғлиқ. Судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш — бу биринчи навбатда улар томо-нидан йўл қўйиладиган хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишдир. Айтиб ўтиш лозимки, бу фақат процессуал шаклларда амалга оширилиши керак, яъни ўзбошимчалик билан эмас, бал-ки қонун билан белгиланган судлов ишларини юритиш қоидала-рига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Ушбу талаб-нинг бажарилиши — умумий юрисдикция судлари мустақиллиги-ни, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашга даъват этилган муҳим восита ҳисоб-ланади. Олий суд апелляция ва кассация тартибида кўриш пред-мети бўлган ҳар қандай умумий юрисдикция судларининг қарор-ларини назорат тартибида кўриб чиқишни амалга оширади.

Учинчи функция ҳам бошқаларидан ажратилмаган. Унинг иммига оширилиши Ўзбекистон Республикаси Олий судига, нафақат, судлар томонидан, балки бошқа давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар томонидан муайян қонунларни қўллаш амалиётига тегишли йўналишда фаол таъсир этиш имкониятини беради. Пленум томонидан бериладиган тушунтиришлар муайян қонунларни қўллаш бўйича судларнинг умумлаштирилган амалиётига таянади, унинг моҳиятини акс эттиради ва келгусида ушбу қонунларни тўғри қўллаш учун мўлжаллар беради.

Айтиб ўтилган функциялар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 82-моддасида кўрсатилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга. Бу қонун чиқарувчининг у томонидан чиқарилган қонунларни қўллаш амалиёти билан алоқасининг муҳим воситасидир. Айнаман амалиётда қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг афзалликлари ва камчиликлари намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди – қонунлар қандай ишляпти, уларни қўллашда қандай қийинчилик ва камчиликлар мавжудлиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган органларда бири. Бу маълумотларга таяниб, у амалдаги қонунчиликнинг муаммо ва бошқа камчиликларига эътиборни қаратган ҳолда қонун ижодкорлигига фаол кўмаклашиш имкониятига эга. Амалдаги қонунчиликнинг мазмунига таъсир этиш имкониятини «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқи ҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Конституциявий суд мажлисида иштирок эта олади ва кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ўз фикрини билдиришга ҳақли.

Юқорида санаб ўтилган ваколатлар Олий суд ваколатлари доирасини тугалламайди. Олий суд қонунда назарда тугилган бошқа ваколатларга ҳам эга.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш, таркиби ва тузилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат.

Маълумот учун, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан 5 йил муддатга сайланади. Олий юридик маълумотга ҳамда юри-

дик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоила тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз бўлинмаларининг мундариб таркибига эга, яъни қонун билан белгиланган тузилишга эга. Олий суд қуйидаги таркибда иш олиб боради:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати;
- Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;
- Ҳарбий ҳайъат.

Олий суд пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, Адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ишларни назорат тартибида кўради, суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркиби ва раисларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг котибини тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, судлов ҳайъатларининг фаолияти ҳақидаги маълумотларни тинглайди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маълумотларини тинглайди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва раё-

сати регламентини тасдиқлайди, қонунга мувофиқ бошқа шаколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми аъзоларининг кўпчилиги овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг, шунингдек, башарти, тарафлар иштирок этаётган бўлса, уларнинг фикрлари тингланади. Протестни муҳокама қилиш ва овоз бериш чоғида мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи охириги бўлиб овоз беради.

Протест юзасидан қарор, агар уни ёқлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Ишни кўришда илгари қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас. Кўпчиликнинг овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг бошқа таклифлар тушиш навбатиغا қараб овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарор билан рози бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён этишга ҳақли бўлиб, бу фикр Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисининг баённомасига илова қилинади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми-

нинг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси).

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми муҳокамасига киритилган масалалар унинг маърузалари ёки у ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тинглайди. Ушбу масалаларнинг муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Пленумнинг асосий функцияларидан бири — суд амалиёти масалалари бўйича тушунтиришлар бериш — функциясини белгилаб ўтиш лозим. Бундай тушунтиришлар қонуннинг бир хилда тушунишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Улар суд ишларини кўриб чиқишда вужудга келадиган масалалар бўйича ўта муҳим, принципиал кўрсатмаларни ўз ичига олади. Тушунтиришлар суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикаси таҳлили асосида берилади ва тушунтиришлар берилган қонунни қўллайдиган Ўзбекистондаги барча судлар, бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Олий суд пленумининг қарорлари, нафақат, судлар фаолиятида, балки, умуман, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликни тўғри қўллашни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумот учун, охириги йилларда олимлар орасида Олий суд пленуми қарорларининг ҳуқуқий табиати ҳақида, яъни ушбу ҳужжат ҳуқуқ манбаи бўла олиши ҳақида мунозаралар юритилган. Агар Олий суд пленуми қарори ҳуқуқ манбаи бўлса, ушбу ҳуқуқ манбаи қайси даражадаги манба саналиши тўғрисида саволи туғилади. Ушбу масала бўйича баҳсга киришмаган ҳолда пленум қарорлари судьялар ва бошқа ҳуқуқни қўлловчилар учун ҳуқуқ нормаларини қўллашда муҳим мўлжал бўлиб хизмат қиладиган субсидиар шарҳ ролини бажаради. Пленум қарорлари уларни тавсифловчи қуйидаги белгиларга эга:

- а) қонун билан белгиланган орган томонидан қабул қилинади;
- б) тушунтириш берилган қонунчиликни қўллайдиган, нафақат, судлар учун, балки бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир, яъни мавҳум шаклда ифодаланган бўлиб, сони чекланмаган шахсларга мўлжалланган;
- в) бир марта қўлланадиган ҳужжат ҳисобланмай, кўп мартаба қўллаш учун мўлжалланган;
- г) қонунда айнан кўрсатилмаган бўлсада, амалиётда уларни нашр қилиш мажбурийлиги тартиби қабул қилинган.

Олий суд раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати таркибига лавозим бўйича кирадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Мажлисида раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда қарорлар қабул қилади. Муайян суд ишлари бўйича раёсат қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва дарҳол қонуний кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати ишларни назорат тартибда кўради¹, суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва девонининг ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади, қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси).

Судлов ҳайъатлари. Суд фаолиятининг аксар қисми Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Ҳарбий ҳайъат (судлов ҳайъатлари) зиммасига тушади. Ушбу бўлинмаларнинг таркиби белгиланган тартибда Олий суд раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари таркибидан Олий суд пленуми томонидан тасдиқланади.

Судлов ҳайъатларининг бевосита фаолиятига уларнинг раислари раҳбарлик қилади. Судлов ҳайъатлари раислари улар раҳбарлик қиладиган ҳайъатлар суд мажлисларида раислик қилади, ҳайъат суд мажлисларида суд таркибларини ташкил этади, тегишли ҳайъат ишларига раҳбарлик қилади, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш учун ишларни талаб қилиб олади, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Судлов ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда, апелляция, кассация тартибда ва назорат тартибда кўради; суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради; қонун

¹ Раёсат томонидан муайян суд ишлари бўйича чиқарилган қарорлар устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумига протест билдириш мумкин.

ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; суд статистикасини таҳлил қилади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).

Биринчи инстанцияда судлов ҳайъатлари юқорида айтиб ўтилган фуқаролик ва жиноят ишларини кўради. Биринчи инстанцияда судлов ҳайъатлари томонидан чиқарилган ҳукм ва ҳал қилув қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

Биринчи инстанцияда жиноят ишлари уч нафар судья таркибида, фуқаролик ишлари эса — якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан биринчи инстанцияда чиқарилган қонуний кучга кирмаган ҳукмлар ва ҳал қилув қарорлар устидан Олий суднинг тегишли ҳайъатига *апелляция тартибида* шикоят қилиш ёки протест билдириш мумкин. Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриб чиқиш уч нафар судья таркибида, жиноят ишларини эса беш нафар судья таркибида амалга оширилади. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси). Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили қонуний кучга кирмаган суд ҳукми устидан апелляция тартибида шикоят қилиш, прокурор ва унинг ўринбосари эса протест билдириш ҳуқуқига эга.

Кассация тартибида судлов ҳайъатлари қонуний кучга кирган ҳукм ва ҳал қилув қарорлари устидан қилинган кассация шикоятлари ва билдирилган протестлари бўйича ишларни кўради. Судлов ҳайъатларида бундай ишлар қуйидаги таркибда кўрилади: фуқаролик ишлари — уч нафар судья таркибида, жиноят ишлари эса беш нафар судья таркибида.

Олий суднинг судлов ҳайъатининг апелляция ва кассация ажримлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суд раёсатига протест билдириш мумкин.

Назорат тартибида судлов ҳайъатлари ўрта бўғин судларида назорат тартибида кўриш предмети бўлган қонуний кучга кирган ҳукм ва ҳал қилув қарорлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Алоҳида ҳолларда, ўрта бўғин судларида апелляция ёки кассация инстанцияларида кўриш предмети бўлган ишлар бўйича протестлар бевосита Олий суд судлов ҳайъатларига киритилиши мумкин. Назорат тартибида кўриш натижалари бўйича Олий суд судлов ҳайъатларининг чиқарган ажримлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатига протест билдирилиши мумкин.

7.3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари ва судлов ҳайъати раислари

«Судлар тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъати раисларининг ваколатларини белгилаб қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисп. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишига раҳбарлик қилиш биринчи навбатда ушбу суд раиси зиммасига юклатилган. Унинг кўп сонли ваколатлари бир томондан, судга оид ваколатларини, иккинчи томондан эса ташкилий ваколатларини ўз ичига олади.

Судга оид ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тааллуқли бўлган ҳар қандай ишнинг кўрилишида ва ҳал этилишида иштирок этиш, қонунда белгиланган тартиб ва доирада барча умумий юрисдикция судларининг қонуний кучга кирган ҳукм ва бошқа қарорлари устидан протест билдириш, шунингдек, қонун талаб қилган ҳолларда уларнинг ижросини тўхта-тиб туриш ваколатлари киради.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси қуйидаги *ташкилий* ваколатларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;
- судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;
- суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;
- судлар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхта-тиб туради;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва раёсатининг умумий масалалар бўйича қабул қилган қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;
- ишни бир суддан бошқа судга олиб бериш масаласини ҳал қилади;
- пленум ва раёсат муҳокамасига қонунга биноан, уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумига тақдимномалар киритади;

• қонушларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг ҳамда Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумига тақдимномалар киритади;

• Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш қўзғатади;

• раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг штат жадвалини тасдиқлайди;

• буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

• фуқароларни шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси ўринбосарлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарларга эга, улардан бири биринчи ўринбосар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумидан ташқари барча инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

• судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумига маърузаларни тақдим этади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилиши мумкин;

• суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

• суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш бўйича ишни ташкил этади;

- судлар томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;
- судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;
- вазифалар тақсимотига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;
- фуқароларни шахсан қабул қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг раислари:

- судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;
- судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатига маърузаларни тақдим этадилар;
- суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси).

7.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати. Илмий-маслаҳат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Олий суд ишини ташкил этишни бевосита суд раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан бевосита ҳамда суд аппарати ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши ва штат бирлиги сони Олий суд раиси тақдимномасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ташкилий иш ушбу суднинг суд тизимида раҳбарлик мавқеини ҳисобга олган ҳолда бошқа суд органларида амалга ошириладиган масалалар бўйича олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судида қуйидаги масалаларни ҳал қилишга катта эътибор қаратилади: суд ишини режалаштириш, келувчиларни қабул қилиш, шикоят, ариза ва талабларни кўриб чиқиш, судлов ҳайъатлари, президиум ва пленумда хулоса ва протестларни тайёрлаш, суд амалиёти бўйича қисқача маълумотлар ва қуйи судларга хатлар тайёрлаш, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда суд статистикасини ташкил этиш, меъерий материалларни тизимлаштириш, пленум қарорлари лойиҳаларини тушунтиришлар билан тайёрлаш, иш юритишни ташкил этиш ва бошқалар.

Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда суд статистикасини таҳлил этиш, қонунчиликни тизимлаштириш ва тарғиб қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни бажариш учун аппарат таркибида бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмалар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлимларига қуйидагилар киради: махсус бўлим; бухгалтерия, шикоятлар ва фуқароларни қабул қилиш бўлими; суд амалиётини умумлаштириш бўлими; пленум котибияти; суд амалиёти ва суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими; котибият (канцелярия); кадрлар бўлими; Ҳарбий ҳайъат котибияти; «Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси» нашриёти; хўжалик бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлимларида бўлим бошлиқлари; катта маслаҳатчилар, маслаҳатчилар, котиблар, шунингдек, бошқа хизматчилар ва кичик хизмат қилувчи шахсий таркиб ишлайди. Судларнинг штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 78-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилишида *махсус бўлимлар* ҳам назарда тутилган. Махсус бўлимлар бўйича бўлим режими махфий бўлинма бўлиб, махфий, махсус секторлар ва архивдан иборат. Бўлим бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига бўйсунди ва унинг раҳбарлиги остида фаолият кўрсатади. Бўлим қонун билан ушбу бўлим зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси *ёрдамчиси*. Ёрдамчи раиснинг ташкилий-техник фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни амалга оширади. Раиснинг фармойишлари, буйруқлари, топшириқлари ижро этилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёрдамчиси бевосита раисга бўйсунди ва унинг раҳбарлиги остида иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши. Суд амалиётини ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тушунтиришлари лойиҳаларини ўрганиш ва умумлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, суд органлари ва илмий юридик муассасалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгаши тузилади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 81-моддаси).

Кенгаш раис тақдимномасига асосан пленум томонидан тасдиқланади. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди аъзолари ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг амалиётчи ходимлари, илмий ходимлар киради.

Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштиришга асосланган ҳолда илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари судларда пайдо бўлаётган низоли масалаларни ҳал этишга кўмаклашади, пленум тушунтиришлари лойиҳалари ва Олий судда ишлаб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар бўйича илмий асосланган тавсиялар беради, бу эса уларнинг аниқлиги, равшанлиги, қонунга қатъий риоя қилинишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Олий суд пленумининг қарорлари, алоҳида ишлар бўйича пленум қарорлари, мамлакатдаги барча судлар ахбороти учун алоҳида ишлар бўйича ҳайъатларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари ва ажримларининг қисқача мазмуни, пленум мажлислари ва Олий судда бўладиган кенгашлари ҳақида маълумотлар бериладиган, шунингдек, суд амалиёти тўғрисида қисқача маълумот ва турли хил ҳуқуқий масалалар бўйича мақолалар чоп этиладиган «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси»ни нашр этади.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди шаклланишининг асосий босқичлари

1924 йилда собиқ Иттифоқ Олий суди ташкил этилган, натижада, 1924 йил 13 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ) қарори билан собиқ РСФСР Олий суди Туркистон бўлинмаси ўрнида ЎзССР Олий суди ташкил этилди. Ташкилий масалалар билан Ревком шуғулланган, унинг ўзи томонидан ЎзССР Олий суди таркиби тасдиқланган эди, ушбу таркибда раис, унинг ўзи биринчи инстанция судлов ҳайъати раиси ҳисобланган, кассация ҳайъати раиси ва ҳайъатнинг олти аъзосидан иборат эди.

ЎзССР Олий суди ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги низоми чиққунга қадар 1922 йил 31 октябрдаги тўққизинчи чақириқ Бутунроссия МИҚ IV сессиясида қабул қилинган РСФСР суд тузилиши тўғрисидаги низом бўйича иш юритган. ЎзССР Олий суди барча суд органларини яхлит тизимга бирлаштириб, ўша вақтда ЎзССР ҳудудида фаолият кўрсатган барча қуйи судлар ва ҳарбий трибуналлар устидан назоратни амалга оширган.

ЎзССР Олий суди пленум, ялпи мажлис, суд раёсати, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича кассация ҳайъатлари, ҳарбий ва интизомий ҳайъатларга (керакли ҳолларда) эга бўлган. Унинг функцияларига ЎзССР ҳудудида жойлашган қуйи судлар ва ҳарбий три-

буналлар томонидан кўриб чиқилган ишларни кассация тартибида кўриш кирар эди.

Кейинроқ, 1926 йил 20 августда Совет Иттифоқи МИҚ ва ХКК (Халқ Комиссарлари Кенгаши) томонидан тасдиқланган «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Низомга асосан, ҳарбий судлар судловига тааллуқли бўлган ишлар бўйича кассация функциялари Совет Иттифоқи Олий суди ҳарбий ҳайъатида мужассам этилган эди.

ЎзССР Олий суди бошқа совет республикалари олий судлари сингари ҳарбий трибунал томонидан кўрилган суд ишларини кассация тартибида кўриб чиқишдан озод этилган эди.

ЎзССР Олий суди пленумининг асосий функцияси республика суд органлари ва Тожикистон АССР Олий судининг бўлинмалари фаолияти билан пайдо бўладиган суд амалиёти масалалари бўйича қонунларни шарҳлаш, шунингдек, ишларни назорат тартибида кўриш бўлган. ЎзССР Олий судининг ялпи мажлиси қўйи судлар учун у ёки бу республика қонунларини қўллаш ҳақида тушунтиришлар ва циркулярлар ишлаб чиқарди.

ЎзССР Олий суди раёсати: суд аъзолари ўртаисда мажбуриятларни тақсимлаш, Олий суд ҳисоботини тасдиқлаш, вилоят судлари ва Тожикистон АССР Олий судининг бўлинмаларига тафтишлар тайинлаш, ЎзССР Олий суди аъзоларига нисбатан интизомий иш юритишни кўзғатиш каби ташкилий масалаларни ҳал этарди.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича кассация ҳайъатлари ЎзССР Олий судининг уч аъзоси таркибида ишларни кассация тартибида кўриб чиқарди.

1926 йил 20 августгача мавжуд бўлган ЎзССР Олий суди Ҳарбий ҳайъати кассация ҳайъати раиси ва тўрт нафар суд аъзосидан иборат таркибда фаолият кўрсатган.

Уч нафар суд аъзосидан иборат бўлган ЎзССР Олий судининг интизомий ҳайъати вилоят судлари аъзолари ва Тожикистон АССР Олий судининг бўлинмалари аъзоларига нисбатан интизомий иш юритишни амалга оширган, Олий суд аъзоларига нисбатан интизомий иш юритиш ЎзССР Олий суди раёсати томонидан амалга оширилган.

ЎзССР Олий суди раиси, унинг ўринбосарлари ва бошқа аъзолари республика Адлия халқ нозирлигининг тақдимномасига асосан, ЎзССР МИҚ томонидан тасдиқланган, судлов ҳайъатининг раислари эса ЎзССР МИҚ раёсати томонидан тайинланган.

Умумий раҳбарлик ва суд назорати функциялари билан бир қаторда, ЎзССР Олий суди бевосита суд фаолиятини ҳам амалга оширган. Биринчи инстанцияда у битта Олий суд аъзоси ва икки халқ маслаҳатчиси таркибида ўта муҳим ва мураккаб ишларни кўриб чиқарди. Олий суд ҳукмлари ва ҳал қилув қарорлари қатъий

ва фақат республика Олий суди пленуми томонидан назорат тартибида бекор қилиниши мумкин эди.

ЎзССР МИҚ қарори билан ЎзССР бутун ҳудудида (шу жумладан, Тожикистон АССР) 1926 йил 1 июлдан 1924 йил 31 октябрда Совет Иттифоқи МИҚ қарори билан қабул қилинган СССР ва совет республикаларнинг Жиноят судлов ишларини юритиш Асосларига мослаштирилган биринчи ЎзССР ЖПК амалга киритилган эди. Шу куннинг ўзидаёқ ЎзССР Олий судини юқори суд назорат органи деб тан олган ЎзССРда суд тузилиши тўғрисидаги Низом амалга киритилган эди.

1927 йилда округ судлари тугатилганлиги сабабли Ўзбекистонда суд тизими икки бўғиндан иборат эди: халқ судлари ва ЎзССР Олий суди, бу 1931 йилда қабул қилинган янги ЎзССРда суд тузилиши тўғрисидаги Низомда акс эттирилди. Хоразмнинг марказдан узоқлигини ҳисобга олган ҳолда Хоразм округи ташкил этилиб, Хоразм округ суди таъсис этилган эди. Кейин Қашқадарё ва Сурхондарё округлари ташкил этилиб, уларда ҳам ЎзССР Олий суди раҳбарлик қиладиган округ судлари таъсис этилди.

Бундай тизим 1938 йил 15 августда «ССР иттифоқи, совет республикалари судлари тузилиши тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунига қадар амал қилди, у суд органларини ташкил этишда бир қатор туб ўзгартиришлар киритди, шу жумладан, суд бошқаруви функциясини бўлиниши, назорат инстанциялари сонининг кескин камайиши, суд назорати тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлаб берди, махсус ҳайъат таъсис этилишини назарда тутган ва бошқалар.

1938 йилдан бошлаб, ЎзССР Олий суди республикада қонуний кучга кирган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари ва ажримларини қайтадан кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ягона суд инстанцияси бўлди, ЎзССР Олий судида бошқа совет республикаларда каби раёсат ва пленум тугатилган эди. ЎзССР Олий суди судларга суд амалиёти масалалари бўйича раҳбарий тушунтиришлар ва кўрсатмалар бериш ҳуқуқини йўқотди.

Қайд этиш керакки, ЎзССР Олий суди раёсати ва пленуми фаолияти қуйи судлар хатоларини тузатишда ҳам, раҳбарий тушунтиришлар беришда ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун совет республикаларнинг Олий судлари раёсати ва пленумларининг тугатилиши нотўғри эди.

Суд назоратини амалга оширишда республика суд органларини ролини кўчайтириш мақсадида 1954 йил 14 августда СССР Олий кенгаши раёсатининг «Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий суди, ўлка, вилоят судлари ва автоном вилоят судлар таркибида раёсатларни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони чиқарилган, унинг асосида ЎзССР Олий судида ишларни суд тартибида кўриб чиқиш функцияси билан раёсат ташкил этилган эди.

1959 йил 23 мартдаги ЎзССР Олий Кенгашининг Фармони билан ЎзССР Адлия вазирлиги тутатилди ва унинг судлар устидан назорат қилиш ва суд органларини бошқариш функциялари ЎзССР Олий судига берилган эди. Уша йилнинг ўзида ЎзССР Олий Кенгаши томонидан янги ЎзССР Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари (1960 йил 1 январдан кучга кирган), шунингдек, ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги Қонун қабул қилинган ва амалга киритилган.

ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги Қонун, Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодекслар 1963 йилда қабул қилиниб, 1964 йил 1 январдан амалга киритилган.

1959 йилдаги ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги Қонунга кўра, пленум қайта тикланган, у республика судларига республика қонунчилигини қўллаш тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар бериш ҳуқуқига ва республиканинг барча судаларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари ва қарорлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўриш ҳуқуқига эга эди.

1965 йилда ЎзССР Олий суди аппарати раҳбарият, пленум, раёсат, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатлари, суд амалиёти ва статистикасини умумлаштириш бўлими, суд органлари бўлими, қонунчиликни тизимлаштириш бўлими, нотариат бўйича бўлим, шикоятлар бўлими, кадрлар бўлими, молиявий-хўжалик бўлимдан иборат бўлган. Бундан ташқари, зарур ҳолларда интизомий ҳайъат ҳам ташкил этилган.

ЎзССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1970 йил 1 октябрдаги Фармони билан ЎзССР иттифоқ-республика Адлия вазирлиги ташкил этилган, шу муносабат билан республика судларига ташкилий раҳбарлик қилиш функциялари Олий суддан ЎзССР Адлия вазирлигига берилди. Ушанда ЎзССР Олий суди аппаратининг қуйидаги тузилиши тасдиқланган эди: раҳбарият, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, қонунчиликни кодификациялаштириш ва тизимлаштириш бўлими, шикоятлар бўлими, махфий қисм (бўлим ҳуқуқлари доирасида), девонхона (бўлим ҳуқуқлари доирасида), маъмурий-хўжалик бўлим. 1973 йилда ЎзССР Олий Кенгаши Раёсати қарори билан ЎзССР Олий суди аппарати тузилиши суд амалиёти ва статистикаси бўлими билан тўлдирди, шу муносабат билан ЎзССР Олий судининг янги штат жадвали тасдиқланган эди.

1981 йилда ЎзССР Олий Кенгаши томонидан ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги Қонуни янги тахрирда қабул қилинган эди. Ушбу Қонуннинг V боби ЎзССР Олий суди деб номланган эди, 50—66-моддалари ЎзССР Олий суди фаолиятини тартибга солиб, унинг ваколатларини белгилаган эди. Қонунда ЎзССР Олий суди ЎзССР суд тизими устидан назоратни амалга ошириши кўрсатилган эди. Олий суд ЎзССР Олий Кенгаши томонидан раис, унинг ўринбо-

сарлари, ЎзССР Олий суди аъзолари, халқ маслаҳатчилари таркибида беш йил муддатга сайланар эди. ЎзССР Олий суди ўз фаолияти ҳақида ЎзССР Олий Кенгашига ҳисобот берар эди ва мунтазам у ҳақида ЎзССР Олий Кенгаши раёсатига ҳисобот берар эди. ЎзССР Олий суди пленум, раёсат, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати таркибида фаолият кўрсатар эди.

Ушбу қонуннинг 77-моддасида одил судловни амалга ошириш борсида судлар ишларини таъминлаш, суд амалиёти ва судлардаги бошқа фаолиятларни умумлаштириш мақсадида ЎзССР суд девонлари амал қилиши кўрсатилган.

Суд амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва суд статистикасини таҳлил этиш, қонунчиликни тизимлаштириш ва тарғиб этиш, шунингдек, ЎзССР Олий суди фаолияти билан боғлиқ бошқа функцияларни бажариш мақсадида бўлим ва бошқа таркибий бўлинмалар ташкил этилар эди¹.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди.

1992 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат ташкил этилди. Унинг зиммасига ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларни биринчи инстанция бўйича, шунингдек, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриб чиқиш ваколатлари юклатилди. 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида (1993 йил 2 сентябр) Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг иккинчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Олий суди» деб номланган; 12—26-моддалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятини умумлаштиради ва унинг ваколатларини белгилайди. Ушбу Қонун бўйича Олий суд ишларни биринчи инстанцияда, шунингдек, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради.

Олий суд судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг тушунтиришларига риоя қилишлари устидан назоратни амалга оширади.

Бугунги кунда Олий суд фаолияти «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрири билан тартибга солинади.

¹ Қаранг: К.П. Иркаходжаев. Организация и деятельность Верховного суда УзССР. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Т., 1965, стр. 19; Верховный суд Республики Узбекистан. Т., «O'zbekiston», 1994, стр. 200.

7.6. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг ҳузурида 2008 йил 23 июнда Президент қарори билан тадқиқот маркази ташкил этилганлигидир. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён – Марказ) Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги мустақил ахборот-таҳлил ва маслаҳат муассасаси ҳисобланади.

Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ҳисобот беради, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва раёсати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси буйруқлари, шунингдек, унинг Низомига риоя қилади¹.

Марказ суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги, давлат органлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширади. Марказ олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозим:

1) суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича профессионал асосда махсус Марказ томонидан қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш суд тизими вазифаларини аниқлаштиришни, одил судловни амалга оширишнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришни, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судлов самарадорлигини оширишни таъминлайди.

¹ Қаранг: «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26–27, 248-модда.

2) ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида йўл қўйиладиган хатоларнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаш имкони беради. Энг муҳими, суд хатоларининг сабабларини бартараф этишга қаратилган илмий асосланган чоралар ишлаб чиқишга кўмаклашади. Шу орқали одил судловни таъминлаш ва судлов ишларини юритишда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадларига етишилади;

3) маълумки, суд-ҳуқуқ ислоҳоти натижасида жиноий жазолар тизимида жиддий либераллаштириш амалга оширилди. Хусусан, жазо тизимидан мусодара ва ўлим жазоси каби жазо турлари олиб ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан Марказ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши жиноий жазо тизимининг янада либераллаштиришини таъминлайди, шунингдек, жиноий жазолар тизимида янада инсонпарвар жазоларнинг киритилишига ва Жиноят кодексининг алоҳида нормаларини маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан декриминаллаштиришга имкон бериши мумкин.

Жиноий ва маъмурий жазоларнинг кейинги либераллаштирилиши одиллик, инсонпарварлик ва инсон қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш хизмат қилади.

Суд, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, хўжалик-процессуал қонунчилиги ва судлов ишларини юритишни деморатизациялаштириш суд орқали ҳимоянинг янада ҳаммабплигини, судларда ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини такомиллаштиришни, судлов ишларини юритишни тезкорлигини, суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлайди;

4) одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралashi ҳолларига барҳам бериш бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни рўёбга чиқариш нафақат суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлайди. Кўрсатилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши одил судловни ҳаммабплигини, суд фаолиятига ҳеч қандай аралашувсиз ишларни фақат қонун асосида ҳал қилишни таъминлайди;

5) ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни тегишли тарзда рўёбга чиқариш одил судловнинг энг муҳим масаласини — ишларни қонун ва одиллик асосида ҳал этишни — ечишга имкон беради;

6) суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда мил-

лий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш судлов ишларини юритишга инсон, шунингдек, ҳўжалик юри-тувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги халқаро стандартларни киритишга им-кон беради. Бу эса ўз навбатида одил судлов самарадорлигини янги босқичга кўтаради;

7) суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллашти-риш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига ба-ғишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, нафақат, мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган бўлади. Айтилган тадбирларни ўтказилиши судьялар, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимла-рининг ҳуқуқий маданияти ва касбий малакасини оширишга кўмаклашади. Шубҳасиз, бу тадбирлар ҳуқуқий маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш мақсадларида аҳолининг кенг қатламларини ўзига жалб қилади.

Марказга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми томонидан тасдиқланадиган директор амалга оши-ради. Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан тайинланадиган ва вазифасидан озод этиладиган ўрин-босарига эга. Директор ўринбосари унга топширилган вазифалар учун жавобгар бўлади, директор йўқлигида эса унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаради.

Марказ унинг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этилишини таъминлайдиган бўлимлар, бошқа бўлимлардан иборат. Марказ-нинг тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Ўзбекис-тон Республикаси Президенти Қарори асосида амалга оширилади. Марказ қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда ишдан бўша-тилувчи ходимларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асо-сида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиш кафолатла-нади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Ушбу мавзунинг ўрганиш талабаларда Ўзбекистон Республикаси суд ти-зимидида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ўрни ва роли ҳақида та-саввур шаклланишига ёрдам беради; ушбу суднинг таркиби ва тузилиши англаш, шунингдек, унинг ваколатлари масалаларини кўриб чиқиш имкони-ни беради.



HAZOPAT CAVOLLARI

1. Суд тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ўрни.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қандай ваколатларга эга?
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркиби ва тузилишини баён этинг.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ваколатларини санаб ўтинг.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати қандай ваколатларга эга?
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ваколатларини санаб ўтинг.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий судида иш қандай ташкил этилган? Суд апарати қандай ролга эга?
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди шаклланишининг асосий босқичларини айтинг.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибига кимлар киради?
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши қандай вазифаларга эга?
11. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот Марказининг вазифа ва функцияларини баён этинг.

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази фаолиятининг ташкилий асослари масалаларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатларини таҳлил қилинг. Иш шакли – *реферат*.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари аҳамиятини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девоинининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O'zbekiston», 2007.

2. *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

2. Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциялар. Халқаро ҳужжатлар тўплами. Туз. Ю.С. Пулатов. Т., «SHARQ», 1995.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-103-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007, № 29—30, 296-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3023-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2002, № 3—4.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-896-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2001, № 18.

8. «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.

9. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли Фармонига 3-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 12—13, 101-модда.

10. «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-II сонли қарори билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

11. «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида» ги 1-60-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида» ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги 14/151-қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. Т., 2007, № 2.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 2 жилдда. Т., «O'qituvchi», 2007.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда – халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Рисола. Т., ТДЮИ, 2010, 96-бет.

4. К.П. Иркаходжаев. Организация и деятельность Верховного суда УзССР. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юр. наук. Т., 1965.

5. М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

6. 10. Б.А. Саидов, Д. Миразов. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т., Академия МВД, 2004, стр. 148.

8-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

Ўқув мақсадлари

Ушбу мавзунинг ўрганиш талабаларини хўжалик судлари тизими фаолиятининг институционал-ҳуқуқий асослари билан таништириш, шунингдек, хўжалик судлари вазифалари ва ваколатларини кўриб чиқишга қаратилган.

8.1. Хўжалик судлари вазифалари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги ўрни

Хўжалик судларининг ташкил этилиши ва уларнинг вазифалари. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, турли хил мулк шакллари ривожланиши, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олиниши иқтисодий низоларни ҳал этадиган мустақил орган — *хўжалик судини* ташкил этиш заруратини вужудга келтирди.

Илгари Ўзбекистонда иқтисодий низолар суд томонида эмас, ижро этувчи ҳокимиятнинг махсус органи — собиқ иттифоқ ягона Давлат арбитражи тизимига кирувчи Давлат арбитражи томонида кўриб чиқиларди. Кўп ҳолларда ишларни ҳал этишда давлат арбитражлари қонунийлик принципига эмас, мақсадга мувофиқлик, мақбуллик принципига амал қиларди, бу эса табиийки, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлай олмасди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, турли хил мулк шакллари асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш зарурати дастлаб арбитраж судларини, кейин эса хўжалик судларини ташкил этиш заруриятини белгилаб берди. Хўжалик судларининг ташкил этилиши аслида судларнинг ихтисослашувида биринчи қадам бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига асосан, мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари

томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилди. Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинган, янги мулк шаклларининг ривожланиши, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олиниши иқтисодий низоларни ҳал этадиган орган фаолиятининг шакл ва услубларига янгича ёндашувни белгилаб берди.

1991 йил 20 ноябрда «Арбитраж суд ва ҳужалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Ўзбекистонда суд ислохотларини бошлаб берди ва унда арбитраж судларнинг вазифалари, мақоми, фаолияти билан боғлиқ масалаларни ёритиш билан бир қаторда ҳужалик низоларини ҳал этиш тартиби ҳам акс эттирилган. Қонуннинг I-моддаси арбитраж судини суд ҳокимияти органи сифатида таърифлаган. Кейин, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси суд тизимини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ушбу тизимда ҳужалик судларни ҳам назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий арбитраж суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар арбитраж судлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳужалик судларига ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳужалик судлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ҳужалик процессуал кодекси ҳужалик низоларини кўриб чиқиш тартибининг белгилайдиган биринчи мустақил кодификацияланган қонун ҳужжати бўлди.

1997 йил 30 августда янги Ўзбекистон Республикаси Ҳужалик процессуал кодекси қабул қилинди. Янги кодекснинг қабул қилиниши олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар, хусусий мулк институтининг, тадбиркорликнинг шаклланиши, янги иқтисодий муносабатларни пайдо бўлиши билан белгиланган эди. 1993 йилдаги ХПК ишларни судда кўриб чиқиш, суд муҳокамаси тартиби, прокурор иштироки ва бошқа масалаларни етарли даражада тартибга солмаган эди. Унда суд мажлисида баённома юритилиши назарда тутилмаган эди.

1997 йилдаги ХПК, нафақат, кўрсатилган камчиликларни бартараф этди, балки ҳужалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал тартиб-тамоийллари такомиллаштирилди ва ривожлантирилди. Чунончи, ҳужалик судлов ишларини юритишда суд буйруғи, ишларни апелляция ва кассация кўриб чиқиш тар-

тиби каби прогрессив институтлар пайдо бўлди. Янги ХПК қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг суд кафолатларини ошириш имкониятини берди.

Хўжалик суди одил судлов органи бўлиб, иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган ва қонун билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда бошқа ишларни ҳал қилиш йўли билан ўз ваколатларини амалга оширади. *Хўжалик судида суд ишларини юритишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:*

- иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

- иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

Хўжалик судида иш юритишнинг асосий вазифаларидан бири тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган шахсларга, биринчи навбатда, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар киради.

Хўжалик судлари қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри ва бир хилда қўллаш орқали фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлашга имкон беради.

Хўжалик судлов ишларини юритиш иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга даъват этилган. Ушбу вазифа қонун ва судга нисбатан иззат-ҳурмат муносабатларини шакллантириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Қонун ва судга нисбатан иззат-ҳурмат муносабатларини шакллантиришнинг асосий шарти белгиланган муддатларда ва процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда ишларни холис очиқ кўрилишидир.

Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига биноан, хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

- иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс ҳисобланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

- иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

- ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Хўжалик судларининг собиқ давлат арбитражидан фарқи шундаки, давлат арбитражи, биринчи навбатда, давлат манфаатларини ҳимоя қилган. Давлат арбитражи фаолияти ишлаб чиқариш воеиталарига фақат икки мулк шаклини, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулкни тан олган олдинги иқтисодиёт характеридан келиб чиқарди. Турли мулк шакллариини конституциявий тан олиш ва мулкдорларнинг тенг ҳуқуқлари шароитида улар ўртасидаги хўжалик низоси фақат иқтисод қарамоғида бўлган маҳаллий ҳокимиятдан мустақил суд ҳал этиши мумкин. Хўжалик судлари айнан шундай судлар бўлди.

Хўжалик низоларини кўриб чиқишдаги ишга ёндашув ва мазмуни сифати ҳам ўзгарди, принципиал янгиланди.

Хўжалик судлари тизими. Хўжалик судларининг тузилиши ва фаолиятининг асосий принциплари ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган.

Хўжалик судларининг тизими ва фаолияти тартиби умумий юрисдикция судлари тизимидан, уларнинг ваколатидан фарқ қилади. Умумий юрисдикция судидан фарқи равишда хўжалик судлари тизими икки бўғиндан иборат. Унда туман бўғини йўқ, асосий бўғин вазифасини вилоят ва уларга тенглаштирилган хўжалик судлари бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб борувчи хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизими:

- асосий бўғин — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари;
- олий бўғин — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек, чет эл ташкилотлари, чет эл инвестиция-

лари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзaro боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши кераклигини назарда тутиш лозим. Хўжалик судлари мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, жаҳон ҳамжамиятига интеграллашув ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиши шароитида суд ҳокимиятини амалга ошириб иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган аҳамиятли ишни амалга оширади.

Чет эл юридик шахслари иштирокида кўриладиган ишлар ҳам кам эмас. Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи чет эл фуқаролари ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, хўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқини кенг қўллайди. Бундай ҳолат демократик, инсонпарвар хўжалик қонунчилиги туфайли мумкин бўлди, унга кўра, чет эл фуқаролари Ўзбекистон ташкилотлари ва фуқаролари билан тенг равишда процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади ва процессуал мажбуриятларга эгадир.

Республика қонунчилиги низоларни ҳал этиш тартибида инвестицион жараён иштирокчилари танлаш эркинлигини чеклайдиган ҳеч қандай шартларни ўз ичига олмаган, аксинча, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бир қатор кафолатларни назарда тутади. Бу Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги «Хорижий инвестициялар ва чет эллик инвесторларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган эди ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунида ўз ривожини топди, ушбу қонунга кўра, чет эллик инвесторларга Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида ёки чет эл давлати арбитраж органларида низоларни кўриб чиқиш имкониятини беради.

Хўжалик судларининг шаклланиши ва ривожланиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар босқичлари билан бевосита боғлиқ иқтисодиётни либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида хўжалик судлари низоларни кўриб чиқиб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини амалга оширади.

Шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилган олиб берилган чора-тадбирлар туфайли халқ ҳўжалигининг барча соҳала-рида шартнома мажбуриятлари бузилишидан келиб чиқадиган низолар умумий сонининг қисқариши кўзга ташланмоқда. Тадбиркорларнинг солиқ муносабатлари, қимматли қоғозлар, хусу-сийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ бўлган аризалар сони кўпайди.

Республика ҳўжалик судларининг алоҳида эътибори тадбир-корларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқар-иш органлари томонидан молиявий-ҳўжалик фаолиятига асос-сиз аралашувидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Баён этилганлардан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўзи-нинг суд ҳокимияти шакланганлиги ҳақида хулоса чиқарса бўлади. Амалиёт кўрсатганидек, ушбу тизим одил судловни амалга ошириш манфаатларига тўла жавоб беради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг ишончли кафолати бўла олади.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳимоя қилиш — вақт талаби. Бозор муносабатлари мустаҳкамланиш шароитларида давлат хусу-сий мулк ва тадбиркорликка нисбатан алоҳида эътибор қаратиши лозим. Жамиятда мулкка ҳурмат ва унга дахлсизлик шароити ярати-лиши керак. Хусусий мулк ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ ҳисобланади. Бу эса мулкдор ўз мулкининг ягона соҳиби эканлигини англатади. Ва шу аснода хусусий мулк соҳасидаги ҳар қандай асоссиз таҳдид ахлоққа зид ва жиноий саналиши, ҳудди жамият бировнинг уйига кирган ўғрининг ҳаракатларини баҳолагани каби тан олинishi керак.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди: шаклланиш тартиби, таркиби, тузилиши ва ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 43-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Олий ҳўжалик суди:

- республика бошқарув органлари, маҳаллий вакиллик орган-лари ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

• ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Олий ҳужалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган ҳужалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир ҳужалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли (ХПКнинг 26-моддаси).

Олий ҳужалик суди таркиби. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди таркибига раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди судьяларидан киради ва у Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди пленуми; Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раёсати; Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати; маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати таркибда иш олиб боради.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини тоиширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан беш йиллик муддатга сайланади.

● **Ёдда сақланг!** ●

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди қуйидаги таркибда иш олиб боради:

- пленум;
- раёсат;
- Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;
- маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати.

Олий ҳужалик суди раиси ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди фаолиятига раҳбарликни унинг раиси амалга оширади, шунингдек, у қуйидаги ваколатларга эга:

• Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

• ҳужалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

• суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

• хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради;

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг тушунтиришлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

• ишни бир хўжалик судидан бошқа хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми ва раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати муҳокамасига қонунга биноан, уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

• зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумига тақдимномалар киритади;

• қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумига тақдимномалар киритади;

• хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати таркиби ва раиси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференциясига тақдимномалар киритади;

• Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш кўзғатади;

• раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

• буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

• фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса, раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

Олий ҳўжалик суди раиси ўринбосарлари. Раис ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади, суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади, ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади.

Шунингдек, раис ўринбосарлари ҳўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Улар суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ҳамда судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади.

Судлов ҳайъатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг асосий процессуал ваколатини амалга ошириш – ишларни мазмунан кўриб чиқиш – судлов ҳайъатларида бўлиб ўтади. Улар:

- ишларни биринчи инстанция ва кассация тартибида кўради;
- суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;
- қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;
- суд статистикасини таҳлил қилади;
- қонунга мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Судлов ҳайъатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяларидан ташкил топади ва ушбу суд раиси тақдимномасига асосан, пленум томонидан тасдиқланади. Уларга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосарлари бўлмиш судлов ҳайъатининг раислари раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди *судлов ҳайъати раислари:*

- судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;
- судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатига, шунингдек, пленумига маърузалар тақдим этади;
- суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

- судьялар малакасини ошириш ишини ташкил этади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Зарур ҳолларда суд раиси бир судлов ҳайъатининг судьялари бошқа судлов ҳайъатидаги ишларни кўришга жалб қилиниши мумкин.

Олий ҳўжалик суди раёсати. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг асосий ваколати ишларни назорат тартибда кўриб чиқиш ҳисобланади. Бундан ташқари, раёсат:

- суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;
- Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;
- ҳўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва девони ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг таркибига лавозим бўйича кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг мажлисида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг қарори ва баённома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми. Барча ҳўжалик судлари фаолиятининг ўта муҳим масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми томонидан ҳал этилади.

Қонун нормаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, Адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон

Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда пленум ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми:

- суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини ва раисларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг котибини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми ва раёсати регламентини тасдиқлайди;

- қонунга мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Унинг ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми барча ҳўжалик судлари учун, шунингдек, тушунтириш берилган қонунчиликни қўллайдиган бошқа органлар, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

Пленум унинг мажлисларида раислик қилувчи суд раиси томонидан қақрилади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми аъзоларининг кўпчилилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми мажлисларида баённома юритилади, у Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

Қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти шаклланиши ва уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳузурда *Илмий-маслаҳат кенгаши* ташкил этилади. Унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси тақдимномасига асосан, ушбу суд пленуми томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди девони тузилишининг ўзига хос хусусияти унда ушбу суднинг муҳим функцияларидан бири бўлмиш — хўжалик судлари фаолиятини ташкилий ва моддий-техник таъминлаш функциясини амалга оширишга даъват этилган бўлинмалар ташкил этилишидадир.

8.3. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизими унинг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши билан боғлиқ. Унинг таркибига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун туман даражасида хўжалик судларининг ташкил этилишини назарда тутмайди. Шунинг учун асосий бўғин хўжалик судлари сифатида вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик судлари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди қаралади. Бундан асосий бўғиндаги хўжалик судида иш юритиш

марказий ўрин эгаллаши келиб чиқади, чунки айни шу ерда биринчи навбатда хўжалик судлов ишларини юритиш олдига қонун билан қўйилган вазифалар амалга оширилади.

Хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади. Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ сонли судьядан иборат бўлиши керак.

Хўжалик судида низоларни ҳал қилиш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлиги, кимга бўйсунушидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади. Хўжалик судларида ишлар ошқора кўрилади, давлат сирини ёки тижорат сирини сақлаш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик судида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон ёрдамида ишга тааллуқли материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳамда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси корхона, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа давлатларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низолари суднинг ажримига биноан, тарафлар учун мақбул тилда олиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди:

- ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибида кўради;
- суд амалиётини умумлаштиради;
- қонунга мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Санаб ўтилган ваколатлар ичида ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш алоҳида аҳамиятга сазовор, чунки бундай кўриб чиқиш ушбу босқичдаги хўжалик судлари қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб қолиши керак. Унинг моҳияти шундаки, ишда иштирок этувчи шахслар апелляция шикоятини беришлари мумкин ҳамда унда қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иш материалларига таянган ҳолда чиқарилган ҳал қилув қарорининг нотўғрилигини асослайдилар ва ишни қайтадан кўриб чиқишни талаб қилишади.

Асосий бўғин хўжалик суди раиси. Асосий бўғин хўжалик суди фаолиятини ташкил этиш унинг раиси зиммасига юклатилади. Ундан ташқари ишни ташкил этишда раис ўринбосарлари ҳам иштирок этади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси:

- суд фаолиятига раҳбарлик қилади;
- судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;
- зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;
- раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;
- судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;
- суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;
- фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддаси).

Ушбу бўғин **хўжалик суди раиси ўринбосарлари** судьялар бўлади ва барча процессуал ваколатларни, суд раисининг йўқлигида эса унинг ваколатларини ҳам амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари:

- вазифалар тақсимотига мувофиқ, суд ишига раҳбарлик қилади;
- тегишли судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади;
- фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;
- суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят, Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари йўқлигида унинг ваколатлари хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин.

Хўжалик судлар фаолиятини яхшилаш мақсадида уларда доимо суд амалиётини умумлаштириш амалга оширилади. Бундай умумлаштириш натижалари бўйича қонунчиликни ўрганиш, ходимлар малакасини ошириш, шунингдек, амалдаги қонунчиликга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар тайёрлаш бўйича иш ташкил қилинади.

Хўжалик судлари фаолиятининг институционал-ҳуқуқий асослари ҳақидаги билимлар ва хўжалик судлари фаолиятини бевосита тартибга солидиган қоидаларга таянган ҳолда талабалар уларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги ўрни, хўжалик судлари таркиби ва уларнинг ваколатлари ҳақида ёрқин тасаввур шакллантиришлари лозим. Талабаларнинг алоҳида эътиборини хўжалик судлари суд тизимининг хусусиятлари ва турли хил инстанцияларда ишларни кўриб чиқиш тартибига қаратиш лозим.



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Хўжалик судлари суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар тизимида қандай ролга эга?
2. Хўжалик судлари қандай функцияларни бажаради?
3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси қандай ваколатларга эга?
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қандай вазифаларни бажаради?
5. Олий хўжалик суди таркиби қандай шаклланади?
6. Олий хўжалик суди қандай тузилишга эга?
7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг ваколатларини санаб ўтинг.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раёсати қандай ваколатларга эга?
9. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари тузилиши ва ваколатларига тавсиф беринг.

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Чет эл давлатлари хўжалик судларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.
2. Хўжалик судларининг Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги роли ва ўрни. Иш шакли – *реферат*.
3. Хўжалик судлари фаолиятининг моддий-техник ва ташкилий таъминлаш хусусиятларини кўриб чиқинг. Иш шакли – *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O'zbekiston», 2007.*

2. *И.А. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.*

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХП сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-П сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1501-сонли Фармони. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларини моддий-техник таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 298-сонли қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий хўжалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-60-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий хўжалик суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий хўжалик суди пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14/151-қарори. «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси». Т., 2007, № 2.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.
2. М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.
3. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.

9-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ

Ўқув мақсадлари

Ушбу мавзуни ўзлаштириш талабаларга конституциявий назорат тушунчасини, унинг пайдо бўлиш масалаларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида Конституциявий суднинг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш; Конституциявий суд фаолиятининг принциплари ва уни ташкил этиш асослари, Конституциявий суд ваколатлари ва қарорларини кўриб чиқиш, шунингдек, Конституциявий суднинг функциялари ва ташкил этиш тартибини тушуниш имкониятини беради.

9.1. Конституциявий назорат, унинг тушунчаси ва асослари

Конституциявий назорат — бу давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг конституциявий талабларга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатлари ва ҳаракатларини аниқлаш, шунингдек, аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш чораларини кўриш йўли билан Конституция устуворлигини таъминлашга қаратилган судлов ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг йўналишидир (функциясиدير).

Тарихий экскурс. Конституциявий назоратнинг пайдо бўлиш манбалари. Конституциявий назоратнинг пайдо бўлиш мезонлари сифатида конституция деб номланувчи қонунларнинг вужудга келиши ҳисобланади. Конституциявий назорат конституцияларда белгиланган нормаларни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос кафолати бўлиши лозим¹.

¹ Конституциявий назорат пайдо бўлиши асосларининг тарихий тавсифи К.Ф. Гуценкодан олинган. Қаранг: Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. 2-е изд, испр. и доп. М., «Зерцало», ТЕИС, 1996, стр. 167—168, шунингдек, Конституционное право зарубежных стран в вопросах и ответах. Учебно-методическое пособие. Под ред. А.В.Малько. М., «Юристъ», 2003, стр. 46—50.

Конституциявий ҳуқуқ бўйича дарсликларда бошқа ҳуқуқ манбаларига нисбатан конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида конституциявий қонунийлик концепцияси асосида туриши белгиланган. Унга қўра, ҳар қандай қонун, шартнома, суд ёки давлат бошқарув органлари ҳужжатлари давлат конституциясига мос бўлиши керак. Агар давлат органлари томонидан чиқарилган норма конституцияга зид бўлса, унда ушбу норма юридик кучга эга бўлмайди ва қўлланилмаслиги лозим, чунки у ҳақиқий эмас деб тонилади¹.

Конституциявий назоратни қайси орган амалга ошириши кераклиги масаласи ҳал этилганда эътибор қонун чиқарувчи ҳокимият органларига қаратилган эди, чунки улар конституцияни қабул қилади ва қонун ижодкорлигида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бироқ, ижро этувчи органларнинг бу соҳадаги ҳаракатлари самарали деб тан олинарди. Бу ҳақида айрим давлатларда уларнинг раҳбарларига, уларнинг фикрича, имзолашга тақдим этилган қонун конституция талабларига жавоб бермаса, парламент томонидан қабул қилинган қонунларни имзолашни рад этиш ҳуқуқига (ушбу ҳуқуқ кўп ҳолларда ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган) эга эканлиги факти ҳам далолат беради.

Конституциявий «назорат» ҳужжатнинг конституцияга мослигини текширишдан иборат. Конституция қоидаларини бузувчи қонун ёки бошқа норматив ҳужжат аниқланганда конституциявий назорат органи уни бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Конституциявий назорат — бу давлатдаги суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг махсус тури бўлиб, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ушбу давлат конституциясига мос келишини текширишдан иборат. Конституциявий назорат тегишли давлат органлари (мансабдор шахслар) конституция қоидаларини бузувчи ҳужжатни аниқлаганда, ўз ҳокимиятлари орқали уни бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутати.

Қонун ҳужжатларининг конституция талабларига мослигини текшириш билан кўпчилик чет эл давлатларида ташкил этилган конституциявий назорат органлари, яъни махсус давлат институтлари шуғулланади. Конституцияга зид бўлган қонун ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилиниши, чиқарилишига йўл қўймаслик, конституция нормаларини бузадиган бундай қонун ва бошқа ҳужжатлар қонуний кучга кирган бўлса, уларнинг қўлланишини олдини олиш мазкур органларнинг мажбурияти саналади.

¹ *Қаранг:* Конституционное право зарубежных стран в вопросах и ответах. Учебно-методическое пособие. Под ред. А.В.Малько. М., «Юристъ», 2003, стр. 46.

Конституцияни ҳуқуқий ҳимоялаш чора-тадбирларини турли хил органлар амалга ошириши мумкин: давлат раҳбари, парламент, прокуратура, лекин ҳозирда кўпчилик давлатларда асосий функцияси конституциявий қонунийликни ушлаб туриш ва таъминлаш бўлган суд ёки махсус квазисуд (умумий юрисдикция судлар тизимига кирмайдиган) органлари ташкил этилган.

Айтиш керакки, ҳозирги тушунчадаги конституциявий назорат назарияси биринчи марта АҚШда пайдо бўлган. Чунончи, 1803 йилда федерал Олий суд давлатда қонун чиқарувчи ҳокимият органи томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай қонунлари АҚШ Конституциясига зид деб эълон қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олди. Бу эса Конституцияга зид бўлган қонунлар биринчи навбатда судлар томонидан қўлланилмаслиги кераклигини англатади. Шундай қилиб, конституциявий назоратни амалга ошириш билан давлат ҳокимиятининг учинчи ҳокимияти — ўзининг органлари бўлмиш судлар орқали суд ҳокимияти шуғуллана бошлади. Судлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қилинадиган ёки қилиниши лозим бўлганларни тўлдиришни бошлади. Бошқа давлатларда бундай назоратга нисбатан муносабат дастлаб жуда вазмин эди. Бугунги кунда ёзма конституциялар мавжуд бўлган деярли барча давлатларда бундай назорат амал қилади.

Ҳозирги вақтда конституциявий назорат қўйидаги органлар томонидан амалга оширилиши мумкин:

а) *Умумий юрисдикция судлари*. АҚШ, Аргентина, Дания, Мексика, Норвегия, Японияда суд иши вужудга келиши учун асос бўлган у ёки бу қонуннинг конституцияга мослиги ҳақидаги масала ҳар қандай инстанция суди томонидан қўйилиши мумкин. Бироқ, ушбу масала бўйича якуний қарор фақат энг юқори суд инстанцияси томонидан қабул қилиниши мумкин (масалан, АҚШ Олий суди).

Бир қатор давлатларда конституциявий назорат фақат мазкур давлатнинг энг юқори суд инстанцияси бўлмиш юқори суд томонидан амалга оширилади (масалан, Австралия, Боливия, Ҳиндистон, Ирландия, Канада, Филиппин, Швейцария, ЖАР);

б) Конституциявий назорат уларнинг асосий ёки ягона функцияси бўлган *махсус конституциявий судлар томонидан*. Бундай махсус суд органлари умумий юрисдикция судлари тизимига кирмайди. Улар парламент иштироки билан ҳам, унинг иштирокисиз ҳам ташкил этилиши мумкин (Австрия, ГФР, Италия, Испания, Туркия, Кипр, Болгария). Бундай тизим биринчи марта 1920 йилда Австрияда пайдо бўлган.

в) *Суд билан боғлиқ бўлмаган махсус орган томонидан* (масалан, Францияда таркиби президент ва парламент томонидан белгиланадиган Конституциявий кенгаш). Худди шундай тизим ай-

рим Африка давлатлари – собиқ француз мустамлакаларида вужудга келган.

Ислом давлатларида конституциявий назорат ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, Покистонда конституциявий назоратни амалга оширишга даъват этилган Олий суд билан бир қаторда яна икки орган мавжуд: ислом кенгаши (ҳуқуқий актларнинг Куръонга мослигини текширади) ва шариат суди (фуқароларнинг даъволарини, шу жумладан, фуқароларга тегишли бўлган ҳужжатларнинг шариатга зид келиши ҳақидаги даъволарни кўриб чиқди). Бундай органлар Эрон, Марокко, Малайзияда ҳам мавжуд.

Конституциявий назорат *объектлари* конституциявий ва оддий қонушлар, конституцияга тузатишлар, халқаро шартномалар, парламент ёки унинг палаталари регламентлари, ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўлиши мумкин.

Конституциявий назорат *субъектлари* у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституцияга мослигини текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга давлат органлари ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Мазмунига кўра, конституциявий назорат *формал* (қонун ва бошқа актларни қабул қилиш учун белгиланган процессуал қоидаларга риоя этилганлиги текширилади) ёки моддий (қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни конституцияга мослиги жиҳатидан текширилади), шунингдек, *абстракт* (муайян сабабсиз тегишли ваколатга эга субъект ташаббуси билан амалга оширилади) ёки *конкрет* (муайян бир суд иши бўйича амалга оширилади) бўлиши мумкин.

Ўтказиш вақти бўйича замонавий давлатлар амалиётида кейинги ва дастлабки конституциявий назорат ажратилади.

Кейинги конституциявий назоратда қонуний кучга кирган қонун ва бошқа ҳужжатлар текширилади (АҚШ, Италия, Германия). Конституцияга зид деб топилган қонунлар ёки уларнинг алоҳида қисмлари расман юридик кучини йўқотади.

Дастлабки конституциявий назоратда парламент муҳокамасида бўлган қонунлар текширилади. Бошқача қилиб айтганда, бунда қонуннинг Конституцияга мослигини у кучга киргунга қадар, унинг промульгациясига қадар, яъни давлат раҳбари томонидан эълон қилингунга қадар назорат тушунилади (Швеция, Франция, Финляндия).

Конституциявий юрисдикция органи низолашилаётган ҳужжатни тўла ёки қисман конституцияга зид ёхуд уни тегишли асосий қонунга мос деб тоиши мумкин.

Ўзбекистонда конституциявий назорат. Ўзбекистонда Конституциявий суд ташкил топиш тарихи 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат

тўғрисида»ги Қонун билан боғлиқ. Мазкур қонун давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини таъминлаш, шахс ва халқларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, жамиятнинг демократик асосларини ҳимоя қилиш мақсадларида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида конституциявий назоратни Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан раис, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшган ҳолда қўмитанинг 9 аъзоси таркибида сайланади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси раиси, раис ўринбосари, қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан ўн йиллик муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси шахсий таркиби бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси фаолиятининг изчиллигини таъминлаш мақсадида унинг таркиби ҳар беш йилда ярмига янгиланади. Янги сайланган Қўмита аъзолари улар сайланган кундан бошлаб, ўз вазифасини бажаришга киришади. Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига киритилган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган қонун ва бошқа ҳужжатлар; Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси мослигини текшириш масалаларини кўриб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунларига:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси қарор ва фармойишлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари;
- маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг қарорлари;

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор ва фармойишлари;

• ратификация ёки тасдиқлашга тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари;

• Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми раҳбарий тушунтиришлари;

• норматив тусга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош давлат арбитражи ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, асосан, устидан прокурор назорати амалга оширилмаган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари мос келиши устидан назоратни амалга оширад эди.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси назорат функциялари ҳукмлар ва бошқа суд қарорлари, тергов, прокуратура, фуқаролик, жиноят, маъмурий ва арбитраж ишлар бўйича давлат арбитражи органларининг қарорлари учун амал қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши топшириғи асосида – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари бўйича;

2) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари умумий сонининг бешдан бир қисмидан кам бўлмаган депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси таклифлари асосида – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши топшириғи асосида – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши топшириғи асосида – Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари бўйича;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши топшириғи, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари умумий сонининг бешдан бир қисмидан кам бўлмаган депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси таклифлари асосида – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг доимий комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси халқ назорати қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат арбитри, жамоат ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси республика даражасидаги органлари таклифлари асосида — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, асосан, устидан прокурор назорати амалга оширилмаган бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича киритилган масалаларни кўриб чиқар эди¹.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Конституциявий судни таъсис этиш заруратини назарда тутган эди. Давлатнинг Асосий Қонуни олий қонунчилик даражасида Конституциявий суднинг ташкил этишини белгилаб қўйди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, унинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди — қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг конституцияга мослиги ҳақидаги ишларни кўриб чиқувчи суд ҳокимияти органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди — Ўзбекистон тарихида биринчи суд томонидан амалга ошириладиган конституциявий назорат органидир. Айтиб ўтилганидек, ундан олдин 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясида таъсис этилган Конституциявий назорат қўмитаси фаолият кўрсатган. Конституциявий суднинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида эълон қилинган инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадини кўзлайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. Т., 1990, № 16—18, 289-модда.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция илк бор Конституциявий суд ваколатлари, уни ташкил этиш ва фаолият тартибини белгилаб берди. Чунончи, мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107—109-моддаларида тартибга солинган. Конституциянинг 107-моддасида суд тизими тuzилиши Конституциявий суддан бошланган.

Конституциянинг 108-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради ва шу орқали Конституциявий суд фаолиятининг асосларини аниқлайди. Конституциянинг 109-моддаси Конституциявий суд ваколатлари ва унинг фаолияти мазмуни ҳақида умумий тасаввурни мустаҳкамлайди.

Кейинги қонунчилик манбаи — 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»-ги Қонун Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи биринчи махсус қонун бўлди.

Амалга ошириалётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти давомида Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги янги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланишини белгилайди.

Уша йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлади. Унинг ваколати ва кундалик фаолияти энг муҳим конституциявий принциплардан бири бўлган суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақиллигини ўзида намоён этади. 1996 йил июл ойида Регламент кўринишида Конституциявий суднинг ироцессуал кодекси қабул қилинди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Олий Мажлиснинг Сенати томонидан 5 йиллик муддатга сайланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси). Қонун судьяликка номзодларга юқори талаблар кўйишини қайд этиб ўтиш лозим. Конституциянинг 108-моддасига, асосан, Конституциявий суд сийёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Ресубликасининг вакилидан иб-

¹ Мазкур ҳужжат эскирган. Амалдаги Регламент Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги 1-қарори билан тасдиқланган.

рат таркибда сайланади. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига кўра, сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси яқка тартибда сайланади. Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади. Судья Конституциявий суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда, Олий Мажлиснинг Сенати қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди. Конституциявий суд таркибидан камида тўрт киши сайланган тақдирда, суд ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Конституциявий суд таркибида етти нафар судья мавжуд: раис, унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикасидан судьяни қўшган ҳолда беш нафар суд аъзоси.

Чет эл давлатларида конституциявий судларнинг (кенгашларнинг) таркибий сони, одатда, унчалик кўп эмас: Мальтада — 3, Молдовада — 6, Франция, Руминия, Словения, Македония, Мўғилистонда — 9, Словакия, Чехияда — 10, Бразилия, Хорватия, Венгрияда — 11, Испания, Болгария, Польша, Бельгия, Эронда — 12, Португалия, Грецияда — 13, Австрияда — 14, Италияда — 15, Германияда — 16 нафар суд аъзоси мавжуд. Кўриб турганимиздек, тегишли давлат аҳолиси сони билан ҳеч қандай боғланишлар йўқ, худди шунингдек, судьяларнинг, албатта, тоқ сонига эришиш ҳам кўзга ташланмайди.

Конституциявий суднинг судьяларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий малака ёки Биринчи малака даражалари берилади. Биринчи бор Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланган шахс мазмуни қонун билан белгиланган қасамёд қилади («Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси). Конституциявий суднинг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилдиради.

Судьяликка номзодларга айтиб ўтилган талаблардан ташқари, қонун Конституциявий суд судьялиги билаи бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолият ва ҳаракатларни ҳам белгилаб қўйган. Хусусан, Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини бажарган вақтда депутатлик мандатига эга бўлиш, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга аъзолик, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш мумкин эмас. Шунингдек, судья ҳимоя ёки вакилликни (судда, хўжалик судида ва бошқа органларда қонуний вакиллик ҳоллари бундан мустасно) амалга ошириш, бирон-бир шахсларга

ҳуқуқларни қўлла киритиш ва мажбуриятлардан озод этиш билан боғлиқ ҳомийлик қилиш ҳуқуқига эга эмас. Кўрсатилган чекла-нишлар судьяларнинг ҳуқуқий позициялар «тозалигини» таъмин-лашга қаратилган. Бу аслида ишларни ҳал этиш ва ҳулосалар бе-ришда корпоратив ёки шахсий манфаатлар устунлигидан ёки Олий Мажлис депутатлари, сиёсий раҳбарлар ва бошқалар (лекин судья-лар эмас) амал қилиши мумкин бўлган амалий мақсадга муво-фиқлик мулоҳазаларидан кафолатлардир.

Конституциявий суд шаъни кодекси барча Конституциявий суд судьялари учун мажбурий бўлган ахлоқий характерга эга қоида-ларни ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига асосан, Конституциявий суд 5 йиллик муддатга сайланади. Кон-ституциявий суд доимий фаолият кўрсатувчи орган ҳисобланади. Унинг ваколатлари қонун билан белгиланган тартиб ва асосларга кўра тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

Конституциявий суд фаолияти тартиби унинг регламенти би-лан белгиланади, унда суд мажлисларида ишларни кўриб чиқиш навбатини аниқлаш тартиби; мажлисдаги интизом ва одобининг айрим қоидалари; судда иш юритишнинг хусусиятлари; суд дево-ни ходимларига қўйиладиган талаблар; Конституциявий суд ички фаолиятига доир бошқа масалалар ўз аксини топган.

Шундай қилиб, Конституциявий суд нима билан шуғулланади? Умумий ва хўжалик юрисдикция судларидан фарқли равишда Конституциявий суд Конституциянинг 109-моддаси ва «Ўзбекис-тон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси талабларига, асосан, ўз фаолиятини қўйидаги йўна-лишларда амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси дав-латлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекис-тон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

- Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбе-кистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишлар-ни кўриб чиқади.

Масалаларни кўриб чиқишда Конституциявий суд норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларни Конституцияга мослиги презумпциясидан келиб чиқади.

Бунда «Конституцияга мослиги» тушунчаси текширилаётган қонун матни бўйича ёки ўзининг мазмуни бўйича Конституцияда белгиланган қоидаларни такрорлаши кераклигини аниқлаш назарда тутилган. Қонун доимо Конституцияда назарда тутилмаган янгиликларни ўз ичига олади; у Конституция нормаларини тўлдирди ва ривожлантиради. Шунинг учун «Конституцияга мослиги» тушунчаси остида қонунда Конституция қоидаларига зид келадиган нормалар йўқлигини аниқлади. Аслини олганда гап қонуннинг Конституцияга мослигини аниқлаш мақсадида текшириш ҳақида бориши керак.

Конституциявий суд қонунни Конституция нормаларига зид деб топиши мумкин. Бундай қонунни бекор қилиш ва ўзгартиш, янги хуқуқий нормалар яратиш қонун чиқарувчи орган томонидан амалга оширилади. Кўриб турганимиздек, Конституциявий суднинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриб чиқиш фаолияти Конституция нормаларига шарҳлар бериш билан чамбарчас боғлиқ. Конституция нормаларига шарҳлар бериш орқали конституциявий нормаларнинг маъноси ва мазмунини тушунишда яхлитлик ва барқарорликка эришилади, чунки улар хуқуқий давлатнинг асосини ташкил этади ва бевосита қўлланилади.

● **Ёдда сақланг!** ●

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди юрисдикцияси расмий қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларга тегишлидир. Суд превентив (дастлабки) назоратни амалга оширмайди.

Бундан ташқари, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 83-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий суд конституциявий назорат ваколатини амалга оширишда норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини ўз ташаббуси билан (Конституциявий суднинг уч нафардан кам бўлмаган судьяси ташаббуси билан) текширишни қўзғатиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини белгилайди. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери;
- Олий Мажлис Сенати Раиси;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;
- Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;
- Олий суд раиси;
- Олий хўжалик суди раиси;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- Конституциявий суднинг камида уч нафар судьяси.

Ишларни кўриб чиқиш учун сабаб Конституциявий судга талаб, илтимоснома ёки шикоят шаклида мурожаат қилиниши саналади. Ишни кўриб чиқиш учун асос эса қонуннинг (Конституциявий суд томонидан Конституцияга мослиги текшириб бўладиган бошқа ҳужжат) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослиги ҳақидаги масалада пайдо бўлган номаълумлик ёки Конституция қоидаларини тушунишда пайдо бўлган номаълумлик ва қонунда кўрсатилган бошқа асослар бўлиши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида Конституциявий суд фаолиятининг асосий мазмуни:

- қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини, вазирликлар, марказий идоралар, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини текшириш мақсадида доимий ўрганиш;

- халқаро шартномалар ва келишувларнинг уларни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш мумкинлигини аниқлаш мақсадида ўрганиш;

- қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича Олий Мажлисга таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

- қонун лойиҳаларини ўрганиш ва улар бўйича мулоҳазалар бериш;

- Конституция ва қонун нормаларига шарҳлар бериш, уларни нотўғри тушуниш ва қўллаш ҳолатларини бартараф этиш;

- жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишда иштирок этиш;

- чет эл конституциявий судлари ва уларни ўрнини босувчи давлат органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ва ижобий қўллаш бўлди.

Охирги йилларда Конституциявий суд томонидан хусусий тадбиркорлар, банк омонатчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилган. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда Конституциявий суд Олий Мажлисга маъмурий, жиноят, фуқаролик, меҳнат, жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритган.

Конституциявий судга келиб тушадиган кўп сонли давлат органларининг талаб ва аризалари, фуқаро ва юридик шахсларнинг шикоятлари бозор иқтисодиёти, ягона иқтисодий майдонни ташкил топиш жараёнининг қийинчиликлари ва қарама-қаршиликлари билан боғлиқ.

Чунончи, «Elkolding» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Кузатувчи кенгаши Конституциявий судга йўллаган мурожаатида солиқ органлари томонидан солиқ қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда талқин этилмаётганлиги натижасида солиқ солиш масалаларида юзага келаётган қийинчиликлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандига шарҳ беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг рус тилидаги матнига, асосан, қўшилган қиймат солиғидан «китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмалар, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи реализация қилиниши» озод этилади.

Ушбу банднинг ўзбек тилидаги матнида рус тилидаги «оптовая реализация» сўзлари «улгуржи савдо» (оптовая торговля) деб белгиланган. Шундай қилиб, қўшилган қиймат солиғидан ўзбек тилидаги матнга, асосан, «улгуржи савдо» озод этилса, рус тилидаги матнга асосан эса «улгуржи реализация қилиш» озод этилмоқда.

Конституциявий суд Солиқ кодекси нормаларини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида «реализация қилиш» ва «савдо фаолияти» тушунчаларига таъриф берилганлигини аниқлаган. Унга мувофиқ:

- реализация қилиш – сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчи-га топшириш;

• савдо фаолияти — қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

«Улгуржи реализация қилиш» тушунчаси «улгуржи савдо» тушунчасидан кенгроқ бўлиб, ўз ичига улгуржи савдо, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш, айирбошлан, беғараз бериш ва бошқаларни қамраб олади.

Мазкур иш бўйича қарор қабул қилишда Конституциявий суд қўйидагиларга асосланган:

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар;

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши лозим.

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тиллари матнларидаги мавжуд номувофиқлик унинг амалда қўлланилишида хатоликларга олиб келаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг юқорида кўрсатилган нормаларига риоя этилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартириш киритиш заруратини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнидаги «савдоси» сўзи «реализация қилиниши» сўзлари билан алмаштирилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2008 йил 1 январгача амалда бўлган таҳририда ҳам айнан шу ҳолатни ўзида акс этган 71-моддаси 32-бандининг ўзбек тилидаги матнида «реализация қилиш» атамаси қўлланилган.

Баён қилинганларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни 10-, 25-, 26-, 27-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни 5-, 26-моддаларига амал қилган ҳолда Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тилларидаги матнларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-мод-

даси 35-бандининг ўзбек тилидаги матнига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишга қарор қилди¹.

Бошқа ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги ишни очиқ мажлисда кўриб чиқди. Масала Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директори В. Тянининг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директори В. Тян Конституциявий судга йўллаган мурожаатида боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддаси нормалари бир хилда эмаслигини таъкидлаб, ушбу нормаларнинг қайси бири амалиётда қўлланилиши лозимлиги юзасидан тушунтириш беришни сўраган.

Ишни кўриб чиқиш давомида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг боқувчи ўлими муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи нормаларида фарқ мавжудлигини аниқлади ва бу ҳолат ушбу нормаларнинг амалиётда қўлланилишида жиддий қийинчиликларга олиб келади деган хулосага келди.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг юқорида кўрсатилган нормаларига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқаришини ўз қароридан кўрсатди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар йигирма уч ёшга етгунга қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартириш киритиш лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2009 йил 5 февралдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплам. Т., 2009, № 6, 54-модда.

Конституциявий суд ўз қарори билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг бешинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишга қарор қилди¹.

Фуқаролар муурожаатлари борасидаги иш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги 6-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилишини айтиб ўтиш лозим.

Низом фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига муурожаатларини (ариза, шикоят ва таклифлар) кўриб чиқиш тартибини белгилайди. Низомда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фуқаролар муурожаатлари билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунларга амал қилиши белгиланган.

Низомда фуқароларнинг Конституциявий судга муурожаатлари билан ишлаш тартибини умумий қоидалари назарда тутилган, кўриб чиқиш Конституциявий суднинг ваколатига кирадиган фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш ва Конституциявий суднинг ваколатига кирмайдиган фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш тартиблари ажратилган.

Конституциявий судга келиб тушган муурожаатлар Конституциявий суднинг махсус китоб ва карточкаларида рўйхатга олинади ҳамда кўриб чиқиш ва бажарувчиларни аниқлаш учун Конституциявий суд раисига, унинг йўқлигида эса Конституциявий суд раиси ўринбосарига тақдим этилиши умумий қоидаларда белгиланган.

Фуқаролар муурожаатлари Конституциявий суд судьялари, катта мутахассислари ва мутахассислари томонидан кўриб чиқилади, муурожаатлар бўйича тайёрланган жавоб хатлар матнлари маъқулланганидан кейин Конституциявий суд раиси томонидан, унинг йўқлигида эса Конституциявий суд раиси ўринбосари томонидан имзоланади ва тегишли манзилга йўллаш учун 1-тоифали котиб-иш юритувчига берилади. Муурожаатлар бўйича тайёрланган жавоб хатнинг иккинчи нусхасига бурчагида санани кўрсатган ҳолда бажарувчи имзо чекади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2008 йил 15 октябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 44–45, 446-модда.

Конституциявий судда ҳал этилиши унинг ваколатларига кирадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни 1-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатлари бевосита ўрганилади. Улар қуйидаги мазмунга эга бўлиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган, қонунлар ёки Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартнома ва бошқа мажбуриятларни олиниши натижасида ўрнатилган ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида;

б) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ эмаслиги ҳақида;

в) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳлар бериш ҳақида.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ишни ташкил этиш Конституциявий суд котибияти мудирлари томонидан амалга оширилади.

Кўриб чиқиш — Конституциявий суднинг ваколатига кирадиган фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига йўлланган фуқаролар мурожаатларида Низомнинг I бўлими 1.5-бандида кўрсатилган мазмунга эга бўлган маълумотлар ёки талаблар акс эттирилган бўлса, улар Конституциявий суд раиси ёки раисининг ўринбосари топишига мувофиқ, масалани Конституциявий суд кўриб чиқиши учун тайёрлаш ва киритиш мақсадида, Конституциявий суднинг судьялари томонидан ўрганиб чиқиши лозим.

Мурожаатни Конституциявий судда кўриб чиқиш зарурати тан олинганда бу ҳақда 10-кунлик муддат ичида муаллиф хабардор қилинади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни 20-моддасига биноан, Конституциявий судда тегишли материал олинган пайтдан бошлаб, кечи билан уч ой ичида кўриб чиқиладиган масала юзасидан қарор қабул қилинади.

Конституциявий суд ваколатига кирадиган масалаларни ўз ичига олган фуқаролар мурожаатини ўрганиб чиқаётган Конституциявий суд судьяси қуйидагиларга ҳақли:

- мурожаат йўллаган фуқарони кўриб чиқиладиган масалага аниқлик киритиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун чақириш;

• Конституцияга қанчалик мослиги шубҳа остига олинаётган қонун ҳужжатининг ижро этилиши амалиётини таҳлил қилиш;

• Конституцияга мослиги шубҳа остига олинаётган қонун ҳужжати ижросини таъминлаётган тегишли ваколатга эга ташкилот вакиллари таклиф этиш;

• тегишли органлар ва мансабдор шахслардан кўриб чиқиладиган иш бўйича керакли қўшимча маълумотларни талаб қилиш.

Ўрганиб чиқилган мурожаат тўғрисида хулоса Конституциявий суд судьяси томонидан Конституциявий суд мажлисига киритиш учун тайёрланади ва Конституциявий суд раисига ёки унинг ўринбосарига тақдим этилади.

Ушбу иш бўйича судьянинг хулосаси Конституциявий суд икки ёки ундаи ортиқ судьяси томонидан маъқулланиши Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига биноан, Конституциявий суд мажлисига кўриш учун киритилиши мумкин.

Кўриб чиқиш — Конституциявий суднинг ваколатига кирмайдиган фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби. Кўриб чиқиш Конституциявий суднинг ваколатига кирмайдиган фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Агар Конституциявий судга келиб тушган фуқаролар мурожаатларида бошқа давлат органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ваколати доирасига кирувчи масалалар қўйилган бўлса, мурожаат Конституциявий суд раҳбарияти билан келишган ҳолда 5 кунлик муддат ичида уни кўриб чиқиш топширилган аппарат ходими ёки судья томонидан имзоланади ва тегишлилиги бўйича йўлланади, бу ҳақда муаллиф хабардор қилинади.

Низомда мурожаатларни бошқа давлат органларида кўриб чиқиш учун ёки қарори ёки ҳаракати устидан шиоят қилинган давлат органлари ёки мансабдор шахсларига асоссиз йўллаш ман этилганлиги белгиланган. Агар тегишли муассаса ёки органларга мурожаатни йўллаш учун етарли асослар мавжуд бўлмаса, бундай мурожаат 5 кунлик муддат ичида асосланган тушунтириш хати билан фуқарога қайтарилди.

Айтиш керакки, Конституциявий суд девонида фуқаролар мурожаатлари ҳисоби юритилади. Мурожаатлари ўрганиш натижалари бўйича Конституциявий суднинг йиллик ва ярим йиллик мажлисига ёзма ҳисобот тақдим этилади. Мурожаатлар борасидаги иш тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим:

• фуқаролар ўз мурожаатларида қандай мазмундаги муаммоларга кўпроқ эътибор қаратишади;

- кўпчилик мурожаат муаллифлари аҳолининг қайси тоифасига киради;

- мурожаатларда қайси органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари кўпроқ шикоят қилинади;

- мурожаатларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари Конституцияга зид эканлигини тасдиқловчи далиллар мавжудлиги.

Юқорида баён этилганлар билан бир қаторда ёзма хулосада фуқароларни Конституциявий судга мурожаат қилишга мажбур этган бошқа ҳолатлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни 8-моддаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг конституциявий назоратнинг Европа модели қабул қилиши республика Конституциявий суди халқаро алоқалари йўналишини белгилайди. Германия Федератив Республикасининг Федерал конституциявий суди, Франциянинг Конституциявий кенгаши, Польшанинг Конституциявий трибунали, Чехия, Словакия, Россия, Украина, Арманистон, Грузия, Озарбойжон ва бошқа давлатларнинг конституциявий судлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Европа Конституциявий судлар конференциясининг доимий кузатувчиси мақомини олди. Кўп чет эл давлатлари Конституциявий судлари делегациялари Ўзбекистон Конституциявий судига ташриф буюришади.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди конституция ва унинг устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш органи сифатида ўз ўрнини топганидан далolat беради.

9.3. Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари

Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги.

(«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ташкил этиш ва фаолияти принциплари бошқа судлар фаолиятини ташкил этиш асосига қўйилган одил судловнинг демократик принциплари билан кўп ўхшаш жиҳатларга эга. Шу билан бирга, Конституциявий суд фаолияти (вазифалари) ўзига хослигидан келиб

чиққан ҳолда бир қатор хусусиятлар ҳам мавжуд. Бу «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси учинчи қисмига биноан, Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этиши ва ҳулосалар бериши билан шартланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўз ваколатларини амалга ошириш давомида ҳар қандай қонун талаблари билан эмас, балки Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун талабларига амал қилади.

Умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари фаолиятини ташкил этишга хос бошқа принципларнинг йўқлиги, Конституциявий суд одил судловни эмас, юқорида айтиб ўтилганидек, конституциявий назоратни амалга ошириши билан тушунилади. Конституциявий суд фаолияти принципларини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик принципи. Судья ўзининг фаолияти ва ҳуққи билан мансабдор шахсларда ва фуқароларда Конституцияга ҳурмат муносабатиини шакллантиришга кўмаклашиши ва қонунга итоаткорлик намунаси бўлиши керак. Судья ҳар доим ва ҳамма жойда ўзини шуидай тутиши керакки, жамиятда Конституциявий суд холислиги ва мустақиллигига ишонч тўғдириши лозим.

Мустақиллик принципи. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида Конституциявий суд ҳамда унинг судьялари ўз фаолиятларида мустақил ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунитиши белгилаб қўйилган.

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари, сиёсий мойиллигидан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар. Конституциявий суднинг фаолиятига аралашитишга йўл қўйилмайти ва бундай аралашитиш қонунга биноан, жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Конституциявий суднинг мустақиллиги Конституциявий суд аъзоларининг сайлаш ва вазифасидан озод этишнинг қонунда белгиланган тартиби, судьяларнинг дахлсизлиги, суд ваколатларига кирадиган иш ва масалаларни ҳал этишнинг юридик процедуралари, қарор қабул қилишда судьяларнинг маслаҳатлашуви, Конституциявий судга ҳурматсизлик ёки унинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик, Конституциявий суд фаолиятининг зарур ташкилий-техник шароитларини яратиш, шунингдек, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти билан таъминланади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни бир-бирига боғлиқ бўлган Конституциявий суд ва унинг

судьялари мустақиллиги кафолатларини назарда тутади. Конституциявий суд судьялари, худди суднинг ўзи сингари ҳеч қандай давлат ва жамоат органлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, давлат, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, давлат тузилмалари, ҳудудлари, ижтимоий гуруҳлари вакиллари бўла олмайди.

Конституциявий суд судьялари уларнинг хоҳиш-истаклари эркинлигига ташқи таъсирни истисно қиладиган шароитларда ишларни ҳал этади ва ҳулосалар беради. Улар у ёки бу давлат ва жамоат органлари, мансабдор шахслардан кўрсатмалар сўрамаслиги ва олмаслиги лозим. Суд қарорларига келадиган бўлсак, улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси аниқ мазмунига мувофиқ, амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазалари ва сиёсий мойиллигидан холи бўлган судьяларнинг ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайди.

Шунингдек, Конституциявий суд фаолиятига ҳам ҳеч қандай аралашишга йўл қўймаслик лозим. Бундай аралашишга йўл қўйилган ҳоллар қонун билан белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари даврида амалтирилмаслиги ҳам уларнинг мустақиллиги кафолатидир. Судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартиб ҳамда асослардан ўзга тарзда тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмас (17-, 18-моддалар). «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун Конституциявий суд судьяси ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш асосларини батафсил тартибга солади. Қонуннинг 16-моддаси Конституциявий суд судьясининг жиноий ва маъмурий юрисдикциядан дахлсизлигини (иммунитетини) белгилайди.

Конституциявий суднинг судьяси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек, ҳибсга олиниши мумкин эмаслиги қонунда алоҳида белгиланган. Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек, шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини қўздан кечириш мумкин эмас.

Коллегиаллик принципи. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш камида тўрт судьядан иборат таркибда коллегиал амалга оширилиши белгиланган. Қарор фақат суд мажлисида ишни кўриб чиқишда иштирок этган судьялар томонидан қабул қилинади. Конституциявий ишлар бўйича судлов ишини юритишнинг коллегиаллиги

принципи ишларни кўриб чиқишда халқ вакиллари ни жалб қилиш ни назарда тутмайди, чунки Конституциявий суд қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалалар уни кўриб чиқишда ишги-рок этишга ишонч билдирилганлардан ҳуқуқ соҳасида чуқур про-фессионал билимлар талаб этилади.

Ошкоралик принципи Конституциявий суднинг мажлислари қоида тарзида, очиқ ўтказилишида ифодаланлади.

Судьялар ҳуқуқлари тенглиги принципи Конституциявий суд томонидан масалаларни кўриб чиқиш ва кўриб чиқиладиган маса-лалар бўйича овоз беришда раис, раис ўринбосари ва Конститу-циявий суднинг аъзолари судьялар сифатида тенг ҳуқуқларга эга-лигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, Конституциявий суд-да масалаларни кўриб чиқиш тарафларнинг хизматдаги мавқеи, бўйсунуши ҳамда турган жойидан қатъи назар, қонун ва суд ол-дида тенглиги асосида амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»-ги Қонуннинг 4-моддаси асосий принциплар сифатида фақат юқорида кўриб чиқилган принципларни кўрсатиб ўтишга қара-май, бизнинг фикримизча, бундай принциплар сифатида қуйи-дагиларни ҳам айтиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз: Конституция-вий суд регламентида ўз аксини топган *норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатларнинг конституциявийлиги презумпцияси; конституциявий судлов тили.*

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги презумп-цияси. Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кон-ституциявийлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда Ўзбе-кистон Республикасининг қонунлари, давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шу-нингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг конституциявийлиги презумпциясига асослани-шини англатади.

Конституциявий судлов тили. Конституциявий судда ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси давлат тилида амалга ошири-лади. Давлат тилини билмайдиган мажлис иштирокчилари ўз она тилида сўзга чиқишлари ва тушунтиришлар беришлари ҳамда тар-жимон хизматидан фойдаланишлари мумкин. Суд мажлисини тар-жимон билан таъминлаш вазифаси Конституциявий суд девони-нинг котибияти зиммасига юкланади.

Конституциявий суд қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот-лар ва жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, расмий ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш, улар томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ҳақидаги талаблари йўлланган барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий.

9.4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг ташкил этилиши асослари

Умумий қоидалар. Конституциявий судда иш юритишнинг асосий қоидалари «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19—28-моддалари билан тартибга солинган. Конституциявий суд фаолияти тартиби унинг регламенти билан белгиланади¹.

Қонун нормаларига кўра, агар олинган материаллар қўйилган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд улар олинган кундан эътиборан, етти кунлик муддатдан кечиктирмай, масалани ўрганиб чиқишга киришади. Конституциявий судда тегишли материал олинган пайдан бошлаб, кечи билан уч ой ичида кўриб чиқилаётган масала юзасидан қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини ташкил этилишини тавсифлашда ушбу суд раиси эгаллайдиган масъулиятли вазифани алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Конституциявий суднинг раиси:

- Конституциявий суднинг ишига раҳбарлик қилади, судьялар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- Конституциявий суд мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
- Конституциявий суд девонининг таркибий тузилишини ва штат жадвалини тасдиқлайди;
- Конституциявий суднинг девони ишига умумий раҳбарликни амалга оширади, девон ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;
- девон ходимларини рағбатлантириш чораларини кўради ва жазолаш чораларини қўллайди;
- Конституциявий суднинг ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлайди;
- Конституциявий суднинг ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажаради;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги 1-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди регламенти. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ахборотномаси. Т., 2004, ўнинчи нашр.

- Конституциявий суднинг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан фармойишлар чиқаради;

- суд мажлисига тайёргарлик кўришга умумий раҳбарликни амалга оширади.

Суд мажлисларини тайёрлаш бўйича ишларни Конституциявий суд **котибиятининг мудир**и амалга оширади, у:

- ишни кўриб чиқишга тайёрлаш юзасидан Конституциявий суднинг раиси томонидан белгиланган муддатларга риюя этилиши бўйича Конституциявий суд девонни фаолияти ва тайёргарлик жараёни устидан назоратни амалга оширади;

- Конституциявий суд томонидан кўриб чиқиляётган иш юзасидан хулосалар бериш тўғрисидаги таклифлар режаси лойиҳасини тузади, уни суд кўриб чиқиши учун тақдим этади;

- Конституциявий суд тасдиқлаган режани девон ходимларига тарқатади;

- Конституциявий суд раиси масалани судда кўриб чиқишга киритиш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин уч кундан ошмаган муддатда ишни ва унга илова қилинган материалларнинг нусхаларини судьяларга тарқатади;

- Конституциявий суднинг навбатдаги мажлиси кун тартибинини судьяларга ва иштирокчиларга тарқатади;

- Конституциявий суд мажлиси ўтказилишини техник ва ташкилий жиҳатдан таъминлайди, шу жумладан, мажлис иштирокчиларини рўйхатдан ўтказди, хавфсизликни таъминлаш бўйича чораларни кўради;

- Конституциявий суд мажлисларида баённома юритишни ташкил этади.

Конституциявий судда ишларни юритиш. Конституциявий суд конституциявийлиги шубҳа туғдирган кўриб чиқиляётган муайян масалалар юзасидангина тўхтамга келади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, бир вақтнинг ўзида текширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи Конституциявий суд қараб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлса-да, тўхтамга келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни билан назарда тутилган Конституциявий суд вазифаларини рўёбга чиқариш, ваколатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида суд интизоми ва одоби қоидалари, иш юритиш хусусиятлари, ходимларга қўйиладиган талаблар ва Ўзбекистон Республикаси Консти-

туциявий суди фаолиятини ташкил этиш тартибига оид бошқа масалалар унинг регламенти¹ билан белгиланади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг конституциявийлиги презумпциясига асосланади.

Масалаларни кўриб чиқишда Конституциявий суд тарафларнинг далил-исботларига боғланган эмас. Конституциявий суд тақдим этилган материаллар, тушунтиришлар ва кўрсатувлар билан чекланиб қолмай, иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текширилиши, тарафларнинг, бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, улар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни лозим даражада бажаришлари учун барча чораларни кўриши шарт.

Конституциявий суд хулосалар бериш ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш тарафларнинг хизматдаги мавқеи, бўйсунуши ҳамда турган жойидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади. Аввал айтилганидек, Конституциявий судда ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси давлат тилида амалга оширилади.

Конституциявий суд мажлиси иштирокчилари. Конституциявий суд мажлисида ҳозир бўлган шахслар процесс иштирокчилари деб номланади.

Тарафлар, тарафларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар — Конституциявий суд мажлисининг **иштирокчилари** ҳисобланадилар.

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Адлия вазирини қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги 1-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди регламенти.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисида таклиф билан мурожаат этган ташаббускорлар, шунингдек, конституциявийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни чиқарган, халқаро шартномани тузган органлар, мансабдор шахслар конституциявий судловда *тарафлар* ҳисобланади. Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган тарафлардан бири ёки унинг вакили Конституциявий суд мажлисига келмаслигининг ўзи, масаланинг кўриб чиқилишига ва унинг юзасидан қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмайди.

Тарафлардан бири ёки унинг вакили суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида билдириш хатини олмаганлиги ёки ўз вақтида олмаганлиги оқибатида Конституциявий суднинг мажлисига келмаган тақдирда ёхуд тараф билдириш хатини олганлиги ҳақида маълумотлар бўлмаса, агар тараф тегишли масалани кўриб чиқишда ўзининг иштирок этиш нияти борлигини билдирган бўлса, суд мажлиси кейинга қолдирилиши лозим. Судда масалани кўриш, иккала тараф келмаган, уларнинг келмаганликлари сабаби судга номаълум бўлган ҳолларда ҳам кейинга қолдирилиши мумкин.

Тарафларнинг вакиллари – бу Конституциявий судда тарафлар томонидан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш топширилган шахслар. Суд мажлисида тарафларнинг вакиллари сифатида адвокатлар, мутахассислар ва тараф (тарафлар) томонидан уларнинг ваколатлари кўрсатилган ҳолда берилган ишончнома асосида бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Конституциявий судда лавозими бўйича қўйидагилар тарафларнинг вакиллари бўлишлари мумкин: таклифни киритган органнинг раҳбари, конституциявийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни чиқарган, халқаро шартномани тузган органларнинг раҳбарлари, мансабдор шахслари.

Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар. Конституциявий суд мажлисига зарур маълумотлар ёки материалларга эга бўлган шахслар, экспертлар ва мутахассислар чақирилиши мумкин. Уларга ўз нуқтаи назарини фаол ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқлар берилади.

Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонун ҳужжатларига мувофиқ харажатлар ва ҳақ тўланади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд томонидан чақирилган гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларнинг келиши шарт.

Улар келмаган ҳолларда Конституциявий суд қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар йўқлигида ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисида;

2) гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар келмаганлигининг оқибатларини ҳал қилиш масаласини иш материалларини текшириш тугаллангунга қадар кейинга қолдириш ва масаланинг моҳияти бўйича кўриб чиқиш бошланиши тўғрисида;

3) суд мажлисида танаффус эълон қилиш ва гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар келишини таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида;

4) агар келмаган гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар йўқлигида ишни тўғри ҳал этишнинг имкони бўлмаса, ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш тўғрисида.

Давлат тилини билмайдиган мажлис иштирокчилари ўз она тилида сўзга чиқишлари ва тушунтиришлар беришлари ҳамда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин. Суд мажлисини таржимон билан таъминлаш вазифаси Конституциявий суд девонининг тегишли бўлинмаси зиммасига юкланади.

Суд мажлисининг барча иштирокчилари ва мажлис залида ҳозир бўлган бошқа шахслар Конституциявий судга ҳамда суд интизоми ва одобининг белгиланган қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, раислик қилувчининг мажлис тартибига риоя этиш ҳақидаги кўрсатмаларига сўзсиз итоат этишлари шарт.

Конституциявий суд мажлисининг тартибини бузиш, раислик қилувчининг мажлис тартибига риоя этиш ҳақидаги кўрсатмаларига бўйсунмаслик, Конституциявий судда қабул қилинган қоидаларни менсимаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Конституциявий суднинг мажлисини кейинга қолдириш. Конституциявий суднинг мажлиси қуйидаги ҳолларда кейинга қолдирилиши мумкин:

1) агар Конституциявий суд кўриб чиқилаётган масалани етарлича тайёрланмаган деб топса;

2) тарафлар ёки бир тарафнинг, гувоҳ ёки экспертнинг келмаганлиги сабабли, агар уларнинг йўқлиги ишнинг тўғри ҳал этилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса;

3) талаб қилинган материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги сабабли, агар улар ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун жиддий аҳамиятга эга бўлса;

4) агар масалани кўриб чиқишни кейинга қолдиришни судьялардан бирортаси, тарафлар ёки тараф, уларнинг вакиллари қатъий талаб қилса, улар келтирган важларни Конституциявий суд асосли деб топса;

5) судьялардан бирортасининг йўқлиги, мажлис вақтида касал бўлиб қолганлиги туфайли, Конституциявий суд мажлисида кворум бузилган бўлса;

б) суд мажлиси нормал давом этишига ёки масала ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилишига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, агар бу ҳолатлар Конституциявий суднинг мажлисини тўхтатиб туриш имконини берадиган муддатларда бартараф қилиниши мумкин бўлмаса.

Конституциявий суднинг мажлисини кейинга қолдириш тўғрисидаги қарор мажлисда қатнашаётган судьяларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлисни кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Конституциявий суд томонидан ҳозир бўлган экспертлар, мутахассислар ва гувоҳлар эшитилиши мумкин.

Кейинга қолдирилган ишни Конституциявий суд томонидан кўриб чиқиш, уни кейинга қолдиришга асос бўлган ҳолатлар йўқотилганидан сўнг давом эттирилади. Бунда Конституциявий суднинг мажлиси, қоида тариқасида, тўхтатилган жойидан бошланади. Эшитиб бўлинган экспертлар, мутахассислар ва гувоҳлар фақат зарур ҳолларда қайтадан чақирилади.

Ишни юритишни тўхтатиб туриш. Конституциявий суд тарафлардан бирининг илтимосига биноан, бошқа тараф тақдим этган материалларни қўшимча ўрганиш учун, шунингдек, масалани кўришнинг нормал боришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар пайдо бўлган ҳолларда ишни юритишни тўхтатиб туриши мумкин.

Тўхтатиб турилган иш юритиш уни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар йўқолганидан сўнг тарафларнинг илтимосига ёки судьяларнинг ташаббусига биноан, Конституциявий суд томонидан қайтадан бошланади. Бир масалани кўришнинг тўхтатиб турилиши Конституциявий суд бошқа масалаларни кўришига тўсқинлик қилмайди.

Ишни кўриб чиқишни тугатиш асослари. Конституциявий суд мажлисида ишни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

1) Конституциявий суд мажлисига таклиф киритган субъект талабларидан воз кечиб, ўз таклифини чақириб олса;

2) айнан муҳокама қилинаётган масала бўйича Конституциявий суднинг қонуний кучга кирган қарори мавжудлиги аниқланса;

3) конституциявийлиги Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки муайян норма суд ишни кўриб чиқишни бошлагандан сўнг ўз кучини йўқотган ёки бекор қилинган бўлса;

4) Конституциявий суднинг мажлиси давомида масалани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш учун асослар аниқланган тақдирда;

5) Конституциявий суднинг мажлиси давомида конституциявийлигини текшириш таклиф этилаётган қонун ёки бошқа нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжат билан ҳал қилинадиган масала Конституцияда ўз ечимини топмаганлиги ёки ўзининг моҳияти бўйича конституциявий масалалар қаторига кирмаслиги аниқланса.

Конституциявий суднинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг наشري бўлади.

Қонунда Конституциявий суд судьялари судлов ишини маҳсус кийимда олиб бориши назарда тутилган.

Конституциявий суд фаолияти муайян кетма-кетликда амалга оширилади. Шартли равишда бу жараён қуйидаги босқичларга бўлиниши мумкин.

I. Конституциявий судга мурожаат этиш. Конституциявий судлов механизми ишлаши учун тегишли сабаб ва асослар мавжуд бўлиши керак. Ишни кўриб чиқиш учун сабаб Конституциявий судга мурожаат этиш ҳисобланади. Конституциявий судга мурожаат қилиш икки турга бўлиниши мумкин: 1) Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг мурожаатлари ва 2) фуқаролар мурожаатлари.

Қонуннинг 19-моддасида Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати келтирилган. Эслатиб ўтамиз, уларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳужалик судининг раиси ва Бош прокурори киради. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги 6-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинган¹.

Конституциявий судга 1-гуруҳ мурожаатлари расмий талаб ёки илтимоснома шаклида, 2-гуруҳ мурожаатлари эса фақат ариза, таклиф ёки шикоят шаклида тақдим этилиши мумкинлигига эътиборни қаратиш лозим.

¹ Қаранг: 9.2-банд.

II. Суд мажлисига тайёргарлик кўриш. Конституциявий суднинг раиси суд мажлисига тайёргарлик кўришга умумий раҳбарликни амалга оширади.

Конституциявий суднинг раиси тушган масалалар юзасидан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- а) ишни суд кўриб чиқиши учун қабул қилиб олиш тўғрисида;
- б) ишни дастлабки ўрганиш учун ижро этиш муддатини кўрсатган ҳолда бир судьяга ёхуд Конституциявий суд экспертларига топшириш тўғрисида;
- в) масала чақириб олинган тақдирда уни қайтариб юбориш тўғрисида.

Ишни кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин Конституциявий суднинг раиси ишни суд мажлисида кўришга тайёрловчи маърузачи судьяни тайинлайди ва ишни ниҳоясига етказиш учун, қоида тариқасида, материаллар Конституциявий судга келиб тушган кундан бошлаб, икки ойдан ошмаган муддатни белгилайди. Конституциявий суднинг раиси кўриб чиқиляётган масаланинг ўта мураккаблиги муносабати билан белгиланган муддатни бир ойдан ортиқ бўлмаган вақтга узайтириши мумкин.

Маърузачи судья ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра (касаллиги, меҳнат таътилида, хизмат сафарида бўлиши), суд мажлисида ўзига топширилган иш юзасидан маълумот бера олмаса, бу ҳақда сабабини аниқ кўрсатиб, Конституциявий суднинг раисига ёзма маълумот беради, шундан сўнг Конституциявий суд раиси бошқа маърузачи судьяни тайинлайди. Маърузачи судья якунловчи қарор лойиҳасини тайёрлайди.

Конституциявий суднинг раиси иш материалларининг Конституциявий судда кўриб чиқиш учун тайёрлиги тўғрисида маърузачи судьянинг маълумотини эшитгач, суд мажлисига таклиф этилиши лозим бўлган шахслар доирасини белгилайди, мажлис жойи ва вақти тўғрисида, шунингдек, зарур материалларни мажлис иштирокчиларига юбориш ва судьяларга топшириш тўғрисида фармойишлар беради.

Конституциявий судга масалаларни киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилган, тўхтамга келиниши лозим бўлган барча масалалар Конституциявий суд раиси томонидан Регламентнинг 11-моддаси 6-бандига, асосан, суд мажлиси муҳокамасига киритилади. Конституциявий суднинг мажлиси регламентда белгиланган қоидалар ва тартибларга риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Конституциявий суднинг мажлислари раис томонидан, у йўқлигида — Конституциявий суд раисининг ўринбосари томонидан, Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари йўқли-

гида ёки улар ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганларида — Конституциявий суднинг энг катта ёшли судьяси томонидан чақирилади.

Конституциявий суднинг судьялари навбатдаги мажлис вақти ва жойи ҳақида суд мажлиси бошланишидан камида ўн кун олдин хабардор қилинадилар. Айни вақтда уларга мажлиснинг кун тартиби ва ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар топширилади.

• Ёдда сақланг! •

Конституциявий судда кўриш учун киритилаётган масалага қўйилаётган талаблар

Масала «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунинг 19-моддасига мувофиқ, Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилган бўлиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги иш материаллари қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

1) текширилиши лозим бўлган халқаро шартнома ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, у эълон қилинган манбалар тўғрисидаги маълумотлар;

2) масаланинг Конституциявий судда кўриб чиқилиши учун асослар;

3) тарафнинг фикри, қонун ҳужжатларининг тегишли нормалари кўрсатилган ҳолдаги унинг ҳуқуқий асосланиши;

4) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

III. Ишни Конституциявий судда кўриш. Иш Конституциявий суд томонидан, қоида тариқасида, судьяларнинг айнан битта таркиби томонидан кўриб чиқилади. Конституциявий суднинг мажлисида битта ёки бир неча масала кўрилиши мумкин. Ҳар бир масала юзасидан алоҳида қарор қабул қилинади.

Конституциявий суднинг мажлисида Конституциявий суднинг раиси, у йўқлигида ёки унинг топшириғи бўйича — Конституциявий суд раисининг ўринбосари, раис ва унинг ўринбосари бўлмаган тақдирда ёки улар ўз вазифаларини бажаришларига имконият бўлмай қолганда — Конституциявий суднинг энг катта ёшли судьяси раислик қилади.

Раислик қилувчи Конституциявий суднинг мажлисига бошчилик қилади. Унинг суд залида тартибни сақлаш тўғрисидаги кўрсатмалари мажлиснинг барча иштирокчилари ва мажлислар залида ҳозир бўлган бошқа шахслар учун мажбурийдир.

Раислик қилувчи:

- тарафларга ва уларнинг вакилларига ишнинг барча ҳолатлари бўйича тушунтиришлар бериш, ўз далилларини асослаш ва бир-бирларига ўзларининг нуқтаи назарларини аниқлаш ва равишанлаштириш мақсадида саволлар бериш учун тенг имкониятлар яратиш;

- суд томонидан экспертларнинг оғзаки ва ёзма хулосаларини текшириш ҳамда баҳолаш;

- мутахассисларнинг фикрларини, иш бўйича судга чақирилганларнинг кўрсатмаларини эшитиш;

- тарафларга ва суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига кўриб чиқиладиган ишнинг ҳолатлари бўйича экспертларга, мутахассисларга ва гувоҳларга саволлар билан мурожаат этиш имкониятини бериш;

- тарафлар ва суд мажлисининг бошқа иштирокчилари тақдим этган, шунингдек, суд талаб қилиб олган ҳужжатларни Конституциявий суд томонидан кўриб чиқиш;

- суд муҳокамасининг боришини ва натижаларини қайд этиш йўли билан кўриб чиқиладиган масала бўйича ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолис муҳокамани таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўради. Раислик қилувчи кўриб чиқиладиган масалага алоқасиз барча нарсаларни иш бўйича муҳокама жараёнида бартараф этади.

Раислик қилувчи Конституциявий суд судьяларининг маслаҳатхонадаги маслаҳатлашувига раҳбарлик қилади, бунда судьяларга ўз фикрларини эркин ва монеликсиз билдириш имкониятини яратади.

Тайёрлов қисми. Суд мажлиси учун тайинланган вақтда Конституциявий суд судьялари мажлис залига киради ва ўз жойларини эгаллайди. Суд мажлиси котиби суд мажлиси иштирокчиларини судьялар мажлис залига кириб келаётганлиги (ундан чиқиб кетаётганлиги) ҳақида огоҳлантиради ва уларни ўрнидан туришларини сўрайди. Раислик қилувчи суд мажлисини очади, Конституциявий суд таркибини, қандай масала кўриладиганини эълон қилади, ким ишда эксперт, мутахассис, таржимон сифатида иштирок этаётганини маълум қилади.

Кейин котиб иштирокчиларнинг келган-келмаганлиги ҳақида маълумот беради, келмаган шахсларга билдириш хатлари ўз вақтида топширилганини ёки топширилмаганини, келмаганлигининг сабабларини маълум қилади.

Суд мажлисига тарафлар (тараф) ёки уларнинг вакиллари келмаган тақдирда, Конституциявий суд иш бўйича муҳокамани бошлаш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади. Тарафнинг вакилида лозим даражада расмийлаштирилган ваколатлар бўлмагани ҳолда процессда тараф ҳисобланувчи мансаб-

дор шахснинг ўзи суд мажлисига келмаган тақдирда, раислик қилувчи ишни тараф йўқлигида ва унинг вакилисиз кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани судьялар муҳокамасига қўяди.

Суд мажлисига гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислардан бирортаси келмаган тақдирда, Конституциявий суд ишни улар йўқлигида кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисида тарафларнинг фикрини эшитлади. Шундан сўнг, суд иш бўйича муҳокамани давом эттириш ёки суд мажлисида танаффус эълон қилиш ёхуд уни кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Раислик қилувчи суд мажлиси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Экспертлар, мутахассислар ва гувоҳларга, бундан ташқари, зиммаларига юкланган мажбуриятларни ноҳалол бажарганлик ёки уларни бажаришдан бўйин товлаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади. Таржимонга судьянинг маърузасини, ишда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришлари ва нутқларини, раислик қилувчининг фармойишларини, суд мажлисида ўқиб эшиттирилادиган ҳужжатларни, судда бериладиган саволларни ва уларга қайтарилган жавобларни, шунингдек, Конституциявий суднинг қарорларини тўлиқ ва аниқ таржима қилиш мажбурияти тушунтирилади.

Раислик қилувчи тарафлар, уларнинг вакиллари, суд мажлисининг бошқа иштирокчиларидан ишни кўриб чиқиш бошлангунча уларнинг қўшимча материаллар талаб қилиб олиш, бошқа гувоҳларни чақириш ва ишни кўриб чиқишда янги экспертлар, мутахассислар иштирокига ижозат бериши тўғрисида илтимослари бор-йўқлигини сўраб чиқади.

Бундай илтимосномалар ёзма равишда тушган тақдирда, улар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва кўриб чиқиладиган иш материалларига қўшиб қўйилади. Оғзаки илтимослар суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилиши лозим.

Асосий қисм. Ишни мазмунан кўриш. Масалани кўриб чиқиш маърузачи судьянинг сўзга чиқишидан бошланади, у кўриб чиқиладиган масаланинг моҳиятини, уни кўриб чиқиш асосларини, мавжуд материалларнинг қисқача мазмунини баён қилиб беради ва масалани кўриб чиқишга тайёрлаш юзасидан қилинган ишлар ҳақида ахборот беради. Маърузачи судья ўз сўзида таклифда баён қилинган далил-исботларни таҳлил этишга ва уларга ўз баҳосини беришга ҳақли эмас.

Тарафлар ва улар вакилларининг тушунтиришлари. Маърузачи судьянинг нутқи тугаганидан сўнг раислик қилувчи кўриб чиқиладиган масаланинг моҳияти юзасидан тушунтиришлар беришни тарафларга таклиф этади.

Биринчи бўлиб, масалани кўриб чиқиш тўғрисида таклиф билан мурожаат этган тараф ёки унинг вакили сўзга чиқади, сўнгра раислик қилувчи бошқа тараф ёки унинг вакили сўзга чиқишига имконият беради.

Масалани кўриб чиқиш тўғрисида таклиф билан мурожаат этган тараф, шунингдек, унинг вакили ўз сўзларида Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган масаланинг моҳиятини, ўз фикрини асослашга доир ҳуқуқий далиллар ва исботларни баён қилади. Бошқа тараф ёки унинг вакили билдирилган таклиф бўйича ўз эътирозларини, бу эътирозларни асослаш учун ҳуқуқий далиллар ва исботларни баён қилади.

Агар сўзга чиқувчи кўриб чиқиладиган масала мавзусидан четга чиқса ёки шаклан ёки мазмунан қўпол фикрлар билдирса, суд иш юритишининг белгиланган қоидаларини бузса, раислик қилувчи тараф ёки унинг вакили, суд мажлиси бошқа иштирокчиларининг сўзини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Тарафларнинг ҳар бири, уларнинг вакиллари сўзга чиқиб бўлганидан кейин раислик қилувчи судьяларга, тарафга, унинг вакилига саволлар бериш имкониятини беради, сўнгра сўзга чиққан тарафга саволлар бериш ҳуқуқи бошқа тарафга ва унинг вакилига берилади.

Гувоҳларни эшитиш тартиби. Гувоҳларни навбатма-навбат эшитиш тартибини Конституциявий суд белгилайди. Раислик қилувчи гувоҳга кўриб чиқиладиган масала моҳияти юзасидан ўзи билган ҳамма нарсани маълум қилишни таклиф этади. Гувоҳга саволлар берилиши мумкин. Гувоҳ кимнинг аризасига биноан, чақирилган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили гувоҳга биринчи бўлиб саволлар беради, сўнгра бошқа тараф ёки унинг вакили, шунингдек, мажлиснинг бошқа иштирокчилари саволлар берадилар. Суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга масалани кўриб чиқиш тўғрисида таклиф билан мурожаат этган тараф ва унинг вакили биринчи бўлиб саволлар берадилар. Судьялар гувоҳга исталган пайтда саволлар беришга ҳақли.

Суд бошқа гувоҳларни, агар улар гувоҳлик бериши мумкин бўлган ҳолатлар етарлича тўлиқ аниқланди деб топса, эшитмаслиги мумкин.

Ҳужжатларни текшириш. Ҳужжатлар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва заруратга қараб тарафларга, уларнинг вакилларига, айрим ҳолларда эса экспертларга, мутахассисларга, гувоҳларга ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга тақдим этилади. Шундан сўнг, тарафлар ёки уларнинг вакиллари ўқиб эшиттирилган ҳужжат (ҳужжатлар) муносабати билан тушунтиришлар беришлари мумкин. Конституциявий суд мажлисида текширилган, белгиланган тартибда олинган ва масаланинг тўғри ҳал этилиши учун

аҳамиятли ҳужжатлар юзасидан суд уларни иш материалларига қўшиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради.

Экспертларни, мутахассисларни эшитиш тартиби. Конституциявий суд зарурат бўлганда экспертларни, мутахассисларни эшитади. Суд мажлисида экспертларни, мутахассисларни навбатма-навбат эшитиш тартибини суд белгилайди.

Раислик қилувчи экспертга, мутахассисга кўриб чиқиладиган масала юзасидан уларнинг ўз номидан, экспертлар гуруҳи ёки илмий муассаса номидан тақдим этиладиган эксперт хулосаси (мутахассис фикри)ни ўқиб эшиттиришни таклиф қилади.

Экспертга, мутахассисга гувоҳлар учун белгилангандаги каби тартибда саволлар берилиши мумкин.

Суд мажлиси иштирокчиларининг сўзга чиқиши. Конституциявий суднинг мажлисларида Конституциявий суд раисининг таклифига биноан, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзолари, олимлар, сиёсат ва жамоат арбоблари, депутатлар, судьялар, халқаро ташкилотларнинг, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин. Таклиф қилинганлар раислик қилувчининг рухсати билан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан сўзга чиқишлари мумкин.

Тақдим этилган материалларни, экспертларнинг хулосаларини текшириш, тарафларнинг, уларнинг вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, мутахассисларнинг фикрларини эшитиш охирига етказилганидан кейин, агар сўзга чиқишни хоҳласалар, суд Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республика Бош прокурори, Адлия вазири ёки уларнинг вакиллари сўзларини эшитишга ўтади.

Тарафлар ва уларнинг вакиллари яқунловчи сўзлар билан чиқишлари мумкин бўлиб, улар Конституциявий суд мажлисида текширилган материаллар ва далиллар таҳлилини, уларнинг ҳуқуқий баҳоланишини ва кўриб чиқиладиган масалани ҳал этиш учун аҳамиятини, шунингдек, тарафларнинг, уларнинг фикрича, қарор чиқаришда суд томонидан ҳисобга олиниши лозим бўлган хулосалари ва таклифларини ўз ичига олиши мумкин.

Конституциявий суд тарафларга уларнинг илтимосига биноан, яқунловчи нутқларга тайёргарлик кўриш учун суд мажлисида танаффус эълон қилиб, вақт бериши мумкин.

Иш материалларини текширишни янгитдан бошлаш. Якуловчи нутқлар эшитилганидан кейин, агар Конституциявий суд ишни тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текширишни зарур деб топса, ишни кўриб чиқишни янгитдан бошлаш ҳақида қарор чиқаради. Бунда Конституциявий суд ўз мажлисида танаффус эълон қилиши ва ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириши мумкин.

Иш бўйича қўшимча муҳокама тутаганидан кейин Регламентнинг 49-моддасида кўрсатиб ўтилган шахслар янгитдан сўзга чиқиш, тарафлар эса фақат янгитдан бошланган суд муҳокамасининг натижалари ва уларнинг ишни ҳал этиш учун аҳамияти хусусида якуловчи нутқ сўзлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шундан сўнг, Конституциявий суд қарор қабул қилиш учун маслаҳатлашувга чиқиб кетади.

Баённома. Конституциявий суднинг мажлисларида баённомалар юритилади. Конституциявий суд мажлиси баённомалари суд мажлиси котиби (котиблари) томонидан тузилади.

Баённомалар қўйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

- мажлис вақти ва жойи ҳақидаги маълумот;
- ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган судьяларнинг рўйхати;
- раислик қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва вазифаси;
- мажлис котибининг фамилияси, исми, отасининг исми;
- кун тартиби;
- тарафлар ва мажлиснинг бошқа иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар;
- Конституциявий суднинг ҳаракатлари, улар қай тартибда амалга оширилган бўлса, шу тартибда уларнинг натижалари;
- тарафлар ва улар вакилларининг тушунтиришлари;
- гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертларнинг хулосалари ва мутахассисларнинг фикрлари, уларга берилган саволлар ва олинган жавоблар;
- ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг сўзга чиқиши;
- тарафлар ва мажлиснинг бошқа иштирокчилари баённомада гувоҳлантириб қўйилишини сўраган фактлар ва ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар;
- овоз беришга қўйилган масалалар ва овоз бериш натижалари;
- Конституциявий суд қабул қилган баён тарзидаги қарорларнинг таърифи.

Агар Конституциявий суд мажлиси вақтида унинг қарорига биноан, овозли ёзув, видеоёзув, фото-кино суратга олиш қўлланилган бўлса, унда фонограмма, видеотасма, фото-кино тасма

суд мажлисининг баённомасига қўшиб қўйилади, бу ҳақда баён-
номада тегишли белги қўйилади.

Конституциявий суд мажлисларининг баённомалари суд маж-
лисининг котиби (котиблари) томонидан тузилади. Тарафлар ва
мажлиснинг бошқа иштирокчилари ўзлари иш учун муҳим деб
ҳисоблаган фактлар ва ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни баён-
номага киритишни илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларга баённомада изоҳ бери-
лиши лозим. Баённома мажлис тугаган пайтдан бошлаб, беш сут-
ка ичида расмийлаштирилиши лозим. Суд мажлиси баённомаси
раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби (котиблари) томо-
нидан имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади.

Тарафлар ва уларнинг вакиллари суд мажлисининг баённома-
си билан танишишга ва баённома хусусида мулоҳаза билдиришга
ҳақлидирлар, бу мулоҳазаларни раислик қилувчининг шахсан ўзи
ўн кун ичида кўриб чиқиши лозим. Суд мажлисининг баённома-
сига билдирилган мулоҳазаларни кўриб чиқиш натижалари юза-
сидан раислик қилувчи уларни баённомага қўшиб қўйиш ёки буни
қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

IV. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорини қабул қилиш. Тўхтамга келиш учун судьялар маслаҳатлашуви мас-
лаҳатхонада ўтказилади. Судьялар маслаҳатлашуви сир тутилади.

Раислик қилувчи кўриб чиқиладиган масала юзасидан фикр
билдиришни хоҳлаган ҳар бир судьяга сўз беради. Маслаҳатлашув
пайтида судьялар бир-бирларидан иш бўйича ўз фикрларини аниқ-
лаштиришни сўрашлари мумкин. Маслаҳатлашувни тамомлаб,
раислик қилувчи қарор бўйича таклифларни овозга қўяди. Кон-
ституциявий суднинг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул
қилинади¹. Овозлар тенг бўлиниб қолган ҳолларда раислик қилув-
чининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

V. Конституциявий суд қарорларининг ижро этилиши. Консти-
туциявий суднинг қарори тарафларга, шунингдек, Ўзбекистон
Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-
лиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сена-
тининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақал-
поғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий
хўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош проку-
рори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига юборилади. Кон-
ституциявий суд раиси Конституциявий суднинг қарорини бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори ҳақида
9.5-бандини кўринг.

органлар ва шахсларга ҳам юбориш тўғрисида фармойиш бериши мумкин.

Конституциявий суднинг котибияти суд қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисидага ишларнинг аҳволини, ушбу қарорларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаётганлиги сабабларини мунтазам таҳлил этиб боради. Конституциявий суд котибиятининг мудирини суд қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисида суднинг раисига ярим йиллик ва бир йиллик таҳлилий-ахборот ҳисоботларини тақдим этади.

Конституциявий суд қарорининг бажарилмаганлиги ёки фақат қисман бажарилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу қарорни тайёрлаган маърузачи судья унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тўғрисидаги таклифни суд раиси эътиборига ҳавола этади.

9.5. Конституциявий суд қарорлари, уларнинг турлари, мазмуни, юридик аҳамияти ва тузилиши

Давлатлараро шартноманинг ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами *қарор*, деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган ҳолларда Конституциявий суднинг қарорлари алоҳида ҳужжат шаклида баён қилинадиган хулоса тарзида қабул қилинади.

Конституциявий суд томонидан қабул қилинаётган тўхтамларни икки турга бўлиш мумкин: *яқуний* ва *бошқа* тўхтамлар. Муайян иш кўриб чиқилиши натижаси (яқунлари) бўйича суд ўз хулосаларини ифода этадиган тўхтамлар яқуний тўхтамларга киради. Бошқа тўхтамларда бирон-бир ҳолатлар қайд этилади ва кўриб чиқилган ишнинг мазмунига эмас, одатда, суд ишини ташкил этиш ёки унинг мажлисларини ўтказишга алоқадор оқибатлар белгиланади.

Яқуний тўхтамлар қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг Конституцияга мувофиқлиги, шунингдек, Конституция қоидаларига шарҳлар бериш зарурати туфайли пайдо бўлган ишлар бўйича қабул қилинади. Ушбу масалалар бўйича яқуний тўхтамлар *Конституциявий суд қарорлари* деб номланувчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Конституциявий суд қарорининг тузилиши. Конституциявий суднинг қарори кириш, тавсиф, асословчи ва қарор қисмларидан иборат бўлади.

Қарорнинг *кириш қисмида*:

- қарорнинг номи, у қабул қилинган сана ва жой;

- Конституциявий суднинг қарорни қабул қилган таркиби;
- тарафлар ва мажлиснинг бошқа қатнашчилари;
- масаланинг таърифи, уни кўриб чиқиш асослари кўрсатилади.

Қарорнинг *таъриф қисми*:

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун ва ушбу Регламентнинг Конституциявий суднинг мазкур масалани кўриб чиқиш ҳуқуқи ёки мажбуриятини белгиловчи нормаларини;

• конституциявийлиги текширилаётган ҳужжатнинг тўлиқ номи, у эълон қилинган (олинган) маиба кўрсатилган ҳолда ўз ичига олган бўлиши лозим.

Қарорнинг *асословчи қисмида*:

• ишнинг Конституциявий суд томонидан аниқланган ва қарорга асос қилиб олинган ҳолатлари;

• Конституциявий суд амал қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг «қарор қисми» ҳужжатнинг конституциявийлиги (конституциявий эмаслиги) тўғрисидаги хулосани, Конституциявий суд қарорининг қонуний кучга кириши тартиби ва ижро муддатини ўз ичига олган бўлиши лозим. Конституциявий суднинг қарори судьялар маслаҳатлашуви тамом бўлгани ҳамон раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Қарор ва хулосалар қабул қилиш учун қоидалар белгиланган. Бундай якуний қарорлар ишни кўриб чиққан судьялар иштирокидаги ёниқ маслаҳатлашувида қабул қилинади. Қабул қилиниши керак бўлган қарор муҳокамасида ҳар бир судьяга чекланмаган тарзда сўзга чиқиш ва вақти белгиланмаган чиқишлар қилиш имконияти берилган.

Овоз бериш судьялардан номма-ном сўраш орқали ўтказилади. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради. Конституциявий суднинг қарори қабул қилинган деб ҳисобланиши учун мажлисда иштирок этаётган судьяларнинг оддий кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлиши керак. Судья овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмас. Қабул қилинган қарорга қўшилмаган Конституциявий суд судьяси алоҳида фикрини ёзма тарзда баён қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, у Конституциявий суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. («Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси). Қарор овоз беришда иштирок этган барча судьялар, шу жумладан, унга қўшилмаган судьялар томонидан имзоланади.

Якуний тўхтам уни ижро этишда хатоларга олиб келиши мумкин бўлган, қўллашда ноаниқликлар пайдо бўлмаслиги учун ба-

тафсил асосланган ва ишонарли бўлиши керак. Конституциявий суд тўхтами у эълон қилинган пайтидан кучга киради, бевосита амал қилади ва бошқа органлар ёки мансабдор шахслар томонидан тасдиқланишига муҳтож эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг барча тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва матбуотда эълон қилинган пайтидан кучга киради. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди.

Конституциявий суднинг тўхтамлари унинг ўз ташаббуси билан қайтадан кўриб чиқишни назарда тутди. Бундай қайта кўриб чиқиш асослари Қонуннинг 28-моддаси билан тартибга солинган, яъни тўхтам қабул қилинган пайтда Конституциявий судга номаълум бўлган янги муҳим ҳолатлар очилса, тўхтам қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган бўлса, шунингдек, агар Конституциявий суд тўхтам белгиланган иш юритиш тартибини бузган ҳолда қабул қилинган деб топса.

Конституциявий суднинг қарори у қабул қилинган кундан бошлаб, уч кунлик муддатдан кечиктирмаган ҳолда тарафларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига юборилади. Конституциявий суд раиси Конституциявий суднинг қарорини бошқа органлар ва шахсларга ҳам юбориш тўғрисида фармойиш бериши мумкин.

Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Конституциявий суднинг қарорлари Конституциявий суд белгилаган тартиб ва муддатларда ижро этилади.

9.6. Конституциявий суд девони, унинг вазифалари ва ташкил этиш тартиби

Конституциявий суднинг девони Конституциявий суднинг иш-лашини ахборотлар ва маълумотлар билан, ташкилий-техник ва таҳдидий жиҳатдан кундалик таъминлаб бориш; у томонидан қабул қилинаётган қарорлар ижроси устидан назоратни ташкил этиш, давлат ҳокимияти органлари билан зарур алоқалар ўрнатиш ва уларни боғлаб туриш, халқаро ҳамкорлик қилиш, иш юритишни олиб бориш, Конституциявий суднинг фаолиятини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Девон иши «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун, Конституциявий суд Регламенти ва Низом¹ асосида ташкил этилади. Конституциявий суд девони бўлим, сектор ва бошқа ташкилий бўлинмалардан иборат. Девон ташкилий бўлинмалари Конституциявий суд раиси томонидан тасдиқланадиган улар тўғрисидаги Низом асосида фаолият кўрсатади.

Конституциявий суд девони зиммасига қуйидаги функциялар юклатилади:

- Конституциявий суд фаолияти, шу жумладан, суд мажлислари, хизматга оид кенгашлари ва Конституциявий суд томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларнинг ташкилий, ахборот ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш;

- Конституциявий суд раиси томонидан белгиланган таклифларни кўриб чиқишга тайёрлаш жараёни ва муддатларига амал қилишга оид Конституциявий суд девони фаолияти устидан назорат;

- Конституциявий суд томонидан масалаларни кўриб чиқиш режаси лойиҳасини тузиш, уни суд муҳокамасига тақдим этиш; тасдиқланган режани девон ташкилий бўлинмаларига тарқатиш;

- таклифлар ва уларга илова қилинган материаллар нусхаларини Конституциявий суд раисининг уларни кўришга дастлабки тайёргарликни бошлаш ҳақидаги қарори қабул қилинганидан кейин белгиланган муддатларда судьяларга тарқатиш;

- суд томонидан тайинланган хулосалар бериш тўғрисидаги таклифлар бўйича Конституциявий суднинг навбатдаги мажлиси ҳақидаги чақирув қоғозларини судьяларга тарқатиш;

- Конституциявий суд кенгашларида баённома юритиш;

- Конституциявий суд қарорларининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида суд раҳбариятига ахборот бериш;

- судьяларни мутахассислар билан таъминлаш;

- меъёрий ҳужжатлар бўйича ҳисоб юритиш ва уларни тизимлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришлар тўғрисида судьяларни ўз вақтида хабардор қилиш; амалдаги қонунчилик таҳлили;

- фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг аризалари, хатлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш, уларни умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- Конституциявий суд қарорларини эълон қилиш, шунингдек, Конституциявий суд фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан боғлиқ бўлган зарур материалларни тайёрлаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1996 йил 5 июлдаги 3-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони тўғрисида»ги Низом.

- бошқа давлатлар Конституциявий судлари фаолияти тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;

- «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун ва Конституциявий суд регламентидан келиб чиқадиган Конституциявий суд фаолиятини таъминлашнинг бошқа функцияларини амалга ошириш.

Конституциявий суд девонига Конституциявий суд раиси томонидан тайинланадиган Конституциявий суд котибият мудирлари раҳбарлик қилади. Котибият мудирлари Конституциявий суд раисига бўйсинади.

Конституциявий суд девони ходимлари Конституциявий суд раиси томонидан ишга тайинланган Конституциявий суд котибият мудирлари мувофиқ ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга. Девон ходимларини ишдан бўшатиш ва уларга интизомий таъзир чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида Конституциявий суд раиси томонидан амалга оширилади.

Конституциявий суд котибият мудирлари:

- Конституциявий суд девонига умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг ишини ташкил этиш ва ташкилий бўлинмаларининг тегишли фаолият кўрсатиши учун жавоб беради; унинг қонунчиликка зид бўлмаган кўрсатмалари ва фармойишлари девон ходимлари учун мажбурийдир;

- девон ходимлари томонидан меҳнат қонунчилиги ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этилишини таъминлайди;

- девон ходимларини рағбатлантириш ёки уларга интизомий таъзир чораларини қўллаш ҳақидаги таклифларни киритади;

- девон ходимларининг меҳнат қонунчилигига биноан, функционал мажбуриятларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;

- ташкилий ишларни кўриб чиқишда Конституциявий суд кенгашларида иштирок этади.

Конституциявий суд ва унинг девони фаолиятини молиялаштириш республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Конституциявий суд йиллик чиқимлар сметасини тузади ва у Конституциявий суд томонидан тасдиқланади. Смета доирасида Конституциявий суд фаолиятини таъминлаш учун маблағларни қайта тақсимланиши Конституциявий суд раиси томонидан амалга оширилиши мумкин.

Котибият мудирлари Конституциявий судга унинг фаолиятини таъминлаш учун маблағларни сарфлаш тўғрисида йиллик ҳисобот беради. Конституциявий суд фаолиятини таъминлаш бўйича чиқимлар сметасини ижро этилиши ҳақидаги ҳисоботи Конституциявий суд томонидан тасдиқланади.

9.7. Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши

Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши¹ ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган маслаҳат органи ҳисобланади. Илмий-маслаҳат кенгашининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Конституция устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Илмий-маслаҳат кенгаши Конституциявий судга ҳуқуқий фан ва конституциявий адлия амалиёти, шунингдек, хорижий қонунчилик ютуқларини тўла қўллашда ёрдам беришга даъват этилган. Илмий-маслаҳат кенгаши ҳуқуқ ва сийёсат соҳасида малакали мутахассислардан ташкил топган. Илмий-маслаҳат кенгаши ишига кенгаш аъзоси бўлмаган бошқа фан ва амалиёт соҳалари мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Илмий-маслаҳат кенгаши раис, раис ўринбосари, илмий котиб ва кенгаш аъзолари таркибида Конституциявий суд томонидан ташкил этилади. Илмий-маслаҳат кенгаши таркибида алоҳида қонунчилик жабҳалари, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти бўйича секциялар ташкил этилиши мумкин.

Илмий-маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд ваколатлари муддатига сайланади. Илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларига кўриб чиқиш учун масалаларни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд раиси киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига киритиладиган масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар беради;
- қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ва таклифларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши мажлислари зарурат бўйича ўтказилади. Кенгаш мажлислари ижодий муҳокама фикрларнинг эркин баён этилиши шароитида ўтказилади. Қабул қилинган қарорга қўшилмаган Кенгаш аъзоси Конституциявий суд раҳбарияти маълумотига етказиладиган ўзининг алоҳида фикрини тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Илмий-маслаҳат кенгаши раиси кенгаш ишини ташкил этади, мажлисларни чақиради, кенгаш тавсияларини тайёрлаш тўғрисида Кенгаш аъзоларига топшириқлар беради, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Илмий-маслаҳат кенга-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1996 йил 5 июлдаги 4-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши тўғрисида»ги Низом.

ши илмий котиби кенгаш ишени ташкилий жиҳатдан таъминлайди, мажлисларга материалларни тайёрлайди, баённомалар тузади, иш юритишни амалга оширади.

Илмий-маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий-техник воситалар билан таъминлаш Конституциявий суд девони зиммасига юклатилади. Илмий-маслаҳат кенгаши Конституциявий суд раҳбариятига ўз фаолияти тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Ушбу мавзу ўрганилишининг аҳамиятлилиги – у Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг институционал-ҳуқуқий асосларини ўрганишга бағишланганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини ўрганишда талабалар унинг функционал мақсади ва Ўзбекистон Республикаси суд тизимида эгаллайдиган ўрнини чуқур англаб етишлари лозим, чунки инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ-эркинликларини давлат ҳимояси конституциявий механизми махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тимсолида конституциявий судлов фаолиятдан бошланади.

? НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Конституциявий назорат нима?
2. Конституциявий суд таркибига ким кириши мумкин?
3. Конституциявий суд қандай ташкил топади?
4. Конституциявий суд фаолияти принципларини санаб ўтинг.
5. Конституциявий суд қандай ваколатларга эга?
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида иш юритишнинг асосларини тавсифланг.
7. Конституциявий суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни санаб ўтинг.
8. Конституциявий суд мажлиси ўтказишнинг қандай қоидалари мавжуд?
9. Қайси ҳолларда Конституциявий суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин?
10. Конституциявий суд тўхтамлари турларини санаб ўтинг.
11. Конституциявий суд девони қандай функцияларни бажаради?
12. Конституциявий суд девонининг ташкил топиш тартиби.
13. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши қандай функцияларга эга?
14. Конституциявий суд судьяси шаъни кодекси нима?
15. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарори қандай тузилишга эга?
16. Конституциявий суд раиси ваколатларини айтинг.
17. Қайси ҳолларда Конституциявий суд қарорлари қайта кўриб чиқиши мумкин?

1. Чет эл давлатлари ҳуқуқни қўллаш амалиётида конституциявий судловнинг асосий моделларини ўрганиб чиқинг ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинг. Иш шакли – *реферат*.
2. 1990 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат тўғрисида»ги Қонун (эск.) ва амалдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунни таҳлил қилинг. Иш шакли – *реферат*.
3. Умумий юрисдикция судлари ва Конституциявий суд судьялари ҳуқуқий мақомини таққосланг. Иш шакли – *реферат*.
4. Умумий юрисдикция судлари фаолияти принциплари ва Конституциявий суд фаолиятининг принципларини таққосланг. Иш шакли – *реферат*.
5. Конституциявий суд қарорини ўрганиб чиқинг ва қуйидаги масала бўйича ўз таҳлилингизни ўтказинг: фуқаролар ўз мурожаатларида кўпроқ қайси мазмундаги муаммоларга эътиборларини қаратади; кўпчилик мурожаатлар муаллифлари аҳолининг қайси қатламга мансуб; мурожаатларда қайси органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари кўпроқ шикоят қилинади. Иш шакли – *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O‘zbekiston», 2007.
2. *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O‘zbekiston», 2010.

Ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 470-II сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 9–10, 67-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги 103-I сонли Қонуни (ўзг.: Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-II сонли Қонуни VII бўлимига, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги Қонуни XII бўлимига асосан).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-XII сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди регламенти (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги

1-қарори билан тасдиқланган). «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ахборотномаси». Т., 2004, ўнинчи нашр.

6. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1998 йил 3 июлдаги 4-қарори билан тасдиқланган). Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ахборотномаси. Т., 1999, учинчи нашр.

7. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1996 йил 5 июлдаги 4-қарори билан тасдиқланган). Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (материаллар тўплами). Т., «SHARQ», 1996.

8. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1996 йил 5 июлдаги 5-қарори билан тасдиқланган).

9. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2004 йил 30 январдаги 6-қарори билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2009 йил 5 февралдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2009, № 6, 54-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2008 йил 15 октябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 44—45, 446-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси шаъни кодекси. (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1996 йил 5 июлдаги 2-қарори билан тасдиқланган). Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (материаллар тўплами). Т., «SHARQ», 1996.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий кўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда — халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг амал қилиши. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 28-бет.

3. Ж.Ҳ. Абдураҳмонхўжаев. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди. Т., ТДЮИ, 2009, 40-бет.

4. Б. Исмаилов. Основные модели конституционного правосудия в правоприменительной практике зарубежных государств. Вестник Конституционного суда Республики Узбекистан. Выпуск шестнадцатый. Т., 2008, стр. 82—91.

8. М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева. Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

6. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси нормаларининг амал қилиши. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., ТДЮИ, 2008, 281-бет.

10-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУДЬЯЛАР МАҚОМИ

Ўқув мақсадлари *Ушбу мавзунинг ўрганилиши судьяларнинг ҳуқуқий мақоми хусусиятлари ва суд корпусини ташкил этиш тартибини кўриб чиқиш; судьялар фаолияти кафолатларини таҳлил қилиш; судьяларнинг малака аттестацияси ва уларга малака даражалари бериш масалаларини кўриб чиқишга қаратилган. Алоҳида эътибор судьяларнинг интизомий жавобгарлиги институтига қаратилади.*

10.1. Судьялар мақоми тушунчаси, унинг умумий тавсифи

Ҳокимият ваколатлари берилган ва уларни амалга оширувчи шахс *оммавий субъектлар* деб номланади. Масалан, бундай шахсларга Президент, Бош вазир, судья ва бошқалар киради. Ҳуқуқий мақом тушунчасини ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуигача торайтириш нотўғри бўлади. Уларнинг ҳуқуқий мақоми хусусиятини эътиборга олган ҳолда ушбу тушунча бир нечта унсурлар мавжудлигини тақозо этади:

1) тегишли ҳуқуқий мақомнинг тайинлаш ёки сайлаш орқали шаклланиши;

2) оммавий субъект ваколатлари доираси, шунингдек, ваколатларни амалга оширишнинг тартиби ва усуллари;

3) оммавий субъект мақомига эга бўлган шахс фаолиятини тугатиш тартиби;

4) бошқа оммавий субъектлар – давлат ҳокимиятини амалга оширувчи бошқа субъектлардан фарқлаш имкониятини берадиган тегишли оммавий субъект ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари.

Шубҳасиз, судьялар улар суд ҳокимияти вакиллари бўлгани ҳамда, нафақат, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот кафили сифатида, балки муайян шароитларда давлат ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни тийиб турувчи ва мувозанат сақловчи омил ролини ўйнашга даъват этилганлиги сабабли оммавий субъектлар ҳисобланади. Демак, судьянинг ҳуқуқий мақоми оммавий субъект ҳуқуқий мақомининг юқорида кўрсатилган элементлари таҳлили орқали очиб берилиши мумкин. Мазкур таҳлилни

амалга оширишга қўйидаги қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар имкон беради: Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 60-моддасига асосан, судьялар қонунга мувофиқ, одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Шундай қилиб, касбий маънода судья сифатида конституциявий тартибда одил судловни амалга ошириш ваколоти берилган, касбий асосда мажбуриятларни бажарадиган ва конституциявий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноий судлов ишларини юритиш орқали фаолият кўрсатётган шахс тушунилади. Юқорида берилган оммавий субъект ҳуқуқий мақомининг элементлари кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда судьянинг ҳуқуқий мақоми тавсифини келтирамиз.

Бошқа оммавий субъектлар ҳуқуқий мақоми сингари судьялар ҳуқуқий мақоми ўзига хос айрим хусусиятларга эга. Уларнинг айримлари одил судлов принциплари ёритилганда кўрсатилган ва очиб берилган. Шу билан бирга, айтиш керакки, мазкур хусусиятлар яхлит тизимни ташкил этади ва уларга қўйидаги жиҳатлар киради:

- 1) судьянинг хизмат иммунитетиди;
- 2) интизомий жавобгарлик институти;
- 3) судьялар ваколатини тўхтатиб туриш институти;
- 4) судьяларнинг малака аттестациялари ва малака даражалари институти;
- 5) судьяларнинг қонунда белгиланган тартибда сайланиши, тайинланиши ва вазифасидан озод этилиши;
- 6) одил судловни амалга оширишнинг қатъий белгиланган тартиб-тамойили;
- 7) қарорлар қабул қилишда судьялар маслаҳатлашуви сири ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг ман этилганлиги;
- 8) судга ҳурматсизлик ва муайян ишларни ҳал этишга аралашши, судьялар дахлсизлигига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик;
- 9) судьяга унинг юксак мақомига мос равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот тақдим этилиши.

Судьянинг хизмат иммунитетиди, одил судловни амалга оширишнинг қатъий белгиланган тартиб-тамойили, қарорлар қабул қилишда судьялар маслаҳатлашуви сири ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг ман этилганлиги, судга ҳурматсизлик ва муайян ишларни ҳал этишга аралашши, судьялар дахлсизлигини тажовуз қилишганлик учун жавобгарликка доир судьяларнинг ҳуқуқий мақоми масалалари аввалги бобларда (суд ҳоқимияти; одил судлов ва уни принциплари) кўриб чиқилган эди.

Судьялар ваколатини тўхтатиб туриш институти; судьяларнинг қонунда белгиланган тартибда сайланиши, тайинланиши ва вази-фасилан озод этилиши суд корпуси шаклланиши масаласининг таркибий қисми бўлганлиги сабабли улар ушбу бобнинг алоҳида параграфларида кўриб чиқилади. Ушбу параграфда биз 2-, 4- ва 9-бандларда назарда тутилган судья ҳуқуқий мақоми хусусиятла-рини кўриб чиқамиз.

Интизомий жавобгарлик институти. Интизомий жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида ақс эттирилган. Унда судьяни интизомий жавобгарлик-ка тортиш асослари кўрсатилган. Қайд этиш керакки, судьялар-нинг интизомий жавобгарлиги бошқа давлат хизматчилари инти-зомий жавобгарлигидан тубдан фарқ қилади. Ҳеч қандай мансаб-дор шахс, шу жумладан, суд ҳоқимияти мансабдор шахси ҳам судьяга нисбатан интизомий таъзир чоралари қўллаш ҳуқуқига эга эмас. Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масалалари судья-лар ҳамжамияти томонидан ҳал этилади. Қонун чиқарувчи томо-нидан судьяларни интизомий жавобгарликка тортишнинг алоҳи-да тартиби белгиланган. Бу судьяларнинг мустақиллиги ва улар-нинг юқори мақоми билан боғлиқ.

Шундай қилиб, судья:

- одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни буз-ганлиги учун;

- суд ишини ташкил этишда беларволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек, хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракати учун фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан, инти-зомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади-ган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом билан белгиланади. Мазкур Низомда судьяларни интизомий жавобгар-ликка тортишнинг қўйидаги тартиби кўрсатилган. Чунончи, судья-лар олий малака ҳайъати:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг;
- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишла-ри бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларининг;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Ўз навбатида, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида кўрадилар. Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати тегишлича хўжалик судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Шунингдек, Низомда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳуқуқига эга субъектлар кўрсатилган. Низомга кўра, интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси – умумий юрисдикция судлари судьяларига нисбатан;

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари – шу судлар судьялари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси – шу суд судьяларига ҳамда округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьяларига нисбатан;

- Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси – хўжалик судлари судьяларига нисбатан.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатишга асослар мавжуд бўлган ҳолларда тегишли судларнинг раҳбарлари бу ҳақида қарор чиқарадилар, унда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатишга сабаб бўлган асослар кўрсатилиши шарт. Бунда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатган шахс, албатта, судьяни жавобгарликка тортиш асосларига тааллуқли маълумотларни олдиндан текширади. Бунда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган шахсдан ёзма тушунтириш талаб қилинади.

Устидан иш қўзғатилган судья интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материаллари билан бу материалларни судьялар малака ҳайъатига юборишдан олдин таништирилиши шарт. Бунда судья қўшимча тушунтиришлар тақдим этишга ёки қўшимча текширув ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор зарур материаллар билан бирга судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига кўриб чиқиш учун юборилади. Айтиш керакки, интизомий

жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор уни қўзғатган шахс томонидан ишни судьялар малака ҳайъатида кўриб чиқиш бошлангунга қадар, чақириб олинishi мумкин. Ўзига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор чақириб олинаётган судья ишни мазмунан кўриб чиқишни судьяларнинг малака ҳайъатидан талаб қилишга ҳақли.

Низомда судья, ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб, хизмат текширувларига кетган вақт, судьянинг узрли сабабларга кўра, ишда бўлмаган вақти ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатида интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга кетган вақтни ҳисобламаганда, кечи билан бир ой ичида, аммо ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан эса кечи билан олти ой ичида интизомий жазога тортилиши мумкинлиги белгиланган.

Зарур ҳолларда, ишни кўриб чиқиш бошлангунга қадар, судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асослари қўшимча равишда текширилади, бундай текширишни ўтказишни судьялар малака ҳайъатининг раиси судьялар малака ҳайъати аъзоларидан бирига топширади. Бунда қўшимча ҳужжат ва материаллар, шунингдек, кўриб чиқиш чоғида судья қонун бузилишига йўл қўйган суд ишлари ҳам талаб қилиб олинishiга йўл қўйилади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қуйидаги қарорлардан бирини чиқариши мумкин:

1) интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида. Қуйидаги интизомий жазо чоралари назарда тутилган: ҳайфсан; жарима. Жазо қўлланаётганида қоидабузарликнинг хусусияти ва унинг оқибатлари, ноҳўя хатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, судьянинг шахси, унинг айбдорлик даражаси ҳисобга олинади;

2) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати: а) судья интизомий жавобгарликка асоссиз тортилган бўлса; б) Низомнинг 41-моддасида назарда тутилган интизомий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтказиб юборилган бўлса; в) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни мажлисда муҳокама этиш билангина чегараланиб, интизомий жазони қўллашни мақсадга мувофиқ эмас деб топса, интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тугатади;

3) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материалларини судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган органларга юбориш ҳақида.

Агар судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи олдига қўйилган орган ёки мансабдор шахс бунга асос йўқ деб топса, интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш судьяларнинг малака ҳайъатига қайтарилади ва иш юритиш қайтадан бошланади. Дастлабки

қарор чиққан кундан ишни қайтаргунга қадар, ўтган вақт интижомий жавобгарликка тортиш муддатларига кирмайди.

Судьяларни малака аттестациясидан ўтказиш ва уларга малака даражалари бериш институти. Судьяларни малака аттестациясидан ўтказиш ва уларга малака даражалари бериш тартиби «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомнинг 25—35-моддаларида белгиланган.

Судьяларнинг малака аттестацияси Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда судьялар сифат таркибини яхшилаш, уларнинг касб малакаси ошишига баҳо бериш ва рабатлантириш, одил судловни амалга ошириш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

Малака аттестацияси:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари ва раис ўринбосарларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан, судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг судьяларига нисбатан — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг тақдимномасига биноан, судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг тақдимномасига биноан, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати томонидан;

- хўжалик судлари судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан ўтказилиши назарда тутилган.

Биринчи марта судьялик лавозимига сайланган (тайинланган) шахсларнинг малака аттестацияси улар иш фаолиятининг дастлабки уч ойи ичида ўтказилиши кераклигини эътиборга олиш лозим. Судьяларнинг навбатдаги малака аттестацияси уларга берилган малака даражасида бўлиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Шунингдек, Низомда

судьяга муддатидан олдин юқорироқ малака даражаси бериш учун унга аввал берилган малака даражасида бўлиш муддатининг ярми ўтганидан кейингина навбатдаги малака аттестацияси ўтказилиши мумкинлиги ҳам белгиланган.

Судьяларнинг малака аттестациясини тайёрлаш ва ўтказиш жараёни қуйидагилардан иборат:

а) *Судьянинг тавсифномасини тайёрлаш.* Малака аттестациясидан ўтказилиши лозим бўлган судьяга аттестация ўтказишдан камида бир ой олдин унинг касб фаолиятига, ишчанлик ва ахлоқий жиҳатларига баҳо берилган тавсифнома ҳамда иши ҳақидаги маълумотнома тайёрланади.

б) *Судьянинг тавсифнома билан таништирилиши.* Тегишли суднинг раҳбари судьяни у ҳақда тайёрланган тавсифнома ва маълумотнома билан малака аттестацияси ўтказиш тўғрисидаги материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига юборишдан олдин таништириши лозим.

в) *Малака аттестацияси ўтказиладиган вақт ҳақида хабардор қилиш.* Малака аттестацияси ўтказиладиган вақт ҳақида судьяга камида икки ҳафта олдин хабар қилиниши керак. Малака аттестацияси тақдимнома тушган кундан бошлаб бир ой ичида, қоида тариқасида, аттестациядан ўтувчи судьянинг иштирокида ўтказилади.

г) *Малака аттестациясининг процессуал тартиби.* Судьяни малака аттестациясидан ўтказиш раислик қилувчининг ёки судьялар малака ҳайъатининг тақдим қилинган ҳужжат ва материалларни олдиндан ўрганиб чиққан аъзоларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Шундан сўнг аттестациядан ўтувчининг, зарур ҳолларда эса, судьяни аттестациядан ўтказиш тўғрисида тақдимнома юборган мансабдор шахснинг фикри эшитилади.

д) *Малака аттестацияси натижалари бўйича қарор қабул қилиш.* Судьяларнинг малака ҳайъати судьянинг касбий билим даражаси, ишчанлик жиҳатлари, иш стажи ва тажрибаси, эгаллаб турган лавозимига қараб, қуйидаги хулосалардан бирини беради:

- судьяга тақдимномада кўрсатилган малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;
- судьяга юқорироқ малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;
- судьяни илгари берилган малака даражасида қолдириш тўғрисида.

Судьялар малака ҳайъатининг судьяларга малака даражаси бериш масалаларига доир хулосалари малака аттестацияси материаллари билан биргаликда судьялар олий малака ҳайъатига юборилади. Судьялар олий малака ҳайъати судьяга малака даражаси бериш тўғрисидаги масалани судьяларнинг малака ҳайъати чиқарган хулоса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этади. Хўжалик судлари

судьяларнинг малака ҳайъати ҳўжалик судларининг судьяларни малака даражаларини умумий юрисдикция судларининг судьяларига бериладиган тартибда беради.

Судьяларга малака даражалари бериш принциплари барчи турдаги судлар учун ягонадир. Судьялар учун қўйидаги малака даражалари жорий этилган: олий, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи малака даражаси. Малака даражалари фахрий ёки махсус унвон бўлмай, улар судьяларнинг касбий моҳирлик даражаси ҳақида далолат беради, унинг нуфузини оширади ва судьяларнинг моддий таъминотини оширишга таъсир этади. Малака даражаси берилиши ёки уни олиши, у берилган судьяларнинг мақомини ўзгартирмайди, чунки қонунда қайси судда ишлаши ва қандай малака даражаси соҳиби эканлигидан қатъи назар, судьяларнинг ягона ҳуқуқий мақом белгиланган.

е) Малака даражаси берилганлиги тўғрисида гувоҳнома. Судья малака аттестациясидан муваффақиятли ўтган тақдирда, унга малака даражаси берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Судьялар тегишли малака ҳайъатининг малака даражаси бериш тўғрисидаги қарори тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди матбуот органларида эълон қилинади, шунишдек, судьянинг шахсий ишига қўшиб қўйилади.

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомда малака аттестацияларини ўтказиш муддатлари ҳам белгиланади. Судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ҳамда олий судловни амалга оширишда уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида судьяларнинг тегишли малака ҳайъати вақти-вақти билан, уч йилда бир марта судьяларнинг малака аттестациясини ўтказиб туради. Судьяларнинг даврий малака аттестациясини ўтказиш тўғрисидаги қарор судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан қабул қилинади.

Агар судьяларнинг даврий малака аттестациясини ўтказиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 72-моддаси биринчи қисмининг 1, 3 ва 8-бандларида (хусусан, судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишнинг қўйидаги асослари: судьянинг қасамёдини бузган тақдирда; судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан оғоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда; соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра, узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қолдир бўлмай қолган тақдирда) назарда тутилган ҳолатлар аниқлангудек бўлса, судьяларнинг малака ҳайъати барча материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

Судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига мос келадиган моддий ва ижтимоий таъминот тақдим этиш. Судья ҳуқуқий мақоми хусусиятини ташкил этувчи мазкур муҳим элемент Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 9-бобида тартибга солинган. Ушбу боб мазмуни қуйидаги қисмлардан таркиб топган: 1) моддий таъминот чоралари ва 2) судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари (75—76-моддалар).

Судьяларнинг *моддий таъминоти* қуйидагиларни назарда тутади:

а) судьяларнинг иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат;

б) судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади.

Ўз навбатида, *судьяларнинг ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари* қуйидагиларни англатади:

а) судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади;

б) қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

- судья ишлаётган даврида ёки ваколат муддати тугаганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига судьянинг элик ойлик иш ҳақи миқдориди;

- судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолса ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида судьянинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдориди;

- судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятининг доимий йўқолишига олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида судьянинг беш ойлик иш ҳақи миқдориди.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади. Зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик улар айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

10.2. Суд корпусини (униинг захирасини) ташкил этиш тартиби

Судьялик лавозимини эгалловчи давлат хизматчиларининг жами суд корпуси деб номланади. Суд корпусига Ўзбекистон Республикаси суд тизимида судьялик лавозимини эгаллаб турган барча шахслар киради: Конституциявий судда, умумий юрисдикция судларида, жумладан, ҳарбий судларда, шунингдек, хўжалик судларида.

Одатда, суд корпусини шакллантириш жараёни икки босқичдан иборат:

1) судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш;

2) тайинлаш ёки сайлаш.

Шу билан бирга, судьялик лавозимга танлаш ва тайинлаш жараёни суд даражаси ва тури, шунингдек, бўлажак судья эгаллайдиган лавозимга қараб, ўз хусусиятларига эга.

Суд корпуси шаклланишининг биринчи босқичини кўриб чиқамиз — судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш. Ушбу босқич 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинган ва бир нечта босқичлардан ташкил топган.

Судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар — судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари орасидан судларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини белгилаб ўтиш лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг,

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади, раис ва раис ўринбосари лавозимлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялигига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш умумий юрисдикция судларининг судьялар олий малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

Ҳўжалик судлари туман бўғинига эга эмас ва шунинг учун қонунчиликда ҳўжалик судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантиришнинг бошқача тартиби назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш ҳўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

а) Номзоднинг ариза бериши. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьялигига (ҳўжалик судлари раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзоди кўрсатилаётган шахслар бундан мустасно) номзодлар захирасини шакллантириш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари ўзини судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки бўшаб қолган муайян судьялик лавозимига қўйилиш истагини билдирган шахслардан аризалар қабул қилади. Бунда мазкур шахсларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;
- йигирма беш ёшдан кичик бўлмаслиги;
- мутахассислиги бўйича уч йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши. Судьяликка номзодлар захирасига судланган шахслар қабул қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялигига, ҳўжалик судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар захирасини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси фуқа-

ролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 61-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади. Ушбу моддада юқорида айтиб ўтилган судлар судьялигига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланган:

- Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялигига номзодларга — *юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;*

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялигига номзодларга — *юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;*

- ҳарбий суд судьялигига номзодларга — *ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлиш.*

Ҳар бир судьяликка номзод учун судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисидаги аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржиман ҳол, олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, охириги иш жойидан тавсифнома илова қилиш зарурати мажбурий шарт ҳисобланади.

Судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш билан бир қаторда, судьялар малака ҳайъати котиби ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширишни амалга оширади.

б) Қонунда белгиланган талабларга мувофиқликни текшириш. Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва шахсий фазилатлари ўрганилишини ташкил этади. Мазкур текширишдан кейин материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан, икки ойдан кечиктирмай малака имтиҳонлари ўтказади.

в) Судьялик лавозимига кўрсатилаётган шахсларни ўқитиш. Судьяларнинг малака ҳайъатлари судьяликка номзодлар захирасида турган ҳамда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьялари лавозимларига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитишни

танкил этади. Махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат берилган кунидан эътиборан, уч йил мобайнида амал қилади.

Бунда судьялик лавозимига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган тақдирдагина судьялик лавозимига вакансия очилганлиги тўғрисида хабардор қилинадилар.

э) *Малака имтиҳонини топшириш тартиби.* Бўшаб қолган судьялик лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳони топширадилар, мазкур имтиҳон натижаларига кўра, судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари уларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Малака имтиҳонларини топшириш натижаларига кўра, судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки захирага киритишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади. Судьяликка номзоднинг малака имтиҳони у билан суҳбат ўтказиш, оғзаки савол-жавоблар, рўйхати судьяларнинг тегишли малака ҳайъати мажлисида тасдиқланадиган амалий масалаларни ҳал этишдан иборат бўлади.

Судьяларнинг малака ҳайъати судьяликка номзоднинг малака имтиҳонидан ўтган ёки ўтмаганлиги тўғрисида хулоса беради. Низомда малака имтиҳонини топшира олмаган судьяликка номзод камида бир йилдан кейин қайтадан имтиҳонга кўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари мажлисларида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари иштирок этишлари мумкин, улар судьялик лавозимига номзодларнинг ҳар бири хусусида ўз фикрини билдиришга, судьялар малака ҳайъатининг қарорига рози бўлмаган тақдирда эса ўз фикрини ёзма равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборишга ҳақлидир.

Судьяликка номзодлар захирасига киритилган шахсларга тааллуқли маълумотлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий ма-

лака комиссиясига юборилади. Низомда судьяларнинг малака ҳайъати раиси номзоднинг ёки судьянинг тайёрлиги ҳақидаги масъулга оид хулосани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юбориши кўрсатилган.

Судьялик лавозимида бўлиш муддати тугайдиган шахслар ҳам худди шу танлаш босқичларидан ўтади. Ваколат муддати тугаётган судьяларга нисбатан уларнинг номзодини янги муддатга кўрсатиш тўғрисидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги ҳусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори уларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

Бунда:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдим этган материаллар асосида ёки ваколати муддати ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг аризасига биноан, Судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислиги ва раис ўринбосарлигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси тақдим этган материаллар асосида судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — мазкур судларнинг раислари тақдим этган материаллар асосида ёки ваколати муддати тугаётган судьяларнинг аризаларига биноан, ёхуд қўйи судларнинг судьялари аризаларига биноан, судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан;

- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ҳамда уларнинг шу лавозимда

ишлашга тайёрлигини баҳолаш — судьялик лавозимига номзодларнинг аризаларига биноан, ёки ваколати муддати тугаётган судьяларнинг аризаларига биноан, судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан;

- округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ва уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — судьялик лавозимига номзодларнинг аризаларига биноан, ёки ваколати муддати тугаётган судьяларнинг аризаларига биноан, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати томонидан;

- хўжалик судлари судьялигига номзодларнинг малака имтиҳони ва уларнинг шу лавозимда ишлашга тайёрлигини баҳолаш — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномаси асосида ёки судьялик лавозимига номзодларнинг аризаларига биноан, ёхуд ваколати муддати тугаётган хўжалик судлари судьяларининг аризаларига биноан, хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан ўтказилади.

Судьялар малака ҳайъатининг номзодни юқори судьялик лавозимига тавсия этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси тегишли суд раиси тақдим этган материаллар асосида ёхуд судьяларнинг аризаларига биноан, берилади.

д) *Номзодларни судьялар малака ҳайъати томонидан муайян судьялик лавозимига тавсия этиш.* Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасида турган шахсларнинг судьялик лавозимига лаёқатлилиги даражасини судларнинг ихтисослашувини инобатга олган ҳолда имтиҳон қабул қилиш йўли билан баҳолайди. Бунда уларнинг меҳнат фаолияти, шахси ва дунёқараши эътиборга олинади.

Судьяларнинг малака ҳайъати бўш бўлган судьялик лавозимига тавсия этилган камида икки нафар номзодга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

Судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги хусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори уларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин комиссияга юборилиши кераклигини назарда тутиш лозим. Комиссия судьяларнинг ваколат муддати тугашидан камида бир ой олдин уларни янги муддатга тақдим этиш тўғрисидаги ҳужжатлар кўриб чиқилишини таъминлайди.

е) *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьяси лавозимига номзодларни кўриб чиқиш (кейинги ўринларда — Комиссия).* Судья кадрларни танлаш ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг тасдиғига тақдим этишда қонунийликни таъминлаш мақсадида:

- тақдим этилган номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяси лавозимларига муносиблигини аниқлайди ҳамда мазкур масала бўйича хулосалар беради;

- фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади.

Бунда Комиссия номзодларни ўрганишнинг турли усуллари-дан фойдаланади (суҳбатлашиш, мустақил экспертлар томонидан синаб кўриш, топширилган муаммо бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлаш, тезкор савол-жавоблар ўтказиш ва ҳ.к.).

Айтилганидек, судьялик лавозимларига кадрлар бўйича таклифлар Комиссия томонидан кўриб чиқиш учун бўш судьялик лавозимига камида икки номзоддан иборат ҳолда муқобиллик асосида киритилади. Комиссия мажлисида муҳокама этилаётган номзоднинг шахсий ва касбий сифатлари тўғрисида доимий асосда фаолият юритувчи Комиссия аъзосининг ахбороти тингланади.

Комиссия судья кадрлар бўйича тақдим этилган материалларни ўрганиш ва суҳбатлашиш йўли билан судьяликка номзодларни танлаб олади, уларнинг касб маҳорати даражасини, маънавий фазилатларини (ҳалоллиги ва виждонини сотмаслигини), қобилиятини, шунингдек, ҳуқуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлиги ва малакасини аниқлайди.

Судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тавсия этиш масалалари Комиссия мажлисларида кўриб чиқилагайганда номзодни тақдим этаётган тегишли судьялар малака ҳайъатининг раиси маслаҳат овози билан қатнашиши мажбурийдир. Қарор мажлисида иштирок этаётган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Номзодга овоз бериш чоғида Комиссия аъзоларидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Комиссия мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:

- номзоднинг тақдим этилган судьялик лавозимига муносиблиги тўғрисида;

- номзоднинг тақдим этилган судьялик лавозимига номуносиблиги тўғрисида;

- номзоднинг кейинчалик бўш лавозимга тақдим этиш ҳуқуқи билан судьялик лавозими захирасида қолдирилиши тўғрисида;

- судьялик лавозимига тақдим этилган номзоднинг ҳужжатларини профессионал, ахлоқий ва шахсий фазилатларини қўшимча ўрганиш учун қайтариб юбориш тўғрисида.

Комиссиянинг қарори хулоса тарзида расмийлаштирилади ва мажлисда қатнашган Комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган Комиссия аъзолари хулосани имзолайдилар, уларнинг алоҳида фикри мажлис баён-номасига киритилади.

Агар Комиссия номзодни судьялик лавозимига номуносиб ёки унинг ҳужжатларини қўшимча ўрганиш учун қайтариб юбориш лозим деган хулосага келган ҳолларда бир йил муддат ўтгандан кейин ушбу масаланинг такроран кўриб чиқилишига йўл қўйилади. Бу ҳақда хулосага тегишли ёзув киритилади.

Комиссиянинг хулосасида Комиссиянинг номи, таркиби ва мажлисининг вақти, масаласи кўриб чиқиладиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда уни таърифловчи бошқа маълумотлар, тақдимномани (материалларни) киритган органнинг номи, шунингдек, Комиссия томонидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Материаллар тўлиқ бўлмаган ҳолларда, масалани холисона ечиш мақсадида Комиссия уни кўриб чиқишни кейинга қолдириш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган.

ж) Суд даражаси ва турига, шунингдек, бўлажак судья эгаллайдиган лавозимга қараб, номзодларни судьялик лавозимига кўриб чиқиш ёки тайинлашга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдим этиш.

Номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари лавозимларига муносиблиги тўғрисида Комиссиянинг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларини сайлаш ёки тайинлаш учун Комиссия хулосасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимнома киритади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьяла-

ри лавозимига номзодлар хусусида Комиссия ўз хулосасига асосланиб, уларни тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади.

Суд корпуси шаклланишининг кейинги иккинчи босқичи – **тайинлаш ёки сайлаш** босқичи.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун киритилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

Кўриб чиқиладиган босқичнинг марказий нуқтаси **қасамёд қабул қилиниши** ҳисобланади. Қасамёд судьянинг лавозимга киришининг муҳим тимсолларидан бири ҳисобланади. Қасамёд қабул қилиш судьянинг махсус мақомини, унинг жамият олдидаги жавобгарлигини тимсоллайди. Бундан ташқари, оммавий тарзда қабул қилинган қасамёд юридик ҳодиса ҳисобланади. Ушбу ҳодисанинг юридик аҳамияти судьянинг лавозимга киришиш, давлат номидан одил судловни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтининг қайд қилинишидан иборат бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 64-моддасига асосан, илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Қонунда қасамёд қабул қилиш тартиб-тамойили ҳам назарда тутилган. Судьялар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроги, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Давлат байроғи олдида ҳам тантанали вазиятда қасамёд қиладилар.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисида;

- хўжалик судлари судьялари – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленуми мажлисида;

- Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари – Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли Олий судлари раёсати мажлисида.

Шундай қилиб, юқорида умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари суд корпусини шаклланиш жараёни келтирилди. Лекин бунда Конституциявий суд судьялари лавозимига номзодларни танлаш тартиби очиб берилмаган, чунки бу жараён бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

«Суд корпуси» тушунчасига, одатда, фақат малакали судьялар киришини белгилаб қўйиш керак. Лекин кўп ҳолларда муайян иш бўйича одил судловни амалга оширишда суд таркибида *халқ маслаҳатчилари* ҳам иштирок этади. Қонунда халқ маслаҳатчиларига номзодларга қўйиладиган талабларни ҳам батафсил белгилаб қўйган. Жиноят ишларини кўриб чиқишда иштирок этувчи халқ маслаҳатчилари ушбу функцияни бажариш вақтида судьялар мақомига тенглаштирилган ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Шунинг учун халқ маслаҳатчиларини сайлаш масаласига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 62-моддасига асосан, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўгаётган, сайлов кунида ўн саккиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади. Шу мақсадларда халқ маслаҳатчилари сайлови судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан туман (шаҳар) ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, ҳарбий қисмларда эса ҳарбий қисмлар қўмондонлиги билан биргаликда ташкил этилади.

Бунда судьяларнинг малака ҳайъати:

- халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёни устидан назорат олиб боради;
- халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади;
- халқ маслаҳатчилари сайлови натижаларини яқунлайди;
- сайланган халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади ва тасдиқлайди;
- сайланган халқ маслаҳатчиларига тегишли гувоҳнома беради;
- халқ маслаҳатчилари ўқитилишини ташкил этади;
- халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг иш ёки яшаш жойидаги ёхуд ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизмат жойидаги йирилишларда ўтказилади. Йиғилишлар камида юз сайловчи бўлган меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда ва аҳоли пунктларида ўтказилади. Агар сайловчилар сони юз кишидан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади. Йиғилишлар йирик муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ва ҳарбий қисмларда уларнинг сайловчилар сони камида юз кишини ташкил этувчи таркибий бўлинмаларда ўтказилиши мумкин.

Халқ маслаҳатчилари сайловига бағишланган йиғилишлар бўладиган вақт ва жой ҳақида фуқаролар шундай йиғилиш ўтказилишидан камида уч кун аввал хабардор этилади. Халқ маслаҳатчилигига номзодлар меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан, шунингдек, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

Халқ маслаҳатчилари сайлови ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Муайян меҳнат жамоаси, ҳарбий қисмнинг ҳарбий хизматчилари ёки фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар йиғилишлари қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган шахслар халқ маслаҳатчилари этиб сайланган деб ҳисобланади. Йиғилишда раис, котиб ҳамда беш-етти нафар аъзодан иборат раёсат сайланади.

Йиғилишда баённома юритилиб, унга овоз бериш натижалари киритилади. Баённома раёсат таркибига кирганларнинг ҳаммаси томонидан имзоланади. Йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- йиғилиш ўтказилган муассаса, ташкилот, корхона, ҳарбий қисм ёки аҳоли пунктининг номи;
- йиғилиш ўтказилган жой ва вақт;

- сайловчилар сони;
- халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган ҳар бир номзоднинг исми, отасининг исми, фамилияси;
- халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган ҳар бир номзодни ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони;
- сайланган ҳар бир халқ маслаҳатчисининг исми, отасининг исми, фамилияси, туғилган йили, машғулот тури, яшаш манзили.

Йиғилиш баённомаси имзоланганидан кейин судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига берилади.

Кейин судьяларнинг малака ҳайъати йиғилиш баённомаларига асосланиб, сайлов натижаларини аниқлайди ҳамда ҳар бир суд учун алоҳида-алоҳида халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади. Ушбу рўйхатлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан тасдиқланганидан кейин тегишли судга юборилади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари халқ маслаҳатчилари сайлови натижалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этади, шунингдек, халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида вақти-вақти билан мазкур Комиссияга ахборот бериб туради.

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

10.3. Судьянинг ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби ва усуллари

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар ягона ҳуқуқий мақомга эга ва бир-биридан фақат ваколатлари билан ажралиб туради. Судья мақомининг яхлитлиги барча судьяларнинг асосий ҳуқуқ, мажбурият ва чекланишлари доирасида намоён бўлади. Судья мақомининг яхлитлиги судьялар ҳамжамиятида барча судьяларнинг тенглигини англатади:

- уларнинг ҳуқуқларини бир хилда ҳимоя қилиниши;
- судьялар зиммасига судьялик лавозимида бўлиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар ва чекланишлар юклатилиши;
- жавобгарликка тортиш ва ваколатларни тугатишнинг тенг шароитлари.

Судьяларнинг ваколатлари қуйидагиларга қараб фарқланади:

1) уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судларига, шу жумладан, ҳарбий судларга ёки ҳўжалик судларга тегишлилигига;

2) судьянинг қуйи ёки юқори турувчи судда ишлашига, ишларнинг судловга тааллуқлилиги қоидаларига;

3) судьянинг лавозимига (суд раиси, унинг ўринбосари, судлов ҳайъатининг раиси, биринчи, иккинчи назорат инстанцияси судьяси).

Суд тизими ичидаги барча бошқа ташкилий масалалар, чунончи муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқишда ихтисослашув, ўринбосарлар ўртасида мажбуриятларнинг тақсимланиши ва ҳ.к. Қонуннинг судья мақоми тўғрисидаги нормаларини рўёбга чиқариш мақсадига ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки улар қонун билан белгиланган судья ваколатларини ўзгартирмайди.

Судьянинг ваколатлари унинг ҳуқуқий мақоми ўзагини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Судья ваколатлари доирасини аниқлашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларни икки турга бўлиш мумкин:

- «Судлар тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган ва ихтисослашувидан қатъи назар, барча судьяларга тааллуқли бўлган умумий (универсал) ваколатлар;

- бевосита тармоқ процессуал қонунчилигида белгиланган ва амалга оширилган судлов ишларини юритишнинг турига қараб, фарқ қилувчи махсус (тармоқ) ваколатлар.

Судьянинг ваколатлари унинг ҳуқуқ доирасини белгилайди. Шундай қилиб, судья ваколатлари деганда, тегишинча конституциявий, фуқаролик, маъмурий, ҳўжалик ва жиноят судлов ишларини юритиш орқали суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколатлари мажмуаси тушунилади.

Турли хил судлов ишларини юритишда белгиланган судья ваколатларининг бутун доирасини кўриб чиқишга даъво қилмаган ҳолда «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 65- ва 66-моддаларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этувчи судьянинг умумий ваколатларини санаб ўтамиз, холос.

Қонуннинг 65-моддасида **судьяларнинг қуйидаги ҳуқуқлари** кўрсатилган. Судьялар:

- мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

- мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;

- уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Аввал айтилганидек, Қонуннинг 66-моддаси **судьяларнинг мажбуриятларини** тартибга солади. Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жинойт ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шартлиги назарда тутилган.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириши ёки судьянинг ҳолислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт. Қонуннинг ушбу нормаси судьяларни ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига риоя қилиш билан бир қаторда умумэътироф этилган ахлоқ нормалари ва юриш-туриш қоидаларига риоя қилиш, жамиятда суднинг адолатлилиги, беғаразлиги ва мустақиллигига ишонч уйғотишда кўмаклашишини белгилаб қўяди.

Одил судловни амалга ошириш борасидаги ваколатларига судья бошқа машғулотларига қараганда, устувор аҳамият бериши керак. Судья суд ҳокимияти обрўсини тушириши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслиги ва улардан ўзини сақлаши керак. У ўзининг шахсий манфаатлари ва бошқа шахслар манфаатларидан воз кечиши, лекин судьялик касби нуфузига зарар етказмаслиги лозим. Судья ҳар доим унинг обрўсига зарар еткизиши мумкин бўлган, одил судловни амалга ошириш давомида унинг ҳолислиги ва мустақиллигини шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлардан ўзини сақлаши керак.

Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас

Ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосан, қонун бир шахс қўлида турли ҳокимиятлар — суд ва вакиллик ҳокимияти ваколат-

ларини мужассам этилишига йўл қўймайди. Шунинг учун судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутаты бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек, илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Қонуннинг бундай нуқтаи назари ҳар қандай сиёсий фаоллик, бошқа сўзлар билан айтганда, судьянинг у ёки бу партияга мансублиги, сиёсий манфаатлар ҳимояси, шубҳасиз, одил судловни амалга оширишда судьянинг бефарзлиги ва холислигига салбий таъсир этмай қолмайди, чунки бу ҳолда у, нафақат, Конституция ва қонунга, балки у мансуб бўлган партия низомига ҳам амал қилади. Қонун илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланишга тақиқ қўйиши ҳам тасодиф эмас, чунки бунда амалга ошириладиган пул ҳисоб-китоблари ёмон миш-мишларга сабаб бўлиши ва порахўрлик сифатида баҳоланиши мумкин ва шу орқали адолатли ҳамда самарали одил судлов учун муҳим шарт бўлган судьянинг мустақиллигига тажовуз қилиши мумкин.

10.4. Судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари

Илгари айтиб ўтганимиздек, судья мустақиллиги кафолатларидан бири сифатида судьяларни эгаллаб турган лавозимдан озод қилишнинг қонун билан белгиланган тартиби ҳисобланади. Шубҳасиз, судьялар ва суд ҳокимиятининг холислиги кафолати сифатида судьялар ваколатини тўхтатиб туриш ва тугатишнинг шундай механизмини шакллантириш керакки, у судьялар мустақиллигини таъминлаши ва уларни лавозимидан озод этиш таҳдидини истисно этиши лозим, ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги ва эгаллаб турган лавозимига зид бўлган фаолият билан шуғулланганлик асослари бундан мустасно. Айнан шу мазмундаги тавсия Суд органлари мустақиллиги асосий принципларининг 18-моддасида акс эттирилган ва бу миллий қонунчиликда рўёбга чиқарилган.

Шу билан бирга, судья ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби судья ҳуқуқий мақоми тушунчасининг муҳим таркибий қисмидир. Судья ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш жараёни «Судлар тўғрисида»ги Қонунда, шунингдек, «Судьялар малака комиссиялари тўғрисида» Низомда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низомда батафсил тартибга солинган.

Судья ваколатларини тўхтатиб туриш. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 71-моддаси судья жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколатлари тўхтатилишини назарда тутди. Бундан ташқари, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин, агар:

- судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;
- судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;

• судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.

Айтиш керакки, малака ҳайъати қарори ушбу ҳайъат мажлисида қабул қилинади. Масалани кўриб чиқиш раислик қилувчининг ёки тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни дастлабки текширувини амалга оширган судьялар малака ҳайъати аъзосининг маърузаси билан бошланади. Мажлисида тақлиф этилган шахслар эшитилиши мумкин, керакли ҳужжатлар ва маълумотлар ўрганилади, шундан кейин судья ваколатларини тўхтатиб туриш масаласини кўришда судьялар малака ҳайъати қарор қабул қилади. Судьялар малака ҳайъати мажлисида раислик қилувчи ва судьялар малака ҳайъати котиби томонидан имзоланадиган баёнома юритилади.

Судьялар малака ҳайъати қароридида қуйидагилар қўрсатилади:

- судьялар малака ҳайъати номи, унинг таркиби, ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти; иши кўрилаётган судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми ва мансаби;

- иш ҳолатлари; судьянинг тушунтиришлари ва унинг шахсни тавсифловчи маълумотлар; қабул қилинган қарор ёки хулосанинг далилий асослари; қарор (хулоса) устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари қарорлари ва хулосалари устидан қарор ёки хулоса қайси судья хусусида чиқарилган бўлса, шу судья Судьялар олий малака ҳайъатига шикоят қилиши мумкин. Масалани қайта кўриш тўғрисидаги шикоят ёки тақдимнома қарор қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун ичида қарор чиқарган судьялар малака ҳайъати орқали берилади. Шикоят ёки тақдимнома тушиши биланоқ материал зудлик билан Судьялар олий малака ҳайъатига юборилиши лозим.

Судьялар олий малака ҳайъати шикоят ёки тақдимнома билан келган материални бир ой муддат ичида кўриб чиқади. Судьялар олий малака ҳайъати:

- қарор ёки хулосани ўзгаришсиз, шикоят ёки тақдирномани эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

- қарор ёки хулосани бекор қилиш ва материални янғидан кўриш учун юборишга;

- қарор ёки хулосани бекор қилиш ва материални ўз иш юри-тишига олишга ҳақли.

Судьялар олий малака ҳайъатининг ва ҳўжалик судлари судья-лари малака ҳайъатининг қарори тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисига, умумий юрисдикция қуйи судлари-нинг судьяларига тааллуқли масалалар бўйича эса судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйи-ча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳарбий судлар судьялари малака ҳайъатларининг қарор-лари ёки хулосалари қарор ёки хулоса қайси судья хусусида чиқарилган бўлса, шу судьяга уч кунлик муддат ичида юборилади. Мазкур малака ҳайъатларининг қарорлари ёки хулосалари улар устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни тан-лаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссия-сига юборилади.

Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади. Юқорида қайд этилганидек, қонунда судья қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақлилиги назарда тутилади.

Судьялик ваколатларининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўла-ниши тўхтатилишига ёки унинг иш ҳақи миқдори камайтирили-шига, судьянинг таъминоти даражасини пасайтиришга ва судья-ни «Судлар тўғрисида»ги Қонунда белгиланган дахлсизлик кафо-латларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан ҳибсга олиш чораси танланган ҳоллар бундан мустасно.

Судья ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. «Судлар тўғри-сида»ги Қонуннинг 72-моддаси судья ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари ва тартибини белгилайди.

Қонун билан судья ваколатларини муддатидан илгари туга-тишнинг қуйидаги асослари назарда тутилган:

- 1) судья судьялик қасамёдини бузган тақдирда;

- 2) судья ёзма ариза берган тақдирда;

- 3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлан-тириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимида зид фаолият билан шуғулланишни давом этти-раверган тақдирда;

4) судья суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

5) судья Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

6) судьяга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

7) судья суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

8) судья соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра, узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Судьялар ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тартиби суд тизимининг турли бўғинлари ва даражаларида эгаллаб турган судьялик лавозимида боғлиқ ҳолда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимномани судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига киритиш ҳуқуқига эга.

Судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги тақдимнома ва материаллар:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларига нисбатан — Судьялар олий малака ҳайъатига;

- бошқа судларнинг судьяларига нисбатан — судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборилади.

Судьяларнинг малака ҳайъати судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишга розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида хулоса чиқаради. Судьялар малака ҳайъатининг хулосаси кечи билан беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 72-моддасида назарда тутилган асосларга кўра:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан;

• вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Ресиубликаси Президенти томонидан;

• Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Ресиубликаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг хулосасига асосан киритиладиган тақдимномасига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан муддатидан илгари тугатилади.

10.5. Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ва судьяларнинг малака ҳайъатлари

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 65-моддасига асосан, судьялар уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга. 1996 йил 29 августдаги биринчи чақириқ Олий Мажлисининг VI сессиясидаги нутқда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон судьялари ассоциациясини ташкил этиш масаласини кўтарди. Тегишли тайёргарлик ишлари ўтказилгач, 1997 йил 12 сентябрда биринчи марта таъсис йиғилиши чақирилди ва унда Ўзбекистон судьялари аасоциациясини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилинди, Ассоциация низоми ва Ўзбекистон Республикаси судьяларининг суд этикаси қоидалари тасдиқланди.

Ўзбекистон судьялари ассоциацияси судьяларнинг ихтиёрий жамоат бирлашмаси бўлиб, ўз фаолиятини ихтиёрийлик, ўзини ўзи бошқариш, демократия, қонунийлик, ошкоралик ва ўз аъзолари олдида ҳисобот бериш принципларига асосланган ҳолда амалга оширади.

Судьялар ассоциациясининг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилар:

а) суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

б) одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлашда судьяларга кўмаклашиш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

в) суд мустақиллигини кучайтириш ва суд ҳокимиятини бошқа ҳокимиятлардан мустақиллигини таъминлашда ёрдам бериш;

г) судьяларни тайинлаш (сайлаш) ва қайта тайинлаш (қайта сайлаш) масалалари бўйича таклифлар киритиш;

д) судьяларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг моддий таъминоти ва рағбатлантириш масалалари бўйича ваколатли органларга таклифлар киритиш;

е) аъзолари номидан давлат, жамоат ва бошқа ташкилот ва муассасалар ишида иштирок этиш;

ж) одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

з) ассоциация мақсадларига хизмат қиладиган қонун ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларига тақдим этиш;

и) ассоциация фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича қонунчилик ташаббусига эга бўлган ва бошқа органларга мурожаат этиш;

к) нодавлат халқаро жамоат ташкилотлари аъзоси бўлиш ва улар таркибида фаолият кўрсатиш;

л) илм-техника ютуқлари ва илғор тажрибани татбиқ қилишда суд фаолиятига ёрдам бериш;

м) судьялар ва судьяликка номзодлар учун ўқув ва амалий машғулотларни ташкил этишда ёрдам бериш;

н) аҳоли орасида қонунларни тарғиб қилиш ишида иштирок этиш.

Ўз фаолиятини амалга ошириш давомида Ўзбекистон судьялари ассоциацияси суд фаолиятига аралашмаслик принципига амал қилиши керак. Ассоциациянинг олий органи — съезд ҳисобланади. Съездлар ўртасида ижроия орган вазифасини муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан 4 йиллик муддатга йиғилиш томонидан сайланадиган марказий кенгаш бажаради.

Судьялар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларига эга. Филиалларнинг олий органи йилида камида бир марта чақириладиган конференция ҳисобланади.

2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ахборотнома, 2005 йилдан эса «Ҳуқуқшунос» журналинини нашр эта бошлади. Унда ассоциация ва унинг аъзолари фаолияти, суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва амалдаги қонунчиликнинг ўзгартириш ва қўшимчалари тўғрисида ахборотлар бериб берилди.

Судьялар малака ҳайъатлари. Суд кадрлари билан ишлаш, муносиб номзодларни тақдим этиш ва судьяларнинг мустақиллиги кафолатларини оширишнинг демократик асосларини кучайтиришда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига, асосан, алоҳида эътибор судьялар малака ҳайъатларига қаратилган.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Судьялар олий малака ҳайъати:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлашда иштирок этади;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислиги ва раис ўринбосарлигига, хўжалик суди судьялигига номзодларнинг шу лавозимларда ишлашга тайёрлигини баҳолайди;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларининг малака аттестациясини ўтказиб туради;

4) судьяларга малака даражалари беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларини, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларини маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласини кўради;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари ва раис ўринбосарларининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

8) судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулоса беради;

9) юқоридаги 2-бандида санаб ўтилган лавозимларга судьялар захирасини шакллантиради.

Судьялар олий малака ҳайъати фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари қарорлари устидан берилган тақдимнома ва шикоятларни ҳам кўради.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

2) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьялигига номзодларнинг шу лавозимларда ишлашга тайёрлигини баҳолайди;

3) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларининг вақти-вақти билан малака аттестациясини ўтказиб туради;

4) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларини маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласини кўради;

5) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради;

6) Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судлар судьяларининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

7) судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулоса беради;

8) судьялар захирасини шакллантиради;

8¹) судьялик лавозимларига захирада турган шахсларни белгиланган тартибда ўқитишни ташкил этади;

9) халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил қилади.

Судьяларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганишда талабалар *Ўзбекистон Республикасида барча судьялар ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ягона ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, шу вақтнинг ўзида ваколатлари билан ажралиб туришига эътиборларини қаратишлари лозим.*

? НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Судья мақомига тушунча беринг.
2. Судьялик лавозимига номзодларга қандай талаблар қўйилади?
3. Судьяликка номзодларни танлаш қандай амалга оширилади?
4. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатларини айтинг.
5. Судьялар дахлсизлигининг қандай кафолатлари мавжуд?
6. Судьяларнинг малака аттестациясини ўтказиш вазифалари ва тартиби.
7. Судьяларнинг малака даражаларини санаб ўтинг.
8. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартибининг тавсифлаб беринг.
9. Судьялар малака ҳайъатлари нима?
10. Судьялар ваколатини тўхтатиб туриш қандай тартибда амалга оширилади?
11. Қайси ҳолларда судья ваколатларини муддатдан илгари тугатишга йўл қўйилади?

МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. Суд корпуси шаклланиш жараёнини таҳлил қилинг. Иш шакли — *реферат*.
2. Судьялар ваколатини тўхтатиб туриш асосларини кўриб чиқинг. Иш шакли — *реферат*.
3. Чет давлатларида судьяларнинг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилинг. Иш шакли — *реферат*.
4. Чет давлатларида судьялар мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари. Иш шакли — *реферат*.
5. Турли давлатлар суд ҳамжамиятларини ўрганиб чиқинг. Иш шакли — *реферат*.

Ахборот услубий таъминот

1. *И.А. Каримов*. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август). Т., «O'zbekiston», 2007.

2. *И.А. Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуғчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр). Т., «O'zbekiston», 2010.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «NORMA» ахборот-хуқуқий тизими.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Судлар тўғрисида»ги 924-ХII сонли Қонуни (янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II сонли Қонуни билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-хуқуқий тизими.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 103-I сонли Қонуни. «NORMA» ахборот-хуқуқий тизими.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомга, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-103-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007, № 29—30, 296-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-3994-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси. Т., 2008, № 5, 253-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида»ги ПФ-2599-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3725-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-896-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июлдаги «Судьяларни тайинлаш ва бўшатиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссияни тузиш тўғрисида»ги Ф-1038-сонли Фармойиши.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 147-қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.
11. «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази

тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2008, № 26—27, 248-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725-сонли Фармониغا 3-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2006, № 12—13, 101-модда.

13. «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-II сонли қарори билан тасдиқланган). «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

14. «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2003, № 5—6, 54-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 28 декабрдаги «Фуқароларнинг суд ишларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида»ги 31-қарори. «NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

Махсус адабиётлар

1. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанидан ўқув-услубий қўлланма (лотин алифбосида). Т., ТДЮИ, 2010, 404-бет.

2. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий кафолатлари. Рисола. Т., ТДЮИ, 2009, 34-б.

3. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришнинг тушунчаси ва аҳамияти. «Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили» журнали. Т., 2009, № 3—4, 62—66-бет.

4. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Судьяларни жавобгарликка тортиш тартиби ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. ТДЮИ ахборотномаси. Т., 2010, № 4, 141—143-бет.

5. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашда судьялар корпусини шакллантиришнинг роли, аҳамияти ва моҳияти. ТДЮИ ахборотномаси. Т., 2010, № 6, 157—159-бет.

6. Ж.Ҳ. Абдурахмонхўжаев. Судьяликка номзодларга қўйиладиган талабларни такомиллаштиришнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий масалалари. ТДЮИ ахборотномаси. Т., 2011, № 1, 72—76-бет.

7. *М.И. Клеандров.* Судебные системы государств – участников СНГ: законодательное обеспечение. М., «Юрист», 2002.

8. *А.А. Муҳаммадиев.* Конституция ва суд ҳокимияти тамойиллари. ТДЮИ ахборотномаси. Т., 2010, № 6, 147–148-бет.

9. *Ф.Ф. Мухитдинова.* Демократизм и социальная справедливость при подборе судебных кадров. Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. Т., 2002, № 3–4.

10. *Б. Мустафеев.* Укрепление независимости судов – веление времени. Газета «Народное слово», 24 февраля 2007 года.

11. *М.Ҳ. Рустамбоев, У.А. Тухташева.* Суд ҳокимияти ва Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлар. Илмий-публицистик нашр. Т., ТДЮИ, 2009, 559-бет.

12. *А.А. Эргашев.* Суд ҳолислиги инсон ҳуқуқлари таъминланишининг кафолати. Рисола. Т., ТДЮИ, 2008, 27-бет.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

1-бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-боб. «СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

1.1. Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тушунчаси	6
1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари (функциялари) ва уни амалга оширувчи органларнинг умумий таърифи	14
1.3. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг тушунчаси ва мазмуни	20
1.4. «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» фанининг юридик фанлар тизимида ўрни	21
1.5. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисидаги қонунчилик	23

2-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

2.1. Суд ҳокимияти ҳокимиятлар бўлиниши тизимида. Суд ҳокимияти: тушунчаси ва асосий белгилари	36
2.2. Мустақил Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиши	43
2.3. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти	56
2.4. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг умумий таърифи	70
2.5. Суд тизими бўғини ва суд инстанцияси тушунчаси	73

3-боб. ОДИЛ СУДЛОВ ТУШУНЧАСИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

3.1. Одил судлов ва унинг демократик принциплари	80
3.2. Қонунийлик принципи	87

3.3. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши	89
3.4. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсиниши	92
3.5. Одил судловни барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш	96
3.6. Барча судларда ишларнинг ошкора кўрилиши	98
3.7. Суд ишлари юритиладиган тил	101
3.8. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш	103
3.9. Айбсизлик презумпцияси	111
3.10. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш	114
3.11. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципи ...	119
3.12. Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштироки	121

II бўлим. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ

4-боб. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ

4.1. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди — умумий юрисдикция судларининг асосий бўғини, уларнинг ваколатлари	129
4.2. Туманлараро, туман (шаҳар) судида ишни ташкил этиш	135
4.3. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари	142

5-боб. УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИНИНГ ЎРТА БЎГИНИ

5.1. Ўрта бўғин судлари ва уларнинг ваколатлари	148
5.2. Ўрта бўғин судларининг таркиби ва тузилиши	154
5.3. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ваколатлари ва мазкур судларда ишни ташкил этиш	156

6-боб. ҲАРБИЙ СУДЛАР

6.1. Ҳарбий судларнинг вазифалари ва Ўзбекистон Республикаси суд тизимида уларнинг ўрни	164
6.2. Ҳарбий судларнинг ривожланиш босқичлари	167
6.3. Ҳарбий судларни ташкил этиш ва судловга тааллуқлилиқ асослари	173

**7-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ**

7.1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд тизимидаги ўрни. Олий суд ваколатлари	179
7.2. Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил этиш, таркиби ва тузилиши	181
7.3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари ва судлов ҳайъати раислари	187
7.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати. Илмий-маслаҳат кенгаши	189
7.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди шаклланишининг асосий босқичлари	191
7.6. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази	196

**8-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ**

8.1. Хўжалик судлари вазифалари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги ўрни	202
8.2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди: шаклланиш тартиби, таркиби, тузилиши ва ваколатлари	207
8.3. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари	213

**9-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ**

9.1. Конституциявий назорат, унинг тушунчаси ва асослари	218
9.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, унинг ваколатлари	224
9.3. Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари	236
9.4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг ташкил этилиши асослари	240
9.5. Конституциявий суд қарорлари, уларнинг турлари, мазмуни, юридик аҳамияти ва тузилиши	255
9.6. Конституциявий суд девони, унинг вазифалари ва ташкил этиш тартиби	257
9.7. Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши	260

10-боб. **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
СУДЬЯЛАР МАҚОМИ**

10.1. Судьялар мақоми тушунчаси, унинг умумий тавсифи	264
10.2. Судьялар корпусини (унинг захирасини) ташқил этиш тартиби	273
10.3. Судьянинг ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби ва усуллари	284
10.4. Судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари	287
10.5. Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ва судьяларнинг малака ҳайъатлари	291

МИРЗАЮСУФ ҲАКИМОВИЧ РУСТАМБОЕВ,
УМИДА АБДИЛОВНА ТУХТАШЕВА

СУД ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Икки жилдли

1 - жилд

Тошкент — «ILM ZIYO» — 2011

Муҳаррир *И. Усмонов*
Вадиий муҳаррир *Ш. Одилов*
Техник муҳаррир *Ф. Самадов*
Мусаҳҳиҳ *А. Муҳамедова*

Ноширлик лицензияси АІ № 166, 23.12.2009 йил.

2011 йил 19 октябрда чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x90¹/₁₆.
«Таумс» ҳарфида териблиб, офсет усулида чоп этилди. Босма
табоғи 19,0. Нашр табоғи 18,5. 500 нусха. Буюртма № 50
Баҳоси шартнома асосида.

«ILM ZIYO» нашриёт уйи. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.
Шартнома № 52 — 2011.

«PAPER MAX» хусусий корхонасида чоп этилди.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

**P89 Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. СУД ВА
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАН-
ЛАР.** Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Икки
жилдли. 1-жилд). Т.: «ILM ZIYO», 2011.—304 бет.

И. Муаллифдош

УДК347.97/99(075)(575.1)

ВВК

ISBN 978—9943—380—28—8

«ILM ZIYO»



СУД ВА ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

I